



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ

№1 (53) 2023

# АХБОРОТНОМАСИ

Et dosere et discere servitute legis

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ПРИНЦИПЛАРИ

К ВОПРОСУ ОБ  
УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ  
ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА  
КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ВА  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

«THE ROLE OF INSURANCE  
COMPANIES IN COMPENSATING  
CYBERCRIME VICTIMS»





## МУАССИС:

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

#### Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

#### Масъул котиб:

Давурхон Нодиров

#### Таҳрир кенгаши:

Ниғматилла Йўлдошев

Баҳриддин Валиев

Эркин Юлдашев

Дилшод Рахимов

Мирақбар Раҳмонқулов

Акмал Саидов

Раҳим Ҳақимов

Патрик Олссон

Ичихаши Кацуя

#### Таҳрир ҳайъати:

Ҳалим Болтаев

Бахтиёр Пўлатов

Фаҳри Раҳимов

Музаффаржон Мамасиддиқов

Уйғун Нигмаджанов

Ваҳобжон Каримов

Гулчеҳра Маликова

Баҳодир Исмаилов

Матлуба Аминжоновна

Авазбек Комилов

Адхам Одинаев

Бахтиёр Каюмов

Мухтарам Раджапова

Хуршид Каримов

Носиржон Аскарлов

Алишер Ҳидоятуллаев

Истам Астанов

Музаффар Дўстқориев

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олиниб, 2023 йил 25 мартда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

#### Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.

web-site: www.proacademy.uz

e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

**Сарварбек БАБАЖАНОВ**

Буюртма №278-23 Адади 594

Журнал «Credo Print» МЧЖ китоб

фабрикасида чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:**

Тошкент ш., Боғишамол к. 160.

Тел.: 71 234-44-01/05. www.credoprint.uz

## МУНДАРИЖА

<b>Б.ПУЛАТОВ</b>	Янги Ўзбекистон прокуратурасига 31 йил	<b>3</b>
<b>Р.ЗУФАРОВ</b>	К вопросу об уголовной ответственности юридических ЛИЦ	<b>8</b>
<b>А.МАХМУДОВ</b>	Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принциплари	<b>13</b>
<b>М.САИДОВ</b>	Роль современной технологии и искусственного интеллекта в осуществлении и защите прав участников общества с ограниченной ответственностью	<b>19</b>
<b>Г.САЪДИЕВА</b>	Эрон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олишининг аҳамияти	<b>24</b>
<b>В.КАРИМОВ, Ў.ЭЛМУРАТОВ</b>	Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш хусусиятлари	<b>28</b>
<b>И.МАХМУДОВ, Д.РЫСКУЛОВ</b>	Возможности использования психологических технологий для обеспечения верховенства закона (на примере антикоррупционной работы)	<b>34</b>
<b>С.АЛИМУХАМЕДОВ</b>	Децентрализация системы государственного управления: важный институт в повышении эффективности органов государственной власти на местах	<b>38</b>
<b>У.АШУРОВ</b>	Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича айрим мулоҳазалар	<b>44</b>
<b>А.АЗИМОВ</b>	Давлат бошқаруви тизимида прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти	<b>48</b>
<b>Х.КУЧКАРОВ</b>	Юқори инстанция судларида суд қарорларини бекор қилиш ва ўзгартиришининг умумий асослари	<b>55</b>
<b>З.МИРМАҲМУДОВ</b>	Маҳқумларни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш жараёнида вужудга келадиган айрим масалалари	<b>60</b>
<b>Ф.РАМАЗАНОВА</b>	Ўзбекистон Республикасида экстремизм, терроризм ва радикаллашувга қарши курашининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари	<b>65</b>
<b>А.АЧИЛОВ</b>	Ташқи иқтисодий фаолиятда коррупциявий жиноятлар ва жавобгарлик масалалари	<b>70</b>
<b>Б.КАДИРОВА</b>	Қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш	<b>74</b>
<b>М.БОБОЕВ</b>	Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ҳолати ва ташкилий-ҳуқуқий асослари	<b>79</b>
<b>Т.КЕНЖАЕВ</b>	Международные документы в области антикоррупционной экспертизы проектов законодательства в рамках Содружества Независимых Государств	<b>82</b>
<b>Г.РАСУЛОВА</b>	Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва прокуратура органларининг ҳамкорлик масалалари	<b>87</b>
<b>А.БОБОҚУЛОВ</b>	«The role of insurance companies in compensating cybercrime victims»	<b>92</b>
<b>М.АБДУЛЛАЕВА</b>	Халқ таълимида маъмурий бошқарув ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ коррупциявий омиллар таҳлили	<b>95</b>
<b>У.ШАМШИДИНОВ</b>	Фуқаролик процессида прокурорнинг судга мурожаат қилиш шаклини такомиллаштириш масалалари	<b>101</b>
<b>Ш.АМИНОВ</b>	Жамият тараққиётида ички ишлар ходимининг маданияти	<b>106</b>
<b>Д.РАДЖАПОВ</b>	Соғлиқни сақлаш кодексини ишлаб чиқишнинг зарурати ва омиллари	<b>109</b>
<b>М.РАХИМОВ</b>	Дунёда транспорт воситалари ёрдамида содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар	<b>112</b>



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРОКУРАТУРАСИГА 31 ЙИЛ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада мамлакатимизда прокуратура органлари ходимлари кунини белгилашнинг тарихий манбалари, бу сана орган ходимлари мақомини аниқлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиб келаётгани, Ўзбекистоннинг янги даврида прокуратура органларининг қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгаргани ва уларнинг фаолиятида “қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили бош мезонга айлантирилгани ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье освящены исторические данные определения дня работников органов прокуратуры нашей страны, это дата служит уточнению статуса сотрудников этого органа, а также, повышению эффективности деятельности по обеспечению прав и свобод граждан, защите их интересов. В период нового Узбекистана облик этого органа коренным образом изменился и принцип «Верховенства - закона, неотвратимость - наказания» стал главным принципом их деятельности.

**ABSTRACT.** This article consecrates the historical data of determining the day of employees of the prosecutor's office of our country, this date serves to clarify the status of employees of the prosecutor's office, as well as to increase the efficiency of ensuring the rights and freedoms of citizens, protecting their interests. During the period of the new Uzbekistan, the image of the prosecutor's office has been completely changed and the principle of "The rule of law and the inevitability of punishment" has become the main principle of their activities.

**Калит сўзлар:** прокуратура органлари ходимлари куни, ходимлар мақоми, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, улар манфаатини ҳимоя қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг янги даврида прокуратура, “қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили бош мезон.

**Ключевые слова:** День работников органов прокуратуры, статус сотрудников, повышения эффективности обеспечения прав и свобод граждан, защиты их интересов, прокуратура в период нового Узбекистана, «Верховенства - закона, неотвратимость - наказания» главный принцип.

**Key words:** Day of employees of the prosecutor's office, the status of employees, improving the efficiency of ensuring the rights and freedoms of citizens, protecting their interests, the prosecutor's office in the period of the new Uzbekistan, "Supremacy - the law, inevitability - punishment" is the main principle.

“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг<sup>1</sup> қабул қилинишига замин мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ яратилиб, миллий прокуратуранинг пайдо бўлиши ва шаклланишига алоҳида эътибор берилиб, бу йўналишдаги биринчи илдам қадам - прокуратура органларини иттифоқ марказидан ҳақиқий мустақиллигига эришиш юзасидан қилган саъй-ҳаракатлари бўлди.

Яъни, 1990 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш тўғрисидаги дадил ва жасоратли сиёсий қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда биринчи марта иттифоқ доирасида Ўзбекистон прокурори ҳамда унинг ўринбосарлари илгаригидек иттифоқ Бош прокуро-

ри томонидан эмас, республика Президентининг тақдимномасига биноан мамлакат парламенти томонидан тайинланиши мустақамланди ва Ўзбекистон Республикаси прокурорининг фақат Ўзбекистон Республикаси парламенти ва Президенти олдидаги ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги белгиланди.

1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Мурожаати ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида”ги қонун прокуратура органларининг ҳақиқий мустақиллиги ва мутеликдан озод бўлганлигини таъминлади.

Айнан шу қонунга мувофиқ 1992 йилнинг 8 январь кундаги Ўзбекистон Президентининг фармонида мувофиқ иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди, яъни мустақил мамлакат прокуратураси ташкил топди. Шу йил-

1 Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуни, 2016 йил 19 декабрь, № ЎРҚ – 414 – сон.



нинг 24 январь кунидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 33-сонли қарори прокурорларнинг ўзларига юклатилган назорат ваколатларини эркин равишда амалга оширишда ҳақиқий мустақиллигини таъминлашда ижобий роль ўйнади<sup>2</sup>.

8 январни прокуратура органлари ходимлари куни деб белгиланиши прокуратура органлари ходимлари мақомини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини оширишга, уларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга ҳамда уларнинг касбий фаолиятларида янада масъулиятли бўлишларига хизмат қилиб келмоқда.

Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада қонунбузарлик ва жиноятчилик собиқ иттифоқнинг сарқити сифатида жуда кенг тус олган эди. Турли жинойи унсурлар ҳудуд ва объектларни ўзаро тақсимлаб, ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар ваколатига кирадиган масалаларни ҳам ҳал эта бошлаган. Вазият шу даражада бўлганки, жиноят олами “етакчилари” ўзига тўқ фуқароларга “солиқ солиш”, зўрлик билан уларнинг мол - мулкни тортиб олиш, яқинларини қўрқитиш, гаровга олиш, қийнаш ва ўлдиришгача бориб этганлар.

Ана шундай оғир ва мураккаб кезларда прокуратура органларига мамлакатда қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органларининг жиноятларга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштиришдек ўта масъулиятли вазифалар топширилди. Шундай оғир ва таҳликали вазиятда прокуратура ходимлари жиноят олами вакилларига, турли жинойи гуруҳлар ва тўдаларга қарши самарали ва мардонавор курашди. Зиммаларига юклатилган ҳар қандай вазифани юксак масъулият ва фидойилик билан бажардилар.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган республика Конституциясининг 24 бобида (118-121-м.м.) Ўзбекистон Республикаси прокурорига - Бош прокурор мақоми ва прокуратуранинг ваколатлари ва мавқеи белгилаб берилди. Мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланди<sup>3</sup>. Ана шу конституциявий норма асосида 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғри-

сида»ги қонуни қабул қилиниши миллий қонунчилик тизимини яратиш йўлидаги ишларнинг ёрқин ифодаси бўлиши билан биргаликда, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асоси ҳисобланган бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принципларини ўзида акс эттирди. Бу эса миллий қонунчилик тизимини яратиш йўлидаги ишларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу даврга қадар аҳолининг аксарият қисми прокуратура органларини давлат бошқарувининг негизини ташкил этувчи сиёсий режим манфаатларига хизмат қилувчи восита ёки қурол сифатида тасаввур этган. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва миллий прокуратуранинг ташкил топиши прокуратуранинг ҳақиқий халқ, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи орган сифатида шаклланишига замин яратди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган жиддий ислохотлар прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, унинг мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатларини кучайтиришни тақозо этарди.

Суд – ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, умуман олганда, прокуратура органлари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиб, уни шу кун талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шахс ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш прокуратура органлари фаолиятини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ўзининг тарихий вазифасини бажарди. Яъни, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан мамлакатда талаб даражасидаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ўрнатилди. Унга бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи прокуратура органлари учун жуда зарур бўлган дастлабки тўртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида прокуратура органлари ўзининг махсус ўрнига эга бўлиб, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принцип-

2 Ўзбекистон ССР Қонуни “Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, 1990 йил 1 ноябрь.

3 Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. –Т.: Ўзбекистон, 2008 йил, 446-459 б.б.



ларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этди. Қуйи бўғинда турувчи прокурорлар маҳаллий ва бошқа давлат органларига бўйсунмаган ҳолда юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобот бериш асосида фаолият кўрсатиши белгилаб берилди.

Натижада заруратга қараб прокуратура тизими ривожлантирилди, прокуратура фаолиятининг услуб ва шакллари такомиллаштирилди. Унинг ҳуқуқий мақоми ва давлат-ҳуқуқий институтлари тизимидаги ўрни мустаҳкамланди<sup>4</sup>.

2001 йил 29 августда замонга ҳамнафас руҳда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг прокуратурага бағишланган XXIV боби талабларини тўла сақлаб қолиш билан бирга, уни шу талаблар асосида янги мазмун ва демократик тамойилларнинг ҳозирги босқичидаги вазифалар билан бойитишга алоҳида аҳамият берилганлиги эътиборга моликдир.

Прокурор назорати фаолиятдан фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат функцияси чиқариб ташланди. «Прокуратура жиний жавобгарликни таъқиб этувчи орган» ёки содда қилиб айтганда, «қораловчи идора» каби тушунчаларга барҳам берилди.

Эндиликда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ушбу қонунга асосан прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш борасида янги нормалар киритилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясининг таъминланиши прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезони сифатида мустаҳкамлаб қўйилди<sup>5</sup>.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари кунини касбий байрам сифатида нишонлаш ташаббуси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга тегишлидир. Энг муҳими, юртбошимиз Президент сифатида имзолаган биринчи қонундир. Бу кун ўз ҳаётини қонун ва адолат устуворлигини таъминлашга баҳшида этган, ўз тақдирини прокуратура органлари фаолиятига бағишлаган ҳар бир инсон учун қадрлидир.

Албатта, ҳозирги баъзан серташвиш кечаётган

кунлар, маълум маънода кўнгилни хира қилувчи айрим муаммолар ва мураккабдек туюлган синовлар ўткинчидир. Қалби пок, ҳасад ва ифволардан холи, аввало, инсонийлик мақомини ҳар нарсадан устун қўядиган, Ватан ва халқ манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғун кўра оладиганларгина бундай синовлардан шараф билан ўтади. Қонун посбони деган юксак мақомга муяссар бўлган прокуратура ходимлари учун ҳам бундай ҳаётий ҳақиқатлар устувор бўлиши лозим.

Ўтган даврда прокуратура органларининг фаолияти ислохотларга ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб борилди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев асос солган тараққиётимизнинг янги босқичида жамиятда адолатни қарор топтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли ва мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузасида «Аввало, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор. Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйлаяпмиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади» деб қайд қилди.

Мазкур ғоялар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сон қонуни билан «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасининг 8-қисми янги таҳрирда баён этилди. Унга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳар-

4 «Прокуратура тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-597-сонли қонуни таҳририда, қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.

5 Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида \Халқ сўзи. 2001 йил. 30 август.

лар прокурорлари: ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши, зарур бўлган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиши, прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиши, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошқора амалга ошириши белгиланди<sup>6</sup>.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш; шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирор-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш; ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш тақиқланди, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига бир қатор мажбуриятлар юкланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 январда прокуратура органлари ходимлари куни олдидан соҳа ходимлари билан учрашувда “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бў-

лишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак, прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади, қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт”<sup>7</sup> деб таъкидлади. Ушбу фикрлар прокуратура органлари фаолиятида дастуруламал бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мастақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сонли қарорига кўра, халқимиз учун энг улуғ ва азиз бўлган айём “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” ғояси асосида кенг нишонлаш белгиланди. “Янги Ўзбекистон” деганда, янги иш услуби, инсонга янгича муносабат назарда тутилади. Халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш, одамларни рози қилиш тамойилини амалга ошириш – янги Ўзбекистоннинг ўзига хос чизгилари, десак муболаға бўлмайди. Халқимизнинг фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш барчамизнинг олий мақсадимиздир.

Ўзбекистоннинг янги даврида суд-ҳуқуқ соҳасида қисқа муддатда амалга оширилган ислохотлар прокуратура тизимида ҳам мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Президентимизнинг ташаббуси ва эътибори туфайли прокуратура органларининг бутун қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгарди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимида навбатдаги муддатга киришиш маросимидаги нутқида, бугунги кундаги устувор вазифалар “инсон – жамият - давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этилиши таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган Тараққиёт стратегияси прокурорлардан том маънодаги янгиланишни, ўзгаришни талаб қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш белгилаб берил-

6 7 “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда ва шу модда тўққизинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда



ди<sup>7</sup>. Буларнинг барчаси мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг роли муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида “Аввал – инсон, кейин жамият ва давлат” ғояси Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам сингдирилиши кераклиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлиги, қонун

талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият эканлиги ва бу ҳақиқатни Бош прокурор ва ички ишлар вазири ҳар бир ходимга етказиб, таъсирчан назорат ўрнатиши лозимлиги, қайд қилинди.

Прокуратура органларининг ҳар бир ходими конституциявий устувор тамойил ва қоидаларни ҳамда мамлакатимиз Президенти ғояларини тўлиқ рўёбга чиқиши учун Ўзбекистоннинг янги ютуқларига ҳисса қўшишни, юртбошимиз ишончига муносиб ва ҳаётбахш сиёсатига содиқ бўлиб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билади.

.....  
#  
\_\_\_\_\_

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”-ги фармони.



Рустам ЗУФАРОВ,  
Профессор кафедры «Уголовное право, криминология и борьбы с коррупцией»  
ТГЮУ, доктор юридических наук

## К ВОПРОСУ ОБ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ

**АННОТАЦИЯ.** Характеризуются соотношение видов ответственности юридических лиц в Республике Узбекистан в современном правовом порядке, а также некоторые вопросы корпоративной уголовной ответственности.

**АННОТАЦИЯ.** Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг жазога тўғри келадиган ҳуқуқий тартибда жавобгарлик турларининг нисбатини ҳамда корпоратив жиноий жавобгарликнинг айрим масалаларини тавсифлайди.

**ANNOTATION.** characterizes the ratio of types of liability of legal entities in the Republic of Uzbekistan in the modern legal order, as well as some issues of corporate criminal liability.

**Ключевые слова:** корпоративная уголовная ответственность, юридическое лицо, общественная опасность, наказание.

**Калит сўзлар:** корпоратив жиноий жавобгарлик, юридик шахс, жамоат хавфи, жазо.

**Key words:** corporate criminal liability, legal entity, public danger, punishment.

Одним из основных задач современного уголовного законодательства Республики Узбекистан является повышение уровня защиты прав и законных интересов субъектов правоотношений.

Сегодня в Узбекистане к уголовной ответственности можно привлечь только физических лиц, в то время как юридические лица не являются субъектами преступления и в соответствии с национальным законодательством, к юридическим лицам, совершившим правонарушения, может быть применена гражданско-правовая и административная ответственность. Такая практика была и в других сопредельных странах, но с течением времени она начала меняться.

Наша страна не знала института уголовной ответственности юридических лиц. Он не является для нас традиционным. В советский период уголовное законодательство и теория уголовного права в целом исходили из недопустимости привлечения к уголовной ответственности юридических лиц.

Лишь в конце XX в. эта тема вновь стала подниматься в научной литературе. В какой-то степени это было обусловлено необходимостью реформирования уголовного законодательства в целом.

В настоящее время проблема уголовной ответственности юридических лиц довольно широко обсуждается в юридической среде и уголовный закон в качестве субъекта преступления рассматривает только физическое лицо.

Физическое лицо, будучи одним из основных

элементов состава преступления в уголовном праве обладает рядом специфических признаков, имеющих значение для решения вопроса о привлечении его к уголовной ответственности.

В качестве обязательных признаков субъекта уголовного права признается то, что он представляется как физическое, вменяемое лицо, достигшее определенного возраста, установленного уголовным законом. Факультативный признак характеризует специального субъекта преступления, определенного доктриной уголовного права.

На квалификацию преступления могут оказать влияние только два из названных признаков - возраст и признак специального субъекта. Анализ различных точек зрения ученых-юристов<sup>1</sup>, позволяют прийти к выводу о необходимости соглашения с авторами, утверждающими, что законодательное закрепление в Уголовном Кодексе правовой нормы, создало непреодолимые препятствия для квалификации действий лиц, которые не обладают признаком специального субъекта преступления, но принявших непосредственное участие в его совершении.

Законодательное положение, сформулированное в уголовном законе, не является абсолютным, применимым ко всем, без исключения случаям соучастия в преступлении, совершаемом специальным субъектом. В связи с этим возникает серьезное сомнение в целесообразности включения в закон этого и подобных ему положений теории уголовного права, нуждающихся в дополнитель-

1 См.: Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002; Волженкин Б.В. Уголовная ответственность юридических лиц. - СПб, 1998



ных уточнениях и оговорках.

Необходимо также иметь в виду, что в ряде составов преступлений специальный субъект характеризуется не только наличием дополнительных признаков, но и специфическими условиями признания лица специальным субъектом преступления. Один лишь факт формального нахождения лица в сфере специальных общественных отношений еще не означает, что допущенное им нарушение специальных обязанностей должно повлечь за собой уголовную ответственность.

В вопросе квалификации подобных ситуаций необходимо обратить внимание на приобретение лицом статуса специального субъекта помимо своей воли. Полагается, если лицо приобрело статус специального субъекта не по своей воле, и обязанности специального субъекта на него были возложены, он должен признаваться ненадлежащим субъектом этого преступления и не может нести за него ответственность. Если лицо по своей воле приняло на себя права и обязанности, свойственные специальному субъекту преступления, оно должно отвечать, как исполнитель преступления со специальным субъектом. Эта ситуация нашла свое отражение по делам о злоупотреблении должностными полномочиями и о превышении должностных полномочий.

В целом, уголовно-правовая ответственность выступает видом юридической ответственности, относящейся к мерам государственного принуждения, способным оказывать необходимое влияние на субъекты различной сферы правоотношений, которые допускают неправомерное поведение.

В настоящее время проблема корпоративной социальной ответственности (КСО) является предметом обсуждения многих научных сообществ, средств массовой информации, творческих, научных изысканий различных учёных.

Необходимо понимать, что социальная ответственность бизнеса намного шире, чем принято считать. Принимая решения, компании не должны руководствоваться исключительно чувством собственной выгоды, а обязаны учитывать возможные последствия своих действий на благо состояние всех заинтересованных сторон. Социальная ответственность бизнеса подразумевает также экономическую, правовую, этическую и филантропическую виды ответственности.

Если экономическая ответственность является базовой и включает в себя способность компании зарабатывать достаточную прибыль, создавать новые рабочие места и производить товары и услуги, востребованные обществом, то правовая ответственность означает, что прибыль должна

быть достигнута законным путем в соответствии с требованиями, установленными государством, что в свою очередь является правовой ответственностью бизнеса. Немаловажную роль играет этическая ответственность, которая подразумевает моральное поведение организации по отношению ко всем заинтересованным сторонам и, в первую очередь, к обществу. Этическое поведение хоть и не установлено рамками закона, но многие компании самостоятельно разрабатывают «кодексы этики», основанные на стандартах справедливости и равенства, для того, чтобы их сотрудники могли различать этическое и аморальное поведение. Филантропическая ответственность — это филантропические обязательства представляют собой исключительно добровольную деятельность организаций, способствующую улучшению качества жизни общества, например, такую как благотворительность, пожертвования, спонсорская помощь, безвозмездное финансирование социальных проектов.

Гражданские деликты и административные правонарушения в корне отличаются от правовых деяний в уголовном порядке. Гражданское законодательство, определяя правовое положение участников гражданского оборота, призвано регулировать отношения между лицами, осуществляющими предпринимательскую, бизнес деятельность и защищать гражданские права и обязанности. Поэтому, основная отличительная особенность гражданско-правовой ответственности от любой иной юридической ответственности сводится к тому, что она представлена как санкция за нарушение гражданских законов и установлена для обеспечения условий нормального развития общественных отношений, регулируемых гражданским правом.

Особой актуальности проблематика гражданско-правовой ответственности приобретает в связи с тем, что в гражданском обороте принимают участие такие субъекты, как юридические лица, обладающие сложной внутренней структурой. Исходя из данного фактора, целесообразным видится необходимость подхода, который бы разделял решение возникающих вопросов ответственности на две категории: выявление виновного субъекта, а также определение субъекта ответственности.

Так как при проведении изучения всех обстоятельств того или иного нарушения гражданских прав, можно определить, действительно ли имеет место вина юридического лица за совершение данного правонарушения, и какая мера ответственности должна избираться в его отношении.

Гражданско-правовая ответственность юриди-



ческих лиц рассматривается в качестве родового понятия, которое вбирает в себя и поведение физических лиц. Да, как мы знаем, в большинстве своем, ответственность юридического лица характеризуется имущественным характером. Но также ответственность может обладать и неимущественной формой (к примеру, в случае с защитой деловой репутации).

Юридические лица могут быть привлечены к ответственности: выступая в роли учредителя, собственника имущества иного юридического лица. Подобного рода ответственность должна предусматриваться гражданским законодательством: в случае неисполнения или ненадлежащего исполнения договора (договорная ответственность); в случае причинения вреда, в большей части случаев, который не связан с неисполнением или ненадлежащим исполнением договорных обязательств (то есть, внедоговорная ответственность).

В большинстве своем для привлечения юридического лица к гражданско-правовой ответственности важно наличие следующих факторов: нарушение установленных нормативными актами требований, либо условий договора, с которыми связано возникновение гражданско-правовой ответственности; противоправность деяния; наличие вреда или убытков у потерпевшей стороны; причинная связь между противоправным деянием нарушителя и наступившими последствиями; вина нарушителя.

Юридическое лицо будет привлечено к ответственности в соответствии с общим правилом в размере причиненных убытков или вреда. Тем не менее, наступление ответственности имеет место быть и при отсутствии убытков – например, это может быть взыскание неустойки.

В случае с внедоговорной ответственностью возникает прямо противоположная ситуация, при которой закон или договор может устанавливать обязанность причинителя вреда выплачивать потерпевшей стороне компенсацию, размером выше, нежели возмещение.

Исходя из вышеизложенного, можно говорить о том, что гражданско-правовая ответственность юридических лиц оказывает свое влияние непосредственно на собственников и должностных лиц организации, ставя своей целью обеспечение выполнения действующих норм права со стороны

последних, тем самым, не допуская возможных потерь юридического лица, прежде всего, экономического характера.

Гражданско-правовая ответственность юридического лица становится возможной потому, что на юридическое лицо переносятся правовые последствия действий учиненных физически уполномоченными лицами: председателя или члена правления, которые подписывают от имени последнего договор и этот договор считается обязательным для юридического лица.

Относительно применения уголовно-правовых санкций к юридическим лицам, многие ученые считают нецелесообразным устанавливать уголовную ответственность, так как в случае противоправной деятельности юридического лица, его можно ликвидировать в гражданском порядке. Но ликвидация юридического лица в гражданско-правовом порядке связана лишь с применением комплекса мер имущественного характера для осуществления расчетов с лицами работавшими по трудовому договору, кредиторами и иными лицами.

Но в случае нарушения общественных отношений, охраняемых уголовным законом, думается применение гражданско-правовых мер не достаточно. К примеру, совершенное деяние превысило вред здоровью людей или нанесло существенный ущерб природной среде. Признавая, что отдельная противоправная деятельность юридических лиц может быть опасной и способна причинять обществу вред, степень которого достаточно велика, думается, что такая деятельность должна рассматриваться как преступление и, следовательно, криминализироваться и влечь уголовную ответственность.

Еще одним значимым фактором выступает то, что в последнее время противодействие различным видам противоправной деятельности юридических лиц все чаще требует международного сотрудничества в данной сфере. Можно в целом говорить об отмечающихся устойчивых тенденциях транснационализации преступности, особенно организованной, экстремистской, террористической, экономической и даже коррупционной. Например, в Великобритании закон о взяточничестве накладывает уголовную ответственность на компании за неспособность предотвратить акт взятки<sup>2</sup>.

Договоры о правовой помощи, межправитель-

<sup>2</sup> Нужно развивать корпоративную уголовную ответственность» — глава Минюста Русланбек Давлетов, отвечает на вопрос «Газеты.uz» на пресс-конференции 11 сентября 2020 года.



ственные соглашения и уставы международных организаций позволяют максимально эффективно реализовывать взаимодействие по данным вопросам именно применительно к борьбе с преступной деятельностью. Еще в 1929 г. Международный конгресс по уголовному праву в Бухаресте высказался за введение уголовной ответственности для юридических лиц. В 1946 г. на Нюрнбергском процессе субъектами международных преступлений были признаны в том числе и отдельные организации. Затем в 1978 г. Европейским комитетом по проблемам преступности Совета Европы была принята рекомендация об установлении уголовной ответственности юридических лиц. Стамбульский план действий по борьбе против коррупции (далее – СПД) – это субрегиональная программа взаимной оценки, которая была начата в рамках Сети в 2003 г. СПД поддерживает антикоррупционные реформы в Армении, Азербайджане, Грузии, Казахстане, Кыргызстане, Монголии, Таджикистане, Украине и Узбекистане с помощью обзоров стран и непрерывного мониторинга усилий стран по реализации рекомендаций в поддержку выполнения Конвенции против коррупции ООН от 31 октября 2003 года и других международных стандартов и хорошей практики, где также были представлены обзоры по ответственности юридических лиц. Таким образом, в целом различные международные документы рекомендуют предусмотреть уголовную ответственность юридических лиц в той или иной форме.

Следовательно, необходимость именно уголовной, а не только административной и гражданско-правовой ответственности юридических лиц диктуется не просто исключительно теоретическими соображениями, но и реальными потребностями практики борьбы с преступностью. Преступления отличаются от административных правонарушений не характером и (или) размером наказания и даже не видом противоправности (это, скорее, следствие), а общественной опасностью. Общественная опасность – категория объективная, если мы признаем ее наличие в действиях или бездействиях какого-либо лица, в том числе и юридического, значит, мы просто обязаны запретить такое деяние, как преступление.

Зарубежный опыт показывает, что в зависимости от избранной модели установления уголовной ответственности юридических лиц можно говорить, как о закреплении специфических видов пре-

ступлений, которые могут совершаться исключительно юридическими лицами, так и о распространении на юридические лица отдельных уже криминализованных деяний или даже всех запрещенных уголовным законодательством общественно опасных деяний. В целом наиболее часто пишут о необходимости привлечения юридических лиц к ответственности за экологические, экономические, коррупционные преступления. Этот список можно смело продолжить указанием на преступления против общественной безопасности, здоровья населения и общественной нравственности, в сфере безопасности движения и эксплуатации транспорта, экстремистской направленности и др.

Еще один аспект, о котором обязательно необходимо подчеркнуть – это соотношение ответственности юридических и физических лиц. Юридическое лицо фактически не может совершить преступление, его совершают всегда какие-то физические лица и юридическое лицо может совершать преступления посредством использования этих физических лиц, которые выступают своеобразными живыми орудиями, правда, орудиями разумными, могущими нести уголовную ответственность и самостоятельно. Введение уголовной ответственности юридических лиц способно привести к безответственности физических лиц, виновных в конкретных преступлениях.

Как ответственность физического лица не должна подменять собой ответственность юридического лица, так и привлечение к уголовной ответственности юридического лица не означает безответственности конкретных физических лиц. Также следует заметить, что часто очень трудно выявить конкретное физическое лицо, которое, например, совершило противоправные действия, повлекшие загрязнение окружающей среды предприятием. И привлечение в данном случае хотя бы лица юридического, конечно, виновного в этом преступлении, позволит избежать полной безответственности и добиться возмещения причиненного ущерба.

Необходимо подчеркнуть тот факт, что уголовно-правовые нормы при привлечении к уголовной ответственности физических лиц, помимо форм объективного вменения, определяют и субъективные формы вменения, в виде вины, целей, мотива, что отсутствует относительно юридических лиц и к уголовной ответственности привлекается не само юридическое лицо, а ее представите-



ли. Диктуется необходимость при определении ответственности юридических лиц характеризовать основания вменения форм как объективного, так и субъективного характера. Так, в результате чрезвычайной ситуации, а именно прорыва одной из дамб Сардобинского водохранилища Сырдарьинской области Узбекистана, были затоплены несколько населённых пунктов, разрушены дороги, произведена эвакуация 70 тысяч человек в Узбекистане и 30 тысяч — в Казахстане. Общий урон от трагедии оценён в \$148,5 миллионов. В результате данной техногенной катастрофы, были привлечены к уголовной ответственности лишь должностные лица организаций, принимавшие участие в строительстве водохранилища на основе правовых норм уголовного права (ст.ст. 207, 258 Уголовного кодекса (должностная халатность, повлекшая смерть человека, нарушение правил безопасности горных, строительных или взрывоопасных работ).

Авария на Чернобыльской атомной электростанции 26 апреля 1986 года по своим масштабам и последствиям явилась самой крупной техногенной катастрофой в истории человечества, которая привела к возникновению серьезных экологических проблем.

Государственная комиссия, сформированная для расследования причин катастрофы, возложила основную ответственность за неё на оперативный персонал и руководство Чернобыльской атомной электростанции, которые были привлечены к уголовной ответственности по статьям Уголовного кодекса за нарушение правил безопасности на взрывоопасных предприятиях и во взрывоо-

пасных цехах, злоупотребление властью или служебным положением, за халатность.

Однако в 1990 году в результате повторного рассмотрения, комиссия пришла к заключению, что «начавшаяся из-за действий оперативного персонала Чернобыльская авария приобрела неадекватные им катастрофические масштабы вследствие неудовлетворительной конструкции реактора».

Следовательно, установление уголовной ответственности применительно к юридическим лицам, предполагает также необходимость тщательного изучения и исследования причин и условий содеянного и виновности тех лиц, которые представляют юридическое лицо, с учетом характера и степени общественной опасности преступления, мотивов и целей содеянного, личности виновного, характера причиненного вреда, при соблюдении принципов законности, справедливости и гуманизма.

В заключении необходимо отметить, что уголовно-правовые меры являются важными, но не единственными методами борьбы с неправомерными деяниями юридических лиц, которая предполагается эффективной при комбинации всех видов ответственности: гражданско-правовой, административно-правовой и уголовно-правовой. Думается, привлечение к уголовной ответственности юридических лиц должно осуществляться только в тех случаях, когда меры гражданско-правового и административно-правового характера не способны восстановить социальную справедливость и предотвратить совершение новых деяний, причиняющих или способных причинить ущерб, вред общественным отношениям, охраняемым уголовным законодательством.

#



Алишер МАХМУДОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принципларининг мазмун-моҳияти илмий нуқтаи назардан ҳамда хорижий мамлакатларнинг соҳага оид қонунчилигини ўрганиш асосида таҳлил қилинган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье проанализированы суть и значение принципов организации деятельности органов прокуратуры с научной точки зрения и на основе изучения законодательства зарубежных стран в данной сфере.

**ABSTRACT.** In this article the essence and significance of the principles of the organization of the activity of prosecutor's office are analyzed from the scientific point of view and on the basis of the study of the legislation of foreign countries in this field.

**Калит сўзлар:** прокуратура органлари, принцип, ҳуқуқ принциплари, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик, ошкоралик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, холислик.

**Ключевые слова:** органы прокуратуры, принцип, принципы право, единство, централизация, законность, независимость, гласность, соблюдение и уважение прав, свобод и законных интересов граждан, объективность.

**Key words:** prosecutor's office, principle, law principles, unity, centralization, legality, independence, transparency, observance of and respect for the rights, freedoms and legitimate interests of citizens, objectivity.

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг принциплари улар фаолиятини самарали йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Таъбир жоиз бўлса таъкидлаш керакки, принциплар фаолиятнинг мазмун-моҳиятини ва асосини белгилаб беради.

“Принцип” атамаси (лот. *principium* – асос, негиз, ибтидо) – бирор назария, таълимот, дунёқарашнинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун-қоида маъноларини англатади<sup>1</sup>.

Принцип атамаси орқали файласуфлар, ҳуқуқшунослар ва социологлар ўрганилаётган ҳодисанинг мавжудлик қонунини, ички мантиқини ифода этади. Принцип категорияси “қонуният”, “моҳият” категориялари билан узвий боғлиқдир<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий принциплар – раҳбарлик қилувчи дастлабки ғоя бўлиб, инсонлар ўз олдига қўйган мақсадларга эришиши учун хизмат қиладиган, асосий йўналишларни кўрсатиб берувчи талаблардир.

Зеро, ҳуқуқ принциплари қонунлар ва бошқа ҳуқуқ нормалари орқали ижтимоий муносабатларга сингиб, жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг асосини акс эттиради. Ҳуқуқ принциплари энг муҳим, асосий, раҳбарий ғояларни ифода этиб, барқарорлиги, фундаментал ва концепту-

ал хусусиятга эгаллиги, умумий ва универсал эканлиги билан ажралиб туради. Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқ тармоқлари ёки институтларини шакллантириш учун асос бўлади ҳамда ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини йўналтириш учун маёқ вазифасини бажаради.

Юқоридагилар прокуратура органлари фаолиятига ҳам тааллуқли бўлиб, ҳуқуқ принциплари прокуратура органлари фаолиятининг асоси ва тамал тоши ҳисобланади. Прокуратура органлари фаолиятида ҳуқуқ принципларининг аҳамияти масаласи ушбу соҳадаги мутахассисларнинг доимий эътибори марказида бўлиб келмоқда.

Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар томонидан прокуратура органлари фаолияти принциплари “аниқ норма ва прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг асосий ижтимоий мазмунини белгилаб бериши”<sup>3</sup>, “прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолият принциплари барқарорлиги муҳим умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, улар прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланиши”<sup>4</sup> қайд этилади.

Прокурор назоратига оид адабиётларда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг принципларига “прокуратура органлари фаолияти-

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н – Тартибли / А.Мадвалиев. – Т.: “O‘zbekiston nashriyoti” давлат унитар корхонаси, 2020. – 309 б.

2 Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар: Монография – Т.: SMI-ASIA, 2010. 303 б.

3 Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебник / Под ред. В.И.Рохлина. СПб., 2000. – С.39.

4 Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: Учебник. – М., 2005. – С. 81-82.

ни ташкил этиш ва фаолиятини белгилаб берувчи асосий, раҳбарий қоидалар<sup>5</sup>, “энг умумий ва раҳбарий қоидалар”<sup>6</sup>, “базавий қоидаларнинг барқарор ва мустақил жамланмаси”<sup>7</sup>, “прокурор назоратининг ягона, бўлинмас, тузилмавий ва функционал асослари”<sup>8</sup>, “прокуратура фаолиятини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг тизимли элементлари”<sup>9</sup>, “прокурор ҳуқуқидаги ҳуқуқ нормалари рақобатини тартибга солиш учун мўлжалланган умумий, раҳбарий ҳуқуқий асослар”<sup>10</sup>, “прокурор назоратининг негизини ташкил этувчи муҳим, раҳбарий ғоялар, ҳуқуқий нормаларда жо бўлган бошланғич асослар”<sup>11</sup> каби таърифлар берилади.

Масалан, Ю.Е.Винокуровнинг фикрича “прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принциплари – прокуратура органларининг кўп қиррали фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари ва белгиларини белгилаб берувчи асосий, раҳбарий қоидалар ҳамда унга қўйилган талаблар. Ушбу принциплар прокуратуранинг энг асосий функцияси – прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида рўёбга чиқарилади”<sup>12</sup>.

Ю.А.Лукичев ва А.П.Стукановлар эса, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принципларига “прокурор назоратининг ижтимоий мазмуни ва моҳиятини акс эттирувчи, унинг фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг бошланғич асосларини белгилаб берувчи, ҳуқуқ нормаларида мустақамланган қоидалар”<sup>13</sup>, деб таъриф беради.

В.И.Басков эса, “прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принциплари – прокуратуранинг сиёсий ва давлат мақсадини ифодаловчи, прокуратуранинг вазифа ва ваколатларини, шунингдек, давлатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий усул ва воситаларининг мазмуни ва хусусиятини белгиловчи

ҳамда прокуратуранинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқларини кўрсатиб берувчи Конституция ва бошқа қонунларда мустақамланган асосий талаблар”<sup>14</sup>, деб ёзади.

“Прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг принциплари ўзида Конституция ва прокуратура органлари фаолиятига оид қонунларда мустақамланган ғоявий-сиёсий ва норматив-раҳбарий негизларини ҳамда прокурор ҳуқуқи асосларини акс эттиради”<sup>15</sup>. “Прокуратурани ташкил этиш ва фаолияти мазмун-моҳияти, унинг мақсади, вазифалари ва функциялари ўзаро алоқадорлик ва ҳаракатлар қонуниятларига асосланган жами умумий ва махсус принциплар мажмуида ифодаланади”<sup>16</sup>.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ принциплари объектив ва субъектив ҳуқуқнинг ўзаро мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлайди ва ҳуқуқни амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди. Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқнинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органларининг аниқ вазиятдаги хатти-ҳаракатларини белгилаб беради.

Ҳуқуқ принциплари жамиятнинг барқарор ва фаровон мавжуд бўлиши учун энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни, таъбир жоиз бўлса, қадриятларни юридик жиҳатдан мустақамлайди ва уларни амалиётга жорий этади.

Асосий раҳбарий ғояларни ўзида ифодалаган ҳолда принциплар прокуратура органларининг норма ижодкорлиги фаолиятига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ асоси, негизи сифатида ҳуқуқ принциплари аниқ норма мазмунига сингдирилади ёки ўзи ифодалаётган раҳбарий ғоянинг амалга оширилишини таъминлайдиган механизм ва нормаларни яратиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) 5-моддасида

5 Прокурорский надзор: Учебник / Под ред. О.А.Галустьяна. – М., 2004. – С. 79.

6 Прокурорский надзор: Курс лекций и практикум / Под ред. Ю.Е.Винокурова. – М.: Экзамен, 2004. – С. 36.

7 Ястребов Б.В. Прокурорский надзор: Учебник. – М., 2001. – С. 79.

8 Комментарий к Федеральному закону «О прокуратуре Российской Федерации» / Сост. О.А.Кожевников, В.В.Кравчук. – Екб.: УЮИ, 2004. – С. 22.

9 Прокурорский надзор: Учеб. для вузов / Под ред. А.Я.Сухарева. – М.: Норма, 2004. – С. 50.

10 Настольная книга прокуроров / Под ред. С.И.Герасимова. – М.: Экслит, 2003. – С. 27-33.

11 Ергашев Е.Р. Принципы прокурорского надзорно-охранительного права и его институтов: Дисс. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 2008. – С.65.

12 Прокурорский надзор: Учебник / Ю.Е.Винокуров, А.Ю.Винокуров, К.Ю.Винокуров и др. Под общ. ред. Ю.Е.Винокурова. – М.: Юрайт, 2001. – С. 18.

13 Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебник / Под ред. В.И.Рохлина. – СПб.: СИЭ, 2000. – С.39.

14 Басков В.И. Курс прокурорского надзора: Учебник. – М., Зерцало, 1998. – С. 68.

15 Черепанов М.М. Принципы организации и деятельности российской прокуратуры: Дисс... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2008. – С. 47-48.

16 Немзорова Р.Ю. Приоритеты прокурорской деятельности: практический и теоретический аспекты: Дисс... канд. юрид. наук. – М., 2015. – С. 43.



прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг 5 та асосий принциплари мустақамланган, булар – бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик.

Бунда қонуннинг мазмунидан англашиладики, бирлик принципи деганда, прокуратура органларининг ягона тизим эканлиги тушунилади. Хусусан, қонунда ҳам прокуратура органлари Бош прокурор раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Марказлашганлик принципи эса, тизим бўйсунувга асосланганлигини англатади, яъни қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Бош прокурорга бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги тушунилади. Бунда юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли.

Қонунийлик принципи эса, прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шартлигини, қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш мумкин эмаслигини англатади.

Мустақиллик принципи прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириши ва прокуратура органларининг фаолиятига аралашиш тақиқланишини назарда туттади.

Ошкоралик принципи эса, прокуратура органларининг ўз фаолиятини ошкора амалга оширишини ҳамда Президентга, вакиллик органларига ва жамоатчиликка ҳисобот (ахборот) тақдим этишини назарда туттади. Қонунда ҳисобдорликнинг аниқ муддатлари белгиланган.

Фикримизча, принципларнинг мазмунини янада кенгроқ ва батафсилроқ очиб бериш прокуратура органлари фаолиятини амалга оширувчи субъектлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга З.С.Ибрагимов таъкидлаганидек, “барча давлат органлари каби прокуратуранинг ташкил этилиши ва фаолияти ҳам муайян принципларга асосланади. Мазкур принциплар, одатда, давлатнинг конституциясида ёки махсус қонунда ўз ифодасини топади. Принциплар раҳбарий ғоя, қоидалар бўлиб, ҳуқуқий тизим табиатига сингиб кетади. Улар ҳуқуқий тизимнинг типи ва прокуратуранинг моделига қараб мазмунан фарқланади”<sup>17</sup>.

Масалан, Грузиянинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Про-

куратура тўғрисида”ги қонунда прокуратура фаолиятининг қуйидагича принциплари белгиланган: қонунийлик ва одиллик, объективлик ва холислик, профессионализм ва лаёқатлилик, бирлик ва марказлашганлик, барча қуйи турувчи прокурорлар ва прокуратура бошқа ходимларининг Бош прокурорга бўйсунуши, шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, сиёсий бетарафлик (5-модда).

Россия Федерациясининг 1992 йил 17 январдаги “Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида”ги қонунда ягоналик ва марказлашганлик, мустақиллик, очиқлик, сиёсатдан ва нодавлат нотижорат ташкилотлардан ажратилганлик, бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилмаслиги каби принциплар назарда тутилган (4-модда).

Украинаниннг 2014 йил 14 октябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда эса, ҳуқуқ устуворлиги ва инсон, унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати, дахлсизлиги ва хавфсизлигини эътироф этиш, қонунийлик, адолат, холислик ва объективлик, ҳудудийлик, айбсизлик презумпцияси, мустақиллик, сиёсий бетарафлик, прокуратуранинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги, судьялар мустақиллигини ҳурмат қилиш, шаффофлик, касб одоб ва ахлоқ қоидалари талабларига қатъий риоя этиш каби принциплар мустақамлаб қўйилган (3-модда).

Қозоғистон Республикасининг 2022 йил 5 ноябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги конституциявий қонунининг 3-моддасида эса, прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари сифатида қонунийлик, бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслардан мустақиллик, фақатгина Президентга бўйсунуш ва ошкоралик каби 4 та принцип белгиланган.

Тожикистон Республикасининг 2005 йил 15 июлдаги “Тожикистон Республикасининг прокуратура органлари тўғрисида”ги конституциявий қонунда эса, прокуратура органларининг ягоналик ва марказлашганлик, ошкоралик, жавобгарликнинг муқаррарлиги, қонунийлик каби принциплар назарда тутилган (6-модда).

Гувоҳи бўлганимиздек, хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этиш бўйича бошқа принциплар ҳам белгиланган бўлиб, улар прокуратура органлари фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Шу билан бирга адабиётларда прокуратура органлари фаолиятига оид бошқа принциплар ҳам тадқиқ этилган. Масалан, Ю.А.Лукичев ва А.П.Сту-

17 Ибрагимов З.С. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил): юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2010. – Б.91.



кановлар “қонунийлик, бирлик, марказлашганлик ва ошкоралик каби асосий принциплардан” ташқари яна “прокурор фаолиятини бошқа мажбуриятлар билан қўшиб олиб боришни чеклаш принципини”<sup>18</sup> ҳам киритишни таклиф қилади. Бироқ муаллиф мустақиллик принципини эътибордан четда қолдиради. Шу билан бирга бошқа тадқиқотчилар “прокурор фаолиятини бошқа мажбуриятлар билан қўшиб олиб боришни чеклаш принципи алоҳида мустақил принцип эмас, балки қонунийлик принципи қафолатларидан бири”<sup>19</sup>, деб ҳисоблайдилар.

Шу билан бирга бошқа муаллифлар томонидан прокуратура органлари фаолиятига оид “прокуратура органлари ва унинг ходимларининг сиёсий бетарафлиги (партиясизлиги), ҳуқуқбузарларликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, прокурорнинг ўз фаолиятида холислик ва беғаразлиги, назорат остидаги субъектларнинг оператив-ҳўжалик фаолиятига аралашмаслик, прокурорнинг одил судловга кўмаклашиши, прокурор ва терговчи талабларини бажаришнинг мажбурийлиги”<sup>20</sup> каби принциплар ҳам ажратиб кўрсатилади. Ушбу принциплар “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда белгиланган принципларнинг маъносидан ҳам англашилгани боис, мазкур қонунга қўшимча белгиланишига зарурат йўқ.

Прокурор назоратига оид адабиётларда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишга оид принциплар турлича таснифланади. Масалан, ўзбек олими З.С.Ибрагимов прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишга оид принципларни ташкилий ва фаолият принципларига ажратишни таклиф этади. Ҳуқуқшунос олимнинг фикрича, “Ташкилий принципларга прокуратуранинг бирлиги, марказлашганлиги ҳамда бир хил лавозимларни эгаллаган прокурорларнинг ўзаро бир-бирини алмаштириши принциплари киритилган. Прокурор фаолиятининг асосий принципларини унинг мустақиллиги ва яқка тартибда қарор қабул қилиши, шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглигига риоя этиш, айбсизлик презумпцияси, адолат ва қонунийлик принциплари ташкил этади”<sup>21</sup>.

Е.Р.Ергашев эса, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишга оид принципларни “умумҳуқуқий, тармоқлараро ва тармоқ принципларига”<sup>22</sup> ажратади. Умуман ҳуқуқ принципларини бундай таснифлаш ҳуқуқ назариясида кенг қўлланилади. Прокуратура органлари фаолиятига татбиқан умумҳуқуқий принципларни умумижтимоий ва махсус-юридик принциплар каби кичик гуруҳларга ажратсак бўлади. Бунда умумижтимоий принциплар жамиятда шаклланган муайян сиёсий (демократизм, ҳокимиятлар тақсимланиши, кўп фикрлилик), иқтисодий (иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши), маънавий (инсонпарварлик, инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олиш, адолатлилик) қадриятларни акс эттиради. Махсус-юридик принципларга эса, ҳуқуқий тартибга солиш асосларини акс эттирадиган, масалан, қонунийлик, қонун устуворлиги, айб учун жавобгарлик, айбсизлик презумпцияси, ишонтириш ва мажбурлаш усуллари-нинг қўлланилиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг бирлик ва марказлашганлик принциплари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Айрим ҳуқуқшунос олимлар<sup>23</sup> ушбу принципларни биргаликда ягона принцип сифатида қўллаши ҳам бежиз эмас. Бироқ, мазмунан нақадар яқин бўлмасин, бирлик ва марказлашганлик принциплари мустақил маънога ва ўзига хос жиҳатларга эга алоҳида-алоҳида принциплар сифатида шаклланган.

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишга оид асосий принциплардан бири бу бирлик принципи ҳисобланади.

Ю.А.Зюбановнинг ёзишича, “прокуратура органлари тизимининг бирлиги принципи мамлакат ҳудудида амал қилиб турган ҳудудий ва махсус прокуратура органларининг барчаси ташкилотнинг ягона шаклини ташкил этишини англатади. Прокуратура органлари тизимига кирмайдиган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назоратни таъминлайдиган бошқа назорат органлари тузилиши

18 Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебник / Под ред. В.И.Рохлина. – СПб.: СПб ИЭ, 2000. – С. 40-46.

19 Комментарий к Федеральному закону “О прокуратуре Российской Федерации” / Составители: О.А.Кожевников, В.В.Кравчук. – Екатеринбург: УЮИ, 2004. – С. 24.

20 Практикум по прокурорскому надзору и методические рекомендации: Учебное пособие / Сост. Г.Д.Агамов, А.К.Романов. – М.: Дело, 2005. – С. 30-31.; Основы организации и управления в органах прокуратуры Российской Федерации: Учебник / Под общ. ред. А.Ф.Смирнова. – М., 2005. – С. 64.; Шалумов М.С. Проблемы функционирования российской прокуратуры в условиях формирования демократического правового государства: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2002. – С. 29.

21 Ибрагимов З.С. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли (қийёсий-ҳуқуқий таҳлил): юрид. фан. докт. ... дисс. – Ташкент: ИИВ Академияси, 2010. – Б.92.

22 Ергашев Е.Р. Принципы прокурорского надзорно-охранительного права и его институтов: Дисс. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 2008. – С. 64.

23 Гасанов Р.М. Проблемы организации деятельности районной прокуратуры в современных условиях: по материалам прокуратуры г. Москвы: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: НИИ ПУЗП ГП РФ, 2006. – С. 39-40.



мумкин эмас”<sup>24</sup>.

Р.Ю.Немзорова ҳам “бирлик принципи давлат ҳудудида фаолият кўрсатиб турган барча ҳудудий ва махсус прокуратура органлари ягона тизимини ташкил этишини белгилайди”<sup>25</sup>, деб ёзади.

М.М.Черепанов “прокуратура органлари тизимининг бирлиги принципи прокуратура органлари фаолиятининг функционал ягоналиги ва тизимининг марказлашганлиги, прокуратура органлари мақсад ва вазифаларининг бирлиги, барча даражадаги прокуратура органлари учун ягона қонунчилик белгиланганлигида намоён бўлади”<sup>26</sup>, деб ёзади.

Р.М.Гасанов “бирлик принципи” прокуратура органлари тизимининг ягоналиги, қонун билан барча даражадаги прокуратура органлари олдига ягона мақсад ва вазифалар қўйилганлиги, ҳар бир прокурор ўз мажбуриятларини ягона тизимнинг бир қисми сифатида давлат номидан амалга ошириши, барча прокурорлар фаолияти объекти ва предметидаги фарқлардан қатъи назар, ягона ваколатлар доираси ва таъсир чораларига эгаллигини англатади”<sup>27</sup>, деб ёзади.

Бизнинг фикримизча, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг бирлиги принципи мазмуни қуйидаги муҳим жиҳатларни қамраб олади:

– прокуратура органларининг тизими ягона эканлиги, республика миқёсида прокурорларнинг ягона мақоми ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлашнинг ягона тартиби белгиланганлиги;

– прокуратура органлари тизимига яккабошчилик асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилиши ҳамда прокурорлар ўз фаолиятини яккабошчилик асосида амалга ошириши, яъни прокурор назорати ва прокуратура органлари фаолиятининг бошқа йўналишларини яккабошчилик асосида ҳал қилиши;

– барча даражадаги прокурорлар ўз табиати-га кўра бир хил бўлган ваколатларга эгаллиги, прокурорлар фойдаланадиган ҳуқуқ ва ваколатларни амалга ошириш воситалари ҳамда қонунлар бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича улар томонидан қўлланиладиган таъсир чоралари ҳам бир хиллиги;

– прокуратура органларига прокурор ва терговчи лавозимига ишга қабул қилинаётган фуқаролар

учун белгиланган талабларнинг ягоналиги, хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга кўра, “прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади” (43-модда);

– прокурорлар қонун бузилиши ҳолати бўйича таъсир кўрсатиш шакли, усуллари ва прокурор назорати ҳужжатлари ҳам бир хил эканлиги;

– бутун республика миқёсида амал қилаётган қонунларнинг бир хилда ижро этилиши ва бир хил қўлланилиши;

– прокурор тегишли ҳудудда бутун прокуратура органлари номидан ҳаракат қилишини ҳамда прокурор томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган ҳужжат республика миқёсида юридик ва жисмоний шахслар учун бир хилда мажбурий кучга эга бўлиши. Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси “Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги” деб номланиб, унга кўра, прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишга оид яна бир муҳим принцип бу – марказлашганлик ҳисобланади. Р.М.Гасанов тўғри таъкидлаганидек, “марказлашганлик принциписиз бирлик принципини амалга ошириб бўлмайди”<sup>28</sup>.

М.М.Черепановнинг ёзишича, “прокуратура органлари тизимининг марказлашганлик принципи бўйсинувнинг икки турини назарда тутати: ички ва ташқи. Бунда ички бўйсунув прокуратура органлари тизимидаги бўйсунувни назарда тутати ва унга кўра, барча қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва барча прокурорлар мам-

24 Зюбанов Ю.А. Комментарий к Федеральному закону “О прокуратуре Российской Федерации” (постатейный). – М.: Проспект, 2018. – С. 47.

25 Немзорова Р.Ю. Приоритеты прокурорской деятельности: практический и теоретический аспекты: Дисс... канд. юр. наук. – М., 2015. – С. 43.

26 Черепанов М.М. Принципы организации и деятельности российской прокуратуры: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: УГЮА, 2008. – С. 67.

27 Гасанов Р.М. Проблемы организации деятельности районной прокуратуры в современных условиях: по материалам прокуратуры г. Москвы: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: НИИ ПУЗП ГП РФ, 2006. – С. 39-40.

28 Гасанов Р.М. Проблемы организации деятельности районной прокуратуры в современных условиях: по материалам прокуратуры г. Москвы: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: НИИ ПУЗП ГП РФ, 2006. – С. 39-40.



лакат ҳудудида қонунийликни бир хилда таъминловчи ягона марказлашган органга – Бош прокурорга бўйсунди. Ташқи бўйсунув эса, прокуратура органларининг давлат бошлиғига ва парламентга бўйсунувини назарда тутди<sup>29</sup>.

Р.Ю.Немзорова “марказлашганлик принципи қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи ва Бош прокурорга бўйсунушини билдириб, бунда Бош прокурор ўз буйруқлари, кўрсатмалари ва фармойишлари билан прокуратура органлари ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб беради<sup>30</sup>, деб ёзади.

Ҳақиқатдан ҳам марказлашганлик авваламбор, қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва уларнинг барчасининг Бош прокурорга бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлигини назарда тутди. Бундай бўйсунув ўз ичига: бошқарув қарорлари қабул қилиш, норматив ва индивидуал хусусиятдаги кўрсатмалар бериш ва уларнинг ижросини назорат қилиш; қуйи турувчи органларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш; аниқланган камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш; кадрлар масалаларини ҳал этиш каби йўналишларда раҳбарлик қилишни назарда тутди.

В.Г.Бессарабов ҳам “прокуратура органлари учун фаолиятнинг марказлашганлиги ҳамда ўзаро қатъий бўйсунувга асосланганлиги хусусияти хос бўлиб, бу уни бошқа давлат ҳокимияти органларидан фарқлаб туради. Қатъий бўйсунув иерархияси, субординациявий муносабатлар ўз навбатида ягона ҳуқуқий маконда ҳуқуқий сиёсатнинг бир хилда юритилишини таъминлайди<sup>31</sup>, деб таъкидлайди.

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг марказлашганлик принципи қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Бош прокурорга бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги, юқори турувчи прокурорларнинг қуйи турувчи про-

курорларга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли эканликлари, шунингдек, прокуратура органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти республика бюджети ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилиши кабиларда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, асосий принциплари прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятини амалга ошириш жараёнида асосланиладиган муҳим қоидалар ҳисобланиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 5-моддасида принципларнинг икки тури ҳақида сўз боради. Булар – прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишга оид ҳамда прокуратура органлари фаолиятини амалга оширишга тааллуқли принциплардир. Бунда бирлик, марказлашганлик прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишга оид принциплар ҳисобланса, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик эса, прокуратура органлари фаолиятини амалга оширишнинг қўлланадиган принциплар ҳисобланади.

Шунингдек бизнингча хорижий тажриба асосида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг принциплари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, холислик каби принципларни ҳам қўшимча равишда белгилаш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, қонунда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принципларининг мазмун-моҳиятини алоҳида моддаларда аниқ белгилаб бериш муҳим аҳамият касб этади, деган фикрдамыз.

#

29 Черепанов М.М. Принципы организации и деятельности российской прокуратуры: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: УГЮА, 2008. – С. 67.

30 Немзорова Р.Ю. Приоритеты прокурорской деятельности: практический и теоретический аспекты: Дисс... канд. юр. наук. – М., 2015. – С. 43.

31 Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор: Учебник. – М.: Проспект, 2006. – С. 97.



Максудбек САИДОВ,  
Заместитель председателя Ташкентского городского суда,  
Председатель судебной коллегии по экономическим делам

## РОЛЬ СОВРЕМЕННОЙ ТЕХНОЛОГИИ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ И ЗАЩИТЕ ПРАВ УЧАСТНИКОВ ОБЩЕСТВА С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье рассматриваются юридические аспекты использования современных технологий и искусственного интеллекта в корпоративных отношениях, значение ИИ в корпоративном управлении, осуществлении и защите прав участников общества с ограниченной ответственностью, обсуждены преимущества и проблемы в использовании ИИ, а также вопросы обеспечения кибербезопасности.

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада корпоратив муносабатларда замонавий технология ва сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, корпоратив бошқарувда ҳамда масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда сунъий интеллектнинг аҳамияти, унинг афзалликлари ва муаммолари, шунингдек, киберхавфсизлик масалалари муҳокама қилинади.

**ABSTRACT.** This article discusses the legal aspects of the use of modern technologies and artificial intelligence in corporate relations, the importance of AI in corporate governance, the exercise and protection of the rights of shareholders in a limited liability company, the advantages and problems of using AI, as well as cybersecurity issues are discussed.

**Ключевые слова:** современные технологии, искусственный интеллект, осуществление права, защита прав участников, кибербезопасность.

**Калит сўзлар:** замонавий технологиялар, сунъий интеллект, иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш, киберхавфсизлик.

**Key words:** modern technologies, artificial intelligence, exercise of rights, protection of rights of shareholders, cybersecurity.

Каковы возможности искусственного интеллекта (далее – ИИ) и можно ли достичь уровня разума человека, являются актуальными вопросом современной науки и технологии. Искусственный интеллект представляет собой совокупность систем, способных решать задачи, обычно предназначенных для человеческого интеллекта. В связи с наличием способности быстро обрабатывать и анализировать большую информацию, появилась своего рода конкуренция между естественным и искусственным интеллектом.

Современные технологии и ИИ заменяют человека во многих отраслях и сферах деятельности. Так, имея способность моделировать деятельность человека, они уже взяли на себя частично или полностью управление автомобилями, самолётами, производство в автоматизированных заводах, управление предприятиями. ИИ может быть использован во многих бизнес-операциях, в том числе маркетинг, бухгалтерию, управление персоналом и производство.

По оценкам международных экспертов, инвестиции в технологии искусственного интеллекта выросли с 2014 по 2017 года в три раза и составили около 40 млрд долларов США. В 2018 году мировой рынок технологических решений, разработанных на основе искусственного интеллекта, составил 21,5 млрд долларов США, а по прогнозам экспертов к 2024 году достигнет почти 140 млрд.<sup>1</sup> Согласно исследованиям PwC, к 2030 году ожидается, что доля искусственного интеллекта в экономическом росте достигнет 15,7 трлн долларов США, и эти технологии используются при принятии решений в корпорациях. Это в свою очередь, приводит к возникновению многочисленных вопросов в науке и судебной практике в осуществлении прав участников ООО.<sup>2</sup>

В компаниях ИИ помогает обрабатывать и проверять документы с содержанием большой информации, проводить анализ больших объемов данных в режиме реального времени, улучшать сферу обслуживания, разрабатывать и реализовывать грамотную маркетинговую стратегию, решать слож-

1 Амиров Р. А., Билалова У. М. Перспективы внедрения технологий искусственного интеллекта в сфере высшего образования // Управленческое консультирование. 2020. № 3. С.81.

2 22nd Annual Global CEO Survey—CEO's Curbed Confidence Spells Caution, PWC (2019), <https://www.pwc.com/gx/en/ceo-survey/2019/report/pwc-22nd-annual-global-ceo-survey.pdf>

ные вопросы по повышению производительности, снижению затрат.

ИИ не содержит в себе эмоций и чувств, в сфере где он есть нет человеческого фактора, что позволяет осуществлять безошибочную и точную работу, устранять некоторые системные противоречия и конфликтные ситуации. Исходя из этого мы можем полагать, что чем больше будет сфера применения ИИ в деятельности предприятия, тем можно больше достичь обеспечения эффективного осуществления и защиты прав и интересов её участников.

Общество с ограниченной ответственностью (далее по тексту ООО/общество) создается участниками с целью получения прибыли. На сколько эффективно налажена деятельность общества, на столько и гарантировано получение прибыли участниками. В связи с этим, участники осуществляют контроль над управлением общества путем использования различных методов правового воздействия. А на сколько ИИ сможет помочь участнику в осуществлении и защите его прав можно рассмотреть в нескольких примерах и предложениях.

Общество может осуществлять любые виды деятельности, не запрещенные законодательством. Вид деятельности ООО учредителями определяется в ходе его создания, с последующей регистрацией учредительных документов ("pre-Company Law"<sup>3</sup>). Но какую вид деятельности и сферу бизнеса будущим участникам выбрать для успешного развития и достижения поставленной цели? Для этого необходимо проанализировать ряд факторов, влияющих на выгодный бизнес, иначе попросту можно потерять вложенный капитал. Проанализировать потребности региона, оценить возможности рынка, подсчитать планируемый вложению капитал и его достаточность для старта бизнеса, узнать наличие льгот и возможностей кредитования выбираемой сферы, определить полезные услуги для бизнеса, возможности получения сырья и другие сведения необходимы участникам для выбора направления деятельности общества и создания бизнес плана. Возможности ИИ безграничны, как отмечалось выше его способность обрабатывать большой объем информации является залогом получения достоверных данных. А в случае его интеграции с базой данных государственных органов в сфере предпринимательства, с информационно-коммуникационной сетью интернет, можно определить выгодную сферу бизнеса как в пределах региона, так и за его пределами. Успешный бизнес имеет цель получение авторитета своего бренда не только во внутреннем рынке, но и на мировом. Алгоритмы искусственного интеллекта применимы в предик-

тивной аналитике, то есть способны обрабатывать огромные базы данных, выявлять закономерности и осуществлять прогноз. В этой связи ИИ, который может предвидеть возможности определенной сферы бизнеса путем предоставления статистической и аналитической информации, поможет участникам общества сделать правильный выбор.

Также, ИИ может выявлять реальные потенциалы компаний и предлагать оптимальные решения в системе корпоративного управления, выявлять нестабильные бизнес-предложения и нестабильные стратегии.

В соответствии с Законом «Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью» (далее - Закон), общество должно иметь полное и вправе иметь сокращенное фирменное наименование. Фирменным наименованием является индивидуальное название юридического лица, исключительное право на которое возникает в момент его государственной регистрации. Законодательством установлены ряд обозначений, которые не должны содержаться в фирменном наименовании, несоблюдение которых может повлечь и судебные разбирательства. К примеру, территориальным управлением Антимонопольного комитета Джиззакской области в суд было подано исковое заявление в отношении ЧП «Zamon-Talab-Akfa» о признании регистрации ЧП недействительным, возложении обязательства исключить из наименования обозначение «Akfa» и осуществить перерегистрацию ЧП в соответствии с законодательством. Причиной судебного разбирательства явился факт использования ответчиком обозначения, использованного в наименовании уже зарегистрированного хозяйствующего субъекта, что рассматривается как нарушение принципа добросовестной конкуренции. В связи с этим, учредителям ООО необходимо принять во внимание нюансы в выборе фирменного наименования, и прибегнуть с помощью ИИ, который способен определить не противоречит ли выбор учредителей фирменного наименования установленным требованиям.

Не исключены также и случаи нарушения исключительного права общества на товарный знак, используемый в обозначении производимой им продукции. Согласно материалам дела за №10-1618/32268, компания «SOREMARTEC S.A.» (Бельгия), которая с 1989 года является производителем линейки конфет «Raffaello», обратилось в суд с иском с заявлением в отношении ООО «Calm Avenue» о возложении обязательства прекратить нарушение исключительных прав, так как последним осуществлялось производство и реализация



на территории Республики Узбекистан конфет под товарным знаком «Marsello», сходного до степени смешения с товарным знаком истца по наименованию, логотипу и упаковке.<sup>4</sup> Факт нарушения исключительного права владельца товарного знака может обнаружить лишь при осуществлении контрольной закупки и проверки состояния рынка. А поисковая способность ИИ порекомендовать то или иное наименование, либо проследить используется ли фирменное наименование иными субъектами предпринимательства или нет послужит рычагом устранения конфликтных ситуаций, восстановлению нарушенного права, а самое важное уменьшению количества судебных разбирательств. Для этого ИИ должен быть интегрирован с базой данных Центра государственных услуг, Департамента по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан, Антимонопольного комитета Республики Узбекистан и др.

В за частую, по делам о товарных знаках, к участию в деле привлекаются специалисты и эксперты. Так, в ходе рассмотрения дела за 4-10-2210/387, возбужденного по исковому заявлению ОАО «Gedeon richter» (Венгрия) к ООО «Sharq darmon» о прекращении незаконного производства и реализации лекарственного средства «Pangim SD», о взыскании упущенной выгоды в размере 24 840,79 долларов США, для вынесения решения по делу важным являлось мнение экспертов в определении степени смешения товарных знаков сторон.<sup>5</sup> ИИ может выступить в качестве доказательства по делу, обоснованием доводов истца, так как своей возможностью анализировать может в показателях рассчитать степень смешения товарных знаков, заменить экспертов и специалистов, тем самым освободить сторон от лишних затрат в проведении экспертиз.

Участники общества вправе участвовать в управлении делами общества в порядке, установленном Законом и учредительными документами общества. Основная цель управления – обеспечить более эффективный процесс принятия решений и повысить уровень подотчетности общества. Право на участие в управлении делами общества осуществляется путем участия на общем собрании участников, который является высшим органом управления.

Одним из основных полномочий участников общества является образование исполнитель-

ных органов общества и досрочное прекращение их полномочий. Согласно Закону исполнительный орган может быть единоличным (директор) либо коллегиальным (правления, дирекции и другие). Современные технологии и искусственный интеллект полностью изменили характер принятия решений в корпорациях, а искусственный интеллект в некоторых корпорациях уже занял место исполнительного органа (директора).<sup>6</sup> Например, в Китае компания NetDragon Websoft назначила на пост генерального директора виртуального человекоподобного робота на основе искусственного интеллекта, его назвали Тан Юй. Робот возглавит «организационный отдел и эффективность» компании, занимающейся разработкой мобильных приложений и онлайн-игр. Он станет первым в мире роботом на руководящей должности. По мнению создателей, робот будет улучшать качество рабочих задач и скорость их выполнения, применять информацию в режиме реального времени, как аналитический инструмент, поможет принимать рациональные решения в ежедневных задачах и обеспечит более эффективную систему управления рисками, поможет развивать таланты и будет обеспечивать всех работников справедливым и эффективным рабочим местом.<sup>7</sup>

Исполнительный орган отвечает за действия общества в гражданских, административных, налоговых, трудовых и других правоотношениях, несёт ответственность перед участниками. Анализ практики показывает, что в за частую, директором общества совершаются действия вопреки интересам участников, цели создания общества, заключаются невыгодные сделки, скрывается чистая прибыль, совершаются действия по присвоению имущества и денежных средств общества и другие незаконные действия, тем самым причиняет вред обществу. Обнаружить незаконные действия исполнительного органа участники могут лишь при участии на общем собрании участников, проводимых один раз в год по итогам обсуждения годовой деятельности общества. Исходя из этого, предпочтение отдается роботу с искусственным интеллектом, который будет служить интересам участников, так как не будет иметь своих личных интересов. Кроме того, ИИ, в качестве представителя ООО, будет информировать участников о деятельности общества по их обращению на постоянной основе. Такой механизм организации деталь-

4 Дело за №10-1618/32268 Хозяйственного суда города Ташкента.

5 Дело за №4-10-2210/387 Ташкентского городского суда.

6 Press Release, Tieto, 'Tieto the First Nordic Company to Appoint Artificial Intelligence to the Leadership Team of the New Data-driven Businesses Unit' (Oct. 17, 2016).

7 <https://uz.sputniknews.ru/20220905/v-knr-iskusstvennyy-intellekt-vozglavil-kompaniyu-27808840.html>



ности увеличит подотчетность исполнительного органа перед участниками, способствует предотвращению совершения незаконных действий, что в итоге уменьшит количество судебных разбирательств по корпоративным спорам.

По мнению известного разработчика Даниэль Бароуи, создавший «Automan» - программу, используемую для распределения заданий, для того чтобы сотрудники в компании были довольны и работали продуктивно, им необходимы ясные указания, самостоятельность и атмосфера, в которой позволяется иногда допустить ошибку. Правильно составленные алгоритмы, без сомнения, в состоянии обеспечить такие условия. Они могут давать ясные указания и директивы, обрабатывать информацию с огромной скоростью, решать одновременно несколько задач, практически не ошибаясь.<sup>8</sup>

Одним из основополагающих прав участников общества является получение информации о деятельности общества и ознакомление с его бухгалтерскими книгами и иной документацией в порядке, установленном законодательством и учредительными документами общества. Согласно содержанию Закона, неисполнение обязательства обществом в предоставлении запрошенной участником информации может повлечь за собой ответственность. Важным условием в осуществлении прав участника является достоверность информации. На сколько информация правдива, вся ли прибыль отражена в бухгалтерской отчетности, не были ли совершены действия по сокрытию информации, по растрате денежных средств, и на сколько она близка действительности, вопросы – тревожащие любого участника. Кроме вопроса достоверности, участников также волнует вопрос достаточна ли предоставленная информация. Ведь бывает не вся документация хранится обществом. Вероятность отказа в праве участника возможно в силу сроков хранения данных. Таким образом, мы снова приходим к выводу, что ИИ играет важную роль в обеспечении реализации и защите прав участников тем, что он способен сохранить информацию в достоверном, достаточном формате без искажений. Кроме того, проверка со стороны ИИ достоверности информации исключит проведение различных аудиторских проверок, а вместе с тем затрат на проведение проверок.

Являясь помощником в организации деятель-

ности общества и его личной базой данных, ИИ может вести учет принадлежащего имущества общества, активов, дебиторских задолженностей, что в последующем необходимо обществу в случае его ликвидации и составления ликвидационного баланса. Согласно Закону, участники общества вправе получить в случае ликвидации общества часть имущества, оставшегося после расчетов с кредиторами, или его стоимость. На практике встречаются случаи, когда общество уже ликвидировано, сведения внесены в государственный реестр, а принадлежащее имущество обществу осталось не внесенным в ликвидационный баланс, соответственно нераспределенным. Следовательно, в случае если ИИ будет использован как учетный реестр для ликвидатора, он должно быть интегрирован с базой данных государственных органов и содержать полную информацию об обществе и его участниках.

Способность содержать достоверную и достаточную информацию, ИИ может послужить и в качестве доказательства в суде при рассмотрении дел по корпоративным спорам, выяснения обстоятельств по делу, а также заменять вспомогательных лиц в осуществлении правосудия таких как экспертов и специалистов. Зарубежный опыт показывает, что искусственный интеллект может применяться непосредственно в деятельности суда. В США создан проект по использованию искусственного интеллекта в суде, где специальный алгоритм оценки рисков дает судьям определенные рекомендации по уголовным делам: отпустить под залог или заключить под стражу человека.<sup>9</sup> В Российской Федерации действуют онлайн-платформы ГАС «Правосудие» и «Мой арбитр», где под контролем специалистов формируются стандартные определения и решения суда в рамках гражданского или административного судопроизводства.<sup>10</sup> Китай использует искусственный интеллект для «улучшения» судебной системы, рекомендующий вердикты. Согласно постановлению ВНС КНР, судьи должны консультироваться с ИИ по каждому делу. Если они не согласны с рекомендацией машины, то должны предоставить письменное обоснование.<sup>11</sup>

Несмотря на свою актуальность современные технологии и ИИ имеют ряд недостатков и проблем в использовании. К примеру, тот же самый робот-директор, который может имитировать человеческие способности и рассуждения, требует много ресур-

8 [https://www.bbc.com/russian/business/2014/07/140702\\_vert\\_fut\\_your\\_boss\\_robot](https://www.bbc.com/russian/business/2014/07/140702_vert_fut_your_boss_robot)

9 <https://www.wsj.com/articles/algorithm-helps-new-york-decide-who-goes-free-before-trial-11600610400?mod=searchresults&page=1&pos=1>

10 <https://cyberleninka.ru/article/n/sudya-robot-kak-preodolenie-protivorechij-sudebnogo-usmotreniy-a-yuridicheskie-aspekty>

11 <https://forklog.com/news/ai/verhovnyj-sud-kitaya-pozvolil-ii-vynosit-prigovory>



сов и времени, что делает его довольно дорогостоящим и недоступным для всех хозяйствующих субъектов. В статье отмечалось возможность ИИ принимать эффективные, правильные и быстрые решения, однако не будет творческого подхода и новых идей, так как он будет анализировать ситуацию с точки зрения предварительно введенных данных и прошлого опыта.

Использование ИИ в корпоративном управлении способствует организации более эффективной деятельности общества, возможность прогнозирования на основе большого количества информации в режиме реального времени будет залогом принятия рациональных решений. Однако возникает вопрос, кто будет нести ответственность за качество прогноза, к примеру, при причине сбоя в работе алгоритма или искажении информации, контролировать директора-робота и проверять его решения, если робот доведет фирму до разорения, или в случаях, когда фирма замешана в мошенничестве. Ведь как известно, в соответствии с Законом если в результате нарушения исполнительным органом общества порядка заключения крупной сделки или сделки с аффилированными лицами был причинен ущерб обществу и при этом в установленном законодательством порядке бу-

дет доказана вина директора или коллегиального исполнительного органа общества, они несут субсидиарную ответственность по обязательствам общества по возмещению задолженности перед кредиторами в случае недостаточности его имущества. К сожалению, данный вопрос остается открытым, проблема не разрешенной, что ставит под сомнение возможность довериться ИИ в управлении обществом.

Искусственный интеллект никогда не будет полностью автономным. Для его нормального функционирования и работы требуются материальные и человеческие ресурсы, так как технические сбои и многочисленные ошибки могут привести к сильному нарушению в работе системы, и даже к утере базы данных.

Нельзя отрицать и наличие возможности использования ИИ для незаконного получения доступа к информации. Даже самые простые хозяйственные роботы, покупаемые для упрощенного ведения хозяйства, могут «докладывать» на своих хозяев.<sup>12</sup> Появление в корпоративных отношениях ИИ приводит к необходимости пересмотра мер кибербезопасности во избежание нарушения коммерческой тайны ООО, что в последующем на прямую затронет права и интересы участников общества.

#



Гўзал САЪДИЕВА,  
Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири PhD

## ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНING ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТ МАҚОМИНИ ОЛИШИНING АҲАМИЯТИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақола Эрон Ислам Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олишининг аҳамиятига бағишланади. ЭИРнинг ШҲТга аъзо сифатида қабул қилиниши натижасида ташкилотнинг салоҳияти географик, ҳарбий ва иқтисодий, табиий газ ва электроэнергетика соҳасида дунёда етакчилик қилиш имконияти нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Шунингдек, ташкилотга аъзолик Эрон Ислам Республикасига қандай таъсир этиши илмий асосланган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье основное внимание уделяется важности Исламской Республики Иран как государства-члена ШОС. Проанализирован потенциал организации с географической военной и экономической а так же, с точки зрения возможности мирового лидерства в области природного газа и электро-энергии в результате принятия ИИР в члены ШОС. Кроме того, научно обосновано то, как членство в Организации влияет на Исламскую Республику Иран.

**ANNOTATION.** This article focuses on the importance of the Islamic Republic of Iran as a member state of the SCO. The potential of the organization is analyzed from the geographic military and economic, as well as from the point of view of the possibility of world leadership in the field of natural gas and electricity as a result of the admission of IIR as a member of the SCO. In addition, it is scientifically substantiated how membership in the Organization affects the Islamic Republic of Iran.

**Калит сўзлар:** ШҲТ, ЭИР, Афғонистон, АҚШ, Самарқанд саммити, Марказий Осиё, Хитой, ядро дастур, “Ўзбек дипломатияси”, минтақавий хавфсизлик, Меморандум, Global Fire Power Index 2022.

**Ключевые слова:** ШОС, ИИР, Афганистан, США, Самаркандский саммит, Центральная Азия, Китай, ядерная программа, «Узбекская дипломатия», региональная безопасность, Меморандум, Global Fire Power Index 2022.

**Key words:** SCO, IIR, Afghanistan, USA, Samarkand summit, Central Asia, China, nuclear program, “Uzbek diplomacy”, regional security, Memorandum, Global Fire Power Index 2022.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Осиё-Тинч океани минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда Марказий Осиё ва унга яқин ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган, класик халқаро ташкилотлардан бошқа бир маконда, яъни бошқа бир сиёсий-ижтимоий, маданий ва жўғрофий маконда, аслида, Ғарб давлатларининг иштирокисиз XX асрнинг охирида юзага келган минтақавий ташкилот ҳисобланади. ШҲТ тузилган (2001 йил)дан сўнг Афғонистон, Эрон ҳамда АҚШ каби минтақа ва ундан ташқаридаги бир қатор давлатлар ушбу ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик қилиш истагини билдирди.

Маълумки, глобаллашаётган бугунги даврда ўзининг салоҳияти ва имкониятларини амалга оширишга интиладиган ҳар қандай давлат халқаро ташкилотлар орқали ўз ташаббусларини илгари суришга ҳаракат қилади. ШҲТ эса, Ўзбекистон учун ана шундай платформа ҳамда кўптомонлама ҳамкорлик қилиш институтларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур ташкилотга аъзо бўлишининг асосий сабаблари аввало, минтақавий хавфсизлик масаласи бўлса, иккинчидан кўптомонлама ҳамкорлик қилиш масаласи туради. Чунки минтақавий хавфсизликка ҳамкорликсиз эришиб бўлмайди. Учунчиси, мамлакатимизда иқтисодий тараққиёт учун тегишли сиёсий

шарт-шароитларни яратиш имкониятини очиб беради. Ўзбекистон бошқа ШҲТга аъзо давлатлардан жўғрофий нуқтаи назардан фарқ қилади. Яъни Марказий Осиё ШҲТнинг асосий геосиёсий ядроси бўлса, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ядроси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотдаги стратегияси айнан марказий ва жанубий Осиёни Афғонистон орқали боғлашдан иборат. Бу эса, барча ШҲТга аъзо давлатларнинг манфаатига мос тушади.

2022 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари “Ўзбек дипломатияси” учун катта масъулият бўлган, ШҲТ тарихида анча кенгайтирилган саммит сифатида из қолдирган ШҲТнинг Самарқанд саммити бўлиб ўтди. Буни саммит доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлардан кўриш мумкин. Жумладан, транспорт-логистика масаласи, Ўзбекистондан Форс кўрфазига чиқиш масаласи, ташкилот доирасида шартли равишда Туризм иттифоқини шакллантириш, иқтисодий секторда катта лойиҳаларни амалга ошириш, турли шартномалар (Хитой билан 15 млрд. долларлик шартнома)ни имзолаш масалалари кўрилди. 16 сентябрь куни эса, саммитда Эрон Ислам Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиши учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум ҳам имзоланди. Ушбу меморан-



дум 2021 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида ўтказилган ШХТ саммитида Эронни ташкилотга қабул қилиш тартибини бошлашга оид қарорнинг амалий давоми бўлди. Самарқанд саммитида Эроннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига тенгхуқуқли иштироки ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан маъқулланди<sup>1</sup>. Таъкидлаш лозимки, 2005 йилдан буён Эрон (Покистон ва Ҳиндистон билан бир вақтда) ШХТ фаолиятида кузатувчи давлат сифатида иштирок этиб келаётган эди. 2008 йилдан буён ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиш истagini билдириб келади, шунингдек, ШХТнинг устав органлари, шу жумладан, ШХТ давлат раҳбарлари Кенгаши ҳамда Ҳукумат раҳбарлари Кенгаши мажлисларида, ШХТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари, ШХТда кузатувчи давлатлар ва бошқа манфаатдор томонлар даражасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувларда мунтазам равишда қатнашиб келади. Бироқ ўша пайтдаги конфронтацион қарама-қаршилиқлар даврида Эроннинг ядровий дастури ривожланиб бориши муносабати билан халқаро ҳамжамият, АЭХА (МАГАТЭ, International Atomic Energy Agency) ва Эрон ўртасида турли ташаббуслар мавжуд эди.

2010 йилдаги Тошкент саммитида ШХТга аъзо бўлишга интилаётган давлатлар “БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан киритилган санкцияларга учрамаган бўлиши керак” деган янги мезонни киритилган эди<sup>2</sup>. 2015 йил 18 октябрда кучга кирган Комплекс қўшма ҳаракатлар режаси доирасида санкцияларнинг олиб ташланиши билан Эроннинг ташкилотга аъзолиги биринчи планга чиқди. Бироқ шунга қарамай Эроннинг ШХТга қабул қилинмаганлигининг бир неча сабаблари мавжуд эди. Улар:

- Тожикистон билан ўзаро алоқалардаги муаммолар;
- АҚШ санкциялари;
- Хитойнинг кескин қаршилиги ва ҳ.к.

Эндиликда Самарқанд саммити давомида имзоланган Эрон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиши учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумда назарда тутилган барча мажбуриятлар Эрон Ислом Республикаси томонидан бажарилганидан сўнг, у ШХТнинг тўлақонли аъзосига айланади.

ШХТ Хартияси ва унинг бошқа меъёрий ҳужжатларига кўра, ташкилотга аъзо бўлишга номзод давлат ШХТнинг мақсад ва вазифаларини бажариши,

бошқа аъзо давлатларга қарши ҳарбий ҳаракатларни амалга оширмаслиги лозим. Бундан ташқари, мамлакат ҳудуди Евроосиё минтақасида бўлиши ва унга нисбатан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциялари қўлланилмаган бўлиши керак. Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга нисбатан санкциялари 2015 йил охирида олиб ташланган. Шу нуқтаи назардан бугун Эронни ШХТга тўлақонли аъзо бўлишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий асослар мавжуд эмас.

Эрон келтирилган мезонларнинг барчасига жавоб беради. Шу муносабат билан, 2021 йилдаги ШХТнинг Душанбе саммитида уни ташкилотга қабул қилиш тартибини бошлашга қарор қилиниб, Ўзбекистон раислигида бу жараён янгича босқичга кўтарилди. 2022 йил 15 сентябрда ШХТ Давлат раҳбарлари Кенгаши доирасида ШХТ Бош котиби Чжан Минг Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашди. ШХТ Самарқанд саммити доирасида эса ШХТ Бош котиби Чжан Минг ва Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирини Хусайн Амир Абдуллоҳиён билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат мақомини олиш учун Эрон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумни имзолади. Бу эса, Эрон Ислом Республикасининг ШХТ Низоми ва бошқа бир қатор фундаментал ҳужжатларига қўшилиши зарурлигини билдиради. Умуман олганда, Эрон ташкилотнинг 40 дан ортиқ ҳужжатини ратификация қилиши керак. Фақатгина ушбу тартибдан сўнг Эрон Ислом Республикасига ташкилотга тўлиқ аъзо мақоми берилади.

Маълумот учун, Ҳиндистон ва Покистон меморандум имзолаганидан бир йил ўтгач ва ташкилотга аъзо бўлишга оид барча талабларга жавоб берганидан кейингина 2017 йилда ШХТга аъзоликка қабул қилинган эди. Ушбу амалиётга асосланиб, агар Эрон навбатдаги саммитгача ўз мажбуриятларини бажарса, у ҳолда 2023 йилда, яъни, Ҳиндистон раислиги даврида Эрон Ислом Республикаси ШХТга қабул қилиниши мумкин. Таъкидлаш керакки, ушбу жараёнда кўп нарса Эроннинг ушбу тартибни амалга ошириш суръатига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Чжан Минг<sup>3</sup> сўзларига кўра “Эроннинг иштирокчи мамлакатлар гуруҳига кириши Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада мустаҳкамлайди”. ШХТ Бош котибининг сўзларини таҳлил қиладиган бўлсак, ЭИРнинг ШХТга аъзолиги ҳар иккала томонга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан,

1 <http://rus.sectsc.org/politics/>

2 Положение о порядке приема новых членов в Шанхайскую организацию сотрудничества URL: <http://rus.sectsc.org/documents/20100611/204165.html>.

3 Маълумот учун: ШХТ Бош котиби.

ШХТга Эроннинг таъсирини бир нечта омиллар билан таҳлил этиш мумкин.



### 1. Ташкилот географияси кенгайди.

Бугун Эрон майдони катталиги жиҳатидан дунёда 17-ўринда туради (1 648 000 кв. км.)<sup>4</sup>. Ҳозирги кунда Эронда 85,5 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу эса ер майдонининг учдан икки қисмини эгаллаган ва дунё аҳолисининг 40 фоизини ташкил этадиган ташкилот географиясининг Эрон Ислом Республикаси қўшилиши натижасида янада кенгайишига олиб келади. Агар Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо бўлиши натижасида ташкилот географияси Жанубий Осиё минтақаси билан боғланган бўлса, Эроннинг қўшилиши ташкилотни Яқин Шарқ минтақаси билан боғлайди.

### 2. Халқаро майдонда ШХТ обрўси янада ортади.

Дунё ҳамжамиятида тан олинган тўртта йирик ядро давлатлари (Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон) ва ўзининг ядро дастури<sup>5</sup>га эга бўлган Эрон ШХТ орқали минтақада янгича тартибот ўрнатиш имкониятига эга бўлади.

### 3. Табиий газ ва электроэнергетика соҳасида дунёда етакчилик қилиш имкониятига эга бўлади.

Эрон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо бўлиши ташкилот таркибида “Энергия клуби” ни яратиш имконини беради. Эрон табиий газ захираси бўйича дунёда Россиядан сўнг иккинчи давлат ҳисобланади. Нефть захираси бўйича дунёда 4-ўринда туради. Бойитилган уран ишлаб чиқариш ҳам Эроннинг жаҳондаги нуфузини йилдан-йилга ортиб боришини таъминламоқда. Жумладан, Эроннинг ядровий дастурига бир нечта тадқиқот иншоотлари, иккита

уран конлари, тадқиқот реактори ва уранни қайта ишлаш заводлари киради, улар орасида учта уранни бойитиш заводи мавжуд<sup>6</sup>. Айнан шу Ядровий дастур сабабли АҚШ, Европа Иттифоқи ва уларнинг ҳамкорлари Эронга қарши қўллаган иқтисодий санкцияларга қарамай, Эрон ўзининг нефть-газ секторидаги тараққиётини давом эттирмоқда. Хусусан, Эрон Ислом Республикаси нафақат нефть ва газ қазиб олиш тармоқларини ривожлантириш, балки экспортга йўналтирилган нефть-кимё ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаларини мунтазам равишда амалга оширмоқда<sup>7</sup>.

### 4. Ташкилот ҳарбий қудратининг ошишига олиб келади.

Эроннинг аъзо бўлиши билан ташкилот 9 миллиондан ортиқ аскардан иборат йиллик маддофаа бюджети 430 миллиард долларлик бирлашган ҳарбий кучга эга бўлади. Хавфсизлик соҳасида Эроннинг Афғонистондан келаётган наркотикларга қарши курашдаги бой тажрибаси муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Global Fire Power Index 2022 йилдаги рейтингда Эрон 575 минг фаол аскарлар ва 5 млрд долларлик йиллик маддофаа бюджети билан 14-ўринни эгаллаган<sup>8</sup>.

Гарчи ушбу ташкилот ҳарбий блок саналмаса-да, ҳарбий жиҳатдан унинг салоҳияти ва обрўси ортади. Қайсидир маънода Ғарб экспертлари томонидан “НАТО ва ЕХХТга қарши тузилган ташкилот” деган қарашлар илгари сурилиб келган ва бу қарашлар ҳозир ҳам мавжуд. Бунга асосий сабаб эса, Россия ва Ғарб ўртасидаги, Хитой ва Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг чигаллашиб келаётгани сабаб бўлган. Бироқ, 2002 йилда қабул қилинган ШХТнинг Санк-Петербург Хартиясида ушбу ташкилотнинг ҳарбий, сиёсий блок эмаслиги ва БМТ Уставининг тамойил ва мақсадларига содиқ қолиши таъкидлаб ўтилган.

### 5. Ташкилотнинг хавфсизлик масалаларида таъсир кучи сезиларли равишда ортиши кузатилади.

Эроннинг ШХТга аъзо бўлиши минтақавий хавфсизлик соҳасида янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар яратади. Жумладан, Эрон Ислом Республикаси учун Афғонистон қўшни давлат сифатида нафақат миллий ва минтақавий хавфсизлигининг асосий омили, балки Марказий ва Жанубий Осиё геосиёсий жараёнлар билан боғлиқ сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Айниқса,

4 <https://www.tpg.ua/ru/country/tab-country/>

5 ЭИРнинг “Ядро дастури” унга нисбатан АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари томонидан санкциялар қўллашга сабаб бўлган омил ҳисобланади.

6 Congressional Research Service. Iran’s Nuclear Program: Status. Federation Of American Scientists.

7 Haidar, J.I., 2015. “Sanctions and Exports Deflection: Evidence from Iran,” Paris School of Economics, University of Paris 1 Pantheon Sorbonne, Mimeo.

8 <https://www.globalfirepower.com/countries-listing.php>



АҚШнинг Афғонистонда Биргаликдаги комплекс ҳаракат режаси (БКХР)дан чиқиб кэтиши АҚШ-Эрон муносабатларини янада кескинлаштирган бўлса, Афғонистоннинг Эрон ташқи сиёсати парадигмасидаги аҳамиятини оширди. Ал-жазира каналининг 2022 йил июль ойи ҳолатига берган маълумотида кўра Эронда 4 миллионга яқин афғон қочоқлари мавжуд. Эрон нафақат Қобул, балки Афғонистондаги бошқа турли гуруҳлар, жумладан, Афғон Ислом бирлиги партияси билан яқин алоқаларга эга. Қобулга энг яқин денгиз йўллари ҳам Эроннинг Чобаҳор порти орқали ўтади. 2018 йилда Эрон 2,5 млрд долларлик экспортни амалга ошириб Афғонистоннинг энг катта импорт ҳамкорига айланган. Шу нуқтаи назардан Эрон Афғонистон масаласи бўйича катта аҳамиятга эга.

**6. “Бир макон, бир йўл”, “Халқаро шимол-жануб транспорт коридори” каби истиқболли лойиҳаларнинг амалга ошиши тезлашади.**

Эроннинг ташкилотга аъзо бўлиши орқали бир қатор янги имкониятлар, жумладан, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ривож учун қулай шарт-шароитлар яратилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, ташкилот доирасидаги ривожланмаган инфратузилмалар учун қулай имкониятларни юзага келтиради.

Эрон билан конструктив муносабатларни йўлга қўйиш орқали Ўзбекистон ҳам Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби Эроннинг халқаро денгиз йўлларида олиб борувчи Бандар Аббос ва Чобаҳор портларига кириш имкониятига эга бўлади. Бу эса, ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва оптималлаштириш учун янги истиқболларни очади.

Юқорида қайд этилган таҳлиллар Эроннинг ШХТга аъзо бўлиши билан ташкилотнинг имкониятлари ва салоҳиятига таъсирига оид эди. Қуйида биз ШХТга аъзолик Эрон Ислом Республикаси учун қандай натижалар бериши мумкинлигини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Ташкилотга аъзолик Эрон Ислом Республикаси учун ҳам бир қанча ижобий натижаларни бериши мумкин. Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг янги раҳбари Хусайн Амир Абдуллоҳённинг айтишича, Эроннинг ШХТга аъзо бўлиши Эроннинг халқаро ва хусусан, минтақавий алоқаларига “сезиларли таъсир кўрсатади”<sup>9</sup>. Буни қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

- ШХТ ҳар томонлама стратегик ривожланаёт-

ган халқаро тузилма ҳисобланади. Эроннинг ШХТга қўшилиши эса унга АҚШ ва НАТО томонидан келадиган таҳдидлардан ҳимояланишига қўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

- Эроннинг ноанъанавий ва трансчегаравий характердаги таҳдидларга, жангарилар томонидан наркотик ва портловчи моддаларни олиб ўтиш, умуман халқаро терроризм билан курашишга ёрдам бўлади.

- АҚШнинг ўсиб келаётган санкциялари шароитида Эроннинг ўз нефти экспортини диверсификация қилиши учун имконият туғилади.

- Халқаро майдонда Эрон позициясининг кучайишига сабаб бўлади.

- Санкцияларга қарши тура олиш учун фойдали ҳамкорликка тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

- Эрон ШХТ давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг диверсификациясига эришиш имконига эга бўлади.

- Яқин Шарқ ҳудудида лидерлик позициясини мустаҳкамлашга ва Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашишга имконият яратади.

- Эрон учун ШХТга қўшилиш жаҳон бозорига кўпроқ маҳсулот экспорт қилиш имкониятини очиб беради.

- Эроннинг мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаши учун кенг имконият бўлиши мумкин. Унинг асосий даромад манбаи ҳисобланган – нефть экспорти ортиши ҳамда ўз маҳсулотларини ШХТга аъзо давлатларга фаол равишда етказиб беришни бошлаши мумкин бўлади.

Бу борада Парламент аъзоси Сардар Джава-ни: “Осиёга диққатни қаратиш, умуман минтақавий яқинлашувни ошириш Эрон Ислом Республикасининг иқтисодий тараққиёти учун ҳам зарурий шартлардан бири ҳисобланади”, дейди<sup>10</sup>.

ШХТни кўпинча Ғарбга қарши блок, ҳаттоки, НАТОга қарши деб ҳисоблашади. Бироқ, бу асло ундай эмас. Ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзлари ҳам Ғарб билан муносабатларни кескинлаштиришни хоҳлашмайди. Балки шунинг учун ҳам Эроннинг янада интеграциялашуви масаласини кўриб чиқиш билан бирга ўртадаги мувозанатни ушлашга уришлар мавжуд. ШХТ Саудия Арабистонини, Қатар ва Мисрни ҳам мулоқот бўйича шерикликка чорлаб қолади. Шунинг учун кўп нарса Эрон ҳукуматининг ҳақиқий ҳамкорликка тайёрлигига боғлиқ бўлиб қолади.

#

9 Иран присоединился к Шанхайской организации сотрудничества URL: <https://radiosputnik.ria.ru/20210917/iran1750531449.html>

10 <https://www.khabaronline.ir/news/1556719/>



Ваҳобжон КАРИМОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
профессори, юридик фанлар доктори  
Ўктам ЭЛМУРАТОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье освещены предложения по дальнейшему совершенствованию теоретических и правовых основ организации прокурорского надзора за исполнением законов органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность.

**ANNOTATION.** The article highlights proposals for further improvement of the theoretical and legal foundations for the organization of prosecutorial supervision over the implementation of laws by bodies entitled in operational-search activities.

**Таянч сўзлар:** тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, прокурор назорати, тезкор-қидирув қонунчилиги.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, прокурорский надзор, оперативно-розыскное законодательство.

**Key words:** operational-search activity, operational-search measures, prosecutor's supervision, operational-search legislation.

Ҳозирги кунда давлат назоратининг тури сифатида тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ) ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни 27-моддасида ТҚФни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган. Бу соҳадаги прокурор назорати тарихига назар ташлайдиган бўлсак, профессор Б.Х.Пўлатовнинг ёзишича, ўтган асрнинг 60-70 йилларида собиқ иттифоқ Бош прокурорининг бир қатор буйруқларида бўйсунувчи прокурорларга ТҚФга аралашиб қатъий таъқиқлаб қўйилган эди. Ушбу муҳим масала мустақилликка эришилганидан сўнггина, яъни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторидан жой олди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунида прокурор назоратининг

мазмуни, предмети, прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлари белгиланган. Жумладан, ушбу қонуннинг 28-моддасида прокурорнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органларнинг қонунларга риоя этишларини назорат қилишдаги умумий ваколатлари белгиланган. Мазкур қонуннинг бир қатор нормалари ҳаволаки хусусиятга эга бўлиб, унга кўра прокурорнинг суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат бўйича ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ва бошқа қонунлари асосида ўрнатилади. В.И.Осипкиннинг таъкидлашича, “Ҳар қандай ҳолатда ҳам назоратнинг жиноят-процессуал нормаларига асосланган тергов ишлари билан умумий боғлиқлиги шубҳасиз”<sup>2</sup>.

Жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш предмети – жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва маълумотларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш ва текширувлар ўтказишнинг қонунларда белгилан-

1 Қаранг: Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т., 2009. – Б. 219.

2 См. Осипкин В.И. Прокурорский надзор за оперативно-розыскной деятельностью: учебное пособие. СПб.: Статут, 2001. – С. 31



ган процессуал тартиби, жиноятчиликка қарши курашувчи идоралари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек жиноятчиликка қарши курашга қаратилган бошқа қонунларга оғишмай амал қилиш ҳисобланади<sup>3</sup>. Прокурор назорати предметининг ушбу таркибий қисмлари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Улар қамраб олган ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, прокурорнинг ТҚФни амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижро этилиши устидан назорати бўйича ишини ифодалайдиган барча вазиятларда кузатиш мумкин.

Прокурор назорати предмети ҳамда унинг мақсади ўртасида ҳам алоқа мавжуд. Унинг мақсади – инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига, уй-жойи дахлсизлиги ҳамда ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, почта жўнатмалари, телеграф ва бошқа хабарлари сир тутилишига бўлган ҳуқуқларига, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига риоя этилишининг қонуний кафолатларини таъминлаш, содир этилган ва тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилишнинг ўрнатилган тартибига риоя этилишини ҳамда ТҚФни амалга оширишда қонунда белгиланган чекловларга риоя этилишини, тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ)ни ўтказишда қонунийликка риоя этиш, мансабдор шахслар томонидан қарорлар қабул қилиш, ТҚФ натижаларини суриштирув органи, терговчига ва прокурорга такдим этиш ҳисобланади.

Ваколатли прокурорларнинг фаолияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг кафолатлари, ТҚТни ўтказишда қонунийликка риоя этилишининг кафолатларини таъминлашга, жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган ёхуд жиноий жазони ўташдан бўйин товлайётган шахсларни қидириб топиш, шунингдек бедарак йўқолган фуқароларни қидиришга ёрдам бериши лозим.

ТҚФ инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги алоҳида фаолият тури бўлиб, уни амалга оширишда ошкора ва ноошкора усуллардан фойдаланилади, бунда турли суиистеъмомчиликлар ва қонун бузилишлари келиб чиқиш эҳтимоли мавжуд. Шу боис “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда қонунийлик, инсон эркинликларининг устуворлиги принциплари биринчи ўринга қўйилгани, ТҚФни амалга ошириш жараёнида уларга риоя этилиши устидан назорат эса прокурорнинг ушбу йўналишдаги фаолиятининг ўзагини, негизини ташкил этиши бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда давлатнинг бошқа органлари функцияларини такрорламайди. Шу сабабли, прокурор назоратининг предмети ТҚФ устидан идоравий назоратнинг ўрнини боса олмайди. Бинобарин, прокурор ўзининг назорат ваколатларини идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида эмас, балки қонунда белгиланган ҳуқуқий макондагина намоён этиши мумкин. Шу боис, қонуности ҳужжатлари (буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар, йўриқномалар) ижроси устидан назорат идоравий назорат соҳаси ҳисобланади. Шу билан бирга, прокурорлар ТҚФни амалга оширувчи органлар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлашлари зарур. Модомики, ТҚТнинг мазмуни ўтказиш шартлари, ўтказишга рухсат бериш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг ваколатлари, уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш асослари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тартибга солинган экан, прокурор ушбу ҳужжатларнинг тегишлича ижро этилишини текширишга ҳақлидир.

ТҚФ жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этиш, уларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ва фош этиш, суриштирув, тергов органлари ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлайётган шахсларни қидириш, бедарак йўқолганларни қидириб топиш Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдид солаётган воқеа ёки ҳаракатлар ҳақида маълумотлар олишга йўналтирилган бўлиши лозим. ТҚТнинг қонунда кўрсатилган мақсад ва вазифалар доирасидан чиққанлиги ҳолатлари прокурорнинг, уларни аниқлаш ҳамда ТҚФ субъектларининг қонунга хилоф ҳаракатларига чек қўйиш борасидаги фаолиятининг предмети бўлиши лозим.

ТҚФ устидан прокурор назорати предметининг элементларидан бири – бу фаолият субъектлари бўлган органлар қабул қилаётган қарорларнинг қонунийлиги бўлиб, булар муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжатлардир. ТҚФни амалга оширувчи органлар қарорлари орасида ТҚТни ўтказиш ҳақидаги қарорлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чекловчи қарорлар, фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳақидаги қарорлар прокурор назоратининг предмети бўлиши мумкин. Прокурор қонун бузилиши фактларини аниқлаганида уларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

ТҚФни амалга оширувчи органлар қабул қиладиган фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳақидаги қарорларнинг қонунийлигини баҳолашда, ТҚТ



ўтказилаётганида олинган маълумотларнинг фаолият мақсадларига мослиги, тўпланган ахборотдан тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланилгани аниқланади. Бунда асосий эътибор ТҚФни амалга оширувчи органлар қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигига қаратилади. Бу қарорлар асосида ТҚТнинг натижалари суриштирув органлари, терговчи ёки прокурорга тақдим этилади. Модомики, қарорлар қабул қилиш, шунингдек ТҚТни ўтказиш амалиёти кўп жиҳатдан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирида шаклланар экан, ушбу ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини баҳолаш ҳам прокурорнинг бевосита вазифаси ҳисобланади.

ТҚТ ўтказилишининг ва бунда қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлигини прокурор қуйидагилар бўйича текширади: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари; фош этилмаган жиноятларга оид жиноят ишлари материалларини ўрганиш натижалари ёки жиноят ишлари бўйича терговчи, тергов органининг раҳбари ўз юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича берган алоҳида топшириғи ёки суднинг ажримига тегишлича чора кўрилмагани ҳақида ахборот келиб тушганида, шунингдек ваколатли прокурорнинг талаблари ва топшириқлари лозим даражада бажарилмаганида; режали тартибда, жумладан юқори турувчи прокурорнинг кўрсатмаси бўйича; бошқа ҳолларда, фаолиятнинг ушбу соҳасида қонунийликнинг ҳолатини ҳамда тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятларни аниқлаш бўйича ижобий натижаларга эришилмаганида, жиноятларни фош этишда, жиноят ишлари бўйича айбланувчилар, гуноҳ қилинувчилар ёки бедарак йўқолган шахсларни қидириш масалалари бўйича.

Бунда ваколатли прокурор қуйидагиларга эътибор қаратади:

тезкор-қидирув иш юритувининг ҳамда уни юритиш ва тўхтатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши ҳамда тезкор-хизмат материаллари, уларни юритиш муддатлари ва тартибининг қонунийлиги, асослилиги ва юритиш тартибига риоя этилишига<sup>4</sup>;

ТҚТ ўтказилиши ёки тўхтатилиши ҳақидаги қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги, уларни ўтказиш бўйича белгиланган асослар ва шартларга (15, 16, 21-моддалар), шунингдек ТҚФ натижаларидан фойдаланишнинг тартибига риоя этилиши (19-модда);

ТҚТнинг фаолият мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги, шунингдек инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказувчи ва атроф муҳитга зиён етказувчи ахборот тизимлари ва техник воситалари қўлланишига йўл қўймаслик қонунига риоя этилиши

(13-модда);

ТҚФни амалга оширувчи шахсларда, шунингдек тезкор-қидирув иш юритувини бошқа тезкор-хизмат материалларини юритиш, муддатларини узайтириш ва юритилишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилувчи шахсларда ваколат борлиги, ТҚТ ўтказилиши ва уларнинг натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этилиши; “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгиланган ТҚТ рўйхатига риоя этилиши, прокурор санкциясини талаб қилувчи ТҚТ ўтказилиши учун асослар мавжудлиги;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини фавқулодда ҳолатларда чекловчи асослар мавжудлиги.

Прокурорга ҳужжатларни тақдим этишдан ноқонуний бош тортиш прокурор талабларини бажармаслик ёки унинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш деб баҳоланади. Прокурор ушбу ҳолда асослар мавжуд бўлганида айбдор мансабдор шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка, жумладан жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўришга ҳақли бўлади. Прокурорлар “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддаси 2-қисми талабларига биноан, назорат остидаги органлар тақдим этган ТҚФга оид ҳужжатлар ва материалларда келтирилган маълумотларнинг ошкор бўлишидан ҳимоя қилиниши учун шахсан жавобгар бўлади.

ТҚФ тўғрисидаги қонунда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи айрим ТҚТ (турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ҳамда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш) белгиланган бўлиб, уларни ўтказиш учун прокурор санкциясини олиш лозим бўлади. Қонуннинг 16-моддасида прокурор санкциясини олиш, тегишли қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланувчи материалларни тақдим этиш, шунингдек, прокурор томонидан санкция бериш рад этилган тақдирда ТҚФни амалга оширувчи органнинг ҳаракатлари қандай бўлиши тартибга солинган.

Прокурорга фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказиш учун санкция беришни мустақил равишда ҳал қилиш ваколатининг берилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши учун муҳим кафолат яратади. ТҚФ тўғрисидаги қонуннинг 16-моддасида ТҚТни ўтказиш жараёнида фуқароларнинг ёзишмалар, телефонлар ва телекоммуникация қурил-



малари орқали олиб бориладиган сўзлашувлари; абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар сир сақланишига доир ҳуқуқларини, шунингдек турар жой дахлсизлиги ҳуқуқларини чекловчи ТҚТни ўтказиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқишда прокурорнинг тегишли қарор қабул қилиш ваколати белгилаб берилган.

Норасмий ёзишмаларга, шунингдек почта, курьерлик жўнатмалари ва алоқа каналлари орқали эмас, балки бошқа каналлар орқали узатилган ҳолларда ТҚТни ўтказиш учун прокурорнинг санкциясини олиш талаб қилинмайди (хусусий шахслар хизматларидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган ёзишмаларга, ёзма матнларни бир шахсдан бошқасига кўчирадиган қурилмалардан фойдаланиш, умумий фойдаланишдаги алоқа тармоғига чиқмайдиган ёхуд айрим шахслар ўртасида ташкил этилган радиоалоқа ёки ишлаб чиқариш корхонаси ичидаги, технологик ёки ажратилган алоқа тармоқлари орқали олиб бориладиган мулоқотлар ва ҳ.к.).

ТҚТни ўтказиш билан боғлиқ фуқароларнинг мазкур ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги материалларни ТҚФни амалга оширувчи ва уларни ўтказиш ҳақида илтимоснома киритган орган жойлашган ердаги прокурор кўриб чиқади. Материалларни прокурор томонидан кўриб чиқиш тартиби ТҚТ ўтказилаётганида фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги материал биринчи марта кўриб чиқилаётганига ёки рад этилганидан сўнг амалга оширилаётганига қараб белгиланади. Материалларни биринчи марта кўриб чиқиш, ушбу ҳаракатларни ўтказиш ҳақида илтимоснома берган орган жойлашган ердаги прокурорларга берилади. Айрим истисноли ҳолларда тезкор-қидирув органи жойлашган ҳудуддан ташқарида, яъни улар ўтказилаётган жойда ўтказиш ҳақидаги материаллар прокурор томонидан кўриб чиқилишига ҳам йўл қўйилади<sup>5</sup>. Бу ТҚТни ўтказиш жойи ТҚФни амалга ошираётган орган жойлашган ҳудуд билан мос келмаслиги мумкинлиги билан боғлиқ. Бу ТҚТ ТҚФни амалга оширадиган, аммо фуқаролар ҳуқуқларини чекловчи тадбирларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа органларнинг талаблари асосида ўтказилганида ёхуд мазкур тадбирларни ўтказиш ҳақида илтимоснома киритган орган ТҚТ ўтказилаётган жойдан анча узоқда (бошқа аҳоли пунктида) жойлашганида ёхуд тегишли орган жойлашган ерда ваколатли прокурор бўлмаганида кузатилади.

Фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбарининг асослантирилган қарори, прокурорнинг фуқаролар ҳуқуқларини чекловчи ТҚТ ўтказилиши ҳақидаги

масалани ҳал этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай қарор фақат прокурор томонидан тегишли қарор қабул қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади. Муайян ТҚТни ўтказиш учун эса ТҚФ тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасида мустаҳкамланган асослар, 16-моддасида назарда тутилган шартлар, шунингдек 4-моддасида келтирилган вазифалар мавжуд бўлгандагина қарор қабул қилиниши мумкин. Прокурорга ТҚТни ўтказиш ҳақида рухсат сўраб мурожаат этган мансабдор шахслар фуқароларнинг ёзишмалар, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали сўзлашувлари, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар сир тугилиши ҳуқуқини, шунингдек уй-жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларини чекловчи ТҚТ ўтказилиши зарурлигини мазкур нормалар талаблари нуқтаи назаридан асослаб беришлари лозим.

Прокурор фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбаридан келиб тушган қарорни кўриб чиқаётганида ТҚТ ўтказилишининг асосли ва қонунийлигига ишонч ҳосил қилиши, уни ўтказиш учун рухсат бериш зарурлиги ҳақидаги хулосага келиши лозим. Агар прокурор зарур деб топса, фаолиятни амалга оширувчи органдан ТҚТ ўтказилиши учун асосларга доир бошқа материалларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказиш ҳақида илтимоснома бераётган раҳбар ўз қарорини асослантириш учун тегишли материалларни прокурорга мустақил равишда ҳам бериши мумкин.

Прокурор фуқаролар ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги материалларни кўриб чиқишдан бош тортишга ҳақли эмас, аммо ТҚТ ўтказилишига шошилинч санкция беришга ҳам мажбур эмас. Прокурор материалларни кўриб чиқиш натижалари асосида бундай ТҚТни ўтказишга рухсат (санкция) беради ёхуд буни рад этиш ҳақида асослантирилган қарор чиқаради. Қонун талабларига мувофиқ нафақат кўриб чиқиш учун прокурорга материал тақдим этаётган орган раҳбарининг қарори, балки прокурорнинг рад этиш ҳақидаги қарори ҳам асослантирилган бўлиши лозим. Шу боис, прокурор ТҚТ ўтказилишини рад этган тақдирда асосли равишда қарор чиқариши ва бунда ҳуқуқнинг тегишли нормаларига ҳавола қилиши, ТҚТ ўтказиш учун асос ва шартлар етарли эмаслигини кўрсатиши, шунингдек тадбирнинг қонунга хилофлигини тасдиқловчи бошқа далиллар ҳам келтириши мумкин. Шунингдек, қарорнинг етарлича асослантирилмагани, тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, улар асосида ТҚТ

5 Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни 21-моддаси биринчи қисми.

ўтказилишига санкция бериш мумкин эмаслиги ёки қийинлиги, бу эса бундай тадбирлар ўтказилиши қонуний ва асосли эканлигини аниқлашга объектив равишда ёрдам бермаслиги ҳам фуқаролар ҳуқуқларини чекловчи ТҚТ ўтказилишини рад этиш учун асос бўлиши мумкин.

Прокурор ТҚФни амалга оширувчи органнинг фуқаролар ҳуқуқларини чекловчи ТҚТ ўтказилишига санкция беришни рад этганида, ушбу орган юқори турувчи прокурорга махсус қарор устидан шикоят билан мурожаат этишга ҳақлидир<sup>6</sup>. Бундай шикоят қилишдан қўзланган мақсад, биринчи навбатда, мазкур тоифадаги ТҚТ ўтказилишининг зарурлигига оид материалларни такроран кўриб чиқиш ва пировардида уларга рухсат олишдан иборат.

Юқори турувчи прокурорга орган раҳбарининг асослантилган қарори ҳамда ТҚТ ўтказиш учун асосларга доир материалларга яна қўшимча материаллар тақдим этилади. Қонунда “шикоят қилиниши” ҳақида сўз юритилганидан келиб чиқиб, илгари тақдим этилган ҳужжатлар юқори турувчи прокурорга тақдим этилади, мўлжалланган ТҚТни ўтказишнинг асослилигини тасдиқловчи янги маълумотлар ҳам қўшиб тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолда қўйи турувчи прокурорнинг ТҚТни ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори ҳам берилиши лозим. Прокурорнинг ТҚТ ўтказилишига рухсат бериш ёки рад этиш ҳақидаги қарори муҳр билан тасдиқланади ва тадбир ўтказиш ташаббускорига, у тақдим этган материаллар билан бирга қайтарилади.

ТҚТларини ўтказиш жараёнида кузатиладиган яна бир муаммо, бу айрим ТҚТнинг прокурор билан келишган ҳолда ўтказилиши билан боғлиқ масала бўлиб, қонуннинг 16-моддасида қайд этилган ТҚТни ўтказиш шартларида “текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади” деган талаб мустаҳкамланган. Бунинг сабаби шундаки, юқоридаги учта ТҚТни ўтказиш очиқ савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотларни (масалан, қурол, портловчи модда, гиёҳвандлик воситалари ва ҳ.к.) ноқонуний айланиши билан боғлиқдир. Яъни, бу талаб муайян жиноятни фош этиш мақсадида муомаласи чекланган ёки тақиқланган предметларни назорат остида харид қилган шахсни жавобгарликка тортилишдан сақлаш учун муайян ҳудуддаги прокурор билан аввалдан келишиб қўйишни назарда тутати.

Аммо, ҳозирги кундаги амалиёт тажрибаси гувоҳлик беришича ушбу масалада ҳам айрим камчиликлар кузатилмоқда. Айни пайтда Бош проку-

ратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органларига юклатилган долзарб вазифалардан бири — бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомалага чиқарилиши билан боғлиқ ғайриҳуқуқий ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказиш ҳисобланади. Мазкур вазифалар ижроси бўйича Департаментнинг тезкор бўлинмалари бир қатор ТҚТ, шу жумладан, “текшириш учун харид қилиш” ТҚТни ўтказишмоқда. Маълумки, бу тадбирлар жараёнида харид қилинаётган маҳсулотлар очиқ савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотлар қаторига кирмайди ва бу ҳолда прокурор билан келишиш мантиққа тўғри келмайди. Лекин, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда ҳам, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам бу ҳолат ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шу боис, бу борада юзага келган вазиятга аниқлик киритиш мақсадида қонуннинг 16-моддаси бешинчи хатбошисидаги жумлани қўйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади: **“Текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш, башарти очиқ савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса, прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади”**.

Бу борадаги яна бир долзарб масалалардан бири — бу фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи ТҚТни ўтказишга рухсат бериш тартиби билан боғлиқ айрим муаммолардир. Хорижий давлатлар тажрибаси далолат беришича, Америка қўшма штатлари, аксарият Европа ва МДҲга аъзо давлатларда шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказишга суд қарори орқали йўл қўйилади. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда ТҚФни амалга оширувчи еттита давлат органи фаолият кўрсатади ва уларнинг иккитаси (Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси) прокуратура тизимига киради. Қонуннинг 21-моддасида тезкор бўлинмалар (шу жумладан, прокуратура тизимидаги кирувчи) томонидан ўтказиладиган айрим ТҚТга прокурорлар санкция бериши белгилаб қўйилган. Фикримизча, бундай номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда фаолиятда ўзаро тийиб туриш ва

6 Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни 21-моддаси учинчи қисми.



манфаатлар мувозанати тамойилига риоя қилишни таъминлаш мақсадида ушбу ТҚТни ўтказишга санкция беришни суд идораларига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу муносабат билан, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмидаги жумлани қуйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади: **“Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига суд қарори асосида йўл қўйилади”**. Чунки, ҳозирда суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида жиноят-процессуал қонунчилигига юқоридаги ТҚТга ўхшаш бўлган айрим тергов ҳаракатлари (почта-телеграф хабарларини хатлаб қўйиш, мурдани эксгумация қилиш)ни ўтказишга санкция бериш суд ваколатига ўтказилди.

ТҚФда прокурор назорати муаммосига муқаддам ҳам эътибор қаратилган (Б.Х.Пўлатов, Давлетов<sup>7</sup>, В.И.Осипкин, Е.Л.Никитин<sup>8</sup> ва бошқалар) бўлишига қарамай, уни тўлиқ тадқиқ этилган деб бўлмади. Мазкур соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ўрнатиш масаласида ҳам ҳозирги кунда айрим муаммолар кўзга ташланади. “Прокуратура тўғрисида”ги ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунларда мазкур фаолият устидан прокурор назоратини ўрнатиш масаласи муайян моддаларда ўз аксини топганлигига қарамасдан ҳозирги кунгача тўлиқ ўз ечимини топмаган. Яъни, бунда биринчидан, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ТҚФ соҳасида прокурор назорати предмети аниқ белгиланмаган. Иккинчидан, прокуратура ва тезкор бўлинмалар ходимлари ТҚФ устидан назорат қилиш предметини ҳар хил талқин қилишади. Ушбу ҳолатлар ўзаро боғлиқ бўлиб амалий фаолиятда айрим тортишувлар ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Шу боис, назорат қилувчи прокурорга тақдим этиладиган тезкор-хизмат ҳужжатларининг рўйхати айнан назорат предметидан келиб чиқиб белгиланишини эътиборга олиб, бу соҳадаги назорат предметини Ўзбекистон Рес-

публикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун талаблари асосида белгилаш лозим.

Мазкур соҳадаги хориж тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксариятида ТҚФ қонун доирасига киритилган бўлиб, қабул қилинган қонунлар талаблари асосида ТҚФ амалга оширилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари бўйича идоравий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган. Жумладан, Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2011 йил 15 февралдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонунининг ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги 33-сонли (2017 йил 20 январдаги янги таҳрирда) буйруғи қабул қилинган. Бу каби норматив ҳужжатлар бошқа МДҲ давлатларида ҳам мавжуд. Қозоғистон Республикаси Бош прокуратурасида эса ТҚФ устидан назоратни ташкил этувчи мустақил Департамент ташкил этилган.

Ушбу соҳадаги прокурор назорати ўзининг назорат объекти, предмети, хусусий вазифалари ва прокурор ваколатларига эғалиги билан прокуратура органлари фаолиятининг махсус ташкилий-ҳуқуқий йўналишидир. Шу сабабли, мазкур фаолият устидан назоратни прокурор назоратининг мустақил соҳаси сифатида белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш таклиф этилади:

“Прокурор назорати” деб номланган III бўлимни қуйидаги таҳрирдаги янги 5-боб билан тўлдириш: 5-боб. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат.

32<sup>1</sup>-модда. Назорат предмети. 32<sup>2</sup>-модда. Прокурорнинг ваколатлари.

Фикримизча, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддаларига юқорида таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши ТҚФ устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга ва бу жараёнда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

#

7 Қаранг: Давлетов А.Д. Тезкор-қидирув фаолиятида прокурор назорати // Қонун ҳимоясида. 2003. №5, Б. 18-22.

8 См.: Никитин Е.Д. Прокурорский надзор за исполнением законов в оперативно-розыскной деятельности. – СПб.: 2016. – 215 с.

**Ибрагим МАХМУДОВ,**  
доцент Правоохранительной академии Республики Узбекистан  
**Даулет РЫСКУЛОВ,**  
Сотрудник Академии Правоохранительных органов  
при Генеральной прокуратуре Республики Казахстан

## **ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ВЕРХОВЕНСТВА ЗАКОНА (на примере антикоррупционной работы)**

**АННОТАЦИЯ.** В статье возможности использования психологических технологий в противоборстве с коррупцией приводятся на примере организаций. Утверждается, что необходимо также учитывать уровни структуры организации при разработке антикоррупционных мер. При этом, все предпринимаемые меры антикоррупционного характера могут быть реализованы в следующих направлениях: создание антикоррупционного климата и снижение коррупционной виктимности организации, постоянный мониторинг коррупционных факторов в организации, активизация работы кадровой службы в сфере отбора кадров и формирование у сотрудников способности управлять ситуацией конфликта интересов.

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада коррупцияга қарши курашишда психологик технологияларни қўллаш имконияти ташкилотлар мисолида келтирилади. Таъкидланадики, коррупцияга қарши тадбирларни қўллашда ташкилот тузилмасининг турли даражаларини ҳисобга олиш зарур. Шу қаторда, коррупцияга қарши курашиш учун қўлланувчи чоралар қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши мумкин: жамоада коррупцияга қарши туриш муҳитини яратиш ва ташкилотнинг коррупциявий виктимлигини пасайтириш, ташкилотдаги коррупциявий омилларни доимий мониторинг қилиб бориш, кадрларни танлаш ва баҳолаш соҳасидаги ишларни фаоллаштириш ҳамда ходимларда манфаатлар тўқнашуви вазиятларини бошқаришга ўргатиш.

**ANNOTATION.** In the article, the possibilities of using psychological technologies in the fight against corruption are given on the example of organizations. It is claimed that the levels of organizational structure also need to be taken into account when developing anti-corruption measures. At the same time, all anti-corruption measures taken can be implemented in the following ways: creating an anti-corruption climate and reducing the corruption victimization of the organization, constant monitoring of corruption factors in the organization, personnel department work activation in the field of personnel selection and building the ability of employees to manage a situation of conflict of interest.

**Ключевые слова:** антикоррупционная работа, организация, социально-психологические технологии, мониторинг, отбор и оценка кадров, обучение персонала

**Таянч сўзлар:** антикоррупциявий тадбирлар, ташкилот, ижтимоий-психологик технологиялар, мониторинг, кадрларни танлаш ва баҳолаш, ходимларни ўқитиш.

**Key words:** anti-corruption work, organization, socio-psychological technologies, monitoring, selection and evaluation of personnel, personnel training.

Постоянный мониторинг правовой культуры общества необходим с точки зрения оказания противодействия правонарушениям и совершенствования мер по борьбе с преступностью, а также в целях совершенствования профилактических мероприятий со стороны различных общественных институтов. Так, например, такой подход актуален при формировании антикоррупционных представлений в образовательных учреждениях, для предупреждения возникновения конфликта интересов в организациях и устранения ситуаций рисков коррупции, а также при создании настроения непримиримости к фактам коррупции в обществе и т.д.

В данной статье возможности использования психологических технологий в противоборстве с коррупцией будут описаны на примере организаций. Организация как субъект хозяйства содержит в себе все условия для коррупционных рисков. Особенно этот тезис применим при анализе органов

местного управления, подразделений ведомств и министерств на местах. Как известно, для возникновения коррупционных деяний в организации должны присутствовать три основных условия:

Наличие властных полномочий, что дает право должностному лицу самостоятельно принимать решения

Возможность распределения финансовых ресурсов

Проявление личных и организационных интересов

Данную картину и условия можно увидеть во многих органах местного управления и такая структура преступного деяния предполагает разработку специальных мер по предотвращению коррупционных рисков в учреждении.

Если разобрать вышеприведенные условия с точки зрения минимизации коррупционных рисков можно сказать, что в настоящее время во многих



государственных учреждениях предпринимаются различные меры для снижения рисков коррупции. В частности, активно вводится электронный документооборот и все обращения граждан переводятся в цифровую форму, устанавливается алгоритм случайного распределения поступающих на рассмотрение обращений, организуется комплаенс контроль в организации. Помимо этого, устанавливается полная прозрачность при распределении финансовых ресурсов в виде тендеров и открытых конкурсов на получение тех или иных государственных заказов, финансируемых из бюджетных средств. В отношении третьего пункта, как условия для возникновения коррупционных рисков, устанавливается полный мониторинг принятия решений.

Тем не менее, всегда есть необходимость внедрения социальных и психологических методов в предупреждении коррупционных рисков. Если говорить на примере государственных учреждений, то можно привести комплекс мер, которые могут быть эффективно применены для предупреждения и профилактики коррупционных деяний со стороны государственных служащих.

Для лучшего понимания предполагаемых антикоррупционных мер психологического содержания можно представить организацию как систему, где четко выделяются три уровня:

- высший уровень – организационный,
- средний уровень – групповой
- нижний уровень – индивидуальный.

Необходимо отметить, что на каждом уровне организационной структуры могут наблюдаться различные коррупционные риски. Так, на низшем, индивидуальном уровне организационные процессы проходят на уровне отдельных сотрудников. При этом, причиной коррупционных деяний могут быть доминирующие потребности личности, его личностная и социальная незрелость, подверженность влиянию других, а также несформированность социально значимых ценностей и убеждений.

На среднем или групповом уровне организации, коррупционные риски совершаются отдельными группами людей, где очень часто имеются лидеры, имеющие неофициальный статус и деструктивно влияющие на членов группы. Часто происходит так, что сотрудник оказавшийся в такой группе не может выдержать давление со стороны сослуживцев и поддается соблазнам незаконного материального обогащения и с высокой вероятностью также осуществит коррупционное деяние.

На высшем или организационном уровне системы, коррупционные риски анализируются руководством организации на уровне политики управления и существующей организационной культуры. Анализируя коррупционные промахи организации в данном звене, становится очевидным, что именно управленческий аппарат организации, администрация планирует свою деятельность таким образом,

что становится возможным и допускается коррупционное поведение со стороны сотрудников. Такие предпосылки, наряду с наличием двойных стандартов в организации, а именно, недостойной оплатой труда сотрудников, слабым контролем сотрудников на предмет возможного коррупционного поведения, а также отсутствием нормальных условий труда, вызывает у сотрудников желание компенсировать свой вклад в организацию и возможные коррупционные риски.

Анализ коррупционных рисков на примере трехуровневой структуры организации позволяет также разработать специальные стратегии борьбы с противоправными намерениями и целенаправленно оказывать влияние по предупреждению возможных коррупционных действий в организации. Так, на уровне индивидов необходимо делать основное усилие на отбор кадров, психодиагностическую оценку вновь принимаемых сотрудников на работу и регулярный мониторинг персонала на предмет их терпимости к коррупционным действиям. На наш взгляд, было бы уместно использовать возможности аппаратной лайдетекции и профайлинга, для определения уровня лояльности сотрудника к организации, тестовые методики замера степени коррупционной уязвимости претендента на определенную должность. Особенно актуальной задачей данного этапа является разработка и опора на профиограмму и модель компетенций сотрудников с показателями сформированности у претендента на должность антикоррупционной устойчивости с определением на основе полученных результатов его профессиональной пригодности.

На среднем, групповом уровне используются средства и методы предупреждения коррупционных действий другого порядка. Для этой системной категории можно предложить такие технологии как, разработка мер по выявлению и коррекционной работе с неформальными лидерами, имеющими деструктивные установки, коррекцию деструктивных умонастроений членов группы. Здесь можно опираться на такие психологические методы как – тренинги персонала, оценка и диагностика групповых процессов.

На высшем организационном уровне коррупционные риски могут быть устранены через создание более прогрессивной организационной культуры, через оздоровление психологического климата, введение более прогрессивных методов и инновационных форм организации труда, управления. Здесь можно опираться на активно внедряемые сейчас методы управления персоналом, такие как внедрение системы KPI, различные системы контроля качества труда, организация работы через применение цифровых технологий – электронный документооборот т.п. Психолого-правовые технологии организации пресс-службы; – психолого-правовые технологии подготовки и проведения PR-акций, долгосрочных



мероприятий по формированию позитивного имиджа государственного служащего. Такие внедряемые. Значительно снижают вероятность возникновения коррупционных действий в организации и минимизируют коррупционные риски.

В предупреждении коррупции в организации особое место занимает создание благоприятного психологического климата и коллективного умонастроения в группе. Имеются специальные психологические технологии – тренинги, психокоррекционные групповые методы, направленные на повышение продуктивности деятельности группы, развитие привлекательности цели для членов коллектива. При этом, необходимо иметь в виду, что коррупция как асоциальное явление, зарождаясь в сложной, многоуровневой и многоплановой профессиональной среде, приводит к ее разрушению, деформируя культуру организации. В случае, если в организации формируется обстановка, в которой определенными лицами происходит полное владение материальными ресурсами и создание автономного информационного обмена ситуации, то коррупционные действия приобретают стабильность и переходят в самоподдерживающийся процесс ценностного обмена. Одним из поддерживающих факторов такой системы, является специфика трудовой деятельности государственного служащего. Так, организационные особенности и стиль руководства в органах государственного управления создает специфическую среду в восприятии государственного служащего, которая провоцирует личность к компенсаторным действиям, возмещению потраченных своих ресурсов (силы и энергии). Вследствие допущения таких условий на работе, в структуре личности могут наблюдаться специфические свойства и деформации, которые делают его потенциально или активно готовым к коррупционному поведению. В первом случае мы можем говорить о низкой устойчивости к коррупционному поведению, а во втором случае, о предрасположенности. Поэтому, любая ошибка в управлении, может быть причиной незаконной компенсации моральных потерь сотрудника через коррупционные деяния. Активное использование психолого-правовых методов в управлении, методик и технологий эффективного стрессменеджмента и организации труда, применение технологий профессиональной деятельности в экстремальных условиях, а также при формировании конфликтологической культуры в ситуации межличностного взаимодействия, значительно снижают вероятность коррупционных рисков в организации.

Огромное значение в предупреждении коррупционных рисков имеет применение прогрессивных организационных методов управления. Так, через организацию многоэтапной, последовательно чередующей системы административных дел, можно достичь обеспечение взаимного контроля и значительно уменьшить вероятность коррупционных

рисков в организации. Кроме этого, плановое применение в практике регулярно-плановой ротации государственных служащих существенно затрудняет выстраивание коррупционных схем. При этом, должностное лицо просто не может успеть за 2–3 года работы на одном месте «обрастать» коррупционными связями.

Ниже мы перечислим основные сферы в организации, которые выступают наиболее важными критериями в оценке антикоррупционного состояния организации.

Создание антикоррупционного климата в организации

Против коррупции можно противостоять лишь через создание альтернативной, более эффективной системы управления. Необходимо создать профессиональную среду против коррупции, которая имеет следующие особенности – в ней явно наблюдаются доминирующие ценности; профессиональные цели достигаются через законные методы и средства; межличностные отношения в поведении субъектов профессии с точки зрения коррупции сведены к минимуму.

Развитие служебной коммуникации в вертикальной и горизонтальной сети организации. Установление и развитие этических ценностей в коллективе. Создание прозрачной коммуникативной среды, вместо латентных каналов между неформальными группами (которые вероятно направлены на коррупционные схемы), контроль “слов и терминов”, используемые в процессе коммуникации.

Основные задачи кадровой службы в профессиональной среде противостоящей коррупции.

Необходимо определить и четко обозначить границы следующих понятий: субъект профессиональной деятельности (должностное лицо), профессиональная деятельность, компетенции должностного лица, границы взаимодействия с гражданами. Кроме этого, важно выявить причины замены профессиональных межличностных отношений на коррупционные взаимоотношения. Важной задачей является формирование информационно аналитической компетенции руководителя, перевод в конкретную деятельность форму знаний о методах и средствах противостояния коррупции. Должны быть осуществлены конкретные меры и действия по обеспечению условий для реализации данных методов и средств в реальные формы поведения. Окончательным пунктом в формировании антикоррупционной компетентности у государственного служащего должен быть сформированный навык осознанного применения данных знаний в определенных и нестандартных ситуациях. Важным пунктом в формировании правового сознания и культуры государственного служащего является управление траекторией карьерного роста сотрудника. Это должно быть основано на акмеологическом подходе, включающей в себя самосостоятельность, личностное и профессио-



нальное развитие сотрудника и общую активность личности.

При предупреждении коррупционных рисков в и создании системы антикоррупционной работы в организации, кадровая работа может быть осуществлена в следующих направлениях:

Отбор кадров – определение их соответствия профессиональным и служебным требованиям организации, выявление антикоррупционной устойчивости.

Воспитание кадров (формирование образца поведения идеального сотрудника на основе профессиональной этики организации);

Обучение руководителей отделов психологическим методам влияния на сотрудников и на группу для достижения целей организации (управление, контроль, коррекция мотивации профессионального поведения, выявление неискренности);

Постоянный мониторинг уровня противостояния коррупции государственных служащих.

Наиболее важным аспектом в реализации антикоррупционной политики в организации является создание эффективной системы управления персоналом. При этом, необходимо уделить особое внимание созданию пространства по разработке, принятию и реализации управленческих решений, которые должны быть: современными, информативными, непротиворечивыми, реалистичными, рациональными, ориентированными на будущее, основанными на существующие ресурсы, профессионально подготовленными, содержащими позицию руководства.

Другим, не менее важным условием в преодолении коррупционной виктимности организации является устранение двувластия, устранение неопределенности в функциональных обязанностях сотрудников. При этом, руководству организации надо быть решительным отказываясь от проектов не имеющих будущее, не допускать включение низкоквалифицированную часть персонала во внедрение

новшеств, максимально стараться к созданию открытой кадровой политики, т.е. на всем организационном уровне должно проводится развитие новых представлений вместо старых стереотипов противостояния коррупции.

Таким образом, исходя из вышеизложенного и применяя различные социальные и психологические технологии в борьбе с коррупцией в организации, можно указать основные направления антикоррупционной работы в государственной службе:

Предупреждение коррупционных правонарушений, устранение или минимизация их последствия, создание условий по устранению причин коррупционного поведения и снижению коррупционной виктимности организации.

Формирование осознанного противостояния против коррупции у сотрудников и руководителей государственной службы.

Обеспечение и создание в организации нормы о неизбежности наказания за совершение противоправного коррупционного действия.

Повышение эффективности и качества управления государственной службой, увеличение возможности пользования услугами государственной службы.

Развитие гражданского общества и вовлечения граждан в политику противостояния к коррупции.

Мониторинг коррупционных факторов, изучение эффективности антикоррупционных действий в органах местного управления.

Осуществление работ по предоставлению открытой информации населению о деятельности местных и государственных органов управления.

Основным результатом кадровой службы в сфере антикоррупционной устойчивости является – соответствие сотрудника органа государственной власти требованиям службы и формирование у сотрудника способности управлять ситуацией конфликта интересов.

#

#### ЛИТЕРАТУРА

- Ванновская О.В. *Методологические проблемы исследования антикоррупционной устойчивости госслужащих// «Акмеология - 2005». Теоретические и прикладные проблемы. Сб. статей. Сост. Шаранов Ю.А. Спб.: Санкт-Петербургская акмеологическая академия, 2005*
- Ванновская О.В. *Психология коррупционного поведения государственных служащих. М. Издательство Юрайт, 2018 г. . 251 с.*
- Занковский А. *Организационная психология*
- Зеер Э.Ф. *Психология профессиональных деструкций. М.: Академический проспект – М., 2005*
- Исмаилов Б.И. *Современные стратегии антикоррупционных реформ. Учебное пособие. Т.- Академия Генеральной Прокуратуры Республики Узбекистан. 2019.- 247 с.*
- Психология коррупции: анализ, теория, практика: материалы научно-практической конференции. Санкт-Петербург, 22 ноября 2007 г. Под общ. ред. Ю.А.Шаранова. – Спб.: Санкт-Петербургская акмеологическая академия, 2007*
- Социологическое измерение коррупции: методология исследования и отношение общества к результатам исследований. Коллектив авторов. Под общей редакцией Садвокасовой А.К. – Астана: Академия государственного управления при Президенте РК. 2017. – 168 с.*
- Столяренко А.М. *Прикладная юридическая психология. М., 2003.*



Сухроб АЛИМУХАМЕДОВ,  
независимый соискатель Университета  
общественной безопасности Республики Узбекистан

# ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИЯ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ: ВАЖНЫЙ ИНСТИТУТ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассмотрены вопросы касательно понятия, сущности и значения института децентрализации в системе государственного управления, а также раскрывается его роль в повышении эффективности органов государственной власти на местах. Приводится анализ современной государственной политики Республики Узбекистан в системе государственного управления и приоритеты их реализации. Анализируется институт децентрализации с точки зрения правовой и политической категории. Приводятся соотношения децентрализации и демократии как неделимые правовые категории. Раскрываются экономические и социальные факторы, которые влияют на эффективность осуществления децентрализации системы государственного управления.

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада номарказлаштириш институтининг илмий тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти ёритилган, шунингдек мазкур институтнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви тизими соҳасидаги давлат сиёсати таҳлили ва уларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари келтирилган. Мақолада номарказлаштириш институти ҳуқуқий ва сиёсий категория нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Муаллиф номарказлаштириш ва демократик ҳуқуқий жараёнларнинг ўзаро боғлиқ ва бўлинмас ҳуқуқий категориялар сифатида келтириб ўтади. Давлат бошқаруви тизимини номарказлаштиришнинг самарадорлигига таъсир қилувчи иқтисодий ва ижтимоий омиллар очиб берилган.

**ABSTRACT.** The article deals with questions regarding the concept, essence and the importance of the institution of decentralization in the system of public administration, as well as its role in improving the efficiency of local public authorities. An analysis of the modern state policy of the Republic of Uzbekistan in the system of public administration and the priorities for their implementation is given. The institution of decentralization is analyzed from the point of view of the legal and political category. Correlations of decentralization and democracy are given as indivisible legal categories. The economic and social factors that affect the effectiveness of the decentralization of the public administration system are revealed.

**Ключевые слова:** децентрализация, система государственного управления, центральные органы государственного управления, органы государственной власти на местах, органы местного управления, демократизация государственного управления, органы самоуправления граждан.

**Калит сўзлар:** номарказлаштириш, давлат бошқаруви тизими, марказий давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, давлат бошқарув органларини номарказлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органлари.

**Key words:** decentralization, public administration system, central government bodies, local public authorities, citizens' self-government bodies.

На сегодняшний день одним из основных направлений государственной политики Нового Узбекистана является модернизация и повышения эффективности системы государственного управления на местах, как важного общественно – политического института, направленного на обеспечение прав и законных интересов граждан.

В частности, в стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусматривается реализация следующих задач:

расширение полномочий махаллей и укрепление их финансовой самостоятельности в целях решения социально-экономических проблем, а также оказание государственных и социальных услуг непосредственно в махаллях;

повышение роли Кенгашей народных депутатов в решении проблем в махаллях, усиление их от-

ветственности в социально-экономическом развитии регионов, повышении уровня жизни населения, формировании и осуществлении контроля за местным бюджетом;

расширение финансовых возможностей хокимиятов в решении проблем на местах, повышение подотчетности перед общественностью по исполнению каждой возложенной задачи, а также расходовемым средствам;

формирование органов исполнительной власти на местах на основе демократических принципов, в том числе создание правовых основ внедрения системы выборности хокимов.

Международный опыт также показывает, что в развитых демократических странах именно местные органы государственной власти решают повседневные, наиболее важные и чувствительные



для общества вопросы.

В этой связи представляется актуальным с научной точки зрения изучение децентрализации системы государственного управления как важного института без которой невозможно повысить эффективность не только органов государственной власти на местах, но и в целом всей системы государственного управления.

Для комплексного изучения института децентрализации системы государственного управления, прежде всего следует раскрыть его понятие.

По мнению С.Н.Махиной: «Децентрализация государственного (публичного) управления - сложное комплексное понятие. В самом общем смысле можно резюмировать, что административная децентрализация в правовом демократическом государстве представляет собой передачу определенного объема властных полномочий компетентными субъектами управленческого воздействия иным структурным единицам, наделенным необходимыми правами, обязанностями и ресурсами. Конечной целью такого перераспределения управленческих функций является возможность принятия наиболее оптимальных управленческих решений на государственном, региональном и местном уровнях, а также во всех регулируемых сферах жизнедеятельности»<sup>1</sup>.

Французский ученый Г. Вольман отмечает, что: «Децентрализация государственной власти означает по своей сути политический процесс перехода политических полномочий и управленческих функций на более низкие (субгосударственные) уровни управления, обладающие через местные органы власти значительной степенью политической и административной автономии по отношению к центральной власти государства»<sup>2</sup>.

По определению Н.В.Ходова децентрализация публичной (государственной) власти - это обусловленный совокупностью объективных и субъективных факторов, осуществляемый в установленном законом порядке политико-правовой процесс перехода властных полномочий от централизован-

ной подсистемы к децентрализованной в целях наиболее эффективного принятия и исполнения управленческих решений<sup>3</sup>.

Институт децентрализации системы государственного управления является сложным комплексным феноменом, который рассматривается не только с точки зрения правовой категории, но также и политической категории.

Так по мнению политологов децентрализация — это способ местного управления, основанный на передаче функций управления отдельными территориями непосредственно этим территориям. Благодаря децентрализации государство обеспечивает условия целостности путем расширения прав и обязанностей территорий<sup>4</sup>.

Также по их мнению одним из ключевых моментов современных концепций управления является децентрализация, предполагающая передачу полномочий и ответственности от центральной государственной власти на нижние уровни управления и негосударственному сектору<sup>5</sup>.

В сфере публичного управления децентрализация рассматривается как форма принятия управленческих решений, при которых власть передается на более низкие иерархические уровни в системе самоуправления<sup>6</sup>.

Большинство экспертов относят децентрализацию в качестве эффективного инструмента в борьбе с чрезмерной бюрократией.

В частности современные концепции государственного управления как «новый публичный менеджмент» ('new public management') и эффективное руководство ('good governance') акцентируют внимание на передаче полномочий на наиболее близкие гражданам общественно-политические институты<sup>7</sup>.

В целом из вышеуказанного можно прийти к выводу, что институт децентрализации если его исследовать как технология управления, то она понимается как организация управленческой деятельности, которая позволяла бы принимать сложные и оперативные решения

1 Махина С.Н. Концепция децентрализации государственного администрирования. // Административное право и процесс. – 2006. – № 1. Стр. 10-11.

2 Вольман Г. Децентрализация – условие успеха: Законодательные аспекты децентрализации//Материалы региональной конференции. Ереван, 1999. – Стр. 4.

3 Ходов Н.В. Централизация и децентрализация государственной власти в современной России.// Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук Нижний Новгород – 2005.Стр.46

4 О.М.Рой. Основы государственного и муниципального управления. 2013 год. Стр.95.

5 И.Н.Трофимова. Трансформация отношений центральной и местной власти в процессе децентрализации управления (опыт европейских стран). Научный журнал Зарубежный опыт государственного управления и международные отношения. 2011 год. Стр.81.

6 В.Н.Иванов, В.И.Патрушев. Муниципальное управление. Монография. Москва, 2002 г. Стр.545.

7 И.Н.Трофимова. Децентрализация государственного управления и особенности центр-локальных отношений в Европейских странах. Журнал «Сравнительная политика», №4 2011 г., Стр.35.



на местном уровне

В узком понимании децентрализация может выступать как технология управления в определенной организации, путем передачи определенных полномочий нижним структурам, в целях повышения эффективности производительности труда.

В широком понятии децентрализация рассматривается как политико-правовой процесс, предусматривающий передачу государственных полномочий из одного уровня государственного устройства на другой уровень, использование которой требует учета политических, правовых, социальных и экономических факторов.

Институт децентрализации если рассматривать ее через призму государственного управления, то ее следует понимать, как передачу полномочий и ответственности от центральных органов управления к органам местного управления, а также негосударственному сектору при этом обеспечив их необходимыми организационно-правовыми ресурсами.

Вместе с тем сложность феномена децентрализации обуславливается тем, что эффективность ее осуществления зависит от решения ряда задач экономического, правового и финансового характера. То есть передача функций местным органам государственной власти требует значительных перестановок в политических, финансовых и административных органах власти.

Также по мнению ученых пределы децентрализации зависят от политического веса, человеческих и финансовых ресурсов, находящихся в распоряжении местных властей. Кроме того, децентрализация управления не существует вне государства, она проводится по инициативе и под контролем центральной власти. Но децентрализация невозможна, если местная власть является не более чем исполнителем политики центральной власти. Эти экстремальные позиции ограничивают пространство местного самоуправления, определяют его «диапазон возможностей». Политические системы стремятся к необходимому балансу в соответствии с условиями в каждой стране<sup>8</sup>.

Также по мнению некоторых авторов эффективность децентрализации системы государственного управления напрямую зависит также от того насколько в данный процесс вовлечены граждане.

В частности, по мнению Г.В. Атаманчука, определяющим фактором обеспечения рациональности, результативности и эффективности государ-

ственного управления выступает социальность – насыщенность, «наполненность» этого управления общественными запросами и ожиданиями, реальным бытием людей<sup>9</sup>.

Исходя из вышеизложенного можно прийти к выводу, децентрализация является сложным процессом, результаты которого зависят от таких различных факторов, как уровень экономического развития страны, политического режима, наличие в достаточной степени развитых местных органов государственной власти и ресурсов в их распоряжении, а также политической воли самого государства.

В качестве основных причин появлению необходимости децентрализации способствуют ряд объективных явлений, возникаемых в сфере государственного управления.

В частности по мнению некоторых авторов причинами децентрализации исследователи называют: политические изменения, которые дали местным сообществам право выражать и отстаивать свои интересы; технологические изменения и глобальную интеграцию, изменившие представления о пределах управления и самоуправления; наконец, трудности централизованной системы управления и необходимость участия региональных и местных правительств в политических и экономических процессах<sup>10</sup>.

По нашему мнению необходимость децентрализации системы государственного управления в первую очередь вызывается, тем, что по мере развития общества возрастает потребность граждан к различным социальным базовым услугам решение которых в централизованном порядке вызывают определенные издержки. В этой связи появляется необходимость передачи полномочий центральных органов государственного управления к нижестоящим органам как наиболее близким гражданам и способным оперативно и быстро осуществлять государственные услуги.

При этом передача полномочий центральных органов государственного управления органам государственной власти на местах должно осуществляться на основе определенных принципов.

По мнению отечественных ученых при осуществлении децентрализации следует учитывать такие принципы как: поэтапность осуществления данной реформы, совершенствование деятельности негосударственных организаций для осуществления ими государственных полномочий, закрепления за центральными органами контроль

8 И.Н. Трофимова. Трансформация отношений центральной и местной власти в процессе децентрализации управления (опыт европейских стран). Зарубежный опыт государственного управления и международные отношения. Стр. 82.

9 Атаманчук Г.В. Обеспечение рациональности государственного управления. – М.: Юридическая литература, 1990. – Стр.12.

10 И.Н.Трофимова. Трансформация отношений центральной и местной власти в процессе децентрализации управления (опыт европейских стран). Научный журнал Зарубежный опыт государственного управления и международные отношения. 2011 год. Стр.81.



и координацию над переданными полномочиями, при осуществлении реформы учитывать особенности национальной государственности<sup>11</sup>.

В этой связи качестве основных принципов децентрализации системы государственного управления в Республике Узбекистан, мы предлагаем следующие принципы:

- законность;
- субсидиарность;
- сохранения контроля за центром;
- поэтапность;

обеспечения необходимыми организационно-правовыми ресурсами.

Принцип законности предполагает передачу полномочий исключительно компетентными и уполномоченными государственными органами на основе определенного нормативно-правового акта.

Субсидиарность выступает в качестве основного принципа децентрализации государственного управления. Согласно данному принципу полномочия центральных органов государственного управления должны передаваться к наиболее близким гражданам органам власти, которые максимально эффективно могут осуществлять данные полномочия. Центральные органы государственного управления должны оставить за собой право осуществления только тех полномочий, которые местные органы государственного управления не смогут осуществлять в силу отсутствия определенных компетенций.

Принцип контроля означает, что государство оставляют за собой право контроля за осуществлением переданных полномочий органам местного управления.

Другим важным принципом является принцип обеспечения необходимыми ресурсами. Так эффективность реализации полномочий, передаваемых местным органам государственного управления зависит от степени организационно-правового обеспечения необходимыми ресурсами, без которых органы местного управления будут некомпетентны выполнять переданные полномочия.

Принцип поэтапности означает, что такой сложный процесс как децентрализации требует комплексного реформирования всей системы государственного управления на основе полноценного функционального анализа. Лишь после осуществления функционального анализа

и определения функций и полномочий каждого органа государственного управления, а также выявления несвойственных им функций, следует осуществлять процесс децентрализации, то есть передачу полномочий на места.

Значимость соблюдения принципов децентрализации приводиться в научных работах ряда ученых. Например, ученые полагают, что для каждого из предложенных подходов к пониманию децентрализации государственной власти и реализации ее механизма требуется опора на систему принципов, которая делает данный процесс целесообразным, легитимным и эффективным. При этом утрата или неэффективность хотя бы одного принципа способны свести на нет все усилия в деле децентрализации государственной власти<sup>12</sup>.

Выше мы описали понятие, принципы, предпосылки и условия осуществления децентрализации системы государственного управления. Теперь остановимся на его значении в системе государственного управления.

По мнению отечественных ученых децентрализация является важным методом повышения эффективности системы государственного управления<sup>13</sup>.

Также ученые отмечают важность создания баланса между централизацией и децентрализацией системы государственного управления<sup>14</sup>.

Соглашаясь с вышеуказанным, также следует добавить, что посредством осуществления децентрализации государственного управления реализуется право граждан участвовать в управлении делами общества и государства, а также повышается восприимчивость органов власти к местным потребностям и проблемам.

Граждане каждого государства в повседневной жизни соприкасаются с государственными органами по вопросам местного характера, чем центрального и в большинстве случаев обращаются в местные органы власти по решению тех или иных проблем.

Это обуславливается тем, что местные органы власти находятся «ближе» к гражданам и более осведомлены и компетентны в решение тех или иных проблем, данный факт обосновывает высокий уровень эффективности института децентрализации в системе государственного управления.

Вопросы соотношения принципа децентра-

11 Азизхўжаев А.А.Эркинлаштириш – давр талаби.//Жамият ва бошқарув, 2000. 1-сон.Стр. 6-8.

12 Ляпин И.Ф., автореферат докторской диссертации «Конституционная теория и практика децентрализации государственной власти в России». Москва 2011 год.

13 Г.Маликова. Ўзини ўзи бошқариш кучли фуқаролик жамиятининг таянчи. Тошкент Давлат юридик институти. 2005 йил.Стр.29.

14 Г.Исмоилова. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари.Тошкент 2013 йил. Стр. 269.



лизации системы государственного управления с принципом демократизма вызывает интерес в научных кругах.

Некоторые авторы считают, что децентрализация и демократизм являются самостоятельными правовыми принципами публичного управления. Принцип децентрализации связан с технологией управления, в то время как принцип демократизма в сфере государственного управления включает в себя целую совокупность условий своей реализации.

Вместе с тем, по нашему мнению, принцип децентрализации хотя и выступает самостоятельной категорией государственного управления, является одним из необходимых условий при демократизации государственного управления.

Данный факт обосновывается тем, что мы упоминали выше условием демократизации государственного управления, является вовлечение граждан в процесс государственного управления.

Между тем следует отметить, что сам процесс децентрализации способствует более глубокому вовлечению граждан в процесс управления, что одновременно способствует обучению граждан и вызывает у граждан чувство собственного достоинства и преданности государственной политике и решениям, в принятие которых они внесли свою лепту<sup>15</sup>.

Также по мнению некоторых ученых жесткие централизованные формы территориального устройства имеют меньше возможностей для реализации функций демократической государственности, что может вызвать недовольство соответствующих групп населения<sup>16</sup>.

Л.Бурлаков отмечает, что децентрализация создает возможности для непосредственного участия больших групп населения в вопросах управления через выборные органы, а также активизирует вовлечение местных и региональных действующих лиц в процесс местного экономического и социального развития<sup>17</sup>.

При этом не следует забывать, что есть определенные пределы осуществления децентрализации системы государственного управления, согласно которым функции стратегического управления, функции выработки и принятия наиболее важных

решений, касающиеся государственной политики должны оставаться в ведении центральных органов государственного управления.

По мнению некоторых существуют общие правила по определению допустимости передачи государственных полномочий. В частности не допускаются передача полномочий законодательного органа, а также передача преимущественно исполнительно-распорядительных полномочий<sup>18</sup>.

В качестве вывода следует отметить, что децентрализация системы государственного управления способствует:

- повышению эффективности и оперативности осуществления государственных услуг на местах населению;

- повышению эффективности деятельности центральных органов государственного управления путем высвобождения их от несвойственных им функций;

- совершенствование мер по дальнейшей демократизации сферы государственного управления путем предоставления право населению участвовать в решение вопросов государственного управления через органы местного управления.

По своей сути, децентрализация представляет собой систему, включающую множество элементов, которые согласованно реализуются в процессе функционирования власти. То есть децентрализация государственного управления может выступать как:

- принцип управленческого воздействия;
- способ (метод) управления;
- управленческий режим;
- форма организации публичной власти и публичного управления;
- процесс распределения и реализации полномочий;
- элемент организационной структуры публичного управления.

Отечественными учеными отмечается, что в Узбекистане децентрализация публичного управления, безусловно, состоялась, но еще не найдена та оптимальная степень сочетания децентрализации и иных методов управления, которая позволила бы говорить об эффективности, рациональности,

15 Бирд Д. Политические преимущества децентрализации: опыт США // Муниципальное управление. Информационный бюллетень. 1999. Вып. №12(7). Стр. 7-9.

16 В.Дзодзиев. Проблемы становления демократического государства в России. М., 1996. Стр.249.

17 Л.Бурлаков. Проблемы модернизации государственного и местного самоуправления Республики Казахстан на современном этапе и возможные пути их решения // материалы семинара «Местные органы управления: усиление подотчетности и ответственности», г. Астана, 18-20 мая 2004. Астана, 2004.

18 Мадьярова А.В. Об общих началах определения перечня государственных полномочий, передаваемых органам местного самоуправления // Конституционное и муниципальное право, 2007. – № 2. – С. 27-28.



экономичности и, главное, о высоком качестве публичного управления<sup>19</sup>.

Анализ показал, что в Узбекистане система образования, здравоохранения, социальной защиты, коммунального хозяйства, благоустройства, строительства и содержание дорог местного значения находятся в подчинении органов государственной власти на местах.

Вместе с тем с учетом осуществляемых масштабных реформ на сегодняшний день как никогда созрела необходимость в сильной власти, способной выполнять поставленные задачи на местах.

В этой связи важнейшей задачей при децентрализации системы государственного управления является усиление организационно-технического, финансового потенциала органов государственной власти на местах для необходимого воздействия на социально-экономические процессы в регионе.

Вместе с тем при осуществлении децентрализации системы государственного управления имеются ряд проблем на которые следует обратить внимание.

Например, на сегодняшний день до сих пор не разграничены полномочия представительной и исполнительной власти на местах, в лице Кенгашей народных депутатов и хокимов. Их правовой статус регламентируются одним законодательным актом.

Не регламентированы взаимоотношения между республиканскими и местными органами исполнительной власти. При том, что территориальные подразделения центральных органов управления не функционируют прежде всего на основе ведомственной подчиненности своим вышестоя-

щим структурам.

Учеными также отмечается, что при децентрализации важным является разграничение полномочий между центральными и местными органами государственной власти. Иначе переданные полномочия местным органам государственной власти будут осуществляться под руководством центральных и не приведет к ожидаемым результатам<sup>20</sup>.

Присутствует проблемы организационного и финансового обеспечения органов государственной власти на местах. То есть не всегда передаваемые полномочия должным образом подкрепляются финансовыми возможностями.

В этой связи представляется необходимым определить исключительные полномочия центральных и местных органов государственного управления в целях избежания их дублирования.

Также считается целесообразным внести изменения в Закон "О государственной власти на местах", предусматривающее установление одельных полномочий органов представительной и исполнительной власти на местах, а также механизм организационно-правового обеспечения переданных полномочий центральными органами органам государственной власти на местах, органам самоуправления граждан.

В заключении следует отметить, что децентрализация государственного управления сложный процесс, который требует поэтапности осуществления реформ в данном направлении, с учетом экономических, социальных правовых, а также политических аспектов, сложившихся в стране, а также специфику каждого региона и его потенциальные возможности.

.....  
#  
.....

19 Г.С.Исмаилова. Особенности децентрализации управления в Узбекистане: эксперименты и реформы. Вестник ПАГС, 2013 год. Стр.35.

20 Жўраев Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш. Тошкент 2007 йил.стр.45.



Улугбек АШУРОВ,  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-назарий ҳамда амалий таҳлиллар баён қилинган. Жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини илмий жиҳатдан яхшилаш бўйича олимларнинг фикрлари ўрганилиб, уни такомиллаштириш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси келтирилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье проведены научно-теоретические и практические анализы, направленные на повышение эффективности профилактики правонарушений. Изучены мнения ученых о научном совершенствовании деятельности по борьбе с преступностью и выработаны обоснованные предложения по ее совершенствованию. Представлен опыт передовых развитых стран в борьбе с преступностью и предупреждении преступности.

**ANNOTATION.** In this article, scientific, theoretical and practical analyzes are carried out aimed at improving the effectiveness of crime prevention. The opinions of scientists on the scientific improvement of activities to combat crime have been studied and reasonable proposals for its improvement have been developed. The experience of advanced developed countries in the fight against crime and the prevention of crime is presented.

**Калит сўзлар:** жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, математик моделлаштириш методикаси, криминоген вазият, фундаментал тадқиқотлар.

**Ключевые слова:** предупреждение преступности, борьба с преступностью, профилактика правонарушений, методология математического моделирования, криминогенная ситуация, фундаментальные исследования.

**Key words:** crime prevention, to combat crime, offense prevention, mathematical modeling methodology, crime situation, fundamental research.

Дунё мамлакатларида жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, жиноятлар профилактикаси бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, жиноятчиликка қарши курашиш, уларни барвақт олдини олиш барча интилаётган долзарб ва ўта муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Зеро, жиноятчиликнинг олди олинмаса ёки профилактика чоралари ўз вақтида кўрилмаса, оқибатда у жамият учун жиддий муаммоларга олиб келиши муқаррарлиги барчага аён. Аксинча, агарда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг самарали профилактикаси амалга оширилса, ҳуқуқбузарликнинг олди вақтида олинса, аҳоли хавфсизлиги ва жамиятда қонун устуворлиги ўрнатилишига эришилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири бу, шубҳасиз, мазкур йўналишларда илмий тадқиқотларнинг етишмаслиги десак, муболаға бўлмайди. Шу нуқтаи назардан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 12 февралда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва уларни профилактика қилишнинг илмий асосларини ўрганиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга услубий кўмаклашиш алоҳида вазифа сифатида юклатилган.

Академик ҳамжамият томонидан илмий ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни молиялаштириш, илмий ишларни тижоратлаштириш сифатини ошириш криминология соҳасида профессор-ўқитувчиларнинг алоҳида ихтисослашувини амалга ошириш заруратини туғдирмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида илмий-амалий тадқиқот ўтказишга ихтисослашган илмий марказлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-



даги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти<sup>1</sup>;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти муаммоларини илмий-амалий тадқиқ этиш маркази;

– Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази;

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Давлат ва ҳуқуқ институти ва бошқалар.

Ушбу мавзуда тадқиқот олиб борган олимнинг қайд этишича, криминологик тадқиқотлар жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан билиш асосида амалий жиҳатдан уни келтириб чиқарувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишга имкон яратади. Шунингдек, жиноятчиликни назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва ўрганиш давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқ тартиботини амалга ошириш фаолиятини тўғри йўналишда ташкил этиш ва шу орқали жамият аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг маъқул йўллари билан белгиланган имкониятини юзага келтириш мақсадида амалга оширилади<sup>2</sup>.

Бироқ назаримизда, жиноятчиликка қарши курашишда академик соҳа вакиллариининг ўрни ва уларнинг илмий, амалий ҳамда инновацион таклифлари сезилмаётир.

Фикримизча, бунга сабаблар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Биринчидан, у ёки бу турдаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига бағишланган илмий-тадқиқот натижалари илмий доиралардан четга чиқмаяпти. Бунинг боиси, бизнингча, ишнинг академик услубда ёзилганлиги, тадқиқот доирасида чоп этилган мақолалар кам ададдаги илмий журналларда чоп этилиши, шунингдек уларнинг халқона услубда баён этилмаслиги билан боғлиқ;

иккинчидан, илмий-амалий грант ва фундаментал лойиҳаларнинг фақатгина криминология, қисман жиноят ҳуқуқи фани назарияси доирасида ўтказилишининг етарли эмаслиги;

учинчидан, жиноятчиликка қарши курашишда соҳалараро, фанлараро тадқиқот олиб борилмаслиги, бундай ёндашувнинг шаклланмаганлиги, аксинча

ўтказилаётган тадқиқотлар муайян шифр доирасидан четга чиқишига йўл қўйилмаслиги.

Алоҳида қайд этиш керакки, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган 20 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларининг мавжудлиги ва уларнинг тарқоқ ҳолда эканлиги соҳага маъсул органларнинг ўзаро бир-бирини такрорловчи функция ва вазифаларни амалга оширишига, профилактика қилиш самарадорлиги ортишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан жиноятчилик ҳам аслида ҳуқуқбузарлик эканлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш пировардда жиноятчилик профилактикасига ҳам хизмат қилиши нуқтаи назаридан бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кодекси” лойиҳаси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотларни кўпайтириш, уларнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида олий таълимдан кейинги таълим дастурлари (докторантура) учун йиллик ажратиладиган қабул квоталари, шу жумладан 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослигига ажратиладиган ўринларни сонини ошириш. Хусусан, бугунги кунда мавжуд ихтисосликлар учун ажратилган квоталар етарли эмас, бу ҳолат мазкур соҳадаги илмий-тадқиқотлар кўламига, бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу боис, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида докторантура дастурлари учун қабул квоталари сонини камида беш бараварга ошириш, шу жумладан жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш соҳасига ажратиладиган ўринларни сонини ошириш мақсадга мувофиқ.

Илмий ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни молиялаштириш, илмий ишларни тижоратлаштириш мақсадида алоҳида инновацион грант лойиҳаларини эълон қилиб бориш ҳам мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу муносабат билан, келгусида профилактика инспек-

1 Мазкур институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-462-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлган, давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил этилган // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.12.2022 й., 07/22/462/1135-сон

2 Махсадов М.И. Жиноятчиликни олдини олишда криминологик тадқиқотларнинг ўрни // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд /Маъсул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: “Lesson press”. 2020. –Б.316.



торлари билан тезкор боғланиш ва содир этилган жиноятлар ҳақида зудлик билан хабар бериш имкониятини яратувчи онлайн платформа ишлаб чиқиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича замонавий, инновацион онлайн ўқув портали ишлаб чиқиш сингари туркум инновацион лойиҳалар, шунингдек республика ҳудудларининг криминоген вазиятини маҳаллабай ўрганиш методологиясини яратиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда замонавий АКТни қўллаш, фирибгарлик, кибержиноятчилик профилактикасини такомиллаштириш мавзуларида фундаментал ва амалий лойиҳалар (грантлар) бўйича танловлар эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши илмий ёндашувлар асосида тизимли курашиш мақсадида криминоген вазият оғир бўлган ҳудудларда учраётган муаммолар юзасидан манзилли (айнан бир ҳудуд доирасида) докторлик диссертациялари, шунингдек магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишлар доирасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадқиқотчилар томонидан реал криминоген вазиятни илмий таҳлил қилиш, жиноятчилик сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни илмий прогнозлаштиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан ҳамоҳанг эмас. Ўтказилаётган тадқиқотлар криминология назарияси билангина чекланиб, соҳалараро ижтимоий ва аниқ фанлар ютуқларидан фойдаланилмапти. Шу боис ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишда математик моделлаштириш методикасини татбиқ этиш ҳам бугунги кун тартибидаги муҳим масалалардан саналади. Мазкур методика криминологик прогноз қилиш усуллари орқали жиноятчилик ҳолати ҳамда у билан боғлиқ ҳодиса ва омилларни башорат қилиш, шунингдек улар ривожланишининг асосий тенденцияларини белгилаш, жиноятчилик динамикасига сезиларли таъсир кўрсатадиган омилларнинг детерминациясини тавсифлаш имконини беради.

Жаҳон давлатларида жиноятларнинг олдини олиш чоралари тизимининг самарали ишлашини таъминлаш, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар со-

дир этилиши мумкин бўлган ҳудуд ва шахсларни барвақт аниқлаш ҳамда уларга нисбатан профилактик таъсирни ўтказиш борасида тизимли муаммоларнинг мавжудлиги инобатга олиниб, ваколатли органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг профилактик фаолияти бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда дунё мамлакатлари жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, трансчегаравий, трансмиллий жиноятларнинг олдини олишга оид халқаро нормаларни миллий қонунчилик билан ўзаро уйғунлаштириш, давлатларда жиноятлар профилактикасининг янги механизмини яратиш ва унинг самарадорлигини таъминлашнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш ҳамда илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Жамиятда жиноятчиликка қарши кураш фақат жиноят-ҳуқуқий таъқиб воситасида эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини комплекс қўллаш орқали олиб борилади<sup>3</sup>. Шу жиҳатдан қаралганда жиноятчиликка қарши курашиш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг зиммасидаги вазифа бўлиб қолмай, бу жамиятдаги ҳар бир аъзонинг фуқаролик бурчи ҳамдир. Шу нуқтаи назардан, бизнинг наздимизда, жиноятчиликка қарши курашишни комплекс ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда маданият соҳаси вакилларининг ташаббуслари етишмаяпти. Жумладан, жиноятчиликка қарши тоқатсизлик ва жиноий хавф-хатарлардан аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилишда миллий театр, кино ва мусиқа санъатининг таъсирчан кучидан етарлича фойдаланилмапти. Шу нуқтаи назардан жамиятда жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантирувчи кенг аудиторияни қамраб оладиган театр, кино ва мусиқий асарлар яратишни бугунги кун тақозо қилмоқда.

Европа давлатларининг айримларида, хусусан, Германияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги диққатга сазовор. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақда дарҳол давлат органларига телефон орқали оғзаки, СМС ёки ММС кўринишида хабар беради. Хабар асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади.



Мазкур амалиётнинг илк белгиларини мамлакатимизда 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сонли қарорнинг қабул қилинганида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон қароридан 2018 йилнинг 1 сентябрига қадар илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида «Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифининг белгиланганлигида кўриш мумкин.

Юқорида илмий-назарий жиҳатдан ҳамда амалиёт нуқтаи назаридан келиб чиқиб таҳлил қилинган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда мазкур соҳадаги норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кодекси» лойиҳаси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хулосага келинди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотларни кўпайтириш, уларнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида олий таълимдан кейинги таълим дастурлари (докторантура) учун йиллик ажратиладиган қабул квоталарини кўпайтириш бўйича илмий тўхтамага келинди.

Илмий ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни молиялаштириш, илмий ишларни тижоратлаштириш мақсадида алоҳида инновацион грант лойиҳаларини эълон қилиб бориш ҳам ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши хулоса қилинди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишда математик моделлаштириш методикасини татбиқ этиш бугунги кун тартибиданги долзарб масалалардан бири саналиши тўғрисида хулосага келинди.

#

#### FOYDALANILGAN ADOBIETLAR RUYXATI:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.12.2022 й., 07/22/462/1135-сон.
2. Махсадов М.И. Жиноятчиликни олдини олишда кримнологик тадқиқотларнинг ўрни // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд /Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: "Lesson press". 2020. –Б.316.
3. Мусаев М. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 240.
4. Электрон манбаа: <https://president.uz/uz>
5. Электрон манбаа: <https://lex.uz/uz/>



Акмал АЗИМОВ,  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
мустақил изланувчиси

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари, давлат бошқаруви тизимида прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил қилинган, ушбу соҳага оид хорижий тажриба ўрганилган. Прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни, бўйсунув тартибини аниқ белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье научно анализируются научно-теоретические основы организации деятельности прокуратуры, место и значение прокуратуры в системе государственного управления, изучается зарубежный опыт в этой области. Выдвинуты предложения и рекомендации по четкому определению места прокуратуры в системе государственной власти, порядка подчиненности.

**ABSTRACT.** In this article, the scientific-theoretical foundations of the organization of the activities of the prosecutor's office, the role and importance of the prosecutor's office in the system of state administration have been scientifically analyzed, foreign experience in this field has been studied. Proposals and recommendations have been put forward to clearly define the place of the prosecutor's office in the system of state power, and the order of subordination.

**Ключевые слова:** прокуратура, государственные органы, правоохранительные органы.

**Калит сўзлар:** прокуратура, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

**Key words:** prosecutor's office, state bodies, law enforcement agencies.

Ҳар бир жамиятда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда турфа хил ижтимоий муносабатлар мавжуд бўлиб, улар муайян воситалар орқали тартибга солинади, муҳофаза қилинади ва бошқариб турилади. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, муҳофаза қилиш ва бошқариш эса жамият ва давлат олдида турган бирламчи вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, инсонлар учун фаровон ҳаёт шароитларини яратиш каби олий мақсадлар ётади. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги вазифаларини самарали бажариш учун ҳар бир вазифага мос муайян давлат органларини ташкил қилади. Мисол тариқасида, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда асосий восита бўлмиш қонунларни қабул қилиш учун қонун чиқарувчи орган – парламентни; қонунларнинг ижросини таъминлаш учун ижро органлари, вазирликлар, қўмиталар ва бошқа муассасаларни; қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик, ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ташкил қилади. Жамият-

да муайян вазифаларга масъул бўлган идораларнинг кундалик фаолияти эса давлат бошқарувини юзага келтиради<sup>1</sup>.

Бизнингча, давлат бошқаруви серқирра ҳамда ўзига хос ёндашувларни талаб қиладиган мураккаб жараён ҳисобланади. Профессор Х.Одилқориев давлат бошқарувини қуйидагича талқин қилган, яъни давлат бошқаруви – ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ривожлантириш мақсадида уларга қатъий таъсир ўтказишдир, шу орқали давлат ижтимоий тараққиётни йўналтириб туради<sup>2</sup>. Муаллиф томонидан келтириб ўтилган таъриф орқали давлат бошқаруви кўламининг нақадар кенг эканлигини англаш мумкин, чунки жамиятда ижтимоий муносабатлар шу қадар хилма-хилки, уларни тартибга солиш, муҳофаза қилиш ва бошқариш, албатта, бир қатор давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тақозо қилади.

Тадқиқотчилардан С.Жўраевнинг фикрича, давлат бошқаруви бу иқтисодиёт, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий ва тармоқлараро соҳаларни ташкиллаштириш, тартибга солиш, раҳбарлик қилиш, назорат қилиш, ижро этиш ҳамда фармойиш беришга қаратилган қонуности фаолиятдир<sup>3</sup>. С.Жўраев

1 Қаранг: Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. –Тошкент., "Adolat", 2021. –Б. 53-58.

2 Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент., "Adolat", 2018. –Б.-69.

3 Жўраев С.С. Ўзбекистонда давлат бошқаруви ва бу соҳада хорижий давлатлар амалиёти, қиёсий таҳлил / Прокуратура органларида бошқарув ва ишларни ташкил этиш масалалари. Илмий-амалий мақолалар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси



давлат бошқаруви тушунчасини изоҳлашда ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳалари ва тармоқларида амалга ошириладиган бошқарувга оид вазифаларга урғу берган. Муаллифнинг “бошқарув”нинг мазмун-моҳиятига мос келувчи “ташқил қилиш”, “тартибга солиш”, “раҳбарлик қилиш”, “назорат қилиш”, “ижро этиш”, “фармойиш бериш” каби тушунчаларни бир таърифда мужассам қилганлигини ижобий баҳолаймиз. Албатта, ҳар бир соҳага хос бошқарувда мазкур тушунчалар бошқарувнинг асосини ташқил қилади.

Бизнингча, давлат бошқаруви ўзига хос механизм бўлиб, унда ҳар бир давлат органининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Соҳа мутахассислари давлат органига ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир соҳасини бошқариш юзасидан давлат вазифаларини бажарадиган ва тегишли давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган ташкилот ёки муассаса деб таъриф беришган<sup>4</sup>. Ҳар бир давлат органи муайян соҳа ҳамда унга оид вазифаларга масъул бўлса, давлат органлари орасида прокуратура органларининг фаолияти қолган барча давлат органларининг фаолиятига бевосита дахлдор эканлиги билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан давлат бошқарувида прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти алоҳида эътиборга молик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг бешинчи бўлими давлат ҳокимиятининг ташқил этилишига бағишланган бўлиб, мазкур бўлимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти, Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти, прокуратура, мудофаа ва хавфсизлик каби боблар қайд этилган. Прокуратурага давлат ҳокимиятининг муҳим тизилмаси сифатида конституциявий мақом берилган. Конституциянинг XXIV бобида прокуратура ва унинг фаолиятига доир конституциявий нормалар белгиланган<sup>5</sup>. Соҳа олимларидан Ф.Отахонов прокуратура органларига конституциявий мақом берилганлигини давлат механизмида прокуратура-

нинг махсус конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва унинг юқори даражадаги ижтимоий ўрни борлигидан ҳамда у бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилуви органлардан фарқли равишда конституциявий орган эканлиги билан изоҳлаб ўтган<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида прокуратура органларига “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир”<sup>7</sup>, - деб изоҳ берилган. Мазкур диспозитив норма прокуратура органлари тушунчасидан кўра, унинг тизими ва бошқарувини ўзида кўпроқ ифодалаган. Шу нуқтаи назардан мазкур тушунчани прокуратура органларига таъриф сифатида қабул қилиб бўлмайди. Тадқиқот давомида ўрганилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа юридик манбалар “прокуратура” тушунчасига айнан изоҳ берилмаганлигини кўрсатмоқда. Юридик адабиётларда “прокуратура органлари”, “прокуратура идоралари”<sup>8</sup> каби ёндашувларни учратиш мумкин. Луғавий маъносига кўра “орган” ҳамда “идора” тушунчалари ўзаро бир-бирига яқин тушунчалар ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра “орган” сўзи ҳаётнинг муайян бир соҳасида белгили вазифаларни бажарувчи муассаса, ташкилот сифатида қайд қилинган бўлса<sup>9</sup>, “идора” сўзи бошқаруви, маъмурият, белгили тартибда бошқариб, идора қилиб бориш маъноларида келган<sup>10</sup>. Бироқ фикримизча республикамиз бошқарувида “давлат ҳокимияти бошқаруви органлари” кўпроқ қўлланилишидан келиб чиқиб, прокуратурага нисбатан “прокуратура органлари” номини мунтазам қўллашни масаласини илгари сураемиз. Бу эса, ўз навбатида, мазкур давлат органини бир хилда тушунишда қўл келади. Шу билан бирга, прокуратурага уларнинг ўрни, мақоми ва вазифасини англатувчи муайян юридик тавсиф қонун нормаларига киритилиши мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муаллифлик таърифини илгари сураемиз: “прокуратура бу - давлат ҳокимияти тизимида қо-

Академияси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, Е.В. Коленконинг умумий таҳририда. Т., 2019. Б.-30.

4 Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. –Б. 109.

5 Ўзбекистон Республикаси конституцияси / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон

6 Отахонов Ф. Прокуратуранинг конституциявий мақоми ва қонунийликни таъминлашдаги роли / Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ахборотномаси. №1 (49) 2022. Махсус сон. Б.18-19.

7 Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

8 Рахимов Ф.Х. Прокуратура органларида бошқарув ва ишларни ташқил этиш. Ўқув-амалий қўлланма. Т.-2020. Б.-85.

9 Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н-Т / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев ва бошқ. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.-135.

10 Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев ва бошқ. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.-174.

нунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган, давлат ваколатларига эга бўлган давлат органидир".

Ушбу ўринда мамлакатимизда прокуратура органларининг келиб чиқиши ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Тарихий манбалардан маълум бўлмоқдаки, прокуратура атамаси юртимизда Россия империяси босқинига қадар мавжуд бўлмаган. Мазкур соҳани ўрганган олимлар ҳам ўз илмий ишларида бунга қайд этиб ўтишган<sup>11</sup>. Прокурор тушунчаси юртимизга илк бор 1867 йилда Туркистон ўлкасини бошқаришни назарда тутувчи ҳуқуқий ҳужжат – муваққат низомда назарда тутилган. Унга кўра, Туркистон генерал-губернаторлигида жорий қилинган бошқарув усули маҳаллий аҳоли устидан тўла назорат қилиш имконини бера оладиган қилиб ташкил этилган. Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштирган эди. Айни вақтнинг ўзида у подшо ноиб, бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини ҳам ўз қўлида бирлаштирган эди. Ўлка бошқарувининг энг долзарб масалалари генерал-губернаторлик кенгаши томонидан ҳал этилган. Бу кенгаш ўз таркибига ҳарбий губернатор, суд палатаси раиси, прокурор, округ штаби бошлиғи, генерал губернатор ёрдамчисини киритган эди<sup>12</sup>.

Прокурор тушунчаси гарчи 1867 йилдан юртимизга кириб келган бўлсада, бироқ бугунги кундаги прокурор вазифаларига хос вазифалар ундан аввал ҳам мавжуд бўлган. Мисол тариқасида Бухоро хонлигида мухтасиб лавозимидаги мансабдор шахс мамлакатда жамоат тартибини сақланишини, диний маросим ва амалларга риоя қилинишини кузатган, бозорларда нарх-наво ва тарозиларнинг тўғрилигини назорат қилиш билан шуғулланган. Меҳтар лавозимидаги амалдор маблағларнинг зарур ўринларга ишлатилишини назорат қилган бўлса, шайхулисом эса шарият қонунларига риоя этилиши устидан назорат қилган<sup>13</sup>.

Маълумки, бугунги кунда прокуратура органлари республикамизда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Соҳа олим ва мутахассислари прокуратура органларини давлат бошқарувидаги ўрни ва аҳамияти хусусида муайян фикрларни илгари суришган. М.Ахмедшаевнинг таъкидлашича, ҳуқуқий давлат қуришда ва ҳуқуқий давлатнинг фаолиятида қонун устуворлиги,

қонунларнинг тўла ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу вазифани бажаришда прокуратура органларининг фаолияти муҳим ўрин тутаяди. Прокуратура органлари барча ҳуқуқ субъектлари, яъни давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг тўлиқ ва аниқ, бир хилда бажарилиши устидан назорат қилади<sup>14</sup>. Муаллиф қайд этиб ўтганидек, прокуратура органларининг фаолияти барча ҳуқуқ субъектларининг фаолияти билан узвий боғлиқ. Келтириб ўтилган таърифдаги "барча ҳуқуқ субъектлари" тушунчаси орқали прокуратура органларининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли эканлигини англаш мумкин. Чунки, ҳар бир фуқаро, ҳар бир давлат органи, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект муайян вазиятларда ҳуқуқ субъекти сифатида ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бундай муносабатларда қонунларга риоя қилиниши эса прокуратура органларининг назорат объектларидан бири ҳисобланади.

Профессор Б.Пўлатов прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятини уларнинг ўта масъулиятли вазифаларга масъуллиги нуқтаи назаридан ёритган, яъни ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан бири қонуннинг устуворлиги, унга итоат этиш ва уни ҳурмат қилиш ҳисобланади. Прокуратура айнан шу қоида ва талабларнинг бажарилишини, яъни мамлакатда қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилади. Прокуратура органларининг фаолияти мамлакат ҳудудида қонуннинг устувор бўлишини, қонунийликни таъминлашни ва унинг барқарор бўлишини, фуқароларнинг конституция билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган<sup>15</sup>. Муаллифнинг мазкур таърифи қуйидаги мулоҳазаларни илгари суришга ундайди, яъни биринчидан, ҳуқуқий демократик давлатда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари қонун ҳамда қонунности норматив ҳужжатлар воситасида тартибга солинади; иккинчидан ҳуқуқий демократик давлатда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига хос вазифаларга масъул муайян давлат органлари, нодавлат муассасалари шу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида фаолият юритади. Прокуратура органлари эса ҳар бир соҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажари-

11 Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. Б.73-74.

12 Туркистонда подшо Россияси мустамлака идора усулининг жорий этилиши / <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/475-vatan-tarixi.html>

13 Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Тошкент "Ўқитувчи", 2014. Б.

14 Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исомов. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. Б.-93.

15 Пўлатов Б. Конституцияда прокуратуранинг мақоми. 07.12.2020 / <https://huquq.uz/2020/12/07/pr-0002/>



лиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. Ушбу ўринда, расмий lex.uz сайти маълумотларига кўра 2023 йил 9 феврал ҳолатига кўра 37 600 дан ортиқ қонун ҳужжатлари мавжудлигини инобатга олсак, прокуратура органларининг фаолияти давлат бошқарувида нақадар муҳим эканлиги тўғрисида асосли хулоса чиқаришимиз мумкин бўлади.

А.Махмудов прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятини яна бир бошқа жиҳатдан ёритган. Муаллифнинг таъкидлашича, прокуратура ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ваколатларга эга давлат органи сифатида ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва жамиятда ҳуқуқий хулқ-атворни таъминлашда алоҳида ва муҳим ўрин эгаллайди<sup>16</sup>. А.Махмудовнинг ёндашувида ўзига хос муҳим масала ифодаланган, яъни ҳар бир жамиятда ҳуқуқий хулқ-атворга эришиш бирламчи мақсадлардан ҳисобланади. Қонунларга аниқ ва бир хилда амал қилишга эришиш, айтилиши вақтда ҳуқуқий хулқ-атворни ҳам вужудга келтиради. Демак, прокуратура органларининг жамиятда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириши ҳуқуқий хулқ-атворни шакллантириш воситаларидан бири ҳам ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан муаллифнинг фикрига қўшилаемиз.

Прокуратура органлари айтилиши вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам вазифалари нуқтаи назаридан муҳим ўринга эга. Бунинг боиси, прокуратура органлари ўзи ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири бўлсада, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Ушбу масалада соҳа олимларидан А.В.Кудашкин “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири”<sup>17</sup> деб таъкидлаган. Муаллифнинг мазкур фикрига прокуратура органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг қонунга мувофиқлигини назорат қилиш вазифаси мавжудлигидан қўшилиши мумкин. Бироқ, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш функцияси мавжудлиги нуқтаи назаридан муал-

лифнинг фикрига қўшилиб бўлмайди.

Таҳлил иши давомида прокуратура органларининг мақоми, давлат бошқарувидаги ўрни ва аҳамияти хусусидаги манбаларни тадқиқ қилар эканмиз, мазкур органнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ўзига хос мунозарали эканлигига эътибор қаратдик. Маълумки, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган давлат ҳокимиятининг, давлат бошқарувининг муайян тизими таркибига киритилган. Мисол тариқасида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунининг 18-моддасига мувофиқ, бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва унга ҳисобдордир<sup>18</sup>. Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасини ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам равишда хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасига мувофиқ, бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонунчиликка мувофиқ айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди<sup>19</sup>, деб белгилаб қўйилган.

Қонун матнларига эътибор қаратадиган бўлсак, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунларда мазкур органлар тўғридан-тўғри бўйсунадиган ва ҳисобдор бўлган юқори бўғин мавжудлиги белгилаб қўйилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида мазкур орган бўйсунадиган юқори бўғин назарда тутилмаган. Фақатгина қонуннинг 14-моддасида Бош прокурорнинг ҳисобдорлиги назарда тутилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдордир. Мазкур моддада прокуратура органлари бўйсунуви назарда тутилмаган, балки Бош прокурорнинг ҳисобдорлиги кўзда тутилган.

Бундай ёндашув кўп йиллардан буён олим ва мутахассислар ўртасида турли илмий баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Соҳа мутахассисларидан У.Абдуолимовнинг фикрича, прокуратуранинг

16 Махмудов А.А. Прокуратура органлари фаолиятининг мустақиллиги – қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим гарови / юрист ахборотномаси | вестник юриста | lawyer herald. №6. 2021. Б.-23.

17 Кудашкин А.В. Координация деятельности по противодействию коррупции в военной организации государства. [http:// www.voennopprav.ru/files/Кудашкин/](http://www.voennopprav.ru/files/Кудашкин/) (дата обращения: 01.07.2017).

18 Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида”ги қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

19 Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон



давлат механизмида тутган ўрнига тааллуқли энг мунозарали мавзулардан бири – унинг ҳоқимиятлар тақсимланиши тизимидаги ўрни ҳақидаги масаладир<sup>20</sup>. А.Маҳмудовнинг таъкидлашича, прокуратура органларининг ҳоқимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни ушбу соҳада илмий-назарий изланишлар олиб бораётган ҳуқуқшуносларнинг баҳс ва мунозараларига сабаб бўлиб келган. Ҳанузгача бу борада ягона тўхтама келинмаган, кенг жамоатчилик, олимлар, амалиётчилар, халқаро экспертлар ушбу масала ечими атрофида бош қотирмоқда<sup>21</sup>. Ушбу масалада М.Ахмедшаева қуйидагиларни қайд этиб ўтган, яъни Ўзбекистонда давлат ҳоқимияти тизими ҳоқимиятлар бўлинишига асосланиб фаолият юргиза бошлаганиги муносабати билан, прокуратура органлари ҳоқимиятнинг қайси тармоғига киради? – деган масала аҳамиятга молик. Бундан ташқари, илмий ва ўқув адабиётларида, олим ва мутахассислар ўртасида ҳам бу масалада умумий фикр кузатилмайди. Прокуратура органларининг қайси ҳоқимият тармоғига кириши ҳақида конституция ва прокуратура ҳақидаги қонунда алоҳида қоида мустаҳкамланмаган<sup>22</sup>.

Мазкур муаллифларнинг фикрларига юқорида таҳлил қилиб ўтганимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятига доир қонунларнинг таҳлили нуқтаи назаридан ҳам қўшилаемиз. Таҳлилий ишдан маълум бўлмоқдаки, аксарият соҳа мутахассислари прокуратура органларининг давлат ҳоқимияти тизимидаги ўрни, ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилиши масаласини илгари суришган.

Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам прокуратура органларининг давлат ҳоқимияти тизимидаги ўрни ва мақоми аниқ белгилаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур мавзунинг тадқиқ қилган муаллифлардан О.Тошев хорижий давлатларда прокуратура органлари фаолиятини давлат органлари тизимидаги ўридан келиб чиқиб, қуйидаги гуруҳларга ажратган, яъни биринчи гуруҳ (АҚШ, Канада, Германия, Франция, Япония, Бельгия, Нидерландия, Дания, Туркия, Руминия, Жанубий Корея, Грузия, Эстония, Польша):

прокуратура органлари Адлия вазирлиги таркибига киради; иккинчи гуруҳ (Испания, Колумбия, Болгария, Латвия): прокуратура органлари суд тизими таркибига тўлиқ кирган ҳолда суд органлари ҳузурда фаолият юритади; учинчи гуруҳ (Хитой, Куба, Вьетнам, Лаос, Литва ҳамда Лотин Америкаси ва МДҲ давлатлари): прокуратура органлари мустақил алоҳида тизим ҳисобланиб, парламент ёки давлат раҳбари олдида ҳисобдор бўлган ҳолда фаолият юритади; тўртинчи гуруҳ (Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия): прокуратура органлари ёки уларнинг бевосита аналоғи мавжуд эмас<sup>23</sup>.

Мисол тариқасида тадқиқотчилардан Г.Бурхонова Германия Федератив Республикасида “Суд-ҳуқуқ тизими тўғрисида”ги қонуннинг 147-моддасига мувофиқ, прокуратура маъмурий жиҳатдан Адлия вазирлигига бўйсунди ва шунинг учун ижро этувчи ҳоқимиятнинг кўрсатмаларига бўйсунганини қайд этиб ўтган. Прокурорлар судларга бириктирилган ва мамлакат Олий суди ҳузурда фаолият юритувчи Бош прокурорга бўйсунди<sup>24</sup>.

Кўриниб турибдики, дунё мамлакатларида прокуратура органларининг мақоми ва ваколатлари бир-бирдан ажралиб туради. Ҳуқуқшунос олимлардан В.Додонов прокуратура органларининг асосий функцияларидан келиб чиқиб, уни икки турдаги кўринишга ажратган, яъни биринчиси жинойи таъқиб функциясини амалга оширувчи прокурорлар (АҚШ, Франция, Германия, Италия давлатлари), иккинчиси бу қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурорлар (Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси)<sup>25</sup>.

Прокуратура органларининг ҳоқимият тизимидаги ўрни масаласида олимлар ўртасида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар З.Исломов<sup>26</sup>, М.Раджабова, Ғ.Алимов, И.Жасимовлар прокуратурани давлат ҳоқимиятининг ҳеч қайси тармоғига кирмаслигини қайд этишган.

Рус олимларидан Н.Федоров прокуратурани ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳоқимият таркибига киритишни таклиф қилган<sup>27</sup>. Бунда, у чет эл мамлакатларининг аксариятида прокуратура ҳоқимият-

20 Абдуолимов У.Х. Прокуратура органларининг давлат механизмида тутган ўрни ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан айрим мулоҳазалар / Academic Research in Educational Sciences / Volume 3 | Issue 2 | 2022. Б.-63.

21 Маҳмудов А.А. Прокуратура органлари фаолиятининг мустақиллиги – қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим гарови / Юрист ахборотномаси | Вестник юриста | Lawyer herald №6. Б.-23.

22 Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. Б.-93.

23 Тошев О. Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг прокуратура органларини қиёслаш / 25.11.2021. <https://hsti.uz/?p=27413>

24 Бурхонова Г. Прокурор назорати – мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятининг муҳим таркибий элементи сифатида / Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 09 (2022) / ISSN 2181-1415. Б.-195.

25 Додонов В.Н., Крутских В.Е. Прокуратура в России и за рубежом: сравнительное исследование. М.: Норма, 2001. Стр. – 181.

26 Исламов З. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). Ташкент “Адолат” 2001. Стр.-270.

27 Федоров Н.В. О судебной реформе в России // Государство и право. 1992. №6.



нинг ижро этувчи органлари таркибига киришини далил қилиб келтиради. В.Ломовский эса прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият остида бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Чунки, бир томондан, қонунлар қабул қилинганидан кейин олий қонун чиқарувчи ҳокимият уларнинг бажарилишига бефарқ қараб туролмайди. Шунинг учун, у қонунийликнинг бирлигини таъминлаш функциясини сақлаб қолади, уни бевосита прокуратура органлари орқали амалга оширади<sup>28</sup>.

Қайд этиб ўтилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бизнингча, прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни, бўйсунув тартиби аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Прокуратуранинг асосий вазифаси қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш эканлигидан келиб чиқиб, фикримизча, мазкур органни давлат ҳокимияти бўлиниш тизимидаги ижро этувчи ва суд ҳокимияти таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, ижро этувчи ҳокимият айти вақтда қонун чиқарувчи олий вакиллик органи томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар, шунингдек давлат раҳбарининг фармон, қарор ва фармойишларининг ижросини таъминлашга масъул ҳисобланади. Суд ҳокимияти ҳам қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя қилмаслик натижасида юзага келадиган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллайдди. Прокуратура органлари айти вақтда судларнинг қонунни тўғри қўллаш бўйича ҳал қилув қарорлари, суд ҳукми, ажримлари устидан ҳам назоратни амалга оширади.

Бизнингча, прокуратура органларини тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунуш тартибини қонун нормаларида ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бу орқали, фикримизча, прокуратура органларини у ёки бу ҳокимият тизими таркибига киритишда манфаатлар мувозанатини сақлаш ҳамда бир-бирини тийиб туриш тамойилига эришиш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 14-моддаси биринчи қисмига қуйидагича қўшимча киритишни илгари сурамиз: “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунуади ва унга ҳисобдордир”.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда кейинги йилларда амалга оширилаётган бошқарув соҳасидаги ислохотлар прокуратура органларининг вазифалари янада кенгайишига олиб келди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 8 августда қабул қилинган “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарорига кўра республиканинг туманлари (шаҳарлари) ва худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор - тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиял ишчи тузилмаси ташкил қилинди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорига мувофиқ, тегишли прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари билан келишган ҳолда ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари - секторлар раҳбарлари бошчилигида бир маъмурий-ҳудудий бирлик ҳудудда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиладиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳолати, бошқа иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳалар ҳамда бошқа мезонларни инobatга олган ҳолда унинг умумий майдонини тўртга бўлиш йўли билан ташкил этилади<sup>29</sup>.

Мазкур қарорга қадар прокуратура органлари республикамизда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширган бўлишса, эндиликда улар худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларида ҳам муайян ваколатларга эга бўлди. Ушбу жараён прокуратура органларининг давлат бошқарувидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини яққол намоён қилади. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, прокуратура органларининг секторлардаги фаолияти натижасида кейинги 2019-2022 йилларда 5200 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган, 23 мингдан зиёд тадбиркорга, жумладан 2300 дан ортиқ экспортёрга муаммоларини ҳал қилишда кўмаклашилган. Прокурорлар ёрдами билан қарийб 15 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, фаолияти тўхтаб қолган 20 мингга яқин корхона тикланди, натижада 50 мингта янги иш ўрни яратилди. Тадбиркор ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ 17 400 га яқин ҳолат аниқланиб, тегишли чора-

28 Ломовский В.Д. Какой власти принадлежит прокуратура.//Российская юстиция.- 2001. - № 9. - Стр. 21-22.

29 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори / <https://lex.uz/docs/3302438>



лар кўрилди, қарийб 40 минг нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди<sup>30</sup>. Шуниси муҳимки, юқоридаги қарорнинг қабул қилиниши натижасида прокурорларнинг қонунларнинг аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан назорат фаолиятига ёндашув тубдан ўзгарди.

Таҳлилий ишимизда тадқиқ қилинган давлат бошқаруви тизимида прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятига оид маълумотлардан қуйидаги хулосаларга келинди:

- прокуратура органлари республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга масъуллиги нуқтаи назаридан давлат бошқаруви тизимида муҳим аҳа-

мият касб этади, шундан келиб чиққан ҳолда прокуратурага конституциявий мақом берилган;

- прокуратура органларининг фаолияти қонун билан тартибга солинган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, бу эса прокуратура органларининг фаолияти ўзларига юклатилган давлат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бошқа давлат органлари фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини англатади;

- прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги айти вақтда жамият тараққиётида, қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқий хулқ-атворни шакллантиришда бирламчи аҳамият касб этади.

.....  
#  
.....

30 Йўлдошев Н. Янги Ўзбекистон прокуратураси: ислохотларнинг дастлабки самаралари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ахборотномаси. илмий-амалий, ижтимоий-ҳуқуқий нашр. №1 (49) 2022. Б.-6.



Хайрулла КУЧКАРОВ,  
Жамоат хавфсизлиги университети  
профессори, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори,  
доцент

## ЮҚОРИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада юқори инстанция судларида суд қарорларини бекор қилиш ва ўзгартиришнинг умумий асослари илмий таҳлилдан ўтказилган. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни илмий таҳлил қилиш асосида юқори инстанция судларида суд қарорларини бекор қилиш ва ўзгартиришнинг умумий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

**АННОТАЦИЯ.** В статье проведен научный анализ общих оснований для отмены и изменения судебных решений в судах вышестоящей инстанции. На основе научного анализа действующего уголовно-процессуального законодательства в судах вышестоящей инстанции были разработаны предложения, направленные на совершенствование общих рамок отмены и изменения судебных решений.

**АННОТАЦИЯ.** The article provides a scientific analysis of the general grounds for the cancellation and modification of court decisions in higher courts. Based on the scientific analysis of the current criminal procedure legislation in the courts of higher instance, proposals were developed aimed at improving the general framework for the cancellation and modification of court decisions

**Калит сўзлар:** одил судлов, юқори инстанция суди, апелляция, кассация, шикоят, протест, суд ҳайъати, ҳукм.

**Ключевые слова:** правосудие, вышестоящий суд, апелляция, кассация, апелляционная жалоба, протест, судебная коллегия, приговор.

**Key words:** justice, appeal, cassation, higher court, appeal, protest, panel of judges, verdict.

Ўзбекистон Республикасида судларнинг одил судлов вазифаларини бажариши уларни қонуний, асосланган ва адолатли фаолият олиб бориши билан изоҳланади. Суд томонидан чиқариладиган ҳукм, ажрим ва қарорлар қонунга тўла мос келиши, одил судловни амалга оширишда ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу процессуал ҳолат орқалигина фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш таъминланиши мумкин.

Суд қарорлари фақат уни чиқарган суд ҳамда ваколатли юқори суд томонидан қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, белгиланган тартибда бекор қилиниши, ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши мумкин. Бошқа ҳеч бир ҳокимият органи ва мансабдор шахсга бундай ваколат берилмаган. Жиноят ишини фақатгина норози шахсларнинг шикояти асосида эмас, балки тегишли мансабдор шахсларнинг томонидан киритилган протестга биноан ҳам кўрилиши мумкин.

Апелляция ва кассация инстанцияларининг ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шакли, тузилиши, иш юритиш механизми ва мазмуни деярли бир хил. Шикоятларни қабул қилиш, шикоятга қў-

йилган талаблар, протест келтириш мажбурияти, иш кўриш тартиби, юзага келган келишмовчиликларни бартараф қилиш ва чиқариладиган қарорларнинг мазмуни шулар жумласидандир. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг ягоналиги ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Юқори инстанция судлари томонидан суд қарорларини қайта кўриш суд қарорларининг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигини текширишнинг процессуал усулидир. Мазкур иш юритувини бошлашга манфаатдор шахслар (маҳкум, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, унинг қонуний вакили) нинг шикоятларигина эмас, балки йўл қўйилган суд хатоси тўғрисидаги бошқа ҳар қандай ахборот (судьялар ва прокурорларнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари) асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айблов ҳукмини бекор қилиш ёки маҳкумга енгиллик берувчи қонунни қўллаш мақсадида кассация тартибида иш юритишни бошлаш муддати чекланмаган. Маҳкумнинг ҳолатини янада оғирлаштирадиган асосларга кўра, айблов ҳукмини, суд ажрими ёки қарорини, шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими ёки қарорини қайта кўришга улар қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил давомида



рухсат этилади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>19</sup>-моддасида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг умумий асослари белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар:

- 1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;
- 2) суднинг ҳукмида баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- 3) ушбу Кодекс нормаларининг жиддий равишда бузилганлиги;
- 4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;
- 5) жазонинг адолатсизлиги.

Бундан кўриниб турибдики, ҳукм бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун бир хил асослар белгиланган бўлиб, апелляция инстанцияси суди, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, бу асосларни у ёки бу тарзда қўллаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорида апелляция инстанцияси суди ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш юзасидан бир қатор тушунтиришлар берилган.<sup>2</sup>

Хусусан, ҳукм қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши шарт, агар:

- суд тергови тўлиқ бўлмаса ёки бир ёқлама олиб борилган бўлиб, бироқ йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилганидан сўнг апелляция инстанцияси суди жиноят квалификациясини ўзгартириш зарурлиги ҳақида хулосага келса;

- ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлмай, бироқ апелляция инстанцияси суди уларга маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмаган ҳолда тегишли баҳо бера олса;

- иш бўйича ЖПК нормалари бузилган бўлиб, бироқ уларнинг апелляция инстанциясида бартараф этилиши ҳукми бекор қилишни талаб этмаса;

- суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси нормалари нотўғри қўлланилган бўлиб, бироқ апелляция инстанцияси суди бу хатони маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмаган ҳолда тузатиши мумкин бўлса;

- апелляция инстанцияси суди тайинланган жазо енгиллаштирилиши лозим деб ҳисобласа.

Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг ҳукм сўзсиз бекор қилинишига сабаб бўладиган даража-

да жиддий бузилиши тушунчаси ЖПК 497<sup>22</sup>-моддасида кўрсатилган. Бундай қонун бузилишини аниқлаганда, апелляция инстанцияси суди жиноят иши кимнинг шикоят (протести)га кўра кўрилатганлигидан қатъи назар, йўл қўйилган қонун бузилиши дахл этган барча маҳкумларга нисбатан ҳукми бекор қилиши шарт.

Апелляция инстанцияси суди маҳкумга нисбатан унга эълон қилинган айблов доирасида жабрланувчи, унинг вакили шикоятда ёки прокурор протестида кўрсатилган асослар бўйича жазони кучайтириш ёки оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаш лозимлиги тўғрисида хулосага келса, биринчи инстанция суди ҳукмини бекор қилади ва янги айблов ҳукми чиқаради.

Масалан, шикоят (протест)да фақат маҳкумнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суд ҳукми жазонинг енгиллиги сабабли бекор қилишга ҳақли эмас. Ўзга маҳкумлар ёки улар ҳимоячиларининг оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги ёки жазонинг енгиллиги тўғрисидаги шикоятлари ҳукми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга бекор қилиш учун сабаб бўла олмайди.

Апелляция инстанцияси суди ҳукми бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлганда қуйидагиларга ҳақли:

1) айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришга;

2) айблов ҳукмини бекор қилиш ва янги айблов ҳукми чиқаришга;

3) оқлов ҳукмини бекор қилиш ва айблов ҳукми чиқаришга;

4) айблов ҳукмини бекор қилиш ва жиноят ишнни тугатишга;

5) ЖПК 416-моддаси ўн иккинчи қисми ёки 417-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни биринчи инстанция судига юборишга.

Жиноят-процессуал қонуни мазмунига кўра, ишнни хусусий шикоят (протест) бўйича кўрганда апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанция суди ажримини ўзгартиришсиз, хусусий шикоятни (протестни) эса, қаноатлантirmасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни умумий асосларда дастлабки тергов ўтказиш учун прокурорга юборишга;

1 Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б.Мустафоев – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. - Б. 285-286.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz)



4) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва амнистия актини қўллашга;

5) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни тугатишга;

6) биринчи инстанция суди хусусий ажримини бекор қилишга;

7) биринчи инстанция суди ажримини ўзгартиришга.

Апелляция инстанцияси судининг хусусий шикоят (протест) бўйича чиқарган ажрими узил-кесил ҳисобланади.

ЖПК 497<sup>30</sup>-моддасига кўра, оқлов ҳукмининг оқлов асосларига доир қисми фақат оқланган шахс, унинг ҳимоячиси, қонуний вакилининг шикоятига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Айрим оқланган шахсларга нисбатан шикоят (протест) берилиши бошқа оқланган шахсларга нисбатан ҳукмининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлмайди.

С.Саҳаддинов таърифича, апелляция шикояти бериш ёки протести билдириш учун асос бўлиб, суд ҳукмининг ноқонунийлиги ва асоссизлигидан далолат берувчи ҳамда уни ўзгартириш ёки бекор қилишини талаб қилувчи жиноят иши бўйича йўл қўйилган камчиликларидир.<sup>3</sup>

В.Горобец ёзишича, апелляция шикояти берган ёки протест билдирган шахслар апелляция инстанцияси суди мажлисида текширилиши лозим деб билган ҳолатларга эътиборни қаратадилар, суд мажлисига судланувчи, маҳкум, жабрланувчи, гувоҳлар, экспертлар ва бошқа шахсларни чақиришни, судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартиришни сўраб мурожаат қилишади. Суд эса, жиноят иши материалларини, шу жумладан, апелляция шикоятлари ва протестларини ўрганиб чиқиб, тарафларнинг сўзга чиқишларини эшитиб бўлгач, ушбу илтимосномалар қайси даражада асосланган эканлигини аниқлайди. Бу эса ҳукм тарафлар тақдим этган далилларга мувофиқ бўлганда ҳамда суд уларни тўлдириш ва текширишга қаратилган барча процессуал имкониятларни амалга оширган тақдирдагина қонуний, асосли ва адолатли деб баҳоланиши мумкинлигини аниқлатади.<sup>4</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2021 йил 15 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати

билан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 1-сонли қарорига кўра, апелляция инстанцияси судининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими узил-кесил ҳисобланиб, унинг устидан кассация тартибидан шикоят (протест) берилишига йўл қўйилмайди.

Жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ, юқори бўғин судлари қуйи судларнинг юритувидаги ҳар қандай жиноят ишини мазмунан ҳал этиш учун уни ўз юритувиغا олишга ҳақлидир. Мазкур судлов юритуви тизими кассация поғоналаридан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бир поғонаси жиноят ишлари бўйича қабул қилинган ҳукмларни бекор қилиш, ўзгартириш, ижросини тўхтатиш имконини беради. Суд амалиётида ҳам шикоят қилинган ёки протест келтирилган бир қанча ишлар бўйича суд қарорлари юқори суд бўғинларида апелляция ва кассация тартибидан ўзгартирилади, бекор қилиниб, иш қайта суд муҳокамасига жўнатилади.

Бундан ташқари, қуйи судларда ҳал этилган баъзи жиноят ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорлари юқори судда қонуний ва асосли деб топилиб, сўнгра худди шу суд ўзи қонуний ва асосли деб топган суднинг қарорини кассация тартибидан бекор қилади, ўзгартиради ёки тўхтади. Албатта, юқори судларнинг жиноят иши бўйича икки қарама-қарши қарорга келишининг таажжубли жойи йўқ. Зеро, суд қарорларининг қонунийлигини таъминлаш – одил судлов юритувининг асосий мақсадидир. Бироқ мазкур процессуал механизм доим ҳам мана шу мақсадга эришишнинг кафолати бўлаётими? Афсуски, амалиётда баъзан ҳали ҳам сақланиб келаётган, ноқонуний ёки асоссиз суд қарорларини кассация босқичида асосли ва қонуний деб топиш ҳоллари учраб келмоқда. Кейинчалик мазкур суд қарорлари шу суднинг кассация босқичида бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Е.Мизулина жиноят процессида апелляция ва кассация инстанциялари учун ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар умумий, лекин янги очилган ҳолатлар учун бутунлай бошқа, чунки ҳар иккала асоснинг предмети бузилган ҳукм бўлгани билан объекти ва мазмуни турлича<sup>5</sup>, деган фикрни билдиради. Бу фикрни М.С.Строгович, А.Л.Грун, В.И.Шиндлар ҳам билдирганлар.<sup>6</sup>

А.Таджибаеванинг ёзишича, қонуний кучга кир-

3 Саҳаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм илмий-амалий шарҳ / Масъул муҳаррир: Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. 299 б.

4 Горобец В. Законность, обоснованность и справедливость приговора в условиях состязательности процесса // Ж. Российская юстиция. – 2003. - № 8. Б. 38.

5 Мизулина Е.Б. Природа надзорного производства по уголовным делам. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Казань. 1983. -С. 7-8.

6 Строгович М.С. Проверка законности и обоснованности судебных приговоров. –М.: 1959. –с. 248.; Грун А.Л. Пересмотр приговоров в

ган ҳукм дахлсизлик ва мутлақлик каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади. Бу қонуний кучга кирган ҳукм фақат кассация тартибида қайта кўриш натижасида ёки очилган янги ҳолатлар туфайли бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкинлигини англатади.<sup>7</sup>

3.Иноғомжонова ва бошқалар ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳолларда апелляция ва кассация инстанцияси суди қонуннинг қайси моддаларидаги талаблар бузилганлигини ҳамда бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асоссизлиги нимадан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиши лозим<sup>8</sup>, деб ҳисоблайдилар.

Кассация инстанцияси суди жинойят ишини кассация тартибида кўриб, биринчи инстанцияси суди чиқарган ҳукми, апелляция инстанцияси ҳукми ёки ажримини бекор қилади, шунингдек агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция тартибида кўриб чиқишга ўтказилади. Кассация инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Ф.Кудин юқори инстанция судлари учун ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини умумий хусусият тарзида эътироф этиш керак<sup>9</sup>, деган фикрларни билдирган.

Айблов ҳукмини бекор қилиш ёки маҳкумга енгиллик берувчи қонунни қўллаш мақсадида кассация тартибида иш юритишни бошлаш муддати чекланмаган. Маҳкумнинг ҳолатини янада оғирлаштирадиган асосларга кўра айблов ҳукмини, суд ажрими ёки қарорини, шунингдек оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими ёки қарорини қайта кўришга улар қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил давомида рухсат этилади.<sup>10</sup>

3.Иноғомжонованинг "... адолатсиз жазо тайинланган ҳукм юқори инстанция судлари (апелляция, кассация) томонидан бекор қилингани билан унинг ижтимоий оқибатларини бартараф қилиш осонликча ҳал бўлмайди. Бундай ҳолда: 1) суд ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади; 2) ҳукм чиқарган судья обрўсизланади; 3) адолатсиз ҳукм қурбони бўлган шахс ва унинг яқинлари истироб

чекади, нафрати ошади<sup>11</sup> - деган хавотири ўринли эканлигига эътибор қаратиш лозим.

Прокурор шикоят берилган ёки протест киритилган ҳукм ёки ажримнинг қонунийлиги ва асосланганлиги бўйича процесс иштирокчиларининг тушунтиришларидан сўнг ўз хулосасини беради. Ушбу хулосада прокурор ҳукм ёки ажримни кучда қолдириш, уни бекор қилиш ёки қисман ўзгартириш тўғрисида ўз фикрини баён қилади.

Судьянинг янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажрими манфаатдор шахсларнинг шикоятига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарларининг протестига кўра, материалларни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун ўтказган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан бекор қилиниши мумкин.

Ишни кассация тартибида кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукми ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган, апелляция, кассация тартибида ишни кўриш чоғида қонуннинг бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни тўғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда апелляция инстанцияси ҳукми ва ажримлари ёки кассация инстанцияси судининг ажрим ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим.

Суд кассация тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи ва апелляция инстанция судларининг ҳукми ва ажримларини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлидир деб кўрсатиб ўтилган.

Жинойят ишини кассация инстанцияси судида такроран кўриш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг илгари мазкур ишни кўришда иштирок этмаган беш нафар судьясидан иборат таркибда, ушбу бобда назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Кассация инстанцияси суди ишни такроран кўриб чиқишда:

- 1) кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилишга ёки ўзгартиришга;
- 2) апелляция инстанциялари судининг ҳукмини, ажримини ўз кучида қолдиришга ёки ўзгартиришга;

порядке судебного надзора. – М.: 1969. – Б. 64.; Шинд В.И. Рассмотрение уголовных дел президиумами судов. – М.: 1960. – с. 173.

7 Таджибаева А. Жинойят процессида суд ҳужжатларининг қонуний кучга кириш муддатлари. ТДҲИ Ахборотномаси, № 1 2010. Б.129.

8 Иноғомжонова З.Ф., Абдурахмонов У.А. Жинойят ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДҲИ, 2006.- 65 б.

9 Кудин Ф.М. Пересмотр в порядке надзора вступивших в законную силу приговоров, определений и постановлений суда. Учебное пособие. – Екатеринбург: 1992. – 243 с.

10 Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б.Мустафоев – Тошкент: "Ўзбекистон нашриёти", 2006 йил. Б. 285-286.

11 Иноғомжонова З.Ф. Адолатсиз жазо ва унинг оқибатлари. Davlat va huquq. // Т.: ТДҲИ. № 3, 2004. 49 б.



3) апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини бекор қилишга ва ишни апелляция тартибида янгидан кўриш учун юборишга;

4) иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилишга ва ишни тугатишга ҳақлидир.

Бизнинг фикримизча, юқори инстанция судларида қарорларни қайта кўриш институти бир томондан, қуйи судлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилса, иккинчи томондан, барча судлар томонидан қонун-

ларни бир хилда қўллашга ёрдам беради. Мазкур вазифаларни бажаришда суд муайян мезонларга таянади. Ушбу мезонлар қонунда белгиланган бўлиб, унинг асосида суд қарорлари бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқори инстанция судлари қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш функцияси уларнинг суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш билан боғлиқ ваколатларини амалга ошириш жараёнида яққол намоён бўлади.

.....  
#  
\_\_\_\_\_



Зоҳиджон МИРМАҲМУДОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

# МАҲКУМЛАРНИ ЖАЗОДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИШ ВА ЖАЗОНИ ЕНГИЛРОҒИ БИЛАН АЛМАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада маҳкумларни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари ва шартли, шартли озод қилишнинг шартли ҳукм қилиш билан фарқли томонлари, қонунчиликда мавжуд бўшлиқлар ва уни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье обсуждены основания и условия условно досрочного освобождения осужденного и замены наказания на более мягкое, различие между условно-досрочным освобождением и условным осуждением, пробелы в законодательстве и др.

**ANNOTATION.** This article discusses the grounds and conditions for the conditional early release of a convict and replacing the punishment with a milder one, gaps in legislation, etc.

**Калит сўзлар:** маҳкум, жазо, муддатидан илгари озод қилиш, енгилроғи билан алмаштириш, кодекс, шартли ҳукм, илтимоснома.

**Ключевые слова:** осужденный, наказание, досрочное освобождение, замена более мягким, кодекс, условное осуждение, ходатайства.

**Key words:** convicted, punishment, early release, softer replacement, code, probation, solicitation.

Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан изчил ислохотлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4006-сон қарори ва унга асосан тасдиқланган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси” ҳамда 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон фармони ва унга асосан тасдиқланган Йўл харитасига асосан жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу соҳада коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш, жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди.

Концепцияда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан самарали назоратни амалга ошириш; жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, уларнинг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигига урғу берилган.<sup>1</sup>

Шулар қаторида суд қарорларини ижрога қаратиш ва ижроси даври, шунингдек жазо ўтаб бўлингандан кейин юзага келадиган, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари билан боғлиқ муносабатлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришга оид қонун талабларини аниқ ва оғишмай бажариш маҳкумларни қайта тарбиялаш, такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда инсонпарварлик каби жиноят-ҳуқуқий принципни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.<sup>2</sup>

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 2022 йил 27 декабрдаги, 03/22/207/0310-сон.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарори.



ЖКнинг 73-моддасига асосан, суд озодликдан маҳрум қилинган, интизомий қисмга жўнатилган, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиши, ЖК 74-моддасига кўра эса, озодликдан маҳрум этилган, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин.

Шунингдек, суд шахсни ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиши мумкин.

Бунинг асосий шarti сифатида эса, маҳкум ушбу жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариш ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш ҳамда жазонинг қонунда белгиланган қисмини (ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ушлаб турилган, қамоқда, уй қамоғида сақланган вақтни ҳисобга олган ҳолда) ҳақиқатда ўтаб бўлган бўлишлиги талаб этилади.

Жазо амнистия (афв) актига кўра, қисқартирилган ёки суд томонидан камайтирилган ҳолларда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришни қўллашда, жазонинг ҳақиқатда ўталган қисми амнистия (афв) акти қўлланилганидан кейин қолган ёки суд ажрими (қарори)да кўрсатилган жазо муддатидан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим.

Агар шахс турли тоифага оид бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм мажмуи бўйича судланган бўлса, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш масаласини ҳал этишда, жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича тайинланган узил-кесил жазодан келиб чиқиш лозим. Жазонинг уни ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки энгилроғи билан алмаштириш имкониятини берувчи ва ҳақиқатда ўталиши шарт бўлган жазо муддатини ҳисоблашда, судлар жиноятлар ва ҳукмлар мажмуига кирувчи ва энг оғир жиноят учун ЖК 73, 74, 89, 90-моддалари учинчи қисми “а” “б” “в” бандларида назарда тутилган қоидаларни қўллашлари лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, ЖК 74-моддаси тўртинчи қисмига кўра, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, у озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади. Озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш, ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисми жарима жазоси билан алмаштирилганда эса, ЖК 44-моддасининг учинчи қисми ёки

82-моддаси иккинчи қисми қоидаларига риоя этишлари ва бунда жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқишлари лозим.<sup>3</sup>

ЖПКнинг 536-моддасига мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан қўлланилади.

Интизомий қисмда жазони ўтаётганларга нисбатан ана шу чоралар интизомий қисм қўмондонлигининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланилади.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва Болалар масалалари бўйича комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади.

Бунда маҳкум жазо муддатининг Жиноят кодекси 73, 74, 89 ва 90-моддаларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини агар маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса кўриб чиқиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқариши шарт.

Маъмурият маҳкуми жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришга тақдим этишни рад этган тақдирда маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Маҳкуми жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини маъмурият томонидан қайта кўриб чиқиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг ёки жазони ижро этувчи органнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришни рад этиш ҳақидаги қарори чиқарилган кундан эътиборан уч ой ўтгач, башарти маҳкум белгилан-

3 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарори.

ган режимга ва меҳнатга виждонан муносабатда бўлса, амалга оширилади.

Агар ушбу масалалар тўғрисидаги тақдимнома ёки илтимосномалар суд томонидан рад этилган бўлса, бу тўғрисида қарор чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтгач, қайта кўриб чиқиши мумкин.

Суд қонунда назарда тутилмаган асослар, жумладан, олдинги жиноятлари учун судланганлик ҳолати мавжудлиги, тайинланган жазо енгиллиги, маҳкум айбига иқрор эмаслиги, муайян жазони ижро этиш муассасасида қисқа вақт мобайнида бўлганлиги кабилар бўйича жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этишга ҳақли эмас. Содир этилган жиноят хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси (унинг оғирлиги ва оқибатлари) ҳам илтимоснома ёки тақдимномани рад этиш учун асос бўлмайди. Чунки бу ҳолатлар жазо тайинланган вақтда инobatга олинган бўлиб, бундан ташқари, ЖК 73, 74, 89 ва 90-моддаларида назарда тутилган муддатлар белгиланиши мезони ҳисобланади.

Маҳкумда жазони ижро этиш даврида қўлланилган таъсир чораларининг мавжудлиги ўз-ўзидан унинг тайинланган жазони ўташни давом эттириши зарурлигидан далолат бермайди. Мазкур масалани ҳал этишда ҳар доим нафақат бевосита илтимоснома киритилиши арафасида, балки жазони ўташнинг бутун даврида маҳкум томонидан йўл қўйилган ҳар бир тартиббузарликнинг муайян ҳолатлари, оғирлиги ва хусусияти, таъсир чоралари олиб ташланиши ёки тугалланишига оид маълумотлар, охирги таъсир чораси қўлланилганидан сўнг ўтган вақт, маҳкумнинг кейинги хулқ-атвори ва уни тавсифловчи бошқа маълумотлар инobatга олиниши лозим.

Олий суд пленуми қарорига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти ЖК 74-моддасига мувофиқ жазоси енгилроқ жазо тури билан алмаштирилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, маҳкум томонидан енгилроқ жазонинг ЖК 73-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан, мазкур жазо ижроси бошланган кундан ҳисобланадиган муайян муддати амалда ўталганидан сўнг у жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

Мисол учун, маҳкум С.Б. содир этган оғир жинояти учун суднинг ҳукми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Ушбу жазо учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун 2 йилдан сўнг

жазони ижро этиш муассасасининг тақдимномасига кўра ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан суд жазонинг қолган 4 йилини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирган. Маҳкум С.Б. суд томонидан алмаштирилган енгилроқ жазо, яъни 4 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 2 йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Агар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга оид илтимоснома судга келиб тушгандан сўнг маҳкумни жазодан озод қилишни ёки унга нисбатан тайинланган жазони қисқартиришни (камайтиришни) назарда тутувчи амнистия акти эълон қилинса, суд муҳокамаси бошланганидан қатъи назар, суд илтимосномани кўрмасдан қолдиради ва бу ҳақда жазони ижро этувчи органга хабар беради.<sup>4</sup>

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни (ЖК 73-модда) шартли ҳукм қилишдан (ЖК 72-модда) фарқлаш лозим бўлади.

Шартли ҳукм ишни мазмунан кўрган суд ёки юқори инстанция суди томонидан амалга оширилади ва бунга асослар мавжуд бўлса маҳкум зиммасига мажбуриятлар юкланади ва ушбу мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузса, унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан суд жазонинг шартлилигини бекор қилади ҳамда ҳукмда тайинланган жазони ўташга юборади. Шартли ҳукм қилинганларга нисбатан судланганликнинг тугаши синов муддати тугаган кундан ҳисобланади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки илтимоснома маҳкум жазо ўтаётган жойдаги жиноят ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилади ва маҳкум зиммасига мажбурият юклашни истисно этади. Шунингдек, амалдаги қонунчиликка кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузса, жазонинг шартлилигини бекор қилиш ва ҳукмда белгиланган жазонинг қолган муддатини ўташ учун қайтариш механизми мавжуд эмас. Ваҳоланки, ушбу модда мазмунига кўра жазодан озод қилиш шартли амалга оширилиб, озод қилинган маҳкумга шартли озод қилинган даврда ўзини қандай тутиши ва нималарга риоя қилиши бўйича мажбуриятлар юкланиши лозимлигини тақозо этади. (1959 йил таҳриридаги ЖКнинг 502-моддаси 5-қисмида шундай мажбуриятлар мавжуд бўлган). Судланганлик муддати эса муддатидан илгари

4 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарори



ри озод қилинган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

ЖКнинг 73-моддасига кўра, шахс фақат ижро этилмаган қўшимча жазодан озод қилиниши мумкин.

Қўшимча жазо тайинланган маҳкумни асосий жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш чоғида, судлар маҳкумни ўталмаган қўшимча жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилиши лозим.

Қўшимча жазо қисман ўталганда, суд шахсни қўшимча жазонинг қолган қисмидан тўлиқ ёки қисман озод қилишга оид масалани ҳал этишга ҳақли. Суднинг мазкур масалага оид қарори ажримнинг қарор қисмида баён этилиши лозим.

Агар маҳкум асосий жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, қўшимча жазодан озод қилиш тўла ёки қисман рад этилган бўлса, қўшимча жазодан озод қилиш тўғрисида такроран қўйилган масала ЖИК 164-моддаси олтинчи қисмида белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.<sup>5</sup>

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги қўшимча жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан амалга оширилади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида фақатгина қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ЖКнинг 60-моддаси тартибда жазо тайинлайди. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун жазонинг шартлилигини бекор қилиш мумкин эмас.

Жазоси энгилроғи билан алмаштирилган шахс эса жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этишининг ўзи ЖКнинг 60-моддасига асосан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга асос бўлади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришга оид масала жиноят иши қайси судловга тегишлилигидан қатъи назар, маҳкум жазони ўтаётган жазони ўташ муассасаси ёки жазони ижро этувчи орган жойлашган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, ҳарбий суди судьяси томонидан яқка тартибда ҳал этилади.

Агар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришга оид (жумладан, суд қарори бекор қилиниб, иш янгитдан судда кўришга юборилганда) илтимоснома судга келиб тушгандан сўнг маҳкум бошқа жазо-

ни ўташ муассасасига ўтказилган бўлса, материал шу муассаса жойлашган жойдаги судда кўрилади. Бундай ҳолларда суд илтимоснома ва тақдим этилган материалларни дарҳол маҳкум жазони ўтаётган жойдаги судга юбориши шарт.

Маҳкум тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасига жалб этилиши муносабати билан вақтинча тергов ҳибсхонасига ўтказилганда, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришга оид илтимоснома маҳкум тергов ҳибсхонасига ўтказилгунга қадар сақланган жазони ижро этувчи орган жойлашган жойдаги судга юборилиши лозим.

Судья жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома (илтимоснома) кўриладиган сана, вақт ва жой тўғрисида маҳкум, унинг қонуний вакили, адвокат, шунингдек жазони ижро этувчи орган маъмурияти ва прокурорни олдиндан хабардор этиши лозим.

Суд мажлисида жазони ижро этувчи орган вакили сифатида мазкур орган раҳбари томонидан берилган ишончнома асосида тегишли ваколатга эга шахс иштирок этиши мумкин.

Судья жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги масалани кўриш пайтида суд мажлисида маҳкумнинг шахсан иштирокини таъминлаши шарт.

Мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш чоғида вужудга келадиган ва процессуал қонунчилик билан қатъий белгиланмаган ҳолат — бу жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ишларни кўриш вақтида жабрланувчининг бевосита иштироки ва унинг ҳуқуқлари таъминланиши масаласидир. Жиноят ҳуқуқи назариясида жазо шахснинг содир этган қилмиши учун қўлланиладиган мажбурлов чораси бўлиб, давлат билан жиноятчи ўртасидаги муносабат сифатида кўриб келинади. Суд ҳукми билан тайинланган жазонинг ижро этилишига алоқаси бўлмаганлиги сабабли, жабрланувчининг жиноят процессининг ушбу босқичига бевосита жалб этилмаслиги мантиқан тўғридир. Бироқ, ушбу босқичда ҳал этиладиган қатор масалаларда бевосита жарбланувчининг манфаатлари тўқнаш келади, масалан, зарарнинг тўлиқ бартараф этилмаганлиги, жабрланувчининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва ҳоказо. Юқоридагиларга асосан, маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш

5 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарори.

босқичида қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида, ва ҳаттоки, судга шу тўғрисидаги тақдимнома ёки илтимоснома келиб тушганлиги ҳақида жабрланувчи билишга ҳақли.<sup>6</sup>

Жазони ижро этувчи орган раҳбари, шунингдек, унинг вакили суднинг ЖПК 534 ёки 536-моддасига мувофиқ чиқарилган ажрими устидан апелляция, кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга эмас, чунки қонунга (ЖПК 551, 56-боблари) кўра, суд қарори устидан шикоят (протест) бериш ҳуқуқи маҳкумга, унинг қонуний вакилига, адвокатга, прокурорга, шунингдек, жабрланувчи ва унинг қонуний

вакилига (вакилига) тегишли.<sup>7</sup>

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жиноят ишлари бўйича суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ижро қилишда юзага келадиган масалаларни пухта кўриб такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба ва амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда қонунчилик нормаларининг такомиллаштирилиши маҳкумларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда уларни қайта тарбиялаш орқали жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

#

6 Уголовно-процессуальное право – актуальные проблемы теории и практики. 3-е издание. В.А.Лазарева, А.А.Тарасов, Москва – Юрайт, 2017

7 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2016 йил 27 декабрда “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарори.



Фариза РАМАЗАНОВА,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар  
институти илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ, ТЕРРОРИЗМ ВА РАДИКАЛЛАШУВГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада миллий қонунчилик таҳлили асосида экстремизмга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шу билан бирга, бугунги кундаги замонавий хавф ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, экстремистик мафкуранинг тарқалишига қарши курашиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси диний сиёсатини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар таклиф этилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье освещены вопросы совершенствования системы противодействия экстремизму на основе анализа национального законодательства. Вместе с тем, предложены меры по совершенствованию религиозной политики в Республике Узбекистан в части противодействия распространению идеологии экстремизма с учетом современных вызовов и угроз.

**ANNOTATION.** The article highlights the issues of improving the system of countering extremism, based on the analysis of national legislation. Moreover, measures are proposed to improve the religious policy in the Republic of Uzbekistan in terms of countering the spread of extremist ideology, taking into account modern challenges and threats.

**Калит сўзлар:** экстремизм, терроризм, радикаллашув, экстремистик фаолият, криминаллаштириш.

**Ключевые слова:** экстремизм, терроризм, радикализация, экстремистская деятельность, криминализация.

**Key words:** extremism, terrorism, radicalization, extremist activity, criminalization.

Жаҳонда сўнгги йилларда экстремизм ва терроризмнинг барча шакллари ва кўринишларига қарши курашни тартибга солувчи катта ҳажмдаги халқаро нормалар массиви мавжуд бўлишига қарамай, бундай жиноятлар мамлакатлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун глобал муаммо сифатида бир давлат чегарасидан чиқиб, трансчегаравий, уюшган жиноятлар қаторида бутун дунё ҳамжамияти учун долзарб масалага айланиб улгурган. Ушбу йўналишда хавф-хатар, таҳдид ва таҳликалар сақланиб қолаётганини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли асарида «Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётгани, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётгани»<sup>1</sup> унга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини белгилайди.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, бир томондан, экстремизмга қарши курашишнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш ва мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд бўлса, иккинчи томондан, «экстремизм ва унинг

ўта кескин шакли бўлган терроризмга қарши курашиш инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш каби нормаларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур» деган қоидага асосланган бўлишини талаб этади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 6 августдаги А/76/273-сонли резолюцияси билан қабул қилинган маърузасида таъкидланишича, «экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бир-бири билан узвий боғлиқ ва ўзаро тўлдирувчи нормаларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур. Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётида ушбу соҳада инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи нормалар сақланиб қолаётгани алоҳида хавотир ўйғотади, шунинг учун иштирокчи-мамлакатларга уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш тавсия этилган»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон БМТга аъзо давлатлар қаторида бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 3 мартдаги «БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий

1 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси – Т.: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. – Б. 315.

2 Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН А/76/273, Доклад Генерального секретаря Терроризм и права человека "Поощрение и защита прав человека: вопросы прав человека, включая альтернативные подходы в деле содействия эффективному осуществлению прав человека и основных свобод", 6 августа 2021 года.



Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги» халқаро конференцияси иштирокчиларига мурожаатидаги нутқида «Ўзбекистонда терроризмга қарши курашишнинг фундаментал асоси, бу – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлашдир. Ишончимиз комилки, терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бир-бирини инкор этувчи эмас, балки тўлдирувчи ва мустаҳкамловчи мақсадлардир»<sup>3</sup>, деб таъкидлаб ўтгани бежизга эмас.

Ўзбекистон Республикасида ҳам халқаро экстремизм ва терроризмга қарши курашишда янги усуллар ва механизмларни ишлаб чиқиш, экстремизмни келтириб чиқарувчи радикаллашувнинг олдини олиш йўналишида изчил ислохотлар амалга оширилиши давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон фармони билан қабул қилинган «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг VI бандида (Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш) 82-мақсад сифатида «экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш» белгиланган бўлиб, унга мувофиқ «фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш»<sup>4</sup> каби стратегик вазифа мустаҳкамланган.

Бугунги кунда дунё миқёсида экстремизм салбий ҳодиса сифатида баҳоланиб, унинг ўзига хос хусусиятларини фарқлашда илмий-назарий қарашлар ва ёндашувларнинг хилма-хиллигини кузатиш мумкин. Баъзи олимлар, масалан Э.Т.Жээнбеков фикрига кўра, терроризм экстремизмнинг ўта кескин шакли бўлиб, унинг бир тури сифатида эътироф этилади<sup>5</sup>. Р.А.Левшуков ва Д.Б.Малышевалар<sup>6</sup> экстремизмни фундаментализм, ақидапа-

растлик ва радикализм атамалари билан боғласа, И.В.Воронов экстремизмни сиёсий кураш шакли сифатида ижтимоий низоларни ҳал этишнинг бир усули<sup>7</sup>, деб баҳолайди. А.А.Хоровинников эса экстремизм ва терроризмни умумий ва хусусийга бўлиб ўрганади, яъни биринчиси террористик ҳаракатлар учун ўзига хос мафкуравий асосни ташкил қилади, иккинчиси эса сиёсий мақсадларга эришиш учун экстремистик ҳаракатларни (зўравонлик қўллаш орқали) амалга ошириш билан ифодаланади<sup>8</sup>, деб ҳисоблайди.

Экстремизм тушунчасига муқобил таъриф сифатида В.Ю.Верещагин ва М.И.Лабунец томонидан унинг мажбурий тарқатилиши, мурасасизлик ва зўравонлик хатти-ҳаракатларини ёқловчи мафкураси сифатида таъриф берилган<sup>9</sup>. Д.Назиров<sup>10</sup>, В.В.Ревина<sup>11</sup> эса экстремизмни сиёсий рақибларга нисбатан мурасасизликда ифодаланган ва уларни зўравонлик билан бостиришни оқлайдиган мафкура, деб ҳисоблайдилар.

Бу борада қонунчилигимизни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига (Асосий тушунчалар) мувофиқ, «экстремизм – ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси», деб белгиланган.

Экстремизмнинг турли кўринишлари ва уларнинг намоён бўлиши, ҳар бир алоҳида ҳолатда кўплаб фарқлар мавжудлигини инобатга олиб, ҳуқуқшунослар ўртасида ушбу ҳодисага ҳуқуқий баҳо беришда қийинчиликларни юзага келтириб чиқаради. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганадиган бўл-

3 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 03.03.2022 йилдаги юқори даражадаги “БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” халқаро конференцияси иштирокчиларига мурожаати нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/5023>

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан қабул қилинган «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/5841063>

5 Жээнбеков Э.Т. Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия религиозному экстремизму: по материалам Кыргызской Республики: дис. канд. юрид. наук. М., 2007. – С. 19.

6 Левшуков Р.А. Ислам в социокультурном пространстве Северного Кавказа: интеграционные и дезинтеграционные функции: Дис. канд. социолог. наук. Ростов н/Д., 2003. – С. 146; Малышева Д.Б. Конфликты в третьем мире и Содружестве независимых государств (религиозный и этнический аспекты): Дис. докт. полит. наук. М., 1997. – С. 332.

7 Воронов И.В. Основы политико-правового ограничения социально-политического экстремизма как угрозы национальной безопасности Российской Федерации: автореф. дис. канд.полит. наук. М., 2003. – С.33.

8 Хоровинников А.А. Экстремизм как социальное явление: философский анализ: дис. канд. филос. наук. Саратов, 2007. – С. 11.

9 Верещагин В.Ю., Лабунец М.И. Политический экстремизм: этнонациональная институционализация и регионализация. Ростов н/Д, 2002. – С. 7–8.

10 Назиров Д. Проблемы терроризма, религиозного экстремизма и пути их преодоления: дис. д-ра филос. наук. Душанбе, 2009. – С.113.

11 Ревина В.В. Экстремизм в российском уголовном праве: дис. канд. юрид. наук. М., 2010. – С. 19.



сак, Ғарб мамлакатлари ҳукумат ва ҳукуматлараро даражаларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда экстремизмнинг асосини зўравонлик ташкил этиб, уни қонунчиликда ифода этилишида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Канада давлатида «зўравонлик экстремизми» – сиёсий, диний ёки мафкуравий қарашлар асосида содир этилганда жиноят сифатида кўриб чиқилади. Баъзи таърифларда радикал қарашларнинг ўзи муаммо эмаслигини, шу радикал қарашлар зўравонлик ҳаракатларига ўтганидан кейингина миллий хавфсизликка таҳдидга айланишини аниқ таъкидлайди<sup>12</sup>. Австралияда «зўравонлик экстремизми – зўравонлик қўллашни қўллаб-қувватловчи ёки ундан мафкуравий, диний ёки сиёсий мақсадларга эришиш учун фойдаланадиган шахсларнинг эътиқодлари ҳамда ҳаракатларининг жамланмасидир. Бунга терроризм ва сиёсий сабабларга кўра зўравонликнинг бошқа шакллари ҳам киради»<sup>13</sup>. АҚШ Федерал тергов бюроси зўравонлик экстремизмини – сиёсий, мафкуравий, диний, ижтимоий ёки иқтисодий мақсадларга эришиш учун зўравонлик ҳаракатларини рағбатлантириш, маъқуллаш ёки қўллаб-қувватлаш, деб таърифлайди. Шу билан бирга, АҚШнинг Халқаро ривожлантириш бўйича агентлиги «экстремистик фаолиятга» қуйидагича таъриф беради, яъни «ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мақсадларга эришишга ёрдам бериш учун ғоявий ёки амалда зўравонликни тарғиб қилиш, унда иштирок этиш, тайёрлаш ёки қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари ҳисобланади»<sup>14</sup>. Норвегияда зўравонлик экстремизми – бу сиёсий, мафкуравий ёки диний мақсадларга эришиш учун зўравонлик ишлатмоқчи бўлган шахслар ёки гуруҳларнинг ҳаракатлари ҳисобланади<sup>15</sup>. Швецияда «зўравон экстремист» деб нафақат зўравонлик қўлланишига тоқат қиладиган, балки ҳар қандай мақсадларга эришиш учун мафкуравий зўравонликни қўллаб-қувватлайдиган ёки ишлатадиган хатти-ҳаракатни бир маротаба ёки қайта-қайта намоиш этадиган шахс ҳисобланади<sup>16</sup>. Бирлашган

Қиролликда экстремизм асосий қадриятларга (баёнотлар ва ҳаракатларда), шу жумладан демократия, қонун устуворлиги, шахсий эркинлик ва динлараро бағрикенглик, эътиқодлар ўртасида ўзаро ҳурматга қарама-қаршилик қилиш ва Бирлашган Қиролликнинг қуроли кучларини ичкаридан ва ташқаридан йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади<sup>17</sup>.

Хорижий давлатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, экстремизм ва экстремистик фаолиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири – бу зўравонлик ҳаракатлари ҳисобланади. Аммо Ғарб давлатларида шахсларнинг зўравонлик ҳаракатларини содир этиш учун чақириқлари экстремистик фаолият ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги сўнгги йилларда кенг муҳокама қилинадиган масала ҳисобланади.

Бу борада БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг ва Бош котибининг йиллик ҳисоботида<sup>18</sup> (17-банди) келтирилган маълумотга кўра, зўравонлик экстремизми фақат зўравонлик ҳаракатларини ўз ичига оладими ёки зўравонлик ҳаракатларини бажаришга ундашни ҳам англатади ёки йўқми, давлатлар томонидан тўлиқ таъриф берилмайди. Шу билан бирга, зўравонлик ҳаракатларини бажаришга ундаш жинорий жавобгарликка асос бўладими ёки у амалга оширилгандан сўнг содир этилган ҳисобланадими, ушбу масалалар давлатлар қонунчиликларида тўлиқ ёритилмаган.

Экстремизмнинг мафкуравий асосини «радикализм» (радикаллашув) ташкил этишини инobatга олиб, ушбу тушунча юзасидан олимлар ўртасида турли хил илмий-назарий қарашлар мавжуд. Умуман олганда, «радикализм» атамаси лотинча «radix» сўзидан олинган бўлиб, «илдиз, тубдан» деган маънони англатади. Н.Е.Макаров ва Ц.С.Дондоковларнинг фикрига кўра, «экстремизм» атамаси «радикализм» тушунчаси билан бирга янада кенгроқ талқин этилиб, фаолиятининг табиати ва эътироф этган қарашларидан қатъи назар, ҳар қандай сиёсий рақибни йўқ қилишга қаратилган атамалар

12 «Assessing the Risk of Violent Extremists» // «Оценивая риск насильственного экстремизма» (Департамент общественной безопасности Канады), Research Summary, vol. 14, no. 4. 2009. – P. 17.

13 «Australian Government measures to counter violent extremism: a quick guide» // «Меры Правительства Австралии по противодействию насильственному экстремизму: краткое руководство», Парламент Австралии, 2015. – P. 23.

14 «The Development Response to Violent Extremism and Insurgency: Putting Principles Into Practice» (USAID) // «Меры реагирования в области развития на насильственный экстремизм и беспорядки: Реализация принципов на практике», USAID Policy, September 2011. – P. 2.

15 «Action Plan Against Radicalisation and Violent Extremism» // «План действий по борьбе с радикализацией и насильственным экстремизмом» (Министерство юстиции и общественной безопасности Норвегии), 2014. – P. 7.

16 «Sweden Action Plan to Safeguard Democracy Against Violence Promoting Extremism» // «План действий Швеции по защите демократии от экстремизма, побуждающего к насилию», Government Communication 2011, Point 3.2. – P. 12.

17 Counter-Extremism Strategy // «Стратегия противодействия экстремизму», London, Counter-Extremism Directorate, Home Office. Para. 1. (2015).

18 Ежегодный доклад Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека и доклады Управления Верховного комиссара и Генерального секретаря // Доклад о наилучшей практике и извлеченных уроках по вопросу о том, каким образом защита и поощрение прав человека содействуют предупреждению насильственного экстремизма и борьбе с ним (A/HRC/33/29, 21 July 2016).

сифатида ҳам кўриб чиқилган<sup>19</sup>. И.Добаевнинг таъкидлашича, исломий экстремистик кучлар ўз мафкураси сифатида турли хил давлатларда турли шаклларга ва кўринишларга эга бўлган «ислом радикализи» тўлдириб туради<sup>20</sup>. Е.И.Галяшина «радикализм» иборасини мавжуд ижтимоий-сиёсий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган сиёсий ғоялар ва ҳаракатлар мажмуини ифода-лаш учун ишлатилади, деб ҳисобласа<sup>21</sup>, С.А.Сергеев фикрига кўра эса, радикализм кескин фикр ва тарафларни ёқлаш бўлсада, у зўравонлик билан боғлиқ эмас, деб ҳисоблайди<sup>22</sup>.

Шу ўринда, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ҳисоботида<sup>23</sup> (19-банди) қайд этилишича, «радикализм» атамаси одатда (баъзи давлатлар томонидан) шахснинг экстремистик эътиқод ва ғоясини қабул қиладиган жараён сифатида кўриб чиқилади. Бу сиёсий, мафкуравий, диний ёки бошқа мақсадларда зўравонликни оқлаш, қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш ёки ишлатиш истагини ўз ичига олиши мумкин. Айрим Ғарб мутахассислари фикрига кўра эса, «радикализм» деганда шахсларни террористик ҳаракатлар содир этишга олиб келиши мумкин бўлган ёки уларни террористик ташкилотларга ёлланганига мойил қилиб қўядиган экстремизм мафкурасини қабул қилиш жараёнини тушуниш мумкин<sup>24</sup>. Демак, юқоридаги илмий қарашларга қўшилган ҳолда, фикримизча, экстремистик мафкурасини қабул қилиш ва террористик ҳаракатларни содир этишга тайёргарлик кўриш жараёнига «радикал-лашув» атамасини қўллаш мумкин.

Олимлар фикрига кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда экстремизм намоён бўлишининг асосий кўринишларидан бўлиб ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиб, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда давлатнинг мил-

лий хавфсизлигига реал таҳдидларни келтириб чиқарувчи кўплаб муаммолар юзага келмоқда<sup>25</sup>. Интернет каби маълумотлар узатиш воситалари том маънодаги ижобий жиҳатини намоён қилиш билан бирга, халқаро террорчилар, жумладан, диний-сиёсий жангариликнинг ўз ғараз мақсадлари йўлида фаол фойдаланаётган қуролига ҳам айланаиб қолмоқда<sup>26</sup>.

Дарҳақиқат, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 26 июнь кундаги А/RES/72/284-сонли резолюцияси билан қабул қилинган маърузасида «БМТ глобаллашув жараёнида бугунги жамиятда террорчилар ва уларнинг шериклари ахборот-коммуникация технологияларидан, хусусан интернет ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишининг тобора кучайиб бораётганлиги ва бундай технологиялар орқали террористик ҳаракатларни содир этиш, ёллаш, молиялаштириш, режалаштириш ёки бундай ҳаракатларни қилишга ундашда кенг фойдаланилаётганлиги борасида чуқур ташвиш билдиради»<sup>27</sup>, деб таъкидлаб ўтгани бежизга эмас.

Ғарб олимларнинг таъкидлашича, интернет радикаллашувнинг тобора фаол воситасига айланиб, у экстремистик мафкуранинг тезкор, арзон ва глобал боғланган тармоқларда тарқалишига ёрдам бермоқда. Сўнгги йилларда террорчи гуруҳлар томонидан интернет ва кибермаконда турли усуллардан фойдаланиб, яъни даъват этишдан тортиб экстремистик контентни кенг тарқатиш, психологик кураш олиб бориш, тарғибот-ташвиқот, хайрия пулларини жамғариш, шунингдек янги аъзоларни жалб қилиб, экстремистларни ўз қаторларига киритиш, ўзаро тезкор алоқани таъминлаш, ўқув малакаларини ошириш каби мақсадларда фойдаланилмоқда<sup>28</sup>. Хорижий экспертлик гуруҳларида сўнгги йилларда «рақамли радикаллашув жараёнлари», «кибер-

19 Макаров Н.Е., Дондоков Ц.С. Понятие и идеология экстремизма в современных условиях //Закон и армия. 2005. № 11. – С. 56–57.

20 Добаев И.П. Исламский радикализм: социально-философский анализ. Отв. редактор А.В.Малашенко –Ростов-на-Дону: Издательство СКНЦ ВШ, 2002. – С. 120.

21 Галяшина Е.И. «Экспертиза экстремистских материалов: проблемы методического и информационного обеспечения» // Журнал «Вестник университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА)», 2018. – С. 26–41.

22 Сергеев С.А. Исследования экстремизма и радикализма в зарубежных и отечественных социальных науках // URL:<http://kpfu.ru/docs/F110664239/Statya.Ekstremitizm.radikalizm.sokr.bibliograf.pdf>.

23 Ежегодный доклад Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека и доклады Управления Верховного комиссара и Генерального секретаря // Доклад о наилучшей практике и извлеченных уроках по вопросу о том, каким образом защита и поощрение прав человека содействуют предупреждению насильственного экстремизма и борьбе с ним (A/HRC/33/29, 21 July 2016)

24 Глобальная контртеррористическая стратегия Организации Объединенных Наций План действий по предупреждению насильственного экстремизма, Доклад Генерального секретаря (A/70/674, 24 December 2015)

25 Кибербезопасность и противодействие кибертерроризму и экстремизму в странах Центральной Азии на современном этапе: результаты, проблемы и перспективы. / Сост. и отв. ред. Б.И.Эргашев. – Т.: Изд. «Niso Poligraf», 2020. – С. 104.

26 Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари; Ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2013. – Б. 110.

27 Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН A/RES/72/284 «Обзор Глобальной контртеррористической стратегии Организации Объединенных Наций», 26 июня 2018 г.

28 Gabriel Weinmann. Terror on the Internet: The New Arena, the New Challenges, Washington, 2006. – P. 103.



макон”, “кибержиноят”, “киберхавфсизлик”, “кибер-терроризм” каби атамалар кенг фойдаланилмоқда.

МДХ Антитеррористик марказининг 2021 йилда берган ахбороти<sup>29</sup> кўра, умуман олганда, замонавий дунёда энг хавфли террорчилик ва экстремистик таҳдидлар экстремистик ва террористик ташкилотлар томонидан ахборот ва телекоммуникация технологияларидан кенг фойдаланаётганлиги, у орқали янги аъзоларни жалб қилиш ва уларни қўпурувчилик фаолиятига тайёрлаш, халқаро террористик ташкилотларининг уюшган жиноий гуруҳлар билан бирлашаётгани, шунингдек ташқи ва ички молиялаштириш базасининг сезиларли даражада кенгайтирилаётганини кузатиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Замонавий хавф-хатарларни инобатга олиб таъкидлаб ўтиш керакки, «Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021-2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегияси»<sup>30</sup> да «радикаллашув» сўзи бир неча бора ишлатилган бўлсада, унга ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжатда аниқ таъриф берилмаган. Хорижий олимлар фикрига кўра, айнан радикализм экстремизмнинг ғоявий асоси ҳисобланади<sup>31</sup>. Бу борада хорижий тажрибага юзланадиган бўлсак, «Россия Федерациясининг 2025 йилга қадар экстремизмга қарши курашиш стратегияси»<sup>32</sup> «радикаллашув» тушунчасига илк бор ҳуқуқий таъриф берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «радикаллашув» атамасини ҳам қонунчиликда аниқ кўрсатиш ҳамда «радикаллашув – бу экстремизм мафқурасига ки-

ришиш ва уни тарғиб этиш орқали конституциявий тузум асосларини зўравонлик билан ўзгартиришга ҳамда ҳудудий яхлитлигини бузишга қаратилган ғоялар йиғиндиси<sup>33</sup> каби ҳуқуқий таъриф бериш таклиф этилади.

Шунингдек, хорижий тажрибани ўрганиш асосида, МААСТРИХТ шартномаси қоидаларига мувофиқ, 1993 йил ноябрь ойида Европа Иттифоқи таркибида янги раҳбар орган – Адлия ва ички ишлар вазирлари кенгашини тузиш ҳақида қарор қабул қилинган. Янги органнинг таркибий асосини кейинчалик қўмиталар деб номланган TREV1 (terrorism, radicalization, extremism, violence international) гуруҳлари ташкил қилган. Кенгашга Европа Иттифоқи иштирокчилари бўлган давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Иттифоқ доирасида мувофиқлаштирувчи орган сифатида Терроризм, радикализм ва экстремизмга қарши кураш бўйича вазирлик ҳам ташкил этилган (унинг таркибига олий амалдорлар қўмитаси, ихтисослашган гуруҳ ва учта мустақил бўлим кирган), оператив ахборот алмашинувини таъминловчи миллий алоқа бюроси билан биргаликда фаолият кўрсатади. Шунингдек, Европа Иттифоқи аъзолари бўлган давлатларнинг турли мамлакатлардаги элчихоналари штатларида экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари бўйича маслаҳатчи лавозими назарда тутилган<sup>33</sup>. Бундай тизим МДХ доирасида ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

#

29 «О деятельности АТЦ СНГ по координации взаимодействия национальных органов безопасности и специальных служб по пресечению пропаганды террористической идеологии, материально-технической и финансовой подпитки боевиков» (одобрена Решением Совета руководителей органов безопасности и специальных служб государств – участников Содружества Независимых Государств от 14 октября 2021 г.)

30 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021-2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегияси”.

31 Кадиева А.М. Религиозный экстремизм: сущность, причины, пути преодоления: Автореф. дис. канд. филос. наук. Махачкала, 2008. – С. 10.

32 2020 йил 29 майда Россия Федерацияси Президенти Фармони билан қабул қилинган «Россия Федерациясининг 2025 йилга қадар экстремизмга қарши курашиш Стратегияси» (N-344).

33 Общее пространство внутренней безопасности в ЕС: политические аспекты. / Отв. ред. – С.В. Уткин. – М.: ИМЭМО РАН, 2011. – С. 66.

Алишер АЧИЛОВ,  
Жамоат хавфсизлиги университети доценти,  
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланувчи ташқи иқтисодий фаолиятнинг криминаллашуви, хусусан, мамлакатимизнинг молиявий хавфсизлигига яширин иқтисодиёт ва коррупция каби ҳолатлар салбий таъсир этаётганлиги ҳақида сўз юритилган, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятда коррупциявий жиноятлар таҳлил қилиниб, жинорий жавобгарликни янада такомиллаштириш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматривается криминализация внешнеэкономической деятельности, которая считается важной отраслью экономики, в частности, негативное влияние «скрытой экономики» и «коррупции» на финансовую безопасность нашей страны, а также анализируются коррупционные преступления во внешнеэкономической деятельности и приводятся предложения о дальнейшем совершенствовании уголовной ответственности.

**ANNOTATION.** The article discusses the criminalization of foreign economic activity, which is considered an important sector of the economy, in particular, the negative impact of the "hidden economy" and "corruption" on the financial security of our country, as well as analyzes corruption crimes in foreign economic activity and provides suggestions for further improvement of criminal liability.

**Калит сўзлар:** ташқи иқтисодий фаолият, жиноят, қонунчилик, давлат, Ўзбекистон Республикаси, божхона, коррупция, яширин (хуфйёна) иқтисодиёт, пора, контрабанда, жиддий зиён, жиддий зарар.

**Ключевые слова:** внешнеэкономическая деятельность, преступление, законодательство, государство, Республика Узбекистан, таможня, коррупция, скрытая (теневая) экономика, взяточничество, контрабанда, существенный вред.

**Key words:** foreign economic activity, crime, legislation, state, Republic of Uzbekistan, customs, corruption, hidden (shadow) economy, bribery, smuggling, significant harm.

Мамлакатимиз ва дунёнинг бошқа давлатлари ўртасида халқаро савдонинг ривожланиши, ишлаб чиқариш интеграциясининг кенгайиши ва такомиллашуви ташқи иқтисодий фаолиятнинг янада кенгайишига сабаб бўлади. Ҳар қандай давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти жаҳон хўжалигининг фаолияти билан боғланади. Бугунги ривожланиб бораётган иқтисодий ҳаётда иқтисодиётнинг бир хилда мўътадил кетиши учун ташқи иқтисодий фаолиятнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Шунингдек ривожланиб бораётган бозор муносабатларида турли давлатлар билан сиёсий алоқалар сингари иқтисодий алоқалар ҳам ривожланиб боради. Бу эса иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланувчи ташқи иқтисодий фаолият нақадар юқори роль ўйнашини билдиради.

Ўзбекистонда кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукумат томонидан уни мустаҳкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланди. Давлат раҳбари бошчилигида олиб борилаётган оқилона ва пухта ўйланган сиёсат иқтисодий муносабатларнинг янада ривож топиб боришига сабаб бўлмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш энг муҳим устувор вазифамиздир" [1].

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон иқтисо-

диётига интеграциялашуви шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини ўрганиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инвестициялар ва инновацияларнинг ўрнини баҳолаш, иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда яширин иқтисодиёт ва коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари, бартараф этиш масалаларини амалий-назарий ўрганиш ва татбиқ этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар мамлакатда замонавий молиявий тизимнинг ривожланиши ва мамлакатнинг молиявий хавфсизлигига яширин иқтисодиёт, "коррупция", "капиталнинг хорижга оқими" ва "солиқларни ноқонуний минималлаштириш учун оффшорлардан фойдаланиш" каби ҳолатлар салбий таъсир этаётганлигини кўрсатмоқда.

Дунё олимлари тадқиқотлари давомида амалга оширилган ҳисоб-китоблари ҳар йили 20-25 миллиард доллар капиталнинг хорижга оқими содир бўлишини, мамлакатлар солиқ қонунчилигидаги номутаносиблик ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг 2,5 фоизи йўқотилиши ва барча даражадаги мансабдорларга берилган пора миқдори битимларнинг 10 фоизгачасини ташкил этишини тасдиқлаган [2].

Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги қонуни 3-моддасига асосан, ташқи иқтисодий фаолият деганда, Ўзбекистон Рес-



публикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг хо-рижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир[3].

Амалдаги қонун ҳужжатларида ТИФ соҳасидаги жиноят тушунчасига таъриф берилмаган. Бу тушунчага соҳага оид илмий адабиётларда ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Шунга кўра, қонун ҳужжатлари ва амалиётдан келиб чиқиб, “ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар бу – Жиноят кодексининг тегишли бобларида жавобгарлик назарда тутилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига тажовуз қилувчи трансчегаравий характердаги махсус усулларда ғаразли мақсадларда қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлардир”, [4] деб таъриф берсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда ТИФ соҳасидаги жиноятлар энг интеллектуал, мураккаб, профессионал, юқори уюшган ва жуда даромадли ноқонуний фаолиятдир. Кўплаб олимлар ва амалиётчиларнинг фикрига кўра, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар давлат манфаатларига энг катта зарар етказди. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, ушбу соҳадаги жиноятларни тергов қилиш амалиёти шуни кўрсатадики, ташқи иқтисодий жиноий фаолият таркибида унинг белгилловчи тури қоида тариқасида, божхона чегараси орқали товарлар ва бошқа қимматликлар, ашёларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ операциялар, яъни божхона соҳасидаги жиноятлардир (Жиноят кодекси (ЖК) 182, 184, 246 ва бошқа моддалар)[5].

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар жиноий-ҳуқуқий квалификацияда турли хил жиноятларнинг умумий хусусиятларига мос келади. Булар қуйидаги, яъни божхона қоидабузарликлари, иқтисодий соҳадаги ва мансабдор шахсларнинг жиноятларини ўз ичига қамраб олади ва ушбу соҳада улар асосий гуруҳдаги жиноятлар ҳисобланади.

ТИФ соҳасидаги жиноятлар давлат ва маъмурият, тижорат ва бошқа ташкилотларнинг коррупцияси билан чамбарчас боғлиқдир. Энг аввало, кўплаб муаллифларнинг асарларида контрабанда, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа божхона жиноятларининг энг уюшган ва ижтимоий хавфли усуллари божхона ходимлари билан алоқада бўлганлиги қайд этилган [6; 7; 8].

Ёрдамчи жиноий фаолиятнинг асосий турлари

иқтисодий ва хизматга оид жиноятлардир. Масалан, агар жиноий ташкилотнинг асосий фаолияти товар контрабандаси бўлса, шу мақсадда бир неча “бир кунлик фирмалар” ташкил этилади. Стратегик муҳим товарларнинг йирик партиялари (нефт маҳсулотлари, рангли металл ва бошқалар) турли хил йўллар билан ўғирланади, шу жумладан фирибгарлик, ноқонуний фойдаланиш ва ўғирлаш орқали ёки аниқ ўғирланган товарлар сотиб олинади. Контрабандани амалга ошириш учун транспорт корхоналарининг мансабдор шахслари божхона органларига пора бериш орқали мақсадларига эришадилар.

**Коррупция деганда** шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш тушунилади[9]. Коррупция фаолияти яширин иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Яширин иқтисодиёт, ўз навбатида, коррупцияни вужудга келтиради. Коррупция эса хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланиши учун барча имкониятларни яратади. Яъни, бир томондан, яширин иқтисодиёт давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча тизими сезиларли даражада коррупциялашган шарт-шароитда ривожланса, иккинчи томондан, сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро хотиржам ҳолатда мавжуд бўлишини таъминловчи соҳалар билан коррупцияли муносабатларни шакллантиради. Учунчидан, коррупция яширин иқтисодиётни кўзига кўринмасдан, ноқонуний равишда тижоратни олиб боришга мажбур этади. Тўртинчидан, коррупция яширин иқтисодиётнинг янги кўриниши ва соҳалар пайдо бўлишига замин яратади. Шу боис коррупцияга қарши курашиш яширин иқтисодиётга қарши кураш билан бирга олиб борилмаса, керакли самарани бермайди” [10].

“Ғарб экспертларининг таъкидлашича, мамлакат ЯИМ нинг 40-50 фоизини хуфиёна иқтисодиёт ташкил этган ҳолат хавфли “бўсаға” ҳисобланади”. Миллий иқтисодий тизими ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган мамлакатлар ўзини жуда оғир ҳолатга тушган, деб ҳисоблаши лозим[11]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатда хуфиёна иқтисодиёт даражасининг юқорилиги порахўрлик даражасининг ҳам юқори даражада бўлишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотида кўра, 2022 йил давомида республика бўйича жами 2 965 та жиноят иши бўйича 3 116 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган[12].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ташқи иқтисодий фаолиятда порахўрлик, тамагирлик ва шунга ўхшаш жиноятлар қандай баҳоланади? Сўнг-



ги йилларда амалиётда ташқи иқтисодий фаолиятда кўп учраётган баъзи коррупция жиноятларини жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддасида (Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) назарда тутилган жиноят кўпинча қалбакилиги олдиндан аён бўлган ҳужжатлардан фойдаланади ёки ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш орқали содир этилади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-бандига кўра, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс ҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди [3].

Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми тушунтиришида айти шундай ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган тақдирда қилмиш қандай квалификация қилиниши лозимлиги аниқлаштирилмаган.

Бу эса, амалиётда қонунни турлича талқин қилишга сабаб бўлади. Жумладан, аксарият ҳолларда шундай қилмиш ЖКнинг 182 ва 209-моддалари бўйича жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинишига, аксарият ҳолларда эса, ЖКнинг 182-моддаси иккинчи қисми “г” банди бўйича квалификация қилиш ҳолатини юзага келтириши муқаррар. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми томонидан ушбу масалага аниқлик киритилиши лозим эди.

Амалиётда юзага келадиган ушбу муаммони бартараф этиш, айти бир тусдаги қилмишларга жавобгарлик масаласида бир хил ёндашувни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-банди иккинчи хатбошини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс ҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди. Худди шундай қилмиш мансабдор шахс томонидан содир этилган тақдирда унинг ҳаракатлари ЖК 182-моддаси иккинчи қисми “г” банди билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 209-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди”.

Коррупция жиноятларига оид нормаларда жино-

ят предмети сифатида фақат моддий хусусиятдаги манфаатлар таъкидланади (пул, буюм, моддий қийматликлар ва ҳ.к.лар), лекин қонунда моддий қимматликлардан ташқари қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга жиддий зарар, зиён ҳақида ҳам гапирилади. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён ёки зарар етказилганда жиноят предмети нафақат моддий ёки номоддий бойликлар, балки турли мазмундаги ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Амалдаги Жиноят кодексида айрим коррупция жиноятларининг предмети тўғридан-тўғри кўрсатилган. Масалан, Жиноят кодекси 210-моддаси (пора олиш)да моддий қимматликларни олиш дейилса, 211-моддасида моддий қимматликларни бериш деб, жиноят предмети моддий қимматликлар эканлиги таъкидланади.

Коррупция жиноятларини квалификация қилишда жиноятнинг предмети масаласи айтиқса эътиборга моликдир. Мазкур жиноятларнинг аксарияти, шу жумладан пора олиш предметли жиноятлар жумласига киради. Мулкий хусусиятга эга ҳар қандай наф, шу жумладан мулкдорлик ҳуқуқи ва мулкдорлик аҳамиятига молик ҳаракатлар, масалан, гонорарли асарни бепул ёзиб бериш, автомашинани текинга таъмирлаш, дала ҳовлини бажарилган иш учун ҳақ олмасдан қуриш ва ҳоказолар кенг маънода пора олиш объекти бўлиши мумкин. Пул, облигациялар, пора олувчининг номига ёки кўрсатувчига ёзилган омонат дафтарчалари, бошқа қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари, қимматбаҳо саноат моллари, баъзан озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар одатдаги пора предметлари ҳисобланади [14].

Агар эркин фуқаролик муомаласидан чиқарилган предметлар – кесма қурол, гиёҳвандлик воситалари, порнографик нарсалар пора тариқасида берилган ёки мансабдор шахс томонидан олинган бўлса, айбдор шахсларнинг қилмиши қўшимча равишда ЖКнинг тегишли моддаларига мувофиқ жиноятлар мажмуи бўйича тавсифланиши лозим.

Пора олиш жиноятининг предмети жуда ранг-баранг. Жиноят қонуни бу ҳолатга урғу бериб, пора олиш бу мансабдор шахснинг “моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши” эканлигини қайд этади. Бинобарин, мулкий хусусиятга эга бўлмаган хизматлардан фойдаланиш наф кўриш пора олиш ва бошқа коррупция жиноятларининг предмети бўла олмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мансабдорлик жиноятлари билан боғлиқ 205-208, 209, 301 ва бошқа моддалар диспозициясидаги “жиддий зиён” ва “жиддий зарар” тушунчалари ушбу кодекснинг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланган бўлимида аниқ ифодаланма-



ганлиги амалиётда муаммолар туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси-га шарҳларда [15] “жиддий зиён” ва “жиддий зарар” тушунчалари баён қилинган бўлиб, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун [16] талабларига кўра Жиноят кодексига шарҳлар юридик кучга эга эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8-бўлимида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларида “жиддий зиён” ва “жиддий зарар” тушунчаларига тавсиф бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Коррупцион кўринишдаги жиноятлар учун ҳар хил жазо турларини тайинлаш амалиётини таҳлил қилиш алоҳида, чуқур ўрганишни талаб этадиган умумий муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Коррупция жиноятини содир этганлик учун ҳукм қилишда суд судланувчини фахрий, ҳарбий, махсус ёки бошқа унвондан, мансаб, элчилик ёки малака даражасидан маҳрум қилиши мумкин.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари, “моддий” жазо турлари – жарима солиш жиноятнинг олдини олишда аниқса катта самара беришини қайд этиб ўтмоқчимиз. Жарима солиш ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳолларда тайинланиши мумкинлигини эътиборга олсак,

мазкур жазо турини қасддан содир этилган барча коррупция жиноятларига татбиқ этиш, бизнингча, ўринли бўлади. Асосий ва қўшимча жазо тариқасида тайинланадиган жаримани ҳам коррупцияга қарши кураш мақсадларида ўзгартириш, хусусан, унинг қуйи чегарасини кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Коррупция жиноятлари учун белгиланадиган жазо турлари ва чоралари масаласини ҳал қилишда судлар тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки тергов тадбирларини амалга оширувчи органларнинг фаолиятида юзага келган вазиятни эътиборга олишлари шарт. Уларнинг узоқ муддатли инқирози шароитларида ҳатто жуда кўп миқдорда пора олганлик учун ўлим жазосига қайтиш ҳам кутилган самарани бермайди. Бироқ, пора олувчи ва берувчи шахсларга енгил жазо бериш ҳам мантиққа зиддир. Бинобарин, ҳаддан ташқари қаттиқ ва енгил бўлмаган, процессуал жиҳатдан таъминланган (катта жарималар, мол-мулкни мусодара қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини реал ўташни назарда тутадиган) қонун зарур. Бу субъектга ўз хулқ-атворини тарозига солиб кўриш, жиноятга қўл уриш натижасида нималарга эга бўлиши ва жинойий жавобгарликка тортилган тақдирда нималарни йўқотишини таққослаш имконини беради.

#

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- Мирзеев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. – Тошкент: Ўзбекистон. 2017 й. - 8-бет
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/docs/111453>
- Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сонли қонуни, <https://lex.uz/docs/5378966>
- Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги 77-II-сонли қонуни. <https://www.lex.uz/docs/67345>
- Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419 сонли қонуни, <https://lex.uz/docs/3088008>
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 18-сонли қарори. <https://www.lex.uz/docs/2259789>
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1449106>
- Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. 3 том. – Тошкент: 2021
- Ачилов А.Т. Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жинойий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш // Монография-Тошкент: Божхона институти, 2020 й.
- Симанович А.А. Институциональные корни коррупции // Безопасность бизнеса. 2009. № 3. С. 30–31.
- Ларичев В.Д., Гилмутдинова Н.С. Таможенные преступления: Уклонение от уплаты таможенных платежей. М., 2001. 183-184;
- Диканова Т.А., Осипов В.Е. Борьба с таможенными преступлениями и отмыванием «грязных денег»: Методическое пособие. М., 2000. С.20-24;
- Гармаев Ю.П. Преступления в сфере ВЭД и криминалистическая методика расследования // СПС «Консультант Плюс»
- Алимов Р.М., Тошев З.К. хуфийна иқтисодиёт - коррупция даражасининг ортишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида. // Жамият ва бошқарув. 2014. №1. 34-38 б.
- <http://gtmarket/ru/news/2013/12/03/6442/> - Transparency International: Индекс восприятия коррупции 2013 г.
- <https://kun.uz/news/2023/02/01/2022-yilda-3-mingdan-ortiq-mansabdor-shaxslar-jinoiy-javobgarlikka-tortildi>

Барно КАДИРОВА,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
таянч докторанти

## ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада терговга қадар текширув, оғир ва ўта оғир, фош этилмаган жиноятларни тергов қилишда ҳамда қийноққа солиш жиноятининг олдини олишда прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари акс этирилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье отражены вопросы совершенствования прокурорского надзора при доследственных проверки расследовании тяжких и особо тяжких, нераскрытых преступлений, предупреждения преступления пытки.

**ABSTRACT.** In this article, reflects the issues of improving prosecutorial supervision during pre-investigation checks in the investigation of grave and especially grave, unsolved crimes, and the prevention of the crime of torture.

**Калит сўзлар:** терговга қадар текширув, қонунчиликка риоя этилиши, жиноятларнинг олдини олиш, прокурор назорати.

**Ключевые слова:** осмотр при доследственная проверка, соблюдение закона, предотвращение преступления, прокурорский надзор.

**Key words:** inspection before investigation, compliance with the law, prevention crimes, prosecutor's supervision

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг<sup>1</sup> 2020 йил 29 декабрдаги “Адолат – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдевори. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди” деб номланган маърузасида тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 28-моддасида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, суриштирув ва дастлабки тергов органларидан, шунингдек терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан жиноят ишларини, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни текшириш учун талаб қилиш, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талабларининг ижросини ҳар ойда камида бир марта текшириш, терговчи ва суриштирувчиларнинг, шунингдек, тергов-

га қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш ва бошқа ваколатлари билан мустаҳкамланган.

Терговга қадар текширув, дастлабки тергов босқичида жиноят иши қўзғатилишидан то тергов тугаши ва якуний қарор қабул қилинишигача бўлган даврда қонун нормаларининг бузилиши, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилади. Дастлабки тергов органларининг процессуал фаолиятини назорат қилишда улар томонидан қонунларнинг бажарилишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Прокуратура органлари ҳар бир жиноят иши қонун нормалари асосида қўзғатилиши, дастлабки тергов жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари асосида олиб борилиши учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Шу боис ҳам биз прокуратура органлари ходимлари эътиборини бу борадаги назоратни кучайтиришга доимо қаратамиз. Ҳатто прокурор назоратининг усулларида ҳам прокурор назоратининг ҳуқуқий воситаларини қўллаш ва амалга оширишнинг илмий асосланган ва тасдиқланган амалиёти тушунилади<sup>2</sup>.

Прокуратурага институционал нуқтаи назардан, тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, тергов жараёнида қонунларнинг ижро этилиши устидан на-

1 Президент: Адолат – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдевори. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. <https://president.uz/uz/lists/view/4054>

2 Григорьева Н.В. “Прокурорский надзор” Учебное пособие. / Н.В. Григорьева. – 6-е изд. – Москва.: ПИОР: ИНФРА –М, 2017.-С. 4.



зоратни ташкил этиш субъекти сифатида қаралади.

Фаолият нуқтаи назаридан<sup>3</sup> - ушбу назорат соҳасининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун прокуратура тизимининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратадиган ваколатли органларнинг ўзаро боғлиқ ҳаракатлари ва қарорлари мажмуи. Бундай ҳолда, назоратни ташкил этиш натижада у прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг функционал бўлмаган қуйи тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Жинойятчиликка қарши кураш фаолиятининг юраги тергов фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади. Шунинг учун тергов фаолиятини бошқаришни тўғри ташкил этиш асосий мезондир<sup>4</sup>. “Amnesty International” халқаро ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда қийноқлар ва одамларга нисбатан шафқатсиз муомала турлари жаҳоннинг камида 140 та мамлакатда қўлланилиши кузатиламоқда.<sup>5</sup>

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш ҳамда жазо турлари билан жабрланган шахсларнинг прокуратурага мурожаат қилиш тартиби, биринчи ўринда Жиноят кодексининг 237, 238-моддалари билан огоҳлантирилиши, баённома, ёзма равишда аризаси олинishi лозим. Асосий хатти-ҳаракатларидан ҳақиқатдан ҳам унинг танасида тан жароҳатлари бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида зудлик билан суд-тиббий экспертиза тайинланиши лозим. Шу ўринда қийноққа солинганлиги ёки олдини олиш мақсадида гумонланувчи, айбланувчига нисбатан жиноят иши қўзғатилганидан кейин судда муаммо бўлмаслиги, ҳатто қийноқларнинг олдини олиш мақсадида гувоҳлантириш, яъни терговга қадар текширишда гумонланувчи, жабрланувчини гувоҳлантириш процессуал ҳаракатни ўтказиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки у келгусида гумонланувчи, жабрланувчи экспертиза биносига боргунича бирор-бир тан жароҳати олишининг олдини олиш ҳамда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомаланинг олдини олишга қаратилади. Бунинг сабаби бугунги кунда қийноққа солиш жиноятлари ўтказилган сўровномага асосан, жиноят процессининг тезкор-қидирув тадбирлари, терговга қадар текширув, дастлабки тергов босқичида содир этилиши келтирилган.

Прокурор тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органлар томонидан белгиланган қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширар экан, у тезкор хизмат ҳужжатлари ва ушбу фаолиятга оид йиғиладиган бошқа барча маълумотлар билан ҳам танишиш ваколатига эга<sup>6</sup>. Ушбу ҳолатда прокурорлар текширувлари жараёнида аниқланган муайян қонунлар талабларини бузиш ҳолатлари юзасидангина прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши ва прокурорларга берилган ваколатлар доирасига мос келиши ҳамда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, айнан уларга амал қилиниши юзасидан аниқланган қонунбузарлик ҳолатларига баҳо беради.

Шунинг учун, бугунги кунда қийноққа солишнинг олдини олиш юзасидан прокуратура органлари ходимлари томонидан бир қанча самарали ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, Бош прокурорнинг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги соҳавий буйруғи суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, қамоққа олинганларни сақлаш, жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг самарадорлигини янада ошириш мақсадини кўзлайди. Ушбу соҳавий буйруқда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назоратни ҳамда қамоққа олинганлар ва озодликдан маҳрум қилинган шахслар томонидан тегишли муассасада белгиланган тартиб, шартларига риоя этилиши, моддий-маиший таъминоти, меҳнатга жалб этилиши, қайта жиноятлар содир этилишининг олдини олиш чоралар кўрилганлиги алоҳида эътибор қаратиш келтирилган. Прокуратура органлари ходимлари тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида қонунчилик ижроси устидан текширишлар ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 31-моддасида жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва маълумотларни қараб чиқиш ҳамда ҳал этиш ва текширувлар ўтказишнинг қонунларда белгиланган процессуал тартиби, жиноятчиликка қарши кураш идоралари томонидан қабул қилина-

3 Попов А.А. “Организация прокурорского надзора за исполнением законов при производстве предварительного следствия” Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2020. -С.25

4 Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм.-Т.: ТДЮУ нашриёти, 2009 й. -Б.77.

5 Эшматова Ф. “Қийноқларга қарши курашнинг сифат жиҳатидан янги босқичини белгиланган ҳужжат” мавзудаги мақола. <http://ombudsman.uz/uz/docs/qiynoqlarga-qarshi-kurashning-sifat-jihatidan-yangi-bosqichini-belgilagan-hujjat>

6 Ибрагимов. З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланади. Истиқлол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили. Тошкент – 2011 й. –Б. 205.



ётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек жиноятчиликка қарши курашга қаратилган бошқа қонунларга оғишмай амал қилиш — жиноятчиликка қарши курашиш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорат қилишнинг асосий предметларидан ҳисобланади ва ушбу ваколатлардан келиб чиқиб иш олиб боради.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири 1955 йилда Женевада бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Биринчи Конгрессда “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари”<sup>7</sup> қабул қилинган ва Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан 1957 йил 31 июлдаги резолюцияларида тасдиқланган. Ушбу минимал стандартларда интизомий ҳуқуқбузарликлар учун жазо сифатида жисмоний жазо, қоронғу камерада сақлаш ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи жазолар тақиқланиши кераклиги, маҳкумларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”<sup>8</sup>ги ЎРҚ-298-сонли қонунига кўра қамоқда сақлаш жойларида бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг нормаси икки ярим квадрат метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Ўз навбатида жазони ижро этиш муассасаларида жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда қийноққа қарши курашиш, қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда миллий қонунчилик ва халқаро стандартларнинг талабларига ҳам аҳамият қаратмоғимиз лозим.

Прокуратура органлари ходимлари жиноят иши материалларини ва терговчиларнинг процессуал қарорларини текшириб, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, катта ҳажмдаги маълумотларни олади, уларни ўрганади ва таҳлил қилади, натижалари бўйича қонуний ва асосли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган тегишли хулосалар чиқаради, ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар ва ҳуқуқни қўллаш муаммоларига ечимлар тақдим этади.

Бугунги кунда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш амалиётда фош этилмаган жиноятлар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун қўлланилиб келаётганлигини кўри-

шимиз мумкин.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш каби жиноятларнинг олдини олиш мақсадида фош этилмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун гумонланувчи тариқасида ушланган шахсларни 24 соат ичида шахсан туман (шаҳар) прокурорининг ўзи томонидан сўроқ қилишини лозим. Ушбу масала юзасидан 113 нафар прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровноманинг 72 фоизи фош этилмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун гумонланувчи тариқасида ушланган шахсларни 24 соат ичида шахсан туман (шаҳар) прокурорининг ўзи томонидан сўроқ қилишини лозимлигини қайд этган. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, яъни эркинлиги чекланган шахсларнинг процессуал ҳаракатлар бошланиши билан ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлайди. Мисол учун, ўрганилган материаллардан шуни таъкидлаш лозимки, қийноққа солиш жинояти аксарият тезкор-қидирув тадбирлари, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов каби процессуал ҳаракатлар олиб бориш жараёнида амалга оширилади.

Бундан ташқари, шахс, айниқса, қамоқда сақланаётганда, яъни ташқи дунё, оиласи, адвокатлари ёки мустақил шифокорлари билан ҳар қандай алоқадан маҳрум бўлганида, қийноқлар ва шафқатсиз муносабатда бўлиш хавфи остида бўлади. Бундай қамоққа олиш қанча узоқ давом этса, хавф шунчалик катта бўлади, чунки у жароҳатлар етказилиши ва бу жароҳатларнинг кўринадиган белгилари аста-секин йўқолиши учун кўпроқ вақтни беради.

Энди жабрланувчилар хавфнинг олдини олиш учун унга телефон рақам, сигнал ёки шунга ўхшаш зудлик билан мурожаат қилиш ёхуд хабар бериш имкониятини яратиш учун жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда ИИБ биноларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш каби жиноятларнинг олдини олиш юзасидан прокурорга тўғридан-тўғри телефон алоқа воситаси билан таъминлаш лозим. Яъни ИИБ биноларида, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида прокурор ишонч телефонларини ташкил этиш ҳамда ҳар бир мурожаатни аудио тарзида юклаб олиш каби имкониятлар яратилмоғи даркор. Бунинг сабаби, бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларидаги прокурорга мурожаат қилиш учун

7 Минимальные стандартные правила обращения с заключенными. Приняты на первом Конгрессе Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, состоявшемся в Женеве в 1955 году. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/prison.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/prison.shtml)

8 Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-298-сонли қонуни. <https://lex.uz/acts/1876877>



прокурор қутиси самара бермаётганлиги кўришимиз мумкин. Бош прокурорнинг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги соҳавий буйруғида қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаб туришнинг қонунийлиги ва белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазоларининг қонунийлиги, айниқса вояга етмаганлар ва аёлларнинг жазо ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонун талаблари бажарилиши аҳволи ҳар ойда камида бир марта текшириб борилиши, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида қонунийлик ва жиноятчилик аҳволи таҳлилидан келиб чиқиб, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда режа асосида ялпи текширишлар ўтказиш белгиланган.

Қамоққа олинганлар ва маҳкумларга нисбатан тазйиқ ўтказиш, қийнаш ва ғайриинсоний муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар талабларига риоя этилиши устидан самарали прокурор назорати олиб бориш белгиланган.

Қамоққа олиш жойларида зўравонликнинг олдини олиш ва фуқароларни қийноқлардан ҳимоя қилиш бўйича тадбирларда асосий эътибор профилактика чораларига қаратилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятлар билан ишлаш тартиби жорий этилди. Бундан буён прокурорлар тергов ҳибсхоналари ва вақтинча жойлаштириш марказларида сақлаш шароитларини аудио ва видеокузатув воситаларидан фойдаланган ҳолда мунтазам текшириб боради. 2017 йил ҳолатига кўра тергов ҳибсхоналари ва вақтинчалик жойлаштириш марказларида 2500га яқин видеокузатув камералари, қамоқхона камераларига 123 та видеокамера ўрнатилган<sup>9</sup>.

Хусусан, Қирғиз Республикаси жазони ижро этувчи ва суд томонидан тайинланган мажбурлов чораларини қўллайдиган органлар ва муассасалар маъмурияти томонидан қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш, маъмурий қамоққа олинганлар ва қамоққа олинган шахсларни қамоқда сақлаш жойларини тартибга солиш прокуратура фаолиятининг мустақил йўналиши сифатида ушбу

мамлакатнинг “Прокуратураси тўғрисида”ги қонунининг 4-бобида белгиланган. Назоратнинг бундай тақсимланиши жиноят содир этишда гумон қилинаётган ва айбланаётган фуқаролар ҳибсга олинган ёки ҳибсга олинган тақдирда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муҳимлиги билан боғлиқ. Қамоққа олинганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишининг олдини олиш ҳамда уларни ўз вақтида бартараф этиш кафолати прокурор томонидан улар сақланаётган муассаса ва органларда, қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигидан қатъи назар, тизимли равишда текширувлар ўтказиши ҳисобланади.

Бундан ташқари, Бош прокурорнинг 2016 йил 16 февралдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги соҳавий буйруғида жиноят содир этганликда гумон қилинувчи сифатида фуқароларни ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назорати кучайтириш, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида фуқаролар сақланишининг қонунийлигини ҳар 10 кунда камида бир марта текшириш белгиланган. Бугунги кунда ички ишлар биноси, тергов ҳибсхоналар, вақтинча сақлаш ҳибсхоналар ва махсус қабулхоналарга олиб келинган фуқароларни рўйхатга олиш тартиби ҳали-ҳамон китоб шаклида юритилади. Айрим ҳолларда ички ишлар биноларига олиб келинган фуқароларнинг кириш китобига ёзилмаганлиги, ҳатто гумонланувчи тариқасида келтирилган шахслар ички ишларнинг Шакл-2 китобига рўйхатга олинмаганлиги ҳамда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлганлигини фуқароларнинг шикоят ва аризаларида кўришимиз мумкин.

Ўз навбатида А.Ж.Давлетовнинг таъкидлашича<sup>10</sup>, мазкур соҳадаги прокурор назоратини учта асосий йўналишда амалга оширилиши:

жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туришда қонунларнинг аниқ қўлланиши устидан доимий ва қатъий назоратни амалга ошириш;

ушланганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя қилиниши мунтазам равишда текшириб бориш;

қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларига эъ-

9 См. Доклад Рабочей группы по универсальному периодическому обзору: Узбекистан, А/HRC/39/7, 09.07.2018 г., здесь [https://ar.ohchr.org/documents/dpage\\_e.aspx?si=A/HRC/39/7](https://ar.ohchr.org/documents/dpage_e.aspx?si=A/HRC/39/7). (Мурожаат вақти: 24.05.2022)

10 Ф.Ҳ.Раҳимов, А.Ж.Давлетов, Р.Муҳамедов, Б.Тошев, Д.М.Мингшалиева. “Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати” Илмий-амалий тўплам. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази. Тошкент- “Ўқитувчи” 2000 й. –Б. 73



тибор берилиши лозим.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳам 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида 3 йўналишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлиги, тергов сифатининг пастлигини, давлат ҳисобидан бепул таъминладиган адвокатларни электрон танлаш тизими ҳали-ҳамон ишга тушмаганлиги, ҳатто тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали, ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши кераклиги, шу билан бирга судда ишларни кўришда қатнашаётган прокурорлар корпуси шакллантирилиб махсус ўқитилиши таъкидланди.

Ушбу соҳадаги прокурор назорати самарадорлигини таъминлашда прокурор таъсир чораларини кучайтиришни қонунчилик нормаларида мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Энди ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига, шу жумладан ўзбошимчалик билан ҳибсга олинмаслик ёки ҳибсда сақланмаслик ҳуқуқига эга. Жиноят содир этганликда гумон қилинувчи сифатида фуқароларни ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назоратни кучайтириш мақсадида тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида фуқаролар сақланишининг қонунийлиги мунтазам равишда кутилмаган текширувлар ўтказиш лозим.

Ўз навбатида, Қирғиз Республикаси Бош прокуратурасининг кўрсатмаларига мувофиқ, жиноят содир этиш жараёнида қийноқлар ва бошқа ғайриинсоний, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини қўллаш тақиқланишининг конституциявий кафолатини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш мақсадида суриштирув, тергов, прокурорларга: - қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида навбатчилик бўлинмаларида, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун қамоққа олинган шахсларни сақлаш камераларида, ички ишлар органлари ва гиёҳвандликка қарши курашиш орган-

ларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида мунтазам равишда кутилмаган текширишлар ўтказиш тартиби белгиланган<sup>11</sup>.

Шу ўринда айтиш жоизки, прокуратура органларининг фаолият самарадорлигини таъминлашда қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини гумон қилинувчи сифатида фуқароларни ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назоратни кучайтириш мақсадида тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида фуқаролар сақланиши Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>12</sup>ги 171-сонли буйруғида назорат қилувчи прокурор муассасага монеликсиз ва исталган вақтда киришга, ҳамма камералар билан танишишга ҳамда вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар билан суҳбатлашишга ҳақли эканлиги келтирилган. Бундан ташқари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига олиб келинган шахсларнинг баданида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида шикаст етказилганлиги аниқланган тақдирда бу ҳақда далолатнома тузилиб, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари навбатчиси ва тинтув ўтказаетган ходим томонидан имзоланади ҳамда зудлик билан назорат қилувчи прокурорга хабар берилиши лозим.

Айни бу борада фикримизча, ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига, шу жумладан ўзбошимчалик билан ҳибсга олинмаслик ёки ҳибсда сақланмаслик ҳуқуқига эга. Жиноят содир этганликда гумон қилинувчи сифатида фуқароларни ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назоратни кучайтириш мақсадида тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида фуқаролар сақланишининг қонунийлиги мунтазам равишда кутилмаган текширувлар ўтказиш бугунги кунда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлишнинг олдини олишда ҳамда прокурор назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#

11 Каимова Д. У., Бусурманкулов М. А., Маданбекова Л. О. Противодействие пыткам и эффективное их расследование (Практическое пособие) Данное методическое пособие разработано в результате совместной работы в рамках проекта Коалиции против пыток в Кыргызской Республике в 2014 году Бишкек–2015. -С.34.

12 Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 171-сонли буйруғи. <https://lex.uz/docs/3341825>



## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада Ўзбекистон прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ҳолати ҳақида ахборот берилган. Республикада ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши ҳамда прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье представлена информация о состоянии цифровой трансформации органов прокуратуры Узбекистана. Рассмотрены нормативно-правовые основы развития информационно-коммуникационных технологий и цифровой трансформации органов прокуратуры.

**ABSTRACT.** The article provides information on the state of digital transformation of the prosecutor's office of Uzbekistan. The regulatory framework for the development of information and communication technologies and the digital transformation of the prosecutor's office is considered.

**Калит сўзлар:** рақамли трансформация, прокуратура органлари, ахборот-коммуникация технологиялари, АКТ, рақамли технологиялар, ахборот тизимлари, прокурор назорати.

**Ключевые слова:** цифровая трансформация, органы прокуратуры, информационно-коммуникационные технологии, ИКТ, цифровые технологии, информационные системы, прокурорский надзор.

**Key words:** digital transformation, prosecution authorities, information and communication technologies, ICT, digital technologies, information systems, prosecutorial supervision.

Рақамли трансформация жамиятни янада модернизация қилиш салоҳиятига эга. Шу нуқтаи назардан, амалга ошириладиган ислохотлар, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда йиллар давомида амалга ошириладиган кенг кўламли ва комплекс ислохотлар шароитида давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва инновацияларини жорий этишни назарда тутувчи лойиҳалар амалга оширилиб келмоқда.

Ўзбекистонда 2000 йилларнинг бошлариданоқ АКТни ривожлантиришга устувор аҳамият бера бошлади.

“2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури”, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “Рақамли Ўзбекистон - 2030” ва “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да миллий иқтисодий, саноат ва умуман жамиятда рақамли трансформацияни амалга оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, 2022 йилнинг 28 январь куни қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 7 та устувор йўналишлар доирасида кейинги беш йилда эри-

шиш керак бўлган юзта стратегик мақсадларни ўз ичига олади.

Тараққиёт стратегиясида ҳам муҳим соҳаларни рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат хизматлари, суд тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, йўл ҳаракати бошқаруви тизими, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий хизматлар, банк ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва миллий иқтисодийнинг бошқа асосий соҳаларига янги технологияларни жорий қилиш белгиланган.

Ҳаётнинг деярли барча соҳаларини рақамлаштириш шароитида прокуратура органлари фаолиятига фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. АКТ, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, идоралараро электрон ҳамкорлик, сунъий интеллект прокуратура органлари фаолиятини осонлаштиради ва унинг самарадорлигини оширади.

Прокуратура органлари саъй-ҳаракатлари самарадорлиги ва шаффофлиги ҳамда шунга мос равишда, мамлакатда прокуратура фаолияти натижалари фаолият рақамли трансформация қилиниши тўлиқлигига боғлиқ.

Д.В. Гурулевнинг қайд этишича, “Прокуратура органлари томонидан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш қарорларни қабул қилиш жараёнини ахборот билан таъминлаш муаммоларини биров камайтирди, аммо уларни тўлиқ ҳал қилмади. Прокуратура органлари томонидан ўз фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширишда ахборот технологияларидан



фойдаланиш бўйича ташкилий-маъмурий ҳужжатларни таҳлил қилиш бухгалтерия ҳужжатларидан, маълумот тўплаш, рўйхатдан ўтказиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимидан фойдаланишда бир хиллик йўқлигини кўрсатади”<sup>1</sup>.

Рақамлаштириш натижаларидан бири – бу қоғозсиз фаолиятнинг афзалликларидан фойдаланиш. Яъни, қоғозни харид қилиш, ташиш ва сақлаш харажатларини сезиларли даражада тежаш. Шунингдек, почта хизматлари ва конвертлар учун харажатлар камаяди. Ортиқча тартиб-қоидаларни истисно қилиш натижасида ходимларнинг вақти тежалади. Ҳужжатлар ва улардаги маълумотлар сақлаш жойларига боғлиқ бўлмасдан қолади, уларни қидириш ва таҳлил қилиш учун осон бўлади.

Бундан ташқари, тўғри лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқилган ахборот тизимлари нафақат маъмурий тартиб-қоидаларни йўлга қўйиш, балки ўрнатилган тартибни бузиш эҳтимолини техник жиҳатдан истисно қилиш имконини беради.

Дунё мамлакатларида ҳар бир соҳани рақамлаштириш устувор вазифа сифатида қаралаётган бир пайтда республикамизда прокуратуранинг фаолиятини, мисол учун, қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятини рақамлаштириш, онлайн (масофавий) ишни ташкил этиш орқали прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳужжатлар айланиши учун кетадиган вақт қисқартирилади, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигига салбий таъсирнинг олди олинади, қонунчиликка риоя этиш ҳолати онлайн (масофавий) ўрганилади, қонун бузилиши ҳолатларига онлайн (масофавий) муносабат билдириш имконияти яратилади.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ягона ахборот тизимини яратиш ҳар бир соҳанинг қонунчилик ижросига оид маълумотларини электрон шаклда йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Рақамли трансформация фаолиятнинг барча соҳаларига ахборот тизимлари жорий этилиши орқали “рақамли прокуратура”ни яратишга қаратилган.

АКТнинг салоҳияти юқори ва айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти учун роли катта бўлганлигига қарамасдан, ушбу салоҳият охириги йилларга қадар тўлиқ очилмаган.

Прокуратура органлари фаолияти самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини ошириш, назорат функцияларини амалга ошириш услубларини такомиллаштириш, қонунчилик ижроси устидан таъсирчан назоратни кучайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфа-

атлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятига замонавий АКТни жорий этиш ишлари 2015 йилда бошланган.

Ходимларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида IP-телефония ва аудио-конференц-алоқа тизимлари яратилиб, республика миқёсида жорий этилди. Бундан ташқари, Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари, Транспорт ва Ҳарбий прокуратуралар ўртасида видео-конференцалоқа тизими жорий этилди. Шунингдек, прокуратура органлари замонавий компьютер ва офис техникаси билан жиҳозланиб келинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини белгилловчи қонунчилик базаси шакллантирилган. Ўзбекистонда АКТ соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ривожланишини шартли равишда қуйидаги даврларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда (1991-2001) алоқа ва телекоммуникация соҳасини ривожлантиришга хизмат қилувчи қонунчилик базаси яратилди. Бу даврда алоқа соҳаси ислоҳ қилиниб, бошқарувнинг бево-сита маъмурий усулидан тартибга солиш тамойилларига ўтилди, шунингдек, янги технологиялар ва алоқа турлари жорий этилди.

Иккинчи босқичда (2002-2011 йиллар) ахборотлаштириш соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш масалалари янада ривожлантирилди.

Ушбу босқичда ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборот муҳофаза қилиниши, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, электрон ҳужжат айланишини тартибга солиш, электрон тижорат, АКТни ривожлантириш ва жорий этишнинг энг муҳим устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Учинчи босқичда (2012-2020 йиллар) “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тўртинчи босқичда (2020 йил-ҳозирги вақт) “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ҳудудларини рақамли трансформация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, “...рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва

1 Гурулев Д.В. Правовые и организационные основы использования прокурорами информационных технологий при осуществлении основных видов деятельности прокуратуры // Вестник ТГУ, выпуск 8 (124), 2013. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-i-organizatsionnye-osnovy-ispolzovaniya-prokuratorami-informatsionnyh-tehnologiy-pri-osuschestvlenii-osnovnyh-vidov/viewer>



меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони билан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва “йўл хариталари” тасдиқланди. Уларда келгуси икки йил давомида мамлакат ҳудудлари ва иқтисодиёти тармоқларини рақамли ўзгартириш бўйича 280 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган.<sup>2</sup>

БМТнинг 2022 йилда ўтказилган электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон ушбу глобал рейтингда дунёнинг 193 та мамлакати орасида 69-ўринни эгаллади.<sup>3</sup> “Open Data Watch” нотижорат ташкилоти томонидан шакллантирилган Очиқ маълумотлар рейтинга (Open Data Inventory – ODIN) кўра, Ўзбекистон 2022 йилда дунёда 40-ўринни эгаллади.<sup>4</sup> “Open Data Inception” ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон очиқ маълумотларга эга ресурслар сони бўйича 2022 йилда дунёда тўртинчи ўринни эгаллади.<sup>5</sup>

2022 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, давлат хизматларининг 56 фоизи электрон ҳукуматнинг асосий тизими – Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали тақдим этилган бўлса, мазкур платформада давлат хизматлари сони 307 га етди ҳамда электрон давлат хизматларидан 1,3 миллиондан ортиқ фуқаро фойдаланган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчиларнинг умумий сони эса 2022 йилда 27,2 миллион етди.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтамиз.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг 3 босқичга бўлишимиз мумкин.

Биринчи босқичда (2015-2017 йиллар) прокуратура органлари ахборот-коммуникация инфратузилмаси, жумладан оптик толали алоқа линиялари асосида туман даражасигача бўлган хавфсиз корпоратив компьютер тармоғи яратилди, маълумотларни қайта ишлаш маркази барпо этилди.

Иккинчи босқичда (2018-2019 йиллар) прокуратура органлари сервер қурилмалари, компьютер ва периферик ускуналар билан таъминланди.

Учинчи босқичда (2019 йилдан ҳозирги кунга қадар) хавфсиз электрон почта, аудио-видеоконференцалоқа тизими ва IP-телефония тармоғи яратилди, электрон ҳужжат айланишига ўтилди, прокуратура органларининг ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлари яратилмоқда, идоралараро ахборот ҳамкорлиги ташкил этилди.

Фаолиятни рақамлаштириш бўйича қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 ноябрдаги “Прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2433-сон қарори билан прокуратура органлари фаолиятига замонавий АКТни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2568-сонли қарорига мувофиқ, Бош прокуратура тузилмасида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Транспорт прокуратураларида тегишли тармоқлар ташкил этилди.

Ушбу бошқарма фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 14 апрелдаги 266-сон буйруғи билан тартибга солинади. Жойлардаги тармоқлар мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўз иш фаолиятларини олиб боради.

Шубҳасиз, прокуратура органларида янги ахборот тизимлари жорий этилиши давом эттирилади. Қайси йўналишларга урғу берилади, қайси даврда қайси ахборот тизими ишлаб чиқилади – шу каби саволларга соҳага оид концепцияда жавобларни баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлиллар натижаси ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб, прокуратура органларининг 2025 йилгача рақамли трансформация қилиш Концепциясини қабул қилиш таклифи билдирилади. Концепцияда стратегик мақсадлар ва устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилади.

2 Ю. Кутбитдинов и Б. Исмаилов. 2021 г. «Исследование цифровой экономики Узбекистана» <https://www.gazeta.uz/ru/2021/05/05/research/>

3 United Nations. Department of Economic and Social Affairs. E-Government Survey 2022. Table A.3.

4 <https://odin.opendatawatch.com/Report/countryProfileUpdated/UZB?year=2022>

5 [https://data.opendatasoft.com/explore/dataset/open-data-sources%40public/table/?sort=code\\_en](https://data.opendatasoft.com/explore/dataset/open-data-sources%40public/table/?sort=code_en)



Тимур КЕНЖАЕВ,  
Прокурор Правоохранительной академии Республики Узбекистан, (PhD)

## МЕЖДУНАРОДНЫЕ ДОКУМЕНТЫ В ОБЛАСТИ АНТИКОРРУПЦИОННОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРОЕКТОВ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В РАМКАХ СОДРУЖЕСТВА НЕЗАВИСИМЫХ ГОСУДАРСТВ

**АННОТАЦИЯ.** в данной статье осуществлен анализ законодательства Содружества Независимых Государств, регулирующего отношения в области антикоррупционной экспертизы и принятого Межпарламентской Ассамблеей государств – участников СНГ. Автором рассмотрены некоторые аспекты имплементации положений законодательства СНГ в рамках нормативно-правового становления и развития института антикоррупционной экспертизы в Республике Узбекистан и некоторых странах ближнего зарубежья.

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг коррупцияга қарши экспертиза соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва МДҲга аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси томонидан қабул қилинган қонунчилиги таҳлил қилинади. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси ва айрим яқин хорижий давлатларда коррупцияга қарши экспертиза институтини ҳуқуқий шакллантириш ва ривожлантириш доирасида МДҲ қонунчилиги қоидаларини амалга оширишнинг айрим жиҳатларини кўриб чиқади.

**ANNOTATION.** This article analyzes the legislation of the Commonwealth of Independent States that regulates relations in the field of anti-corruption expertise and adopted by the Inter-Parliamentary Assembly of the CIS Member States. The author considers some aspects of the implementation of the provisions of the CIS legislation in the framework of the legal formation and development of the institution of anti-corruption expertise in the Republic of Uzbekistan and some countries of the near abroad.

**Ключевые слова:** СНГ, антикоррупционная экспертиза проектов нормативно-правовых актов, коррупция, коррупциогенные нормы законодательства, противодействие коррупции.

**Калит сўзлар:** МДҲ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси, коррупция, коррупция нормалари, қонунчилик, коррупцияга қарши курашиш.

**Key words:** CIS, foreign experience, anti-corruption expertise of draft normative-legal acts, corruption, corruption norms, legislation, fight against corruption.

По нашему мнению коррупция, в широком своем смысле, является главнейшим врагом развития и процветания любого государства. Страшнейшими последствиями коррупции являются деградация государственных институтов, порождение не доверительного отношения граждан к власти и существующей системе управления государством в целом.

Присутствуя практически в каждом уголке планеты, в каждом государстве, коррупция различается лишь размерами своих масштабов. Более того, это страшное социальное явление не имеет границ своего воздействия и обретает характер мировой проблемы, с которой столкнулось все мировое общество.

Таким образом, борьба с коррупцией ведется как на внутригосударственном уровне, так и путем объединения усилий. Одними из таких совместных усилий стали соответствующие объединения государств, например ООН и СНГ. Как показывает практика, подобные организации образуются в связи с наличием определенных проблем, имеющих существенные последствия, и требующих объединение усилий и принятие совместные решений

для их коллективного преодоления с наименьшими потерями. Так, если поводом для создания ООН стала вторая мировая война, то основополагающей причиной создания СНГ стала необходимость объединения усилий государств, ставших на собственный путь независимого развития в связи с прекращением существования СССР.

Указанные организации имеют схожие направления своей деятельности, но при этом и присутствуют свои специфические очертания, связанные с определенными общими основаниями. Одним из таких направлений является борьба с коррупцией, в том числе путем применения механизмов антикоррупционной экспертизы разрабатываемых проектов законодательства.

Основополагающий призыв, в рамках принятых документов ООН, к необходимости выявления и устранения коррупциогенных составляющих в законодательстве, в общих чертах содержится в статье 5 Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции 2003 года. Согласно пункту 3 названной статьи, «Каждое Государство-участник стремится периодически проводить оценку соответствующих правовых документов и администра-



тивных мер с целью определения их адекватности с точки зрения предупреждения коррупции и борьбы с ней»<sup>1</sup>.

Здесь мы можем наблюдать различие в подходах к реализации данной нормы в странах, являющихся членами ООН. Объединяющей составляющей, по нашему мнению, являются схожесть пройденных путей историко-политического развития того или иного государства. Так, практически все страны постсоветского пространства, а особенно страны СНГ, выбрали наиболее активный путь реализации антикоррупционной политики в нормотворческом процессе, нежели страны Европы, Америки и другие страны.

По нашему мнению, основополагающей причиной столь разных подходов является наличие либо отсутствие устоявшейся системы законодательства. Так, если большинство стран Европы и Америки уже имели у себя прочно сформированную и исторически апробированную законодательную базу, то странам СНГ, объединённым схожими вызовами в развитии государственности, еще только предстояло пройти данный путь с учетом необходимости разработки и утверждения системы законодательства в условиях обретенной независимости каждой страны.

Учитывая данные подходы, страны, разделились на тех, кто выделил антикоррупционную экспертизу проектов законодательства в качестве самостоятельного направления и тех, кто не стал отделять ее от уже действующих механизмов правовой (юридической) экспертизы.

В подобных условиях и нормативные документы, принятые в рамках СНГ, стали выделяться и обретать очертания, свойственные странам, участникам данного содружества.

Датой создания Содружества Независимых Государств считается 8 декабря 1991 года, когда руководство Беларуси, России и Украины подписали Соглашение о его создании. В этом же месяце, 21 декабря 1991 года в Алма-Ате руководители 11 независимых государств (Азербайджан, Армения, Беларусь, Казахстан, Кыргызстан, Молдова, Россия, Таджикистан, Туркменистан, Узбекистан и Украина) подписали Протокол к названному Соглашению, в котором закреплено, что указанные страны образуют Содружество Независимых Государств на равноправных началах. Немного позже, а точнее в декабре 1993 года, Грузия приняла решение

присоединиться к СНГ, но в 2008 году передумала и реализовав все необходимые процедуры вышла из состава в 2009 году.

Среди основополагающих документов, принятых в рамках деятельности СНГ и касающихся антикоррупционной экспертизы проектов законодательства, мы предлагаем выделить следующие.

1. Модельный Закон СНГ 2003 года «Основы законодательства об антикоррупционной политике». Как мы понимаем, данный Закон первым применил и закрепил в своем понятийном аппарате конкретное определение понятию «антикоррупционная экспертиза правовых актов».

Законом в первую очередь был определен перечень отношений, правовое регулирование которых отнесено к антикоррупционной политике. Среди таких отношений, в рамках антикоррупционной экспертизы проектов законодательства, предлагается выделить следующие:

закрепление фундаментальных положений антикоррупционной политики;

определение приоритетных направлений и системы механизмов предупреждения коррупции, а также организаций, реализующих антикоррупционную политику. Полагается уместным отметить, что рассматриваемым Законом, антикоррупционная экспертиза правовых актов отнесена к одной из важнейших мер по предупреждению коррупционных правонарушений;

четкое разграничение полномочий между республиканскими, областными и местными органами управления в области реализации антикоррупционной политики;

установление и реализация антикоррупционной политики в нормотворческой деятельности.

Одними из основных задач и направлений антикоррупционной политики, в рамках нашей тематики, Закон определил:

«предупреждение коррупционных правонарушений;

мониторинг коррупциогенных факторов;

содействие правовой реформе, направленной на снижение неопределенности правовых установлений, эффективную охрану и защиту прав и свобод человека и гражданина».<sup>2</sup>

Важными для нас, но еще предстоящими к полной реализации являются и закрепленные принципы антикоррупционной политики, среди которых предлагается выделить приоритетность ме-

1 Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции от 31 октября 2003 года. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml). Дата обращения: 20.01.2023 г.

2 Модельный закон государств - участников СНГ «Основы законодательства об антикоррупционной политике». С. 3. Межпарламентской Ассамблеи государств - участников Содружества Независимых Государств. <https://iacis.ru/public/upload/files/1/158.pdf>. Дата обращения: 15.01.2023 г.



ханизмов предупреждения коррупции и нормативное закрепление антикоррупционных стандартов на уровне законодательных актов. Последнее, в свою очередь, еще раз подчёркивает необходимость разработки и принятия в нашей стране Закона «Об антикоррупционной экспертизе».

Важной составляющей для нас стало наличие в Законе отдельной статьи 14, непосредственно посвященной антикоррупционной экспертизе правовых актов, в том числе и проектов. В данной статье также подчеркивается, о чем мы упомянули в предыдущем абзаце, а именно то, что нормативное регулирование антикоррупционной экспертизы должно быть на уровне Закона государства. Также, здесь мы нашли конкретное утверждение о том, что антикоррупционная экспертиза проектов правовых это один из видов криминологической экспертизы, о которой мы говорили в Главе 1 в рамках Белорусского опыта и о котором мы более подробно остановимся чуточку позже.

Данная статья предлагает государствам участникам СНГ следующие процедуры проведения антикоррупционной экспертизы проектов нормативных правовых актов:

а) необходимость обязательного проведения экспертизы проектов законов и иных нормативных правовых актов, затрагивающих приоритетные сферы правового регулирования антикоррупционной политики. Предлагается отметить, что Республика Узбекистан преуспела в данном направлении, так как у нас антикоррупционной экспертизе подлежит каждый разработанный нормативно-правовой акт, независимо от его вида;

б) проведение официальной антикоррупционной экспертизы. При этом, в законе не указано, что понимается под официальной антикоррупционной экспертизой. Мы лишь можем предположить, что это антикоррупционная экспертиза, проводимая специально уполномоченным на это государственным органом по итогам которой представляется официальное заключение. Скорее всего, данное понятие применимо для стран, в которых проведение такой экспертизы носит не обязательный характер. Вместе с тем, закреплено, что:

«решение о проведении официальной антикоррупционной экспертизы проекта закона принимается парламентом государства или уполномоченным им органом после внесения проекта соответствующего закона в нижнюю палату Парламента до его рассмотрения в первом чтении;

решение о проведении официальной антикор-

рупционной экспертизы иных нормативных правовых актов национального уровня и их проектов принимается советом безопасности государства; решение о проведении официальной антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов и их проектов, принятых на муниципальном уровне, может быть принято уполномоченным органом местного самоуправления или субъекта государства (для федеративных государств);

решения о проведении неофициальной антикоррупционной экспертизы проектов правовых актов принимаются субъектами антикоррупционной политики самостоятельно»<sup>3</sup>.

Также важным представляется закрепленный в Законе антикоррупционный стандарт в сфере нормотворчества, целью которого является недопущение коррупциогенности в законодательстве и пресечение коррупциогенных составляющих в процессе его разработки и принятия. Данный стандарт устанавливает запрет на разработку законодательства без проведения антикоррупционной экспертизы, а также принятие правовых актов без учета результатов такой экспертизы и без конкретного закрепления механизмов их исполнения.

2. Модельный закон СНГ 2012 года «Об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов». Сферой регулирования данного Закона выступают отношения, связанные с организацией и проведением антикоррупционной экспертизы, в том числе проектов нормативных правовых актов, в государствах – участниках Содружества Независимых Государств, в целях раннего выявления и устранения коррупциогенных норм.

Документом в предельно развёрнутом виде приведены принципы антикоррупционной экспертизы проектов нормативных правовых актов, среди которых предлагается выделить следующие:

обязательность, предусматривающая недопустимость уклонения, какого либо проекта от проведения экспертизы;

оценка разработанного проекта, заключающаяся в изучении воздействия на действующее законодательство;

научная обоснованность, объективность и всесторонность экспертизы;

обязательность рассмотрения антикоррупционного заключения;

компетентность специалистов, проводящих экспертизу;

гласность, предусматривающая свободный дос-

3 Модельный закон государств - участников СНГ «Основы законодательства об антикоррупционной политике». С. 11. Официальный сайт Межпарламентской Ассамблеи государств – участников Содружества Независимых Государств. <https://iacis.ru/public/upload/files/1/158.pdf>. Дата обращения: 15.01.2023 г.



туп к результатам проводимых экспертиз;

неотвратимость ответственности лиц, уполномоченных на организацию и проведение экспертизы, а также осуществляющих контроль за качеством.

Существенно оказывающим помощь в разработке национального законодательства в области проведения антикоррупционной экспертизы проектов законодательства стало приведение конкретного перечня коррупциогенных факторов, изменение и дополнение которого возможно со стороны любого государства СНГ.

Вместе с тем, конкретного определения понятия «коррупциогенные факторы» Законом не закреплено, как утверждает известный в рассматриваемой нами области ученый Цирин А.М., сделано это предположительно по причине возможности существенного отличия с национальным законодательством стран участников.

Согласно статье 5 рассматриваемого Закона, коррупциогенные факторы были разбиты на две большие подгруппы:

«1. Коррупциогенные факторы, устанавливающие для правоприменителя необоснованно широкие пределы усмотрения или возможность необоснованного применения исключений из общих правил:

- широта дискреционных полномочий;
- определение компетенции по формуле «вправе»;
- выборочное изменение объема прав;
- чрезмерная свобода подзаконного нормотворчества;
- принятие нормативного правового акта за пределами компетенции;
- нормативные коллизии;
- заполнение законодательных пробелов при помощи подзаконных актов в отсутствие законодательной делегации соответствующих полномочий;
- отсутствие или неполнота административных процедур;
- отказ от конкурсных (аукционных) процедур.

2. Коррупциогенные факторы, содержащие неопределенные, трудновыполнимые и (или) обременительные требования к гражданам и организациям:

- наличие завышенных требований, предъявляемых к лицу, которое реализует принадлежащее ему право;
- злоупотребление органами государственной власти или органами местного самоуправления (их должностными лицами) правом заявителя;

– юридико-лингвистическая неопределенность»<sup>4</sup>.

Следует отметить, что предложенные коррупциогенные факторы взяты за основу государствами СНГ при разработке национальных методик проведения антикоррупционных экспертиз. Например, в Узбекистане до февраля 2021 года применялись эти две группы приведенных коррупциогенных факторов, при этом коррупциогенные факторы, связанные с наличием пробелов в правовом регулировании, были выделены в третью самостоятельную группу. После принятия в начале 2021 года нового порядка проведения антикоррупционной экспертизы, коррупциогенные факторы были разделены на четыре больших группы, которые включили в себя все вышеперечисленные, при этом их скомбинировали в таком порядке, который с трудом понимается лицу, непосредственно не принимавшему участие в разработке нового порядка.

Далее приводятся 5 направлений общественных отношений, которым предлагается уделять приоритетное внимание в проведении антикоррупционной экспертизы проектов:

1. Отношения между представителями государственных органов и населением, а также негосударственными организациями;

2. Экономическое законодательство в области антимонопольного регулирования; налогов; банкротства; внешнеэкономической деятельности; таможенного регулирования; валютного контроля; жилищно-коммунального хозяйства, а также жилищного и дорожного строительства; лицензирования;

3. Распределение бюджетных средств, в том числе законодательство о государственных закупках;

4. Оказание государственных услуг на бесплатной основе.

Важным для дальнейшего развития института антикоррупционной экспертизы Республики Узбекистан является приведенный перечень субъектов проведения антикоррупционной экспертизы нормативных правовых:

органы прокуратуры (Беларусь, Россия (Киргизия в проекте);

парламент (Азербайджан, Киргизия, Молдова)

Министерство юстиции, органы исполнительной власти – разработчики проектов (Армения, Таджикистан, Узбекистан, Украина, Россия, Казахстан);

иные государственные органы, органы местного самоуправления и их должностные лица (Молдова); специально уполномоченный орган (Молдова,

4 Модельный закон государств - участников СНГ «Об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов». С. 3-4. Официальный сайт Межпарламентской Ассамблеи государств – участников Содружества Независимых Государств. [https://iacis.ru/baza\\_dokumentov/modelnie\\_zakonodatelnie\\_akti\\_i\\_rekomendacii\\_mpa\\_sng/modelnie\\_kodeksi\\_i\\_zakoni/160](https://iacis.ru/baza_dokumentov/modelnie_zakonodatelnie_akti_i_rekomendacii_mpa_sng/modelnie_kodeksi_i_zakoni/160). Дата обращения: 16.01.2023 г.



Беларусь, Таджикистан);

независимая антикоррупционная экспертиза со стороны юридических и физических лиц (Казахстан, Молдова, Россия, Таджикистан, Узбекистан).

Говоря о важности, автором подразумевается наличие возможности и необходимости в дальнейшем развитии национальных механизмов проведения антикоррупционной экспертизы, в частности предлагается расширить круг субъектов проведения государственной (официальной) антикоррупционной экспертизы, уполномочив помимо Министерства юстиции, Агентство по противодействию коррупции и органы прокуратуры Республики Узбекистан.

Помимо названных основополагающих Модельных законов внимания заслуживают:

– Рекомендации по проведению антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов, утвержденные в 2012 году постановлением Межпарла-

ментской Ассамблеи государств – участников Содружества Независимых Государств.

Рекомендации представляют собой образец правил или методики по проведению антикоррупционной экспертизы всеми субъектами (государственные органы и независимые эксперты) правовых актов;

– Комментарий к модельному закону «Об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов», утвержденный в 2013 году постановлением Межпарламентской Ассамблеи государств – участников Содружества Независимых Государств;

– Модельный закон СНГ 2013 года «Об антикоррупционном мониторинге»;

– Рекомендации по проведению антикоррупционного мониторинга в государствах – участниках СНГ, утвержденные в 2013 году постановлением Межпарламентской Ассамблеи государств – участников Содружества Независимых Государств.

.....  
#  
.....



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ВАЗИРЛИК ВА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, олий таълим тизимини тубдан ўзгартириш, олий таълимда коррупцияга қарши курашишда прокуратура идоралари ва ходимларининг иштироки, вазирлик ва прокуратура ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар, таҳлиллар батафсил ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье подробно описывается работа, проведенная автором по борьбе с коррупцией и ее предотвращению в системе высшего образования Республики Узбекистан, а также радикальная трансформация системы высшего образования, участие органов прокуратуры и сотрудников в борьбе с коррупцией в высшем образовании, работа осуществляется в сотрудничестве с министерством.

**ANNOTATION.** This article describes in detail the work carried out by the author to combat corruption and prevent it in the higher education system of the Republic of Uzbekistan, as well as the radical transformation of the higher education system, the participation of the Prosecutor's office and staff in the fight against corruption in higher education, the work is carried out in cooperation with the Ministry.

**Калит сўзлар:** фан, таълим, коррупция, тизим, давлат, прокуратура, олий таълим, олий таълим муассасалари, коррупцияга қарши курашиш.

**Ключевые слова:** наука, образование, коррупция, система, государство, прокуратура, высшее образование, высшие учебные заведения, борьба с коррупцией.

**Key words:** science, education, corruption, system, state, prosecutor's office, higher education, higher educational institutions, fight against corruption.

Ҳозирги даврнинг энг катта ютуқларидан бири, шиддатли ривожланиш омили – иқтисодийнинг рақамлаштирилишидир. Бу ютуқлар айнан илм-фан ва маърифат тараққиётининг меваси-ҳосиласидир. Рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча инновацион, самарали технологиялар ҳаёти-мизга тезлик билан кириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида кўра 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш белгиланди<sup>1</sup>.

Елена Шмидтнинг таъкидлашича, таълимни ривожлантирувчи жамғармалар орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига ўқитиш, иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан

муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Шундан келиб чиқиб, Дилноза Каракетова ўз тадқиқотида, таълимнинг устуворлигини қуйидаги фармон асосида изоҳлайди. Яъни “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармоннинг 84-мақсадида: “Коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш; коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш; коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш; аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш” каби бир қатор вазифалар белгилаб ўтилганлигини таъкидлаган<sup>3</sup>.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

2 Коррупция в высшем образовании: глобальные вызовы и ответы / под редакцией Елены Денисовой-Шмидт // Глобальные перспективы высшего образования. 2020 г.

3 Каракетова Д.Ю. /Коррупциявий жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг хусусиятлари// Davlat boshqaruvi



Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумоти<sup>4</sup>га кўра, мамлакатимизда 2023 йил февраль ойи ҳолати бўйича олий ўқув юртлари сони 2019 йилга нисбатан анча юқориланганлигини кўришимиз мумкин, яъни республика бўйича олий таълим муассасалари сони жами - 199 тага етди. Шундан, университетлар 36 та, институт 47 та, академия 3 та, консерватория 1 та, нодавлат олий таълим муассасалари 55 та, филиаллар 27 та, хорижий олий таълим муассасалари филиаллари 30 тани ташкил этмоқда<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, олий таълим соҳасида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш механизмлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5729-сон фармони билан тасдиқланган олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасида белгилаб берилганлигининг ёрқин далилидир<sup>6</sup>.

Вазирликнинг маълумотида келтирилишича, мазкур белгиланган топшириқлар ижроси доирасида тизимни коррупциясиз соҳага айлантириш бўйича олий таълим тизимида бирламчи қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

биринчидан, вазирлик марказий аппаратида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими фаолияти йўлга қўйилди;

иккинчидан, 2021 йил май ойида олий таълим муассасаларида Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимлари ташкил этилди.

Мазкур бўлимга ходимларни ишга қабул қилишда бош мезон сифатида олий таълим тизимининг ўқув, илмий, маъмурий, молиявий ва иқтисодий жараёнларида қатнашган ҳамда узоқ йиллар давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилган ҳалол, меҳнатқаш ва камтарин ходимлар таркибидан малакали мутахассислардан иборат контингент шакллантирилди.

учинчидан, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходим бириктирилди.

тўртинчидан, тизимда комплаенс назоратни ўрнатиш, шунингдек бўш иш ўринларига номзодларни ишга қабул қилиш, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар бериш тартиби ҳамда давлат харидларини амалга оширишнинг очиқ ва шаффоф механизмларини ўзида ифодалаган 15 дан ортиқ ички идоравий ҳужжат халқаро стандартларга мос равишда қабул қилинди.

бешинчидан, тизимда ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича мажбуриятлар белгиланди<sup>7</sup>.

Олий таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиши жараёни янада фаоллашди. Хусусан, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларига ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш ваколати берилди. 2021 йил ноябрда киритилган ўзгартиришларга кўра<sup>8</sup>, якуний давлат аттестациясидан ўта олмаган талаба кейинги ҳар бир ўқув йилида (3 йил давомида) ўз аризасига мувофиқ, 2 мартагача имтиҳонни қайта топшириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди.<sup>9</sup>

Таълим соҳасини бошқаришда нафақат вазирлик, балки бу борада прокуратура идораларининг ҳам ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишда прокуратура органларининг тутган ўрни алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада Ўзбекистон Конституциясига мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида прокуратура бутун мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлатнинг мустақил органи ҳисобланиши, мазкур норма билан қонунларнинг устуворлиги ва қонунийликнинг таъминланиши — Ўзбекистон Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юклатилганлигини кўришимиз мумкин<sup>10</sup>.

Конституциянинг ушбу нормасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида қуйидагиларни кўришимиз мумкин. Яъни, Ўзбекистон Респуб-

sohasida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni bartaraf etish mexanizmlarini takomillashtirish masalalari” mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi tўплами// 50-бет. 2022 йил.

4 <https://edu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

5 <https://edu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

6 <https://edu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

7 <https://edu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

8 <https://edu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

9 <https://edu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

10 <https://lex.uz/acts/20596> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: 2022. –Б. 32-33.



ликаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдир, дея мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>11</sup>

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим тизимининг муҳим босқичи – олий таълим соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва қонунийликни таъминлаш ҳолати бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлилин қуйидагиларда кўриш мумкин<sup>12</sup>.

Сўнгги уч йилда олий таълим соҳасига оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. Юздан ортиқ бакалавриат ҳамда 94 та магистратура йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликларга қарамасдан, соҳада коррупция ҳолатлари, жиддий муаммо ва нуқсонлар сақланиб қолмоқда. Таҳлил натижалари, соҳада кўплаб қонун бузилишлар, олий таълим тизими бўғинларида коррупцияга кўплаб йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда<sup>13</sup>.

Олий таълим тизимида коррупцияга сабаб бўлаётган омиллар ва шарт-шароитларга тўхталадиган бўлсак, қуйидаги жараёнларни кўриш мумкин. Олий таълим тизимида талабалик сафига қабул қилиш жараёнлари тўла шаффоф эмас, уни қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш зарур. Ўқишга киритиб қўйиш важи билан 115 нафар, жумладан, 58 нафар олий ва 57 нафар ўрта махсус таълим ходими тамагирлик қилганлиги маълум бўлган.

Тизимда ижодий имтиҳон жараёнларида ҳам кўплаб суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Олий ўқув юртлари талабалари ҳам таълим жараёни билан боғлиқ турли жиноятларга қўл урмоқда. Сўнгги икки йилда 21 нафар талаба-ёшлар бундай жиноятларга аралашиб, жавобгарликка тортилганлиги ёшлар ҳуқуқий саводхонлигининг етарли даражада эмаслигини англатади. Ижтимоий соҳани текшириш ва таҳлил қилиш маълумотларига кўра, давлатимиз

раҳбарининг қарорлари билан 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб, хорижий ўқув юртлари билан ҳамкорликда талабаларни ўқитиш ва икки томонлама тан олинди-ган диплом бериш амалиёти жорий этилди. Ҳозирда 55 та олий ўқув юртида хорижий ҳамкорлар билан 83 та бакалавриат ҳамда 64 та магистратура йўналишларида кадрлар тайёрланмоқда<sup>14</sup>. Бу жараёнда ҳам турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйилмоқда, талабаларнинг билими талаб даражасида эмаслиги, талабанинг ўқув дастурларини етарли ўзлаштира олмасдан синовдан ўтишнинг қонунга зид йўллари қидириши – таълим жараёнидаги коррупциявий омиллардан бири ҳисобланишини кўрсатиб турибди.

Ваҳоланки, талабаларнинг бундай вазиятга тушиб қолишига, энг аввало, олий ўқув юртларининг замонавий ҳамда таълим тилидаги дарслик ва ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминланмаслиги сабаб бўлмоқда. Таҳлиллар, олий таълим муассасаларида ўқув режаларидаги фанларнинг 24 фоизи бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларида ўқитилаётган айрим дарслик ва ўқув қўлланмалари маънан эскириб, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сонли қарорига биноан ўқув адабиётларини янгилаб бориш учун соҳасига қараб 5 йилдан 10 йилгача муддат белгиланган<sup>15</sup>.

Ахборот-коммуникация технологияларини таълим ва имтиҳон жараёнларига жорий этишдаги сусткашликлар коррупциявий омилларни бартараф этиш ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Олий таълим муассасаларида электрон кутубхона дастурий таъминоти ишламаслиги аниқланган. Шу каби, олий таълим муассасаларининг 14 тасида электрон кутубхонадан онлайн фойдаланиш имконияти яратилмаган, 18 тасида барча фанлар бўйича электрон ресурсларни марказга жойлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмаган.

Аксарият мамлакатларда масофадан ўқитиш тизимидан кенг фойдаланилаётган бир пайтда, олий таълим муассасаларида электрон платформа орқали ўқитиш етарли жорий этилмаган. Айрим олий ўқув юртларида ҳанузгача компьютер этишмовчилигига барҳам берилмаган. Битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёни ҳам коррупциядан холи эмаслиги аниқланди<sup>16</sup>.

11 Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аxbоротномаси, 2001. 9-10-сон, -41 б. <https://lex.uz/acts/106197>

12 2022 йил 19 декабрдаги № 10.1/5-110729-22 - сонли Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг таҳлилий материалларидан фойдаланилди.

13 2022 йил 19 декабрдаги № 10.1/5-110729-22 - сонли Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг таҳлилий материалларидан фойдаланилди.

14 <https://edu.uz/uz/pages/kqq>

15 <https://edu.uz/uz/pages/kqq>

16 <https://edu.uz/uz/pages/kqq>

Таълим сифатига айрим профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ачинарлиси, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари томонидан таянч маълумоти тўғри келмаган фанлардан дарс ўтишига чек қўйилмаган. Бундай ҳолатлар барча олий ўқув юртларида учрайди ва энг оғриқли масалалардан бўлиб қолмоқда. Айни пайтда олий таълим муассасалари таълим сифатини ошириш учун талабалар ўртасида аноним сўров ўтказиш амалиётидан деярли фойдаланмаётганлиги аянчли ҳолатдир<sup>17</sup>.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларидаги илмий-тадқиқот фаолияти ҳам камчилик ва нуқсонлардан, коррупция иллатидан холи эмас. Илмий даража бериш тартиб-таомилларидаги мураккабликлар, ўринсиз талаб ва коррупциявий нормалар таълим сифатига таъсир этиши кузатилмоқда. Хусусан, илмий даражани ҳимоя қилиш учун махсус илмий нашр ва хорижий илмий журналда чет тилида илмий мақола чоп эттириш, диссертация натижаларини конференция материали тўпламларида чиқариш изланувчидан қўшимча маблағ талаб қилади.

Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг таҳлилий маълумотига кўра, сўнгги икки йилда республика бўйича 568 та фан доктори (шундан, 316 таси ёки 56 фоизи рус ва 9 таси инглиз тилида) ҳамда 1798 та фан номзоди (шундан 652 таси ёки 36 фоизи рус ва 11 таси инглиз тилида) диссертацияси ҳимоя қилинган. 2019 йилда физика-математика фанлари бўйича 23 та докторлик диссертациясининг 20 таси рус ва 3 таси инглиз тилида ҳимоя қилинган, яъни биронтаси давлат тилида ҳимоя қилинмаган. Шу каби, тиббиёт фанлари бўйича 38 та докторлик диссертациясининг 36 таси рус тилида ва атиги 2 таси ўзбек тилида, геология - минерология фанлари бўйича 16 та номзодлик диссертациясининг 15 таси рус тилида ва 1 таси ўзбек тилида ҳимоя қилинган.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолашда ҳамон эскича фикрлашдан воз кечилмаган, профессор-ўқитувчилар умумий сонини, илмий даражалилари сонига бўлиб чиқариш амалиётидан фойдаланиб келинмоқда. Илмий салоҳиятни белгилашда илмий ишланмалар натижадорлиги, илмий даражали педагог кадрларнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси каби жиҳатлар умуман ҳисобга олинмай қолинган.

Германия, Англия, Австрия, Швейцария каби Европа

давлатларидаги университетларнинг илмий салоҳияти 53-90 фоизни ташкил этса, Россияда институт ва университетларни аккредитациядан ўтказиш учун 55-60 фоиз илмий салоҳият талаб қилинади. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 34 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич 31 та олий таълим муассасасида 30 фоизга ҳам етмайди.

Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий даражали кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Хусусан, сўнгги 10 йилда олий таълим муассасаларининг докторантураларида ўқиб, диссертация ишларини ҳимоя қилмаган докторантлар ҳисоби юритилмаган<sup>18</sup>.

Оқибатда бюджет маблағлари ҳисобига ўқиган юзлаб докторантлар узоқ йиллар давомида диссертация ишларини ҳимоя қилмасдан келмоқда. Жумладан, сўнгги 5 йилда 328 нафар ёки 35,6 фоиз докторантлар диссертация ишларини белгиланган муддатни бузган ҳолда ҳимоя қилган бўлса, 401 нафари ёки 43,6 фоизи диссертация ишларини ҳимоя қилмаган.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича прокуратура ва бошқа идоралар томонидан изчил чоралар амалга оширилмоқда<sup>19</sup>.

Хусусан, олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6257-сон фармонида мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди<sup>20</sup>.

Илк бор коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупция-

17 2022 йил 19 декабрдаги № 10.1/5-110729-22 - сонли Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг таҳлилий материалларидан фойдаланилди.

18 2022 йил 19 декабрдаги № 10.1/5-110729-22 - сонли Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг таҳлилий материалларидан фойдаланилди.

19 <https://parliament.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси

20 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июндаги ПФ-6257-сон фармони билан тасдиқланган 2021-2022 йилларда Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон



га қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди<sup>21</sup>.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасига мувофиқ: “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик<sup>22</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг навбатдаги йиғилиши 2022 йилнинг 5 апрелида бўлиб ўтди. Унда давлат дастурига мувофиқ, 2022 йил Агентлик томонидан Соғлиқни сақлаш, давлат харидлари, Капитал қурилиш ва Олий таълим вазирликлари билан биргаликда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харита”лари лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, коррупциявий жиноятлар бўйича судга юборилган ишларнинг ҳар 3 тасидан бири олий таълим соҳасига тегишли эканлиги, жиноятлар аввалги йилларга нисбатан 120 фоизга ошганлиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур йиғилишда қайд этилганидек, “Йўл харита”лари лойиҳасида олий таълим тизимида фаолият шаффофлигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби бир қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди<sup>23</sup>.

Хулоса ўрнида, бугунги кунда дунё тарихидаги энг кўп сонли ёшлар авлоди яшайди. Ёшлар бебаҳо бойлик бўлиб, биз уларга сармоя киритишимиз ва уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратишимиз керак. Ёшларнинг фаоллиги коррупция жамиятга олиб келадиган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга ва шу нуқтаи назардан, GRACE<sup>24</sup> ташаббуси коррупцияга қарши курашни аниқлаш ва амалга ошириш учун асосий қадам сифатида ёшларнинг мазмунли иштироки ва имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Таклифлар: Ўзбекистонда амалга оширилаётган аксилкоррупция фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, тегишли олий таълим муассасалари ҳамда БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси билан биргаликда GRACE ташаббуси тақдимотини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларига “Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришнинг глобал ресурси ташаббуси” (GRACE) мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари тўғрисидаги маълумотларни киритиш, амалиётга татбиқ этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги кирувчи Олий таълим муассасаларини GRACE ташаббусига жалб қилиш бўйича чоралар кўриш.

Адлия вазирлиги тизимида GRACE ташаббуси бўйича волонтерлар гуруҳини ташкил қилиб, республика миқёсида GRACEнинг фаолияти бўйича доимий маълумотларни ўзбек тилига таржима қилган ҳолда ёшларга етказиб туришни амалга ошириш.

Тошкент давлат юридик университетидан республика ёшлари учун GRACE ташаббуси фаолияти ва унинг истиқболлари ҳақида доимий семинар-тренинглари ўтказиш, ўқув курсларини ташкил этиш.

Олий таълим тизимида коррупцияга қарши муроасасиз муносабатни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги кодексини жорий этиш ва унда коррупцияга қарши курашиш ички назорат – “Комплаенс назорат” тизими фаолиятини белгилаш.

Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши муроасасиз муносабатни ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Университетлар тўғрисида”ги қонунини жорий этиш ва унда “Комплаенс назорат” тизимининг самарали механизмларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

#

21 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июндаги ПФ-6257-сон фармони билан тасдиқланган 2021-2022 йилларда Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон.

22 <https://parliament.gov.uz>

23 Коррупцияга қарши курашиш Миллий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши. 05.04.2022 йил (батафсил: <https://anticorruption.uz/>)

24 GRACE ташаббуси халқаро ҳамжамиятни коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш учун педагоглар, академиклар, ёшлар ва коррупцияга қарши кураш идоралари билан ишлаш учун билим ва тажриба билан таъминладиган ташкилотдир (батафсил <https://grace.unodc.org/>)



## «THE ROLE OF INSURANCE COMPANIES IN COMPENSATING CYBERCRIME VICTIMS»

**ABSTRACTION.** This article discusses the increasing importance of insurance companies in compensating victims of cybercrime. With the rise of digital age, cybercrime has become a significant issue and its cost is projected to exceed \$8 trillion annually by 2023. The article also outlines some common types of cybercrime, including hacking, phishing, ransomware, and data breaches. Finally, the article explains various types of insurance policies available for individuals and organizations to protect themselves against the financial consequences of cybercrime, such as Cyber Liability Insurance, which provides coverage for data breaches, hacking and phishing attacks, and can cover the costs associated with responding to a cyber-attack.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье рассматривается возрастающая роль страховых компаний в возмещении ущерба жертвам киберпреступлений. С наступлением эпохи цифровых технологий киберпреступность стала серьезной проблемой, и, по прогнозам, к 2023 году ее стоимость превысит 8 триллионов долларов в год. В статье также описаны некоторые распространенные виды киберпреступлений, включая взлом, фишинг, программы-вымогатели и утечку данных. Наконец, в статье объясняются различные типы страховых полисов, доступных для частных лиц и организаций, чтобы защитить себя от финансовых последствий киберпреступлений, таких как страхование кибер-ответственности, которое обеспечивает покрытие утечек данных, хакерских и фишинговых атак и может покрывать расходы, связанные с кибератаками.

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада кибержиноятлар қурбонларига товон тўлашда суғурта компанияларининг ортиб бораётган роли муҳокама қилинади. Рақамли асрнинг кириб келиши билан кибержиноятлар ўта муҳим муаммага айланди ва ушбу жиноятлар оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарар 2023-йилга бориб йилига 8 триллион доллардан ошиши айтилган. Мақолада, шунингдек, кибержиноятларнинг баъзи кенг тарқалган турлари, жумладан, хакерлик, фишинг, товламачи дастурлар ва маълумотлар тарқатиш кабилар кўрсатилган. Ниҳоят, мақолада жисмоний шахслар ва ташкилотлар учун кибержиноятларнинг молиявий оқибатларидан ўзларини ҳимоя қилиш учун мавжуд бўлган суғурта турлари тушунтирилади. Масалан, маълумотларнинг тарқатиш, хакерлик ва фишинг ҳужумлари оқибатида етказилган зарарлар ҳамда бу билан боғлиқ бошқа харажатларни Кибер-жавобгарлик суғуртаси воситасида қоплаш масалаларига тўхталиб ўтилади.

**Key words:** cybercrime, Insurance companies, compensation, financial losses, hacking, phishing, cyber fraud, identity theft, cyber-attack, general liability insurance, third-party coverage, lawsuits, cyber insurance.

**Ключевые слова:** киберпреступление, страховые компании, компенсация, финансовые потери, хакерство, фишинг, кибермошенничество, кража личных данных, кибератака, страхование гражданской ответственности, покрытие ответственности перед третьими лицами, судебные иски, киберстрахование.

**Калит сўзлар:** кибержиноят, суғурта компаниялари, компенсация, молиявий йўқотишлар, хакерлик, фишинг, киберфирибгарлик, шахсга доир маълумотларни ўғирлаш, киберҳужум, фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, учинчи шахслар олдидаги жавобгарликни қоплаш, даъволар, киберсуғурта.

### Introduction

Cybercrime, also known as computer crime, refers to any illegal activity that involves the use of the internet or any other form of computer technology<sup>1</sup>. This can range from hacking and phishing to cyber fraud and identity theft. The rise of the digital age has resulted in a significant increase in cybercrime, with more individuals and organizations becoming victims every day.

### Importance of Insurance Companies in compensating Cybercrime Victims

Insurance companies play a critical role in compensating victims of cybercrime. With the increasing frequency and sophistication of cyber attacks, insurance coverage has become a crucial way to protect against the financial losses and other damages that can result from these crimes. Insurance companies provide financial support to victims, as well as expertise in handling cybercrime cases and speed of response, which can

be crucial in mitigating the harm caused by these crimes.

According to a report by Cybersecurity Ventures, cybercrime costs are projected to exceed \$8 trillion annually by 2023, up from \$5 trillion in 2015<sup>2</sup>. This highlights the growing importance of insurance companies in compensating cybercrime victims, as the cost of these crimes continues to escalate.

### Types of Cybercrime

Cybercrime refers to illegal activities that are committed using the internet or other forms of computer networks. The following are some of the most common types of cybercrime:

#### Hacking

Hacking refers to unauthorized access to a computer system or network with the intent to cause harm or steal sensitive information. Hackers can use various techniques, including exploiting vulnerabilities in software or using malicious code, to gain access to a

1 Cybercrime. In Wikipedia. Retrieved February 1, 2023, from <https://en.wikipedia.org/wiki/Cybercrime>

2 Cybersecurity Ventures. Cybercrime Report 2023. Retrieved February 1, 2023, from <https://cybersecurityventures.com/stats/>



system.

### **Phishing**

Phishing is a form of social engineering that involves tricking individuals into revealing sensitive information, such as passwords or credit card numbers<sup>3</sup>. This is typically done through the use of fake emails or websites that appear to be from a legitimate source, such as a bank or online retailer.

### **Ransomware**

Ransomware is a type of malicious software that encrypts a victim's files and demands payment in exchange for the decryption key<sup>4</sup>. This type of attack can result in significant financial losses and downtime for the victim, as they may be unable to access important data or systems until the ransom is paid.

### **Data breaches**

A data breach refers to the unauthorized access, use, or disclosure of sensitive information, such as financial data or personal information<sup>5</sup>. This can be the result of a number of factors, including hacking, phishing, or poor security practices within an organization.

### **Insurance Coverage for Cybercrime Victims**

One way for individuals and organizations to protect themselves against the financial consequences of cybercrime is through insurance coverage. There are various types of insurance policies available that offer protection against cyber threats, including:

#### **Cyber Liability Insurance**

Cyber liability insurance provides coverage for a range of cyber threats, such as data breaches, hacking, and phishing attacks<sup>6</sup>. This type of insurance can help cover the costs associated with responding to a cyber attack, such as hiring a forensic investigator, providing credit monitoring services to affected customers, and covering legal fees<sup>7</sup>. In addition, cyber liability insurance can also provide protection against the costs associated with repairing or replacing damaged hardware or software

and lost or stolen data<sup>8</sup>.

Organizations that handle sensitive information, such as personal data or financial information, are particularly vulnerable to cyber attacks and may benefit from cyber liability insurance. For example, a data breach could result in significant financial losses, including the cost of notifying affected customers, offering credit monitoring services, and paying legal fees to defend against any potential lawsuits. Cyber liability insurance can help cover these costs, providing organizations with a financial safety net in the event of a cyber attack.

#### **First-party Coverage**

First-party coverage refers to insurance that provides protection for the policyholder<sup>9</sup>. This type of coverage can include reimbursement for losses, such as the cost of restoring damaged data or equipment, or for income lost as a result of a cyber attack<sup>10</sup>. First-party coverage can also provide access to crisis management and communication services, which can be crucial in the aftermath of a cyber attack<sup>11</sup>.

For example, a small business that relies on its website for sales could suffer significant losses if its website were to be taken down by a cyber attack. First-party coverage could help cover the costs of repairing the website and lost income during the downtime. In addition, first-party coverage can also provide access to crisis management services, which can help the business quickly and effectively respond to the attack and minimize the potential damage.

Third-party Coverage Third-party coverage refers to insurance that provides protection for those who are not the policyholder, such as customers or business partners<sup>12</sup>. This type of coverage can provide protection against claims related to data breaches, such as claims for unauthorized access to sensitive information or for violations of privacy laws<sup>13</sup>. Third-party coverage can also provide protection against liability for damages related

3 What is Phishing?. Federal Trade Commission. Retrieved February 2, 2023, from <https://www.consumer.ftc.gov/articles/0003-phishing>

4 Understanding Ransomware. US-CERT. Retrieved February 2, 2023, from <https://www.us-cert.gov/ncas/tips/ST04-014>

5 Data Breaches: What You Need to Know. Federal Trade Commission. Retrieved February 2, 2023, from <https://www.ftc.gov/business-guidance/resources/data-breach-response-guide-business>

6 Marsh. What is Cyber Liability Insurance? Retrieved February 5, 2023, from <https://www.marshcommercial.co.uk/for-business/cyber-risks>.

7 Travelers. Cyber Liability Insurance. Retrieved February 5, 2023, from <https://www.travelers.com/cyber-insurance>

8 Beazley. What is Cyber Liability Insurance? Retrieved February 5, 2023, from <https://www.beazley.com/en-ca/products/cyber-tech-canada-english/bbr-cyber-breach-solution>

9 Chubb. What is Cyber Insurance? Retrieved February 4, 2023, from <https://www.chubb.com/us-en/business-insurance/privacy-network-security>

10 AIG. What is Cyber Insurance? Retrieved February 5, 2023, from <https://www.aig.com/business/insurance/cyber>

11 Beazley. What is Cyber Liability Insurance? Retrieved February 5, 2023, from <https://www.beazley.com/en-ca/products/cyber-tech-canada-english/bbr-cyber-breach-solution>

12 Chubb. What is Cyber Insurance? Retrieved February 6, 2023, from <https://www.chubb.com/us-en/business-insurance/privacy-network-security>

13 Beazley. What is Cyber Liability Insurance? Retrieved February 6, 2023, from <https://www.beazley.com/en-ca/products/cyber-tech-canada-english/bbr-cyber-breach-solution>

to intellectual property infringement or cyber extortion<sup>14</sup>.

For example, a retailer that experiences a data breach could be liable for damages suffered by its customers as a result of the breach. Third-party coverage could help cover the costs of defending against any claims from affected customers and paying any settlements or awards. This type of coverage can be especially important for organizations that handle sensitive information, as it can help protect against the financial consequences of a data breach.

In conclusion, insurance companies play a crucial role in compensating cybercrime victims by providing various types of coverage, such as cyber liability insurance, first-party coverage, and third-party coverage. By providing financial protection against the costs associated with responding to a cyber attack, insurance companies help organizations and individuals minimize the potential damage and protect themselves against the financial consequences of cybercrime.

#### **Challenges faced by Insurance Companies in compensating Cybercrime Victims**

**Lack of Awareness:** Insurance companies may face challenges compensating cybercrime victims due to a lack of awareness about the issue. According to a study by Accenture<sup>15</sup>, «54% of organizations do not have a cyber insurance policy, with many stating that they are simply not aware of the coverage available or the potential risks they face.» The lack of awareness about the availability of cyber insurance and the risks posed by cybercrime can make it difficult for insurance companies to effectively compensate victims and protect against losses.

**Complexity of Cybercrime:** Cybercrime can be highly complex and difficult to understand, even for those in the cybersecurity industry. According to Beazley<sup>16</sup>, «cyberattacks are becoming increasingly sophisticated and often involve multiple stages, making it difficult for organizations to detect and respond to them effectively.» This complexity can pose significant challenges for insurance companies in compensating cybercrime victims, as they must have a deep understanding of the

technical aspects of cybercrime in order to accurately assess and respond to claims.

**Limited Coverage:** Insurance companies may also face challenges compensating cybercrime victims due to limited coverage offered by some insurance policies. According to AIG<sup>17</sup>, «some insurance policies may not cover all types of cyber risks or may have exclusions for specific types of losses.» This can make it difficult for insurance companies to provide adequate protection against the financial consequences of cybercrime, as they may not be able to fully compensate victims for their losses.

**No legal regulations in Uzbekistan:** In countries like Uzbekistan where there may not be a legal framework in place to regulate the cyber insurance industry, insurance companies may face difficulties compensating cybercrime victims. Without clear regulations, insurance companies may struggle to accurately assess and respond to claims, leading to disputes and difficulties in compensating victims.

In conclusion, insurance coverage for cybercrime victims plays an important role in providing financial protection against the costs associated with responding to a cyber attack. Insurance companies can offer various types of coverage, including cyber liability insurance, first-party coverage, and third-party coverage, to help organizations and individuals minimize the potential damage and protect themselves against the financial consequences of cybercrime. Despite the challenges faced by insurance companies, such as lack of awareness, complexity of cybercrime, limited coverage, and absence of legal regulations in some countries, the future outlook for insurance companies in compensating cybercrime victims is positive. As the frequency and sophistication of cyber attacks continue to increase, the demand for insurance coverage for cybercrime victims is likely to grow, providing insurance companies with a significant opportunity to expand their business and help protect against the financial consequences of cybercrime.

#

14 AIG. What is Cyber Insurance? Retrieved February 6, 2023, from <https://www.aig.com/business/insurance/cyber>

15 Accenture. Many Organizations Remain Uninsured for Cyber Risks. Retrieved February 7, 2023, from <https://newsroom.accenture.com/news/more-than-half-of-organizations-not-effectively-defending-against-cyber-attacks-according-to-accenture-study.htm>

16 Beazley. Beazley Breach Response (BBR) Services. Retrieved February 7, 2023, from <https://www.beazley.com/en-gb/products/cyber-tech-united-kingdom/bbr-cyber-breach-solution>

17 AIG. Cyber Insurance. Retrieved February 7, 2023, from <https://www.aig.com/business/insurance/cyber>



## ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада халқ таълими соҳасида коррупцияга қарши кураш, уни юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар, халқ таълими соҳасида содир бўладиган маъмурий бошқарув муносабатлари билан боғлиқ коррупция шакллари ва кўринишлари изоҳланган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье описывается борьба с коррупцией в сфере народного образования, факторы, ее вызывающие, формы и проявления коррупции, связанные с административно-управленческими отношениями в сфере народного образования.

**ABSTRACTION.** This article describes the fight against corruption in the field of public education, the factors that cause it, the forms and manifestations of corruption associated with administrative and managerial relations in the field of public education.

**Калит сўзлар:** халқ таълими, коррупция, коррупция шакллари, кўринишлари, лицензиялаш.

**Ключевые слова:** народное образование, коррупция, формы коррупции, проявления, лицензирование.

**Key words:** public education, corruption, forms of corruption, manifestations, licensing.

Халқ таълими соҳасида содир бўладиган маъмурий бошқарув ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар шакллари ва усулларининг кенглиги, шунингдек мураккаб тузилишга эгаллиги жиҳатидан алоҳида хусусиятларга эга ҳисобланади.

Аввало, маъмурий бошқарув билан боғлиқ коррупция ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу йўналишдаги коррупцияни икки гуруҳга – сиёсий коррупция ва бевосита мактаб бошқарувидаги коррупцияга ажратиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, сиёсий коррупция тушунчасини кенгроқ талқин қилиш орқали, унга халқ таълими соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий ҳолатларни, шунингдек маҳаллий ижроия ҳокимияти (ҳокимликлар) даражасида юзага келадиган коррупцияни киритишимиз мумкин.

Мактаб таълими соҳасини бошқаришда сиёсий коррупция келтирадиган хавф-хатарлар кўлами юқорилиги жиҳатидан коррупциянинг бошқа турларидан фарқ қилади. Зеро, бундай шаклдаги коррупциявий муносабатлар, асосан, фақатгина бир нечта субъект ўртасида вужудга келмасдан, бутун бир тизим фаолиятига таъсир кўрсатади.

XIX асрда яшаб ўтган Лорд Актон (John Emerich E. Dalberg Acton)нинг машҳурликка эришишига сабабчи бўлган қуйидаги афоризми сиёсий коррупциянинг моҳиятини чуқурроқ англашимиз учун имконият беради: “Куч-қудрат коррупцияга мойил бўла-

ди, мутлақ (абсолют) куч-қудратнинг коррупцияга қўл уриши эса мутлақ ҳақиқатдир”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, ваколатлар доирасининг кенглиги ёки муҳим ваколатларга эга эканлик сиёсий коррупциянинг юзага келиши учун энг муҳим воситалардан бири ҳисобланиши билан бир қаторда уни юзага келтирувчи омил бўлиб ҳам хизмат қилади.

Халқ таълими соҳасида содир бўладиган маъмурий бошқарув муносабатлари билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар, асосан, қуйидаги шаклларда содир бўлиши мумкин:

- мактабларга лицензия бериш жараёнларидаги коррупция;
- мактабларни давлат аккредитациясидан ва аттестациядан ўтказишда коррупция;
- соҳани бошқаришга оид нотўғри қарорларни қабул қилиш (ваколатни суиистеъмол қилиш ёки малакасизлик);
- мактаб директори лавозимида тайинлашда коррупция.

Юқорида санаб ўтилганлардан дастлабки иккитаси, асосан, хусусий мактабларни очиш жараёнида юзага келади. Зеро, хусусий мактаблар давлат мактабларидан ўз фаолиятининг асосида мулкрий фойда олиш туриши билан фарқланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, хусусий мактаб очиш учун тегишли тартибда лицензия олиш талаб этилади.

2021 йилдан бошлаб лицензия олиш тартиблари

1 Lord Acton Quote Archive: power and authority (The Acton Institute for the Study of Religion and Liberty). Source: <https://www.acton.org/research/lord-acton-quote-archive>

соддалаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан лицензиялаш ва рухсатнома олиш соҳасида интерактив хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган “Лицензия” ахборот тизимлари мажмуаси (<https://licenses.uz/>) амалиётга жорий этилди. Натижада, лицензиялаш соҳасида, шу жумладан, нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялашда кўплаб коррупцион омилларнинг олди олинишига эришилди<sup>2</sup>.

Амалда умумий ўрта таълим соҳасида фаолият кўрсатиш учун тегишли ташкилотнинг умумий ва хусусий лицензия талабларига жавоб бериши талаб қилинади. Лицензия талаблари лицензия олишга даъвогар ташкилотнинг ўқув бинолари, моддий-техник базаси, шунингдек ўқитувчилар сони ва малакасига оид бир қатор талабларни ўз ичига олган<sup>3</sup>.

Фикримизча, айрим лицензия талабларининг турлича шарҳлаш мумкин бўлган жумлалар орқали ифода этилганлиги мазкур жараёнларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади. Жумладан, фаолиятни лицензиялаш паспортида келтирилган умумий ўрта таълим ташкилотининг ҳудудини кўкаламзорлаштириш талаби айнан қандай шартларни ўз ичига олиши: бино-иншоотларнинг тоза-озода бўлишини ёки айнан ер майдонига ўсимликларни экишни назарда тутадими, деган масалага аниқ ечим берилмаган.

Шунингдек, фаолиятни лицензиялаш паспортида камида 50 % ҳудудда Wi-Fi зоналар ташкил этилиши белгиланган бўлса-да, бунда ҳудуд тушунчаси ўқув муассасасининг қайси қисми (фақат ўқув биносими ёки унинг тўлиқ майдони, шу жумладан томорқа майдонлари)га нисбатан қўлланилиши аниқ белгиланмаган.

Бизнинг қонунчиликдаги юқоридагича ноаниқ талаблар коррупциоген норма ҳисобланади ва ўз-ўзидан, хусусий мактабларнинг лицензия олиши жараёнида лицензияловчи ташкилот мансабдор шахслари томонидан тамагирлик ҳаракатларининг содир этилишига сабаб бўлади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, янги ташкил этилган таълим ташкилотлари улар ташкил этилган пайдан бошлаб 5 йил муддатга аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади.

Мазкур муддат тугаганидан сўнг таълим ташкилоти навбатдаги аттестациядан ва аккредитация-

дан ўтказилади.

Давлат ва нодавлат таълим муассасаларини, шу жумладан мактабларни давлат аккредитациясидан ўтказиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

Низомга кўра таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади<sup>4</sup>.

Аттестация таълим ташкилотининг фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланади ва таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Нодавлат таълим муассасалари шаклидаги хусусий мактаблар учун аккредитациядан ўтишнинг аҳамияти шундан иборатки, лицензияга эга бўлмаган нодавлат таълим ташкилотлари томонидан берилган таълим олганлик ҳақидаги ҳужжат ҳеч қандай кучга эга бўлмайди. Масалан, мактабдан ташқари тайёрлов курсларида ўқиганлик учун берилган сертификат ёки диплом умумий ўрта таълимни олганлик фактини тасдиқламайди, шу билан бирга аккредитациядан ўтган хусусий мактаблар томонидан берилган дипломлар битирувчининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳисобланади ҳамда уларнинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим ҳужжатларини топширишга асос бўлади.

Хусусий мактабларни аккредитациядан ўтказиш жараёнида ҳам коррупциявий омиллар сақланиб қолмоқда. Бизнингча, бундай омиллар, асосан, аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ барча муҳим ваколатларнинг ягона орган – Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси қўлида тўпланганлиги, шунингдек аттестациядан ўтказиш жараёнида бевосита “контактга киришиш” имконияти мавжуд-

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6044-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4966394>

3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февраль кундаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низом ҳамда Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш паспорти // URL: <https://lex.uz/docs/5870213>

4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом // URL-manzil: <https://lex.uz/docs/4367782>



лиги билан боғлиқ<sup>5</sup>.

Фикримизча, аттестациядан ўтказиш жараёнларини имкон қадар масофадан амалга ошириш тартибини жорий этиш зарур. Бунда, аттестациядан ўтувчи ташкилот барча сўралган маълумотларни махсус тизимга юклайди. Бундан ташқари, аттестациядан ўтказиш учун тузиладиган эксперт комиссиялари таркибидаги икки нафар бир-биридан мустақил экспертлар мазкур тизим орқали масофадан туриб фаолиятни баҳолаши белгиланиши керак. Бунда, экспертларнинг баҳолари 30 фоизга ёки ундан кўпроққа фарқ қилган тақдирда, якуний баҳолаш учун бошқа бир экспертга берилади.

Масофавий аттестациянинг жорий этилиши орқали амалда мавжуд бўлган яна бир норма – “эксперт комиссияси Давлат инспекцияси томонидан тузилиб, унга Давлат инспекцияси ходими раҳбарлик қилиши” ўзининг коррупциоген норма сифатидаги хавфлилик хусусиятини йўқотади деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан ташқари, халқ таълими соҳасида юзага келиши мумкин бўлган яна бир ҳолат бу – соҳани бошқаришга оид нотўғри қарорларни қабул қилишдир. Бундай қарорларни қабул қилишга икки хил омилдан бири – мансабдор шахснинг етарли малакага эга эмаслиги ёки ваколатнинг суиистеъмол қилиниши сабаб бўлиши мумкин.

Бу каби қарорлар қуйидагича мазмунда бўлиши мумкин:

– давлат ҳисобидан янги мактабларни қуришда эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларга устуворлик бермаслик ва (ёки) янги мактабга эҳтиёж бўлмаган жойда мактабларни қуриш (масалан, биринчи навбатда ўзи туғилган жойдаги мактабга бўлган эҳтиёжни қондириш);

– мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилашда тенгсизликка йўл қўйиш (масалан, юқори лавозимли раҳбарнинг турмуш ўртоғи томонидан бошқариладиган мактабга биринчи навбатда ва керагидан ортиқ пул ажратиш) ва ҳоказо.

Жак Халлак ва Мюриэль Пуассон “мактабларни хариталаштириш”да йўл қўйиладиган коррупциявий ҳолатларга алоҳида тўхталиб ўтишган. Уларнинг қайд этишимча, сайланадиган лавозимда фаолият юритаётган мансабдор шахс томонидан ўз сайловчиларига ёқиш, яъни навбатдаги сайловларда уларнинг кўпроқ овозини олиш мақсадида зарури-

ят бўлмаган ҳудудларда мактабларни қуриш ҳолатлари ҳам таълим соҳасида содир этиладиган коррупциянинг бир кўриниши сифатида эътироф этилиши лозим<sup>6</sup>.

Фикримизча, мазкур қарашга буткул қўшилиш мумкин. Сабаби, зарурият мавжуд бўлмаган ҳудудларда мактабларнинг қурилиши, биринчидан, давлат маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ҳисобланса, бошқа томондан, мактабларга зарурат бўлган ҳудудларда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Соҳада юзага келадиган яна бир коррупциявий ҳолатлардан бири мактаб директори лавозимига тайинлашдаги коррупциядир.

2021 йил 1 январдан бошлаб мактаб директорларини халқ депутатлари кенгашлари билан келишилган ҳолда тайинлаш тартиби жорий этилди. Ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг раҳбарлари эса, бир вақтнинг ўзида ҳокимларнинг маслаҳатчилари этиб белгиланди<sup>7</sup>.

Бизнингча, мактаб директорларини тайинлаш билан боғлиқ ваколатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилиши мазкур ваколатнинг жойлардаги туман (шаҳар) ҳокимлари ихтиёрига берилишини англатади. Зеро, ҳокимлар ҳам амалда, ҳам қонунан жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбари – олий мансабдор шахс ҳисобланадилар. Бу ҳолат, мактаб директорларини тайинлашда ҳокимлар томонидан таниш-билишчилик, непотизм ва пора олиш ҳолатларининг кўпайиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шу кунга қадар, расмийлар ва соҳа экспертлари томонидан мактабларнинг жойлардаги ҳокимият органларидан мустақил бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрлар бир неча маротаба билдирилган. Жумладан, Бош вазир А.Арипов 2018 йил июнь ойида Халқ таълими вазирлигининг янги раҳбарини тайинлаш тадбиридаги нутқида мактабларнинг бундан бўён ҳокимликларга бўйсунмаслиги лозимлигини маълум қилган эди<sup>8</sup>.

Шунингдек, соҳа эксперти К.Жалиловнинг фикрича, янги тартиб мактабларнинг бевосита ҳокимлар қўлига ўтишига ҳамда тизимнинг издан чиқишига сабаб бўлади<sup>9</sup>.

Фикримизча, мактаб директорини тайинлаш ва-

5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019 ва 18-қ/қ-сон қарори билан тасдиқланган Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари // <https://lex.uz/docs/4715787>

6 Hallak, J., and Poisson, M. (2007). *Corrupt schools, corrupt universities: What can be done?*. Paris: International Institute for Educational Planning.

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.11.2020 йилдаги «Ўзбекистоннинг янги ривожланиш даврида таълим ва тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-6108-сон Фармони // URL-ҳавола: <https://lex.uz/docs/5085999>

8 “Школы больше не будут подчиняться хокимиятам” // URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/06/21/education/>

9 “Ёмғирдан қочиб, дўлга тутиламизми?” // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2020/11/09/education-reform/>



колатини Тошкент шаҳри ва вилоятлар даражасидаги ҳудудий бошқармалар ихтиёрига бериш ҳамда актаб директорларининг жойлардаги ҳокимлардан тўлақонли мустақил фаолият юритиши учун кафолатларни белгилаш лозим. Шунингдек, мактаб директорлари лавозими учун мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда вазирликнинг махсус <https://ish.uzedu.uz/> порталига жойлаштириб боришни таъминлаш ҳамда номзодларни танлаб олиш жараёнларини тўлиқ онлайн кузатиб бориш орқали шаффоф танлаб олиш механизмларини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида халқ таълимида маъмурий бошқарув билан боғлиқ коррупция ҳақида тўхталдик. Эндиликда, халқ таълими соҳасида меҳнат муносабатлари билан боғлиқ коррупциявий омиллар ва уларни бартараф этишга оид чоралар тўғрисида сўз юритамиз.

Халқ таълими соҳасида меҳнат муносабатлари билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар, одатда, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- ўқитувчилар ва бошқа ходимларни ишга ёллашда коррупция;
- устама тайинлашда ва лавозимни оширишда коррупция;
- дарс соатларини тақсимлашда тенгсизликка йўл қўйиш;
- ўқитувчиларга ўтилмаган дарс учун пул тўлаш;
- ўқитувчиларни бир-бирини ўрнига дарсга мажбурлаб киритиш;
- мавжуд бўлмаган ўқитувчига иш ҳақи ҳисоблаш;
- иш ҳақидан ноқонуний ушлаб қолиш.

Бундан 20 йил олдин Берриман томонидан келтирилган юқоридагича маълумотлар бугунги кунда Ўзбекистон учун ҳалигача актуал бўлиб қолмоқда. Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган 2022 йил учун ўртача иш ҳақи оид статистик маълумотларга кўра, таълим соҳасида фаолият юритаётган ходимлар энг кам иш ҳақи олиш бўйича соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан (2,6 млн сўм) кейин иккинчи ўринда (2,7 млн сўм) қайд этилган<sup>10</sup>.

Шунингдек, ўқувчилар сонининг ўқитувчилар сонига нисбатига назар ташлайдиган бўлсак, 2021/2022 ўқув йилида 12 та ўқувчига 1 та ўқитувчи тўғри келган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2009/2010

ўқув йилида 11/1 нисбатни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин<sup>11</sup>.

Миллий даражада ўтказилган тадқиқотларда юқоридагича ҳолат, яъни мактаб ўқитувчилари сонининг йилдан-йилга камайиб кетаётганлиги мазкур касбнинг обрўи (жозибадорлиги) паст эканлиги, шунингдек ойлик иш ҳақи миқдорлари пастлиги билан изоҳланганлигини кўришимиз мумкин<sup>12</sup>.

Шу билан бирга, мактабларда ўқитувчилар салмоғининг пастлиги фақатгина юқоридагича молиявий факторлар билангина боғлаш, бизнингча, нотўғри бўлади. Мазкур муаммога мактаблардаги бўш иш ўринларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ кўплаб коррупциявий факторлар, жумладан, непотизм, фаворитизм ҳамда порахўрлик каби ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларда мактабга ишга киритиб қўйиш учун пора талаб қилганлик ҳолатлари ҳақидаги хабарларни кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан, хабарларга кўра, Косон туманидаги мактаблардан бирининг директорлари мактабга ишга қабул қилиш учун 800 доллар талаб қилган бўлса<sup>13</sup>, Жалақудуқ туманида мактаб директорлари ўқитувчидан унинг бошланғич синфлардаги дарс соатини кўпайтириб бериши эвазига 200 АҚШ доллари ҳамда 2022 йил январь ойида ишга келмаган кунлари учун жами 2 млн сўм пулларни беришини талаб қилган ҳамда мазкур директорлари ёшлар етакчисини мактабга маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинлаш эвазига 200 АҚШ доллари талаб қилган ва пулларни ўз хизмат хонасида олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган<sup>14</sup>.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг 2021 йил 9 декабрь кундаги сессиясида депутат Юлдуз Эргашева вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Қарши шаҳридаги мактабларда мактаб директорларининг фаолияти ҳамда мактабдаги коррупцион ҳолатларни ошкор қилиш мақсадида ижтимоий сўровномалар ўтказилганини маълум қилган.

Сўровнома натижаларига кўра, Қарши шаҳридаги 31-мактаб ўқитувчилари билан ўтказилган сўровномада 84 нафар ўқитувчи иштирок этиб, уларнинг 42 фоизи мактабга ишга кириш учун директорга пора берилишини билдирган бўлса, 7-мактаб ўқитувчилари мактабга ишга кириш нархи 300 АҚШ долларидан 500 АҚШ долларигача эканини билдирган<sup>15</sup>.

10 <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/34143-yuridik-shaxs-maqomiga-ega-bo-lgan-korxonon-va-tashkilotlarda-ishlovchi-xodimlarning-o-rtacha-oylik-nominal-hisoblangan-ish-haqi-2022-yil-yanvar-dekabr>

11 <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

12 Бошланғич мактабга қабул қилишда коррупция хавф-хатарини баҳолаш бўйича якуний ҳисобот. Номозали Рўзиқулов, Людмила Штайшюнайте ("Ўзбекистонда биринчи антикоррупция лабораторияларини яратиш" лойиҳаси). – Тошкент: 2022. – 68 бет.

13 Косонда мактаб директорлари пора олаётганида ушланди \ \ <https://kun.uz/23349108>

14 Яна пора, яна Андижон, яна мактаб директорлари \ \ <https://qalampir.uz/news/yana-pora-yana-andizhon-yana-maktab-direktori-55189>

15 Қашқадарёда ижтимоий сўровномада қатнашган ўқитувчиларнинг 42 фоизи ишга кириш учун директорга пора берилишини



Депутатнинг маълумот беришича, сўровномалар натижасига кўра мактабларда ходимни ишга олиш учун, ўқитувчига устама бериш учун, шунингдек, мактабга келган комиссия учун пул йиғилиши одатий ҳолга айлангани маълум бўлган.

Қарши шаҳридаги мактаб ўқитувчиларининг ёзишича, ўтган ўқув йилидаги дарс тақсимотларида бир соат дарс нархи 100 минг сўм бўлган бўлса, 2021 йилдаги дарс тақсимотларида бу нарх 300 минг сўмни ташкил қилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан эълон қилинган яна бир ҳолатга кўра, Сурхондарёда фуқародан мактаб директори лавозимига тайинлаш учун 13.000 АҚШ доллари талаб қилинган<sup>16</sup>.

Бугунги кунда соҳада кузатилаётган яна бир коррупциявий ҳолатлардан бири бу сохта диплом билан ишга киришдир.

Transparency International ташкилоти томонидан 2013 йилда таълим соҳасидаги глобал коррупция муаммоларига бағишлаб эълон қилинган ҳисоботда ўқитувчиларнинг сохта диплом билан ишга қабул қилиниши таълим олувчиларнинг сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуқларини поймол қиладиган иллат сифатида баён этилган<sup>17</sup>.

Жиззах вилоят прокуратураси томонидан 2021 йил апрель ойида берилган баёнотда айтилишича, Шароф Рашидов туман прокуратураси томонидан туман ХТБда ўтказилган текширув давомида А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат университети ва Гулистон давлат университетларида тахсил олмаган 10 нафар ўқитувчилар сохта дипломлар асосида ишлаб келаётганлиги ҳолати аниқланган<sup>18</sup>.

Бу каби ҳолатларни Тошкент вилоятининг Оҳангарон<sup>19</sup> ва Олмалиқ<sup>20</sup> туманларида ҳам аниқланганлигини кўришимиз мумкин.

Бош прокуратура томонидан эълон қилинган яна бир ҳолатга кўра, Миришкор туманидаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактабида икки нафар ўқитувчининг 20 йилдан ортиқ муддат давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан берилган сохта дипломлар

билан ишлаб келганликлари аниқланган<sup>21</sup>.

Бизнингча, юқоридаги каби ҳолатларнинг содир этилишига мактаб ходимларини ишга қабул қилишда уларнинг ҳужжатларини текширишга етарлича эътибор қаратилмаслиги сабаб бўлмоқда. Фикримизча, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида амалдаги қонунчиликка мактаб ходимларини ишга қабул қилишда уларнинг ҳужжатлари ҳақиқийлигини текшириш шартини қўйиш лозим. Бунда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини тугатганлик тўғрисидаги диплом маълумотлар базаси” (<https://diplom.edu.uz/>) имкониётларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Соҳа олимлари томонидан “арвоҳ ўқитувчилар” (“ghost-teachers”) ёхуд ишламаган ўқитувчилар учун ойлик иш ҳақи ҳисоблаш ҳолатлари ҳам мактабларда содир этилиши мумкин бўлган коррупция шаклларида бири сифатида эътироф этилади.

Жак Халлак ва Мюриэль Пуассон томонидан берилган таърифга кўра, “арвоҳ ўқитувчилар” – бу иш ҳақи рўйхатига киритилган, аммо ҳозирги вақтда ишламаётган ёки ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ўқитувчилардир. Олимларнинг малум қилишича, баҳундай ўқитувчиларнинг айримлари ҳаётда мавжуд бўлади, бироқ улар вафот этган ёки пенсияда бўлганлиги сабабли мактабда фаолият юритмайди. Шунингдек, олимлар ўқитувчилар сонинг амалда ишламайдиган ўқитувчилар ҳисобига ошириб кўрсатилиши мактабларга бюджетдан кўпроқ маблағ жалб қилиш мақсадида ҳам содир этилиши мумкинлигини қайд этишган<sup>22</sup>.

Ўзбекистонда ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган шаклдаги коррупциянинг кўплаб ҳолатлари кузатилган. Жумладан, Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида олиб борилган назорат тадбирларида аниқланишича:

1. Жиззах шаҳар 22-сонли умумтаълим мактабида ҳақиқатда ишламайдиган 11 нафар фуқаролар номига ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини, шунингдек меҳнат таътили, мукофот ва моддий ёрдам маблағларининг асоссиз ҳисобланиши ва тўлани-

маълум қилган \\<https://daryo.uz/k/2021/12/10/qashqadaryoda-ijtimoiy-sorovnomada-qatnashgan-oqituvchilarning-42-foizi-ishga-kirish-uchun-direktorga-pora-berilishini-malum-qilgan/>

16 Фуқарони мактаб интернати директори лавозимига тайинламоқчи бўлган ўринбосар ва унинг шериги кадрлар бўлими бошлиғи ушланди \\[https://t.me/Department\\_uz/1676](https://t.me/Department_uz/1676)

17 Transparency International. 2013. Global corruption report: Education \\<https://www.transparency.org/en/publications/global-corruption-report-education>

18 Ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ундан фойдаланиш \\<https://t.me/jizzaxviloyatprokuraturasi/2666>

19 Сохта диплом операцияси фош этилди \\<https://t.me/toshvilpressa/10928>

20 Сохта диплом машмашаси \\<https://hordiq.uz/2021/09/27/soxta-diplom-mashmashasi/>

21 Қалбаки дипломлар асосида йиллар давомида ишлаган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди \\<https://t.me/uzbprokuratura>

22 Hallak, J., and Poisson, M. (2007). Corrupt schools, corrupt universities: What can be done?. Paris: International Institute for Educational Planning.



ши натижасида 448,2 млн. сўм бюджет маблағлари асоссиз сарфлаб юборилган;

2. Ҳақиқатда ишламаган фуқароларга иш ҳақи ҳисоблаш йўли билан Бўз туманидаги 5-сонли умумтаълим мактабида 99,3 млн. сўм, Жарқўрғон туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабида 65,3 млн. сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилган.

3. Кегейли туманидаги 1-сон умумтаълим мактабида 54,7 млн. сўм ва Бухоро шаҳридаги 1-сон умумтаълим мактабида 31,2 млн. сўм миқдоридagi бюджет маблағлари ҳақиқатда ишга келмаган ва хизмат вазифасини бажармаган ходимларга иш ҳақи ҳисобланиши натижасида асоссиз сарфлаб юборилган<sup>23</sup>.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Сарийосиё туман бўлими томонидан аниқланган ҳолатга кўра, туман Халқ таълими бўлими ҳисобчиси тумандаги 27-сонли мактабда муқаддам ишлаб кетган 3 нафар фуқаро ва ҳақиқатда ишламаган бир нафар фуқаронинг номларига банк пластик картасини расмийлаштириб олиб, 2016-2020 йиллар давомида жами 355,3 млн. сўм бюджет маблағлари талон-торож қилинган<sup>24</sup>.

Огродзинский таълим соҳасидаги коррупциянинг яна бир шакли сифатида ўқитувчиларга улар томонидан ўтилмаган дарс учун пул тўланиши келтиради ва бундай ҳолатлар, одатда, мактаб директори даражасида содир этилишини қайд этади<sup>25</sup>.

Фикримизча, мавжуд бўлмаган ўқитувчиларга ёки ўтилмаган дарслар учун ойлик иш ҳақи ҳисобланиши ҳолатларининг асосий сабаби мазкур жараёнлар устидан доимий молиявий назоратнинг йўқлиги билан боғлиқ. Бизнингча, мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун иш ҳақи ҳисоблаш билан боғлиқ жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш, жумладан махсус платформани жорий этиш орқали дарс машғулотлари ҳар кунлик онлайн ҳисоблаб борилишини таъминлаш ҳамда тўланадиган ойлик миқдорининг ўтилган дарслар миқдори билан мувофиқлигини текшириб бориш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, халқ таълимида маъмурий бошқарув ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Хусусий мактабларни ташкил этиш учун лицензия олишдаги ноаниқ талаблар ва коррупцио-

ген нормаларни бартараф этиш лозим. Жумладан, фаолиятни лицензиялаш паспортида келтирилган умумий ўрта таълим ташкилотининг ҳудудини кўкаламзорлаштириш, камида 50 % ҳудудда Wi-Fi зоналар ташкил этиш каби турлича талқин қилиш мумкин бўлган талабларни аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Мактабларни аттестациядан ўтказиш жараёндарида коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида мазкур жараёнларни масофадан туриб махсус платформа орқали амалга оширилишини таъминлаш ва шу орқали аттестациядан ўтувчилар ва ўтказувчиларнинг ўзаро контактга киришишларига чек қўйиш лозим.

3. Мақаб директорини тайинлаш ваколатини Тошкент шаҳри ва вилоятлар даражасидаги ҳудудий бошқармалар ихтиёрига бериш ҳамда мактаб директорларининг жойлардаги ҳокимлардан тўлақонли мустақил фаолият юритиши учун кафолатларни белгилаш лозим.

4. Мактаб директори лавозими учун мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда вазирликнинг махсус <https://ish.uzedu.uz/> порталига жойлаштириб боришни таъминлаш ҳамда номзодларни танлаб олиш жараёнларини тўлиқ онлайн кузатиб бориш орқали шаффоф танлаб олиш механизмларини яратиш мақсадга мувофиқ.

5. Ўқитувчиларнинг сохта ҳужжатлар билан ишга жойлашиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, амалдаги қонунчиликка мактаб ходимларини ишга қабул қилишда уларнинг ҳужжатлари ҳақиқийлигини текшириш шартини қўйиш лозим. Бунда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини тугатганлик тўғрисидаги диплом маълумотлар базаси” (<https://diplom.edu.uz/>) имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Мавжуд бўлмаган ўқитувчиларга ёки ўтилмаган дарслар учун ойлик иш ҳақи ҳисобланиши ҳолатларининг олдини олиш учун иш ҳақи ҳисоблаш билан боғлиқ жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш, жумладан махсус платформани жорий этиш орқали дарс машғулотлари ҳар кунлик онлайн ҳисоблаб борилишини таъминлаш ҳамда тўланадиган ойлик миқдорининг ўтилган дарслар миқдори билан мувофиқлигини текшириб бориш лозим бўлади.

#

23 Молия вазирлиги катта миқдордаги бюджет маблағлари талон-торож қилинганлигини аниқлади \\<https://kun.uz/02435468>

24 Ўқитувчиларнинг 355,3 млн. сўмлик маблағларини ўзлаштирган ҳисобчи аниқланди \\<https://yuz.uz/news/oqituvchilarning-3553-mln-somlik-mablaglarini-ozlashtirgan-hisobchi-aniqlandi>

25 Ogrodzinska, T. 2001. Study on the impact of corruption on education in Poland (unpublished). Polish Children and Youth Foundation.



## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ШАКЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада фуқаролик процессида прокурор иштирокининг судга мурожаат қилиш асослари, тартиби ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье анализируются основания, порядок, и особенности участия прокурора в гражданском процессе. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование теоретической базы участия прокурора в ведении гражданских судебных дел.

**ABSTRACT.** This article analyzes the grounds, procedure, and features of the participation of the prosecutor in the civil process. As a result of the analysis, proposals are substantiated aimed at improving the theoretical basis for the participation of the prosecutor in the conduct of civil court cases.

**Калит сўзлар:** фуқаролик процесси, прокурор, даъво аризаси, прокурор ваколати, судда иштирок этиш, асослар, такомиллаштириш.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, прокурор, иск, полномочия прокурора, участие в суде, основания, совершенствование.

**Key words:** civil process, prosecutor, lawsuit, prosecutor's powers, participation in court, grounds, improvement.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1604-сонли, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг (2012) 11-сонли “Прокурорларнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсиялари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги ишларни кўрилишида прокурорнинг роли ҳақидаги суд амалиётини ўрганишга бағишланган тўплам ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар, уларда белгиланган қоидалар фуқаролик процессида прокурор иштирокини тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини такомиллаш-тиришни, уларни юқоридаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаш-тиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисми сифатида қуйидаги янги нормани киритиш таклиф қилинади:

“Ўзини мустақил равишда ҳимоя қила олмайди-ган фуқароларнинг ҳуқуқларини, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этилганида, прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этиши шарт”.

Мазкур таклифнинг киритилишини қуйидагилар билан асослаймиз:

1) ФПКнинг юқорида таклиф этилаётган нормаси прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда

иштирокининг умумий қоидасини белгилайди ва унда прокурорнинг судга даъво аризасини тақдим этиш ҳуқуқи фуқаронинг соғлиғи ҳолати, ёши ва бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга эмаслиги билан боғланмаслиги керак. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, амалдаги ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган норма деярли ишламайди ва унга зарурат ҳам мавжуд эмас. Зеро, амалиётда прокурор давлат ва жамият манфаатларида, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик судларига даъво аризалари киритиш ҳолатлари кўпчиликни ташкил этади. Масалан, 2021-2022 йилларда ҳам прокурорлар томонидан фуқаролик судларига фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб жами 1.967 (3.305) та даъво аризалари киритилган бўлса, уларнинг 166 (402) таси регресс тартибида, 278 (514) таси ерга оид қонунбузилишлари ҳақида, 74 (77) таси табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича, 190 (211) таси меҳнат муносабатлари бўйича, 302 (262) таси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, 180 (227) таси фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ёки муомала лаёқатини чеклаш ҳақида, 44 (22) таси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва 622

(1.702) таси бошқа масалалар бўйича киритилган даъво аризаларни ташкил этган.<sup>1</sup>

Таъкидлаш жоиз, ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмида белгиланган норма мамлакатимиз суд ва прокуратура органлари томонидан турли ҳудудларда турлича ёндошувга сабаб бўлмоқда. Айрим ҳудудларда прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларидаги ва бошқа масалалардаги даъво аризалари судлар томонидан эътирозсиз иш юритувига қабул қилинса, айрим ҳудудларда уларни қабул қилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

2) Мамлакатимиз ИПК ва МСИЮТКнинг прокурор иштироки билан боғлиқ тегишли моддаларида белгиланган қоидалар ва ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмида ўзаро номувофиқликлар мавжуд. Масалан, ИПКнинг 49-моддасига асосан прокурор иқтисодий судга фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб даъво аризаси (аризаси) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. МСИЮТКнинг 46-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ прокурор фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ФПКнинг 50-моддасига юқоридаги тўлдиришнинг киритилиши эса прокурорнинг учта процесуал қонунчилик ўртасидаги нормаларни мувофиқлаштиради.

3) прокурорнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқари иштирокига оид халқаро стандартларни ўрганиш ҳар бир давлатда шаклланган анъаналардан келиб чиққан ҳолда прокурор аҳолининг қийналган, муҳтож қатламлари, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларида, фуқароларнинг муҳим ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида, оммавий ҳуқуқлар ҳимоясида, жамият ва давлат манфаатларида, қонунийликни таъминлаш мақсадида фуқаролик судига даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг Вазирлар Қўмитаси томонидан 2012 йилнинг 19 сентябрида қабул қилинган (2012) 11-сонли “Прокурорларнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсияларига кўра, прокуратуранинг ушбу йўналишдаги фаолияти инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилган ҳолда амалга оширилиши ва бунда белгиланган бир қатор халқаро стандартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги қайд этилган.<sup>2</sup>

Жумладан, мазкур Тавсияларнинг 12-бандида прокурорнинг судда иш қўзғатиш ёки судда иштирок этиш ваколатлари суд процесси тарафларининг тенг ҳуқуқлилик принципига таҳдид солмаган ҳолда амалга оширилиши, 14-бандида прокурорнинг судга қадар текширишни ўтказиш ваколатлари қонун билан белгиланган бўлиши, ва уларнинг натижалари прокурорга асоссиз равишда судда имтиёз бермаслиги, 15-бандида эса шахс манфаатларида прокурор иштирок этган ишларда манфаатлари кўзланаётган шахснинг суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқининг таъминланиши лозимлиги ҳақидаги қоидалар белгиланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро ҳужжатларда прокурорнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги иштирокига оид бир қатор яна бошқа принциплар ҳам белгиланган бўлиб, кўтарилаётган таклиф ушбу халқаро стандартларга мувофиқ келади.

4) прокурорнинг судларга ариза билан мурожаат қилиши қонунчилик ижросини назорат қилиш фаолиятининг натижаси бўлиб, ушбу жараёнда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан прокурорнинг қўллаши лозим бўлган таъсир чораларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 22-моддасига асосан қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Мана шундай прокурор таъсир чораларидан бири ўтказилган текшириш натижасига кўра ушбу Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан прокурорнинг ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга протест келтириш ваколатидир.

Мазкур норманинг бешинчи қисмига кўра протест шу ҳужжатни қабул қилган орган ёки юқори турувчи орган томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиши лозим.

Бироқ, ФПКнинг амалдаги 50-моддасида прокурорнинг судга даъво аризаси киритиш ваколати тор берилган.

Кўтарилган таклиф қонунчиликда мавжуд бўлган бўшлиқни тўлдириш ҳамда қонунчиликнинг ўзида мавжуд бўлган қарама-қаршиликни бартараф этишга қаратилган.

Ўз навбатида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қо-

1 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали // [Report.bp.gov/home?4](http://Report.bp.gov/home?4)

2 Recommendation on the role of public prosecutors outside the criminal justice system // Unofficial translation into Russian Recommendation sur le rôle du ministère public en dehors du système de justice pénale Traduction non-officielle en russe // Рекомендация о роли прокуроров вне системы уголовного правосудия // © Council of Europe, original English and French versions // // <https://rm.coe.int/1680a21d04>



нуний манфаатларини судда ҳимоя қилишда прокурор иштирокига оид хорижий тажриба ва бу борада махсус тадқиқот ишларини амалга оширган олимлар прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини юқори баҳолашини эътиборга олган ҳолда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида прокурорнинг роли ва процессуал ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаш, ФПК ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ҳужжатларида прокурор иштирокини тартибга соладиган нормаларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келиш мумкин. Зеро, прокурорнинг фуқаролик ишлари бўйича судга даъво тақдим этиши борасидаги мавжуд муаммоларнинг ҳал этилиши эса назарий аҳамият касб этишдан ташқари фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий табиатини тўғри тушунишга, процесснинг бошқа иштирокчилари билан бўладиган ўзаро муносабатлари хусусиятини ҳамда процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мазмунини аниқлашга хизмат қилади.

Тадқиқот доирасида ўрганилган хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судда иштирок этиш йўналиши континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар қонунчилигида кўплаб учратиш мумкин. Ушбу давлатлар қонунчилигида белгиланишича, прокурор оммавий манфаатларни, яъни “давлат, жамият манфаатлари, шунингдек алоҳида ижтимоий тоифадаги шахслар манфаатини”<sup>3</sup> ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларида иштирок этади.

Бинобарин, аксарият Европа давлатларининг қонун ҳужжатларида прокурор фуқаролик процессида асосан оммавий ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш тенденцияси юқори. Айниқса, Ғарбий Европадаги кўпчилик давлатларда ва АҚШда прокурорлар оммавий ва давлат манфаатларини, Франция ва Италияда эса бошқа шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадидагина судга даъво тақдим эта олади. Кейинги йилларда континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлат қонунчилигида прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида иштирок этиш функцияси қисқарганлигини

кўриш мумкин. Масалан, Германияда айрим тоифадаги фуқаролик ишларидагина прокурор иштирокига йўл қўйилади.<sup>4</sup> 1998 йилнинг 1 июлидан эътиборан Германияда прокурор судларда оилавий ишларнинг кўрилишида иштирок этмаяпти.

Хорижий давлатлар умумий ҳуқуқ тизимида прокуратура қонунийликни ёки одил судловни амалга ошириш жараёнида адолатлилик таъминлашини кафолатловчи орган сифатида расман тан олинмайдди. Прокурорнинг фуқаролик процессидаги функцияси оммавий манфаатларни ҳимоя қилувчи вакиллик органларининг функцияси билан ўзаро мос келади. Мазкур тизимда фуқаролик ишлари судда кўрилишида прокурорнинг давлат номидан даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этишини унинг бу тоифадаги ишлардаги иштирокининг шакли сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, АҚШда прокуратура хизмати атторней хизмати деб номланади ва давлат атторней хизматига федерация даражасида Бош атторней – Адлия вазири (U.S. Department of Justice) раҳбарлик қилади.<sup>5</sup> Унинг асосий вазифаси судларда АҚШ Хукуматининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.<sup>6</sup> Шунингдек АҚШда атторнейлик хизмати солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жарима ундириш тўғрисидаги ишларнинг судларда кўрилишида даъвогар сифатида иштирок этса, солиқ тўловчиларнинг берган даъвоси бўйича бошланган ишларга эса жавобгар сифатида жалб этилади.<sup>7</sup> АҚШда атторнейлик хизмати давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат муассасалари, уларнинг мансабдор шахслари ва хатто оддий хизматчилари томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга. Ушбу хизмат нафақат давлат манфаатларини, балки жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳам судларда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Хусусан, АҚШ қонун ҳужжатларига кўра атторнейлар судга ҳаво, сув ва сув сатҳини ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шовқинларни назорат қилиш, хавфли юкларни транспортда ташиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ даъволарни тақдим этиш (ёки махсус муассасалар ёхуд хусусий шахсларнинг бу тўғридаги талабларини қўллаб-қувватлаш) ҳуқуқига эга.<sup>8</sup>

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар қонунчилик та-

3 Здрок О.Н. Гражданский процесс зарубежных стран: Учебное пособие. –М., 2005. -108 с.

4 Давтян А.Г. Гражданское процессуальное право Германии. -М., 2000. -89 с.

5 Раевский П.А., Пархоменко С.А. Организация правоохранительной системы в некоторых федеративных странах мира // Информационно-справочные материалы. <https://komitetgi.ru/upload/iblock/538/538b9dcf40eca849375fa5f15da10d26.pdf>

6 Карпова Е. Модели прокуратуры в зарубежных странах // Закон и жизнь, №3. 2012. -52 с. [http://www. legeasiviata.in.ua / archive/2012/3/09.pdf](http://www.legeasiviata.in.ua/archive/2012/3/09.pdf)

7 Томилов Ю.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве: проблемы определения границ участия. - 71 с.

8 Здрок О.Н. Гражданский процесс зарубежных стран: Учеб. Пособие. –М., 2005. –С. 110-111.

жрибасида ҳам прокурор-нинг фуқаролик процес-  
сидаги иштироки доирасини, айниқса, фуқаролар-  
нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя  
қилиш ҳамда иқтисодий фаолият соҳасидаги вако-  
латлари чекланганлигини кузатиш мумкин. Хусу-  
сан, Россия ФПКнинг 45-моддаси биринчи қисми-  
га кўра, прокурор фуқароларнинг, ҳуқуқлари, эр-  
кинликлари ва қонуний манфаатларини, номуайян  
шахслар доирасини ёки Россия Федерациясининг,  
Россия Федерацияси субъектларининг, муниципал  
тузилмаларининг манфаатларини ҳимоя қилиб су-  
дга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Фуқа-  
роларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний  
манфаатлари ҳимояси учун судга ариза прокурор  
томонидан фақат фуқаронинг соғлиғи, ёши, муо-  
малага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабаб-лар-  
га кўра ўзи мурожаат эта олмайдиган ҳолатларда  
берилиши мумкин.<sup>9</sup>

Қирғизистон Республикаси ФПКнинг 48-модда-  
сида прокурор бошқа шахсларнинг ёки номуайян  
шахслар доирасининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва  
қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳи-  
моя қилиш тўғрисида ариза билан судга мурожа-  
ат қилишга, шунингдек, агар зарур бўлса, фуқаро-  
ларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан  
қўриқланадиган манфаатларини, давлат ёки жа-  
моат манфаатларини ҳимоя қилиш орқали судда  
кўрилаётган иш бўйича аралашинишга ҳақли экан-  
лиги белгилаб қўйилган.

Фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун  
билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қи-  
лиш тўғрисидаги ариза прокурор томонидан фақат  
манфаатдор шахснинг илтимосига биноан, агар у  
узрли сабабларга кўра (соғлиғи, ёши ва бошқа са-  
бабларга кўра) судга тақдим эта олмасигина бе-  
рилиши мумкин. Муомалага лаёқатсиз фуқаролар,  
вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қи-  
лиш тўғрисидаги ариза, манфаатдор шахснинг ил-  
тимосидан қатъи назар, прокурор томонидан бе-  
рилиши мумкин.<sup>10</sup>

Фуқаролик процессида прокурор иштироки би-  
лан боғлиқ нормалар Беларусь Республикасининг  
ФПКда ҳам назарда тутилган. Таҳлиллар мазкур  
давлат қонунчилигида прокурорнинг фуқаролик  
процессидаги ваколатлари бирмунча кенгроқ бе-  
рилганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Беларусь Ре-  
спубликаси ФПКнинг 23-моддасига кўра, фуқаро-  
лик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийли-  
ги ва асослантирилганлиги юзасидан, шунингдек  
унинг ижро этилишида қонунчиликка риоя қили-

ниши устидан назоратни Беларусь Республикаси  
Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар  
амалга оширилади. Прокурор фуқаролик суд ишла-  
рини юритишнинг барча босқичида қонуннинг ҳар  
қандай бузилишига нисбатан, у ким томонидан йўл  
қўйилганлигидан қатъи назар, уни ўз вақтида бар-  
тараф этишга қаратилган қонунда назарда тутил-  
ган чораларни кўришга мажбур.

Кўриб турганимиздек, хорижий давлатларнинг  
ўрганилган фуқаролик процессуал қонунчилиги  
фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфа-  
атларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг  
судга мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини  
чеклаш баробарида фуқароларнинг айрим ижти-  
моий соҳадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақ-  
садида судга мурожаат қилишида имкониятлар  
яратмоқда. Фуқаролик суд ишларини юритишда  
прокурор иштирокини тартибга солувчи мамлака-  
тимиз фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари-  
нинг кейинги босқичдаги ривожланиш тенденция-  
си шуни кўрсатмоқдаки, ўрганилган аксарият чет  
эл давлатларининг фуқаролик процессуал қонун-  
чилиги каби агар фуқаро соғлиғининг ҳолати, ёши  
ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари,  
эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан  
ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор  
фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва  
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза  
билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги  
белгилаб қўйилди (ФПКнинг 50-моддаси). Муқад-  
дам мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонун-  
чилигида (46-модда) бу каби чекловлар назарда  
тутилмаган эди. Прокурорнинг фуқаролик про-  
цессида иштирок этиши, унинг ушбу жараёндаги  
процессуал ҳуқуқий ҳолати ва бу каби янгиликлар  
мамлакатимиз қонунчилигида ҳам прокурорнинг  
фуқаролик процессида иштирок этиш ваколатла-  
рини тартибга солиш йўналиши бошланганлиги-  
ни кўрсатади. Шу ўринда ҳуқуқшунос олимлардан  
А.Ю.Рожков фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний  
манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида проку-  
рорнинг судга мурожаат қилиш борасида қонун-  
чиликда назарда тутилган чекловларнинг аҳами-  
ятига тўхталиб, прокурорнинг судга даъво ариза-  
си билан мурожаат қилиши борасидаги ҳаддан  
ташқари кенг ваколатларнинг берилиши фуқаро-  
лик суд ишларини юритишнинг муҳим принципла-  
ридан бири бўлмиш тарафларнинг эркин ҳуқуқ-  
лилиги, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенг-  
лиги принципларининг бузилишига олиб келиши

9 Россия Федерациясининг 2002 йил 14 ноябрдаги 138-ФЗ-сонли Фуқаролик процессуал кодекси // [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru)

10 Қирғизистон Республикасининг 2017 йил 25 январдаги Фуқаролик процессуал кодекси // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111521?cl=ru-ru>



мумкин деб таъкидлайди.<sup>11</sup> Дарҳақиқат, бизнинг фикримизча ҳам фуқаролик суд ишларини юриштиш жараёнида прокурор ваколатларининг тартибга солиниши моддий ҳуқуқий муносабат субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясига эътиборсизроқ муносабатда бўлишлари олдини олади, фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга мансабдор шахсларнинг ўринсиз аралашувига чек қўяди. Зеро, қонунда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан суд орқали ҳимоя

қилиши учун кенг имкониятлар яратилган. Қолаверса, айрим фуқаролар прокурор орқали фуқаролик ишларини қўзғатишда бошқа мақсадларни, хусусан, суд харажатларини тўламаслик, суд муҳокамасида прокурорнинг обрўсидан фойдаланиш каби муддаони кўзлашлари ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам прокурорнинг бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина судга мурожаат қилишга ҳақли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

#

11 Рожков А.Ю. Необходимость и целесообразность участия прокурора в гражданском и арбитражном процессе // Вестник Воронежского института МВД России, №2, 2014. -58 с.



Ш.АМИНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги  
академиясининг ўқитувчиси

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИНИНГ МАДАНИЯТИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида замонавий профессионал ички ишларнинг хизматини ташкеил этишга оид муаммолар таҳлил этилади. Шу билан бирга жамият тараққиётида ички ишлар ходимларининг маънавий-ахлоқий фазилатлари, уларнинг ўз касбига бўлган муносабати ва масъулиятида яратилган ҳуқуқий базада кодекнинг аҳамияти ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье анализируются проблемы, связанные с организацией современной профессиональной службы внутренних дел в результате реформ, проводимых в системе органов внутренних дел. При этом подчеркивается значение правового кодекса, обусловленный морально-этическими качествами сотрудников органов внутренних дел, их отношением к своей профессии и ответственности в развитии общества.

**ABSTRACT.** The article analyzes the problems associated with the organization of a modern professional internal affairs service as a result of reforms carried out in the system of internal affairs bodies. At the same time, the importance of the legal code is emphasized, due to the moral and ethical qualities of employees of the internal affairs bodies, their attitude to their profession and responsibility in the development of society.

**Калит сўзлар:** Жамият ҳаётида ижтимоий тартиб, ички ишлар хизматининг профессионаллашуви, ходимнинг маънавий-ахлоқий имиджи.

**Ключевые слова:** Социальное устройство в жизни общества, профессионализация службы внутренних дел, морально-нравственный облик сотрудника.

**Key words:** The social structure in the life of society, the professionalization of the internal affairs service, the moral character of the employee.

### Кириш

Дунё халқларининг барқарор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий тараққиётини таъминлаш мураккаб даврга қириб, БМТ аъзо давлатларнинг ижтимоий ҳаётида барқарор хавфсизликни таъминлаш учун бир қатор халқаро шартнома ва келишувлар, айниқса, “Барқарор тараққиёт-2030” (Ионханнасбург) дастурини қабул қилди. Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлаш учун жамоат тартибини сақлашда “полиция-патрул хизмати” зарурияти сақланиб қолаётганлигини эътироф этди. Айни вақтда Ўзбекистон ҳукумати “Маърифат ва диний толерантлик” БМТ резолюцияси бўйича таклифи ҳам ижтимоий тараққиёт борасида жаҳон ҳамжамиятини эътиборини қозонди.

Жаҳон суд-ҳуқуқ тизими инсон ҳуқуқи ва эркинлиги, фуқаролик муносабатларининг ижтимоий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ахборотлашган жамиятда кибер жиноятларнинг ўсиши ижтимоий тартиб ва хавфсизликни таъминлашда мураккаблашув, транснационал уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйилмоқда. МДХ давлатларида ижтимоий тартиб ва барқарор хавфсизлик муаммоларига оид ўқув машгулот ва касбий малага ошириш дастурларини амалга оширмоқда.

Шу маънода республикада ижтимоий тартиб, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш муоммолари фаол ўрганилмоқда.

Жамият тараққиётида ички ишлар ходимларининг касбий-сиёсий маданияти муаммоси жамиятда демократик институтлар ривожига муҳим масалалар билан уйғундир. Шу маънода Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар “Инсон манфаати - олий қадрият”, “Халқнинг розилиги”ни олиш ҳар бир давлат хизматчисининг фаолият меъёрига айланиши, адолатли ижтимоий давлат қурилиши мақсадларига бўйсундирилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши билан бирга ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шарт-шароитини таъминлаш борасида “...Биз халқимизнинг ана шу орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёпмиз”, деб таъкидлади<sup>1</sup>.

### Ички ишлар тизимининг такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар

Ўзбекистон Ҳаракатлар стратегиясининг марказида ижтимоий-маданий барқарорлик, суд-ҳуқуқ,



Ички ишлар хизмати тизимини янада халқчиллигини таъминлаш устувор йўналиш бўлиб қолди. Ҳаракатлар стратегиясининг истиқболи ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ва хавфсизликни таъминлашда ички ишлар ходимларининг профессионал даражасини янада юксалтириш, жамиятни демократик эркинликлари шароитида уларнинг нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий тафаккурини ўстиришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу боисдан, Ўзбекистон ҳукуматининг “Ички ишлар ходимларининг касбий маданияти ва интизоми” ҳақида Кодекс фуқаролар сиёсий фаоллигининг ўсиши, жамоат тартибига дахл этувчи чиқиш ва муносабатларининг юз бериши ҳам ички ишлар ходимларининг фуқаролар билан муносабатларида сиёсий тафаккурини талаб этмоқда<sup>2</sup>. Бу ҳол милиция тизими ходимларнинг касбий-сиёсий профессионал талабларига бўлган талабни тадқиқ этишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўяди.

Ўзбекистон ҳукумати ички ишлар тизимининг ислоҳини шахс, жамият ва давлат муносабатларида янгилаш билан бир неча босқичда амалга оширди. Бизнинг фалсафий таҳлилларга кўра, унинг илк босқичига мустақиллик йилларидаги жамоатчилик тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнидаги илмий-назарий тажрибалар муайян замин ҳозирлаган, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга ислохотларнинг биринчи босқичини 2017 йилдан бошланганлигини эътироф этамиз. Статистик манбаларда 13 қонун, Ўзбекистон Президентининг 9 та фармони, 40 та қарори, 3 фармойиши, 115 та Ҳукумат қарорлари, 167 та идоралараро меъёрий актлар қабул қилинган<sup>3</sup>.

Ички ишлар хизматининг халқчиллигини таъминлаш учун биринчи галда бошқарув тизими жиддий оптималлаштирилган ҳолда шахсий таркиб бевосита аҳоли яшаш пунктларида жойлаштирилиши билан бирга 35-40 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пунктлари тартиботни сақлашга мослаштирилди. Шу билан бирга, ҳудди шундай милиция бўлинмалари аҳоли оммавий сайр, этиш, савдо-тижорат марказларида ҳам ўз фаолиятини бошлади. Натижада, ички ишлар хизматининг сифат даражаси ортиб, фуқароларнинг тинчлик ва олсойишталигини таъминлаш, халқнинг ички ишлар хизматида муносабатини ижобий томонга ўзгаришига эришилди. Бу ҳол аҳолининг кўпайишига нисбатан жиноятчиликни даражаси ишончли ҳолатини таъминлаш имконини яратади.

Ички ишлар тизими фаолиятида ходимларнинг меҳнат ташаббускорлиги, ўз вазифасига муносабатининг ўзгариши жиноятларни яширмаслик туфайли ходимларнинг ижтимоий тартибни сақлашдаги фидойилиги 2021 йилнинг биринчи ярмида 100 минг аҳолига нисбатан 132 та жиноятлар тўғри келди. Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ва жозибadorлигида хавфсизликни таъминлашнинг устуворлиги туфайли “хавфсиз туризм”, “пробация”, “кибер жиноятчилик”ка қарши махсус бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилди.

Ички ишлар хизматининг сифат ўзгариши ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг профилактикаси бевосита аҳоли пунктларидаги ташкили иш юритиш самарадорлигини таъминлади. Чунки, маҳалла иш юритиш объекти сифатида профилактика инспектори фаолияти 9784 нафарга етказилиб, ўртача 3,5 минг кишига тўғри келди. Уларнинг фаолиятини аҳоли турмуши билан боғлаш учун 6787 та хизмат уйлари ва автомобилларини таъминлаш йўлга қўйилди. Натижада, профилактика инспектори маҳалла раисининг ўринбосари вазифасига қўйилди. Ички ишлар тизимининг фаолиятида аёллар, хотин-қизларнинг манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун 362 нафар аёлларнинг инспекторлари иш фаолиятини бошлади. Давлат маҳаллий ҳокимият тизмига ўтиши билан ички ишлар фаолиятининг назорати ва ҳисобдорлиги ҳам ўрнатилди.

Ички ишлар тизимидаги ислохотларнинг муҳим жиҳати “жиноятга жазонинг муқаррарлиги” тамойилида иш юритиш йўлга қўйилди. Жиноятларга қарши кураш учун ҳар бир процессуал ишларни аудиовидео қайднинг мажбурийлиги белгиланиши, криминалистикадаги янгича ёндашувлар билан иш юритиш, масофали сўроқ ва мобил тергов платформалари ишга инновацион услубни қўллаш, деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга ички ишлар тизимидаги ҳар бир фуқаронинг келиши ва сўроқ, суриштирувлар тўла видео ёзувга олиниши белгиланди. Ўзбекистон Республикасида кибер жиноятчиликка қарши кураш қонунининг қабул қилиниши туфайли янги жиноят шакллари фойш қилиш учун соҳалар бўйича ихтисослашган ички ишлар хизматининг фаолияти хизмат сифатини замонавийлаштирди. Шу маънода ички ишлар тизими фаолиятини такомиллаштириш борасидаги баъзи бир қарашларни баҳсли, деб ҳисоблаймиз<sup>4</sup>.

Ички ишлар тизими “Инсон манфаатлари – олий қадрият” тамойилига ўтиши билан жазони ўташ

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон асосидаги “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва интизоми ҳақида” Кодекс // www. Lex.uz

3 Ички ишларда ислохотлар // <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tizimida-amalga-oshirilgan-islohotlar>

4 Саддинов Ш. Ф. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ички ишлар органлари тизимидаги ўзгаришлар (1991-2001 йиллар) // Science and Education №3(3) –Б.684; Пулатов Ю. С чего начинается реформирование органов внутренних дел ? // Хуқук-право-Law. 2004, 4 (28), -С. 80-84 и др.

муассасаларидаги фуқароларга муносабати ҳам жиддий либераллашиши, адвокат ва Омбудсмен билан учрашувга монеликсиз учрашув ҳуқуқи берилди. Қолаверса, уларни ижтимоий муҳофазаси учун 3000дан ортиқ видеокузатув камералари билан жиҳозланди. Ўз умрини ўтаб бўлган “Тоштурма” ва “Жаслик” каби тўрт колония фаолияти тўхтатилди. Маҳкумларнинг фуқаролик ҳуқуқлари сайлаш, пенсия таъминоти, ва ижтимоий суғурта, касбий ва тиббий ёрдам соҳасида яхшиланди. Уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш орқали ижтимоий реабилитацияси учун 144 та янги цехлар ташкил этилиб, уларга 4896та янги иш ўринларини яратилиши ижтимоий мақомини мустаҳкамлади. Соҳадаги муҳим тадбир ўз ишидан чин пушаймон бўлган 4973 нафар маҳкумни муддатидан олдин авф этилиши ҳам гуманизмининг миллий анъанаси бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Ички ишлар хизматининг сифат жиҳатидан янги босқичи Миллий гвардиянинг жамоатчилик иштирокидаги 3 босқичли патрулик хизмати, деб ҳисоблаш мумкин. Натижада, аҳоли манзилларида жамоат тартибини сақлашда 16 та “Вазиятлар маркази” фаолияти йўлга қўйилиб, белгиланган пунктларда 10000дан зиёд камера ва 8000дан ортиқ оператив чакирув тугмалари фуқароларнинг хизматига боғланди. Бу даврдаги ислохотлар туфайли “жамоат жойларида хавфсизликни “инсон омили”ни истисно этган ҳолда таъминлаш учун, йўл-патруль ва пост-патруль хизмати ходимлари 6 100та “бодикамера”, 179та алкотестер, 6 514та ҳуқуқий муаммоларни қайд этувчи планшетлар” билан таъминланиши хизмат сифатида муҳим аҳамият касб этади<sup>5</sup>. Шу каби тадбирлар автомобил йўлларида фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам ташкилий ишлар амалга оширилди. Аҳолига ишчики ишлар хизмати энг қулай ва самарали хизмат қилиши учун интерактив усулларда ҳам хизматлар уюштирилди. Автоҳаваскорларнинг талаблари ойна тусини ўзгартириш, автороқамларни олиш тартиби бўйича ҳам ўзининг ижобий ечимини топди. Фуқароларга халқаро стандарлардаги ID-карта, “биометрик” ҳужжатларнинг берилиши ҳориж сафарлари билан боғлиқ муаммоларни енгиллаштирджи. Ички ишлар хизматининг

юксак сифатли мобил алоқа ва ахборот коммуникация технологиялари билан қуроллантирилиши ҳам инновацион ишлаш имконини беради.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби ички ишлар соҳасида юксак малакали профессионал ходимларнинг фаолияти, уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, сиёсий етуклиги тизимнинг ҳалол-пок, виждонан ишлашгани таъминлайди. Бу ҳол ислохотлар тизимида Вазирликнинг Академиясида 8та йўналишда кундузги ва сиртқи таълим шаклида кадрлар тайёрлашда янги концепция қабул қилинди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ички ишлар тизимини халчиллигини таъминлашда соҳа ходимларининг юксак маънавий-ахлоқий маданияти, фуқаролар, ижтимоий гуруҳ ва ташкилотлар билан бўлган мулоқот ва муносабатда ҳалол-пок, виждонан иш юритиши, ўзининг юксак профессионал ижтимоий қиёфасини жамият олдида намойиш этиши янги қабул қилинган кодекс билан тартибга солиш вазифасини юклайди.

Иккинчидан, ички ишлар ходимларининг замонавий касбий фаолиятида жаҳон сиёсий саҳнасида бораётган воқеа ва ҳодисларни ҳушёрлик билан кузатиб бориши, жамоат тартибини сақлашда юксак сиёсий билимдонлик, диний-сиёсий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиши учун кодексни дастурий иш фолияти сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, ички ишлар ходимларининг фаолияти келгусида маҳалла ва жамоатчилик билан уйғунлашуви анъанавий фаолиятга соғлом инновацион ҳуқуқий ёндашувлар асосида фуқароларнинг мулкӣ ва номулкӣ муносабатларини оқилона ечимларини топишда ҳамкорликка қаратилади.

Тўртинчидан, милиция ходимлари ўз ваколатлари доирасида хизмат бурчи ва масъулиятини яхши англаб етиши, маҳалланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолати ва ундаги фуқаролар билан яқиндан танишиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Давлатнинг янги сиёсати фуқарони жазолаш эмас, балки уни ижтимоий фаол тўғри йўлга солиш, лекин жиноятнинг жазоси муқаррарлиги тамойилида иш юритиши кўзда тутилмоқда.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент. Ўзбекистон. 2019.
2. Мирзиёев Ш. М. Унвон, орден ва медалларни ўз эгаларига топширди // Халқ сўзи. – 2017. – 7 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон асосидаги “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва интизоми ҳақида” Кодекс // [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
4. Ички ишларда ислохотлар // <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tizimida-amalga-oshirilgan-islohotlar>
5. Пулатов Ю. С чего начинается реформирование органов внутренних дел ? // Хукук-право-Law. 2004, 4 (28), -С. 80-84.
6. Саддинов Ш. Ф. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ички ишлар органлари тизимидаги узгаришлар (1991-2001 йиллар) // Science and Education №3(3) -Б.684-690



## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КОДЕКСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ЗАРУРАТИ ВА ОМИЛЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** мақолада мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш кодексини ишлаб чиқишнинг зарурати, омиллари, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бу борадаги хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрин олган.

**АННОТАЦИЯ.** в статье рассматривается необходимость и факторы разработки Кодекса здоровья в нашей стране, совершенствования правовой базы государственного контроля в сфере здравоохранения, а также законодательный опыт зарубежных стран в этом отношении.

**ABSTRACT.** the article discusses the need and factors for the development of the Health Code in our country, improving the legal framework for state control in the field of healthcare, as well as the legislative experience of foreign countries in this regard.

**Калит сўзлар:** соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик, Соғлиқни сақлаш кодекси, қонун ижроси, миллий қонунчилик, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

**Ключевые слова:** законодательство о здравоохранении, Кодекс о здравоохранении, правоприменение, национальное законодательство, зарубежный опыт, совершенствование.

**Key words:** health legislation, Health Code, law enforcement, national legislation, foreign experience, improvement.

Ўзбекистонда фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳақида сўз борар экан, табиийки, фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасини тартибга солишга қаратилган мавжуд қонунларни Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси шаклида унификация қилишнинг ҳозирги кунда долзарб эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 18 март куни ўтказилган “Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадрини учун” мавзусидаги очиқ мулоқотда таниқли олимлар ва халқаро экспертларни жалб қилиб, Соғлиқни сақлаш кодексини ишлаб чиқишнинг вақт-соати келганлигини, бу муҳим ҳужжатда тиббиёт ходимлари ҳамда беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари илғор хорижий тажриба асосида, қайта кўриб чиқиши, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилиши ҳамда фуқароларнинг ўз соғлиғига эътибори ва масъулиятини ошириш механизмлари жорий этилишини таъкидлаган.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига эга бўлган қонунларни қабул қилиш, уларни тизимлаштириш ва унификация қилишга қаратилган тенденция

ривожланиб бормоқда. Бу эса соғлиқни сақлаш соҳасини тартибга соладиган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга солиш ва унификация қилишнинг долзарблигини кўрсатади.

Маълумки, кодификация жараёни — бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни қайта ишлаш ва қисқартириш орқали уларнинг бирлиги таъминлаш ҳисобланади. Кодификация йўли билан эскирган норматив ҳужжатларнинг бир қисмини олиб ташлаш мумкин бўлади.

Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқ институти директори Т.Я. Хабриеванинг фикрича, айнан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонунчилик собиқ иттифоқ давридан амалда қўлланилиб келинаётган кўплаб қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилишга зарурати бўлган ва тизимлаштиришга муҳтож бўлган тармоқларидан биридир.<sup>2</sup>

Хорижий давлатлар тажрибасини шуни кўрсатадики, масалан, Қозоғистон Республикасида 2020 йил 7 июлда қабул қилинган “Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида”ги 360-ВИ-сонли кодекси<sup>3</sup>, Бошқирдистон Республикасида “Бошқирдистон Республикасининг Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги кодекси”<sup>4</sup> амал қилади.

1 Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш кодекси ишлаб чиқилади // <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/18/codex/#!>; <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-endi-tibbiyot-khodimlari-faoliyatiga-qonunga-khilof-ravishda-aralashgan-ularning-ishiga-tosqinlik-qilgan-hamda-tazhovuz-korsatgan-kimsalarga-nisbatan-qonunchilikda-alohida-mamuriy-va-zhinoij-zhavobgarlik-belgilanadi>

2 Хабриева Т.Я., Тихомиров Ю.А., Орловский Ю.П., ред. Концепция развития российского законодательства. -М.: Городец; 2004.

3 Қозоғистон Республикасининг 2020 йил 7 июлдаги “Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида”ги 360-ВИ-сонли кодекси // <https://gcaids.kz/images/kodeks-rk-070720.pdf>

4 Бошқирдистон Республикасининг Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги кодекси // <https://base.garant.uz/>

Қозоғистон Республикасининг “Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида”ги кодекси 3 бўлим, 9 боб ва 162 та моддadan иборат. Мазкур Кодексда “Умумий қоидалар”, “Соғлиқни сақлаш соҳасида рухсат бериш ва огоҳлантириш”, “Соғлиқни сақлаш соҳасида аккредитация, аттестация ва сертификациялаш” деб номланган бўлимлар мавжуд.

Кодекснинг 5-боби бевосита соғлиқни сақлаш соҳасида давлат текшируви ва назорати билан боғлиқ масалалар ўрин олган. Ушбу бобнинг 28-моддасига кўра, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат текшируви ва назорати бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш деганда мамлакат қонунчилиги талабларига риоя этилишини ва бажарилишини текширишга, шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат текшируви ва назорати бўйича давлат сиёсатини амалга оширишга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартарафга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилиши баён этилади.

Давлат текшируви ва назорати қуйидаги соҳаларда амалга оширилади:

- 1) тиббий хизматлар (ёрдамлар) кўрсатиш;
- 2) аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш;
- 3) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомаласи билан боғлиқ масалалар.

Қозоғистон Республикасининг “Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида”ги кодексига кўра, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат назорати ушбу Кодексга ва Қозоғистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексига мувофиқ амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат назорати инспекция ва профилактика назорати шаклида амалга оширилади.

Текширув ва назорат субъектига (объектига) ташириш буюриш орқали текшириш ва профилактика назорати Қозоғистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Текширув ва назорат субъектига (объектига) бормасдан туриб профилактик назоратни амалга ошириш ушбу Кодексга ва Қозоғистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексига мувофиқ амалга оширилади (28-модда).

Қозоғистон Республикасининг “Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида”ги кодекси тиббий хизматлар (ёрдамлар) кўрсатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъмин-

лаш ҳамда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомаласи билан боғлиқ текширув ва назорат масалалари алоҳида бобларда тартибга солинган.<sup>5</sup>

Германия, Франция ва Нидерландияда каби давлатларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг мавжудлиги ва уларнинг сифатини текшириш бўйича давлат бошқаруви ва назорат тижорат суғурта тизимлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш орқали амалга оширилади. Швеция, Япония ва Австралияда давлат суғурта тизими орқали, Канада ва Буюк Британияда эса тўғридан-тўғри давлат таъминоти орқали амалга оширилади.<sup>6</sup>

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик базаси соғлиқни сақлашнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишнинг ҳуқуқий тартибга солишини белгилайдиган кўплаб қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш соҳасига доир турли даражада қабул қилинган мавжуд такрорий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва тартибга солиш зарурати мавжуд. Бу соҳадаги энг муҳим қонунлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги 265–I-сонли, 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги 415–I-сонли (2016 йил 4 январда ЎРҚ-399-сон Қонуни билан янги таҳрирда қабул қилинган), 2002 йил 30 августда қабул қилинган “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги 402–II-сонли ва 2015 йил 26 августда қабул қилинган “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги ЎРҚ-393-сонли, 2019 йил 11 мартда қабул қилинган “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-528-сонли Қонунлари.

Қолаверса, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги қонунлар: Ўзбекистон Республикасида хусусий соғлиқни сақлаш тўғрисида”, “Биоетиканинг ҳуқуқий асослари ва уни таъминлаш кафолатлари тўғрисида”, “Идоравий тиббиёт тўғрисида”, “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинмаган.

Буларнинг барчаси соғлиқни сақлаш соҳасида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги такрорланишлар ва

ru/17707476/

5 Қозоғистон Республикасининг 2020 йил 7 июлдаги “Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида”ги 360-ВИ-сонли кодекси // <https://gcaids.kz/images/kodeks-rk-070720.pdf>

6 Беляев Ю.М., Черненко Э.М. Организационно-экономическое обеспечение современных стандартов медицинских услуг в зарубежных странах / Ю.М.Беляев, Э.М. Черненко // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика. 2012. №1.



бир-бирига номувофиқ бўлган нормаларни барта-  
раф этиш зарурлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2022 йилнинг  
28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгилан-  
ган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари  
юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида 7  
та йўналишни ўз ичига олган Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси ва-  
киллари билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифа-  
ларни амалга оширишга доир “йўл харитаси” ба-  
жарилишига доир чора-тадбирлар ҳар томонлама  
муҳокама қилинди, аниқ вазифалар белгилаб олин-  
ган эди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палата-  
сига Соғлиқни сақлаш ҳамда Адлия вазирликлари  
билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Соғ-  
лиқни сақлаш кодексининг концепциясини ишлаб  
чиқиш вазифаси қўйилди. Соғлиқни сақлаш соҳасига  
доир Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности  
ҳужжатларини ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
томонидан қабул қилинган идоравий ҳужжатларни  
инвентаризациядан ўтказиш, соғлиқни сақлаш соҳа-  
сига оид халқаро ҳужжатларни инвентаризациядан  
ўтказиш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси  
қонунчилигига имплементация қилинганлик дара-  
жасини таҳлил қилиш, соҳани тартибга солиш бўй-  
ича хорижий тажрибани ўрганиш кабилар ишчи гу-  
руҳнинг асосий вазифалари этиб белгиланган эди.

2022 йилнинг 30 декабрида Ўзбекистон Респу-  
бликасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томони-  
дан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси-  
нинг Аҳоли соғлиғини сақлаш кодекси” лойиҳаси  
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳока-  
маси порталига жойлаштирилди. Муҳокама 2023  
йилнинг 14 январига қадар давом этади.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг  
Соғлиқни сақлаш кодексини яратиш жараёнида  
мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаларини  
ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишлар-  
ини белгилаб олиш муҳим саналади. Унга кўра,  
Ўзбекистон Республикасида инсонларга хавфсиз  
муҳитни кафолатловчи қонун ҳужжатлари; соғлом  
турмуш тарзини таъминлайдиган ва касалликлар-  
нинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари;  
фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва тиббий ёрдам  
олиш ҳуқуқларини кафолатловчи қонун ҳужжатла-  
ри; тиббиёт ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбу-  
риятларини белгиловчи қонун ҳужжатлари; мам-  
лакат соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва  
фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари;  
соғлиқни сақлашни молиялаштиришни тартибга  
солувчи қонун ҳужжатлари; айрим ижтимоий аҳа-  
миятга эга касалликлар ва тиббиёт соҳалари тўғри-  
сидаги қонун ҳужжатлари соғлиқни сақлаш соҳа-

ларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўна-  
лишлари сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш кодексига соғ-  
лиқни сақлаш соҳасида давлат текшируви ва назо-  
ратини амалга оширишнинг аниқ механизмларини  
белгиловчи нормалар бўлиши муҳим ҳисобланади.  
Шу мақсадда мазкур Кодексда “Соғлиқни сақлаш  
соҳасида давлат текшируви ва назорати” номли  
алоҳида бўлим киритилиши ва ушбу бўлимда соғ-  
лиқни сақлаш соҳасидаги давлат назоратининг  
асосий йўналишлари бўлиши - тиббий ёрдам кўр-  
сатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осой-  
ишталигини таъминлаш ҳамда дори воситалари ва  
тиббий буюмлар муомаласида қонун устуворлиги-  
ни таъминлаш масалаларига бағишланган алоҳида  
боблар киритилиши таклиф қилинади.

Юқорида қайд этилган бобларда эса соғлиқни  
сақлаш соҳасида давлат текшируви ва назорати-  
ни амалга оширишнинг умумий қоидалари, тиббий  
хизматлар (тиббий ёрдам) соҳасида давлат назо-  
рати, аҳолининг санитария-эпидемиология осой-  
ишталиги соҳасида давлат текшируви ва назорати,  
дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомала-  
си соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш  
механизмларини назарда тутувчи нормалар кири-  
тилиши лозим. Шунингдек, ушбу бобларда давлат  
текшируви ва назоратини амалга оширадиган ва-  
колатли органлар ва мансабдор шахслар, уларнинг  
ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тиббий хизматлар  
(тиббий ёрдам) сифатини экспертиза қилиш ва шу  
каби масалаларни тартибга солувчи нормалар бў-  
лиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Соғлиқни сақлаш кодексига соғлиқни сақлаш  
соҳасида давлат назорати ўзида нималарни ифода  
этиши ва бу борадаги давлат назоратининг соҳала-  
рини назарда тутувчи алоҳида норма киритилиши  
таклиф қилинади. Бинобарин, соғлиқни сақлаш бо-  
расидаги давлат текшируви ва назорати соғлиқни  
сақлаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қо-  
нун ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши-  
ни ва бажарилишини текширишга, шунингдек, соғ-  
лиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг  
олдини олишга, аниқлашга, уларга чек қўйишга ва  
бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ма-  
жмуи эканлиги белгиланиши керак.

Соғлиқни сақлаш кодексига юқорида тилга  
олинган назорат йўналишлари бўйича давлат тек-  
шируви ва назоратини амалга оширадиган вако-  
латли органлар ва мансабдор шахслар, уларнинг  
ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тиббий хизматлар  
(тиббий ёрдам) сифатини экспертиза қилиш ва  
шу каби масалаларни тартибга солувчи норма-  
лар алоҳида бобларда назарда тутилиши лозим.

М.РАХИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси  
Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети таянч докторантура  
мустақил изланувчиси

## ДУНЁДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада АҚШ, Буюк-Британия, Испания, Германия, Франция, Швеция каби айнан транспорт воситаларидан фойдаланиб содир этилаётган терактлар нисбатан оммалашган айрим хориж мамлакатларида, транспорт терроризмини олдини олишда қўрилаётган норматив-ҳуқуқий ва ташкилий йўналишдаги чора-тадбирлар синчковлик билан ўрганилган, ушбу таҳдидни олдини олишда ижобий натижа бераётган манзилли тадбирлар таҳлил қилинган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье подробно изучены правовые и организационные меры, принимаемые для предотвращения транспортного терроризма в некоторых зарубежных странах, где относительно популярны террористические акты с использованием транспортных средств, таких как США, Великобритания, Испания, Германия, Франция, Швеция. Анализируются адресные мероприятия, дающие положительные результаты в профилактике.

**ABSTRACT.** The article examines in detail the legal and organizational measures taken to prevent transport terrorism in some foreign countries where terrorist acts using vehicles are relatively popular, such as the USA, Great Britain, Spain, Germany, France, and Sweden. Targeted measures that give positive results in prevention are analyzed.

**Калит сўзлар:** транспорт терроризми, Европол, стратегия, зўрлик ишлатадиган экстремизм, "RAND" корпорацияси, Contest, декоратив тўсиқлар, Кентаврлар.

**Ключевые слова:** транспортный терроризм, Европол, стратегия, насильственный экстремизм, корпорация «RAND», конкурс, декоративные барьеры, Кентавры.

**Key words:** transport terrorism, Europol, strategy, violent extremism, RAND Corporation, competition, decorative barriers, Centaurs.

XXI асрнинг 21 йили ортда қолган бўлсада, бутун дунёда терроризмга қарши кураш масаласи долзарблигича қолмоқда. Сўнги икки йилда содир этилган 13 000 дан ортиқ террорчилик ҳаракатлари оқибатида 20 000 нафардан ортиқ инсон вафот этган. Маълумки, терроризмнинг амалга оширилишида турли тактик усуллар мавжуд. Ҳозирда террорчилар томонидан террористик ҳаракат содир этилишида қўлланилаётган тактик усуллар жуда оддий бўлиши билан бирга фавқулодда мураккаб ҳисобланмоқда.

Жумладан, 2014 йилдан буён ҳозирга қадар террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда транапортвоситаларидан фойдаланиш ҳолатлари жуда ҳам кўпайиб кетди. Бу усул камхаржлиги ва террорчилар учун қулайлиги билан турли террорчилик ташкилотари эътиборига тушган.

Статистик маълумотларга кўра 2015 йил бошидан 2017 йилнинг якунига қадар ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган нобарқарор давлатлардан (Ироқ, Афғонистон, Покистон, Сомали, Сурия, Нигерия) ташқари дунёда жами

77 маротаба (1417 нафар шахс ҳалок бўлган, 3326 нафари яраланган) терактлар амалга оширилган бўлиб, ушбу терактлардан 25 та (32%) ҳолат айнан транспорт воситалари ёрдамида содир этилган. Мазкур 25 та ҳолатда жами 189 (14,1%) нафар шахслар ҳалок бўлиб, 1131 (34%) нафари ярадор бўлган.

Бу усулдаги террорчилик ҳаракатларини олдини олиш учун дунё хамжамияти ва кўпалаб ривожланган давлатлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, хорижий тажрибани ўрганиш кўп, давлатларда ушбу таҳдидга қарши туриш мақсадида ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларни таҳлили билан белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, Австрия, Бразилия, Арманистон, Греция, Миср, Эрон, Кипр, Куба, Қирғизистон, Ливия, Македония, Сурия, АҚШ, Польша, Швейцария, Швеция, Венгрия, Финляндия, Хорватия каби бир қатор давлатларда терроризмга қарши кураш бўйича махсус алоҳида қонун ҳужжати қабул қилинмаган. Ушбу давлатларда терроризмга қарши кураш



масалалари жиноят қонуни доирасида амалга оширилади<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда айрим мамлакатларида замонавий босқичда транспорт воситалари ёрдамида содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар амал оширилмоқда. Хусусан:

АҚШ. Умуман олганда АҚШнинг терроризмга қарши стратегиясида, (2011) терроризмга қарши курашнинг мақсад ва вазифалари аниқ давлатлар ва минтақалар билан боғланган. АҚШнинг аксилтеррорчилик ҳаракатларининг асосий мақсади Ал-Қоидда тармоғини, унинг бўлинмалари ва тарафдорларини йўқ қилишдан иборат.

2002 йилда АҚШ Конгресси томонидан “Террористик хавфларни суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 2004 йилда эса, “Разведка тизимини ислоҳ қилиш ва терроризмнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ҳамда ушбу қонун АҚШда Терроризмга қарши миллий марказ ташкил этилиши учун туртки бўлди.

2015 йил июн ойида 2002 йилда қабул қилинган “Ички хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунга (An Act to establish the Department of Homeland Security, and for other purposes) 2899-сон ўзгартириш (A Bill to amend the Homeland Security Act of 2002 to authorize the Office for Countering Violent Extremism) киритилди.

Ушбу тузатиш асосида “зўрлик ишлатиладиган экстремизм” (“violent extremism”), яъни мафкуравий асосланган террорчилик фаолияти тушунчаси қатъий белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур тузатиш асосида АҚШ Ички хавфсизлик департаментида (The United States Department of Homeland Security) зўрлик ишлатиладиган экстремизмга қарши кураш бўйича махсус бошқарма ташкил этилди<sup>2</sup>.

Шунингдек АҚШ айнан транспорт билан боғлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган террористик ҳаракатларга қарши курашиш ўрганилганида қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан, Нью-Йорк шаҳрида амалга оширилган ҳужумдан бир ҳафта ўтиб, штатнинг қонунчилиги органи сенаторлари

томонидан, террорчиларга автомобилларни ижарага олишларини мураккаблаштиришга қаратилган “транспорт воситалари орқали инсонлар ва объектларни уриб юборишни олдини олувчи” қонун лойиҳасини таклиф қилдилар. Лойиҳага кўра, автомобилларни ижарага берувчи компания ходимлари, шубҳали ҳолатлар юзасидан ўз вақтида тезкорлик билан “қайноқ линиялар” орқали ахборот беришини таъминлаш ҳамда ходимларда, инсондаги қандай алоҳида белгилар террорчини оддий шахсдан ажратишда ёрдам бериши бўйича, тегишли тушунчаларни шакллантириш режалаштирилган<sup>3</sup>.

Сенатор Жефф Клейн бу лойиҳани янги ёндашув эканлигини таъкидлаб, илгари шундай чора-тадбирларни амалга оширилмаганидан афсусланган. Ж.Клейннинг фикрича, давлатга автомобилларни хусусий тартибда ижарага берувчи компаниялар учун шубҳали фаолият бўйича дарҳол тегишли идораларга маълум қилишнинг ягона тизимини яратиш зарур бўлади. Шу қаторда, автоном тарзда бошқарилувчи автомобиллардан фойдаланишни кенгайтириш ҳам ушбу турдаги терактларни камайишига ҳисса қўшиши мумкин дейилади<sup>4</sup>.

Буюк-Британия. Маълумки терроризм қарши курашиш йўналишида Буюк Британия ҳам катта тажрибага эга ҳисобланади. Хусусан, ушбу давлат терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг криминалогик тизими унинг ҳуқуқий асослари фақат махсус қонунлар нормаларида ўрнатилиши билан ажралиб туради. Мисол сифатида Буюк Британиянинг терроризмга қарши кураш соҳасидаги қонунчилигида “Contest” қисқартмаси билан маълум бўлган узоқ кедаякга мўлжалланган “олдини олиш”, “жиноий таъқиб этиш”, “ҳимоя” ва “тайёр бўлиш” каби терроризмга қарши тўртта йўналишни ўз ичига олувчи стратегия ишлаб чиқилган. Ушбу тўрт йўналиш, мақсадни ўз ичига олган терроризмга қарши самарали курашиш услуби бутун Европа Иттифоқи бўйлаб кенг қўлланилади<sup>5</sup>.

Таъкидлаш керак, Буюк Британияда 2000 йилда “Терроризм тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

1 Кофанов А.В. Нормативно-правовое обеспечение противодействия терроризму в странах мира: некоторые теоретические и практические аспекты // Криминологический журнал ОГУЭП. – 2008. – №1(3). – С. 34.

2 Мельшина К.Ю. Международно-правовые средства борьбы с экстремизмом: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РУДН, 2018. – С.161.

3 *Брайан Майкл Дженкинс*: Navigating the Latest Terrorism Trend // <https://www.rand.org/blog/2017/12/navigating-the-latest-terrorism-trend.html>/19.12.2017.

4 Brian M.J. Vehicular Terrorism: Weighing the Benefits, and Worth, of Prevention. // Веб-сайт – RAND corporation <https://www.rand.org/blog/2017/09/vehicular-terrorism-weighing-the-benefits-and-worth.html>. 03.09.2017;

5 EU Action Plan on combating terrorism / EU Counter-Terrorism Coordinator. – Brussels, 2011. – January. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа : <http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/10/st15/st15893-re01.en10.pdf>.

Ушбу Қонун илк маротаба терроризмнинг барча шакллари қамраб оладиган доимий қонунчилик базасини шакллантириш учун тамал тошини қўйди. 2005 йилда “Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун ва 2006 йилда ушбу қонун ўрнига “Терроризм тўғрисида”ги янги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун терроризмнинг янги таърифини киритди ва терроризмга ундаш (яъни далолат қилиш), террорчилик ташкилотлари нашрларини оммага тарқатиш ва террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек, террорчиларни тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча жиноятлар учун жавобгарликни белгилаб берди. Қонунда террорчилик фаолиятини тарғиб қилиш кенгроқ маънода талқин қилинади. Жумладан, 1(2)б-моддасига кўра, шахс ўз нашрлари ва баёнотлари учун, башарти у терроризмни оқлаш ёки адоват қўзғатиш мақсадини кўзламаган бўлса ҳам, лекин материалларни шу тарзда талқин қилиш мумкин бўлса, терроризмга ёрдам берганликда айбланиши мумкин. Ёки бўлмаса, 2(2)б- моддада террористик ҳаракатга тайёргарлик кўриш учун ишлатилган ва муҳим маълумотларни ўз ичига олган адабиётлар жинорий деб тан олинади.

Франция. Францияда терроризм учун жавобгарлик Жиноят кодекси билан бир қаторда махсус қонунларда, масалан, 1977 йилги “Терроризм учун жазо тайинлаш тўғрисидаги Европа Конвенцияни қўллаш тўғрисида”, 1986 йилги “Терроризм ҳамда давлат хавфсизлигига тажовузларга қарши кураш тўғрисида”ги қонунларда ҳам тартибга солинган. Франция Жиноят кодекси 4-китоби, 2-бўлими, 1-боби “Террористик ҳаракатлар” учун жавобгарликни белгилайди. Францияда террористик ҳаракатларга кўмаклашиш, терроризмни молиялаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланганмаган. Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик юқорида кўрсатилган қонунларда келтирилган. Шу билан бир қаторда, Франция Жиноят кодексининг 121<sup>6</sup>-моддасида юридик шахсларнинг террорчиларга, турли мақсадларда ҳар қандай ёрдам кўрсатиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Франциянинг Ницца шаҳрида 2016 йилда июль ойида содир этилган терактлардан бир йил ўтиб, 16,5 миллион еврога мўлжалланган терроризмга қарши курашиш лойиҳаси тасдиқланди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири бу туристларни транспорт воситаси ҳужумидан сақлаб қолиш. 2017 йил июнда очилган Ниццадаги

“Англия қирғоғи” ҳудуди, 20 тоннагача зарбага дош бера олувчи, таги ерга 2 метр чуқурликда ўрнатилган кучайтирилган тумбалар ҳамда пўлат трослар билан ҳимояланди.

Германия. Германияда терроризм учун жавобгарлик тўғрисидаги асосий қоидаларни бирлаштирадиган махсус қонун қабул қилинмаган. Гарчанд, Германияда 1986 йил 19 декабрда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги алоҳида Қонун қабул қилинган бўлсада, у моҳият-эътиборига кўра, Германия Жиноят кодекси ва “Германиянинг суд тизими тўғрисида”ги Қонуни нормаларини терроризмга қарши кураш эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган эди.

Германия Жиноят қонунида терроризм учун жинорий жавобгарликни назарда тутувчи асосий нормалар Жиноят кодекси Махсус қисмининг жамоат тартибига қарши жиноятларга оид VII қисмида жойлашган. Эътибор берадиган бўлсак, ГФР Жиноят кодексида “терроризм” тушунчаси белгиланмаган. Уни ишлаб чиқиш жиноят ҳуқуқи доктринаси ва суд амалиётининг вазифасидир. Шу боис ҳам, ГФР ЖК 129а-моддасида Германия парламенти фақат терроризмнинг турли хил кўринишлари бўлган жинорий ҳаракатлар рўй-хатини келтиради<sup>6</sup>.

Хусусан, ГФР ЖК 129-моддасининг 1-банди оғирқотиллик(211-модда);қотиллик(212-модда); геноцид ёхуд инсониятга қарши жиноятлар; ҳарбий жиноятлар; 239а ёки 239б-моддаларда назарда тутилган ҳолларда шахсий эркинликка қарши жиноятлар; 305а-моддада назарда тутилган жиноятларни содир этиш мақсадида гуруҳ, тўда ёки уюшма тузганлик ёки уларга аъзолик учун жавобгарликни белгилайди. Мазкур қилмишлар учун шахс бир йилдан 10 йилгача қамоқ билан жазоланади. Германия Жиноят кодексининг 129а-моддаси террорчилик ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган кенг кўламли жинорий ҳаракатлар учун жинорий жазоларни назарда тутган. Шу билан бирга, ушбу норма бўйича жинорий жавобгарлик нафақат террорчилик жамиятини тузиш ва унда иштирок этиш, балки ушбу ташкилот фаолиятини ҳар қандай шаклда фаолият кўрсатишини таъминлаш, шунингдек, одамларни улар фаолиятига жалб қилиш учун ҳам вужудга келади. ГФР ЖК 129а-моддасининг афзаллиги шундаки, у террорчилик ташкилоти фаолиятининг барча фаолият йўналишларини аниқ белгилаб беради, бу эса ушбу жиноят



таркибини бошқа турдош жиноятлардан фарқлаш имконини беради<sup>7</sup>.

Германиялик мутахассисларнинг фикрича транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларини олдини олишда, автомобилга ўрнатилган, ҳавф туғилганда мажбурий тўхташни амалга оширувчи технологик тизим яхши натижа беради. Маълум бўлишича, Европа Иттифоқининг 2012 йилги 347-сонли транспорт бошқариш қоидаларига кўра, фавқулодда тўхташ замонавий тизимини (АЕБС) синовдан ўтказиш ва техник талаблари кўрсатилган. Мазкур тизим тўқнашув бўлишидан олдин автомобиль ҳайдовчисига огоҳлантирувчи сигнал беради кейин эса автоматик тарзда мажбурий тўхташ амалга оширилади<sup>8</sup>.

Испанияда. Испаниянинг 1995 йилдаги Жиноят кодексига ушбу жиноятларга (қурол, ўқ-дориларни ёки портловчи моддаларни олиш, сотиш ва сақлаш, терроризмга) оид алоҳида V боб мавжуд. Хусусан, Испания Жиноят кодексининг 517-моддасида шундай дейилган: “Конституциявий тузумни ағдариш ёки жамоат тинчлигини жиддий равишда бузиш мақсадида қуролланган тўдалар, гуруҳлар ёки уюшмалар аъзоси бўлиб, уларга ёлланиб ёки улар билан ҳамкорлик қилиб, портлатиш, ўт қўйиш билан шуғулланса ҳамда уларнинг ҳаракатларида шахснинг ҳаётига ёки соғлиғига қасд қилиш билан боғлиқ бошқа жиноят таркиби бўлмаса, 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

2004 йилнинг 11 март куни Мадрид поездларининг портлаши мамлакат тарихидаги энг йирик портлаш бўлиб, ҳолат натижасида жами 191 нафар шахс ҳалок бўлган ва 2000 нафар шахслар жароҳат олганди. Ушбу ҳолатдан Транспорт инфратузилмасидаги ҳуқуқ-тартибот идора ходимлари сони кўпайтирилди ҳамда вокзалларда шубҳали фуқароларнинг ҳужжатларини текшириш амалиёти йўлга қўйилди.

Швеция. Ушбу турдаги терактларга қарши курашишда Швеция ҳукумати томонидан, “гео гравитация”га асосланган, шаҳарларнинг аҳоли кўп қисмларини виртуал чегараларни яратувчи технологияни қўллаш имконияти ўрганилмоқда.

Мазкур тизим, аҳолини транспорт ҳужумларидан сақлаш учун, рухсат этилмаган ҳудудларга рўйхатдан ўтмаган юк автомобилларини суқилиб киришига ва машиналарни меъёридан ортиқ тез юришларига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, швециялик амалдорларни айримлари автоном яъни ҳайдовчисиз бошқарилувчи автомобилларни амалга киритиш ҳам юқоридаги ҳолатларнинг олдини олади деб ҳисоблайдилар. Сабаби автоном автомобилларни аҳоли устига бостириб ҳайдаб боришларига халақит бериш мумкин дея ҳисобланмоқда<sup>9</sup>.

Хулоса тариқасида айтиш мумкин, бугунги кунда транспорт воситалари ёрдамида амалга оширилаётган ҳужумларнинг янада хавfli тусланаётганлиги, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва қарши курашишда норматив ҳуқуқий ҳамда ташкилий жиҳатдан барча чора тадбирларни кечиктирилмасдан кўрилиши зарурлигини аниқлаш мумкин.

Шунингдек, ушбу турдаги террорчилик таҳдидларини олдини олишда дунё мамлакатлари томонидан қуйидаги йўналишларда чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. **Хусусан:**

1. Айрим ҳуқуқий нормаларини таҳдид ўзгаришига қараб такомиллаштириш.
2. Террорчилик ҳаракатларининг амалга оширилишига жисмоний усулда қаршилиқ кўрсатувчи чора-тадбирлар (аҳоли гавжум бўлиши мумкин бўлган ҳудудларга турли декоратив тўсиқлар ўрнатиш ва бошқ.);
3. Ушбу ҳолатларни олдини олишда техника-технологияларнинг самарали имкониятларидан фойдаланиш (фавқулодда тўхташ замонавий тизимини (АЕБС), ҳамда айрим тоифадаги автомашиналарни кузатиш мақсадида GPS тизимларини жорий қилинишини кенгайтириш).
4. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг нарядлари хизматларидан фойдаланишни такомиллаштириш.

7 Миняева Т.Ф., Серебренникова А.В. Уголовная ответственность за террористическую деятельность в России и Германии // Евразийская адвокатура. – 2017. – 2(27). – С.62-68.

8 Lawrence K.Can technology stop terrorist vehicle ramming attacks? // веб-сайт - <https://readwrite.com/2017/09/01/can-technology-stop-terrorist-vehicle-ramming-attacks-tl1/09.01.2017>;

9 Брайан Майкл Дженкинс: Navigating the Latest Terrorism Trend // <https://www.rand.org/blog/2017/12/navigating-the-latest-terrorism-trend.html/19.12.2017>.



Фойдаланилган материаллар

Между красными и зелеными Как Европе бороться с терроризмом <http://lenta.ru>.

Кофанов А.В. Нормативно-правовое обеспечение противодействия терроризму в странах мира: некоторые теоретические и практические аспекты // Криминологический журнал ОГУЭП. – 2008. – №1(3). – С. 34.

Мельшина К.Ю. Международно-правовые средства борьбы с экстремизмом: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РУДН, 2018. – С.161.

Брайан Майкл Дженкинс: Navigating the Latest Terrorism Trend // <https://www.rand.org/blog/2017/12/navigating-the-latest-terrorism-trend.html/19.12.2017>.

Brian M.J. Vehicular Terrorism: Weighing the Benefits, and Worth, of Prevention. // Веб-сайт – RAND corporation <https://www.rand.org/blog/2017/09/vehicular-terrorism-weighing-the-benefits-and-worth.html>. 03.09.2017;

EU Action Plan on combating terrorism / EU Counter-Terrorism Coordinator. – Brussels, 2011. – January. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа : [http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/10/st15/st15893-re01\\_en10.pdf](http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/10/st15/st15893-re01_en10.pdf)

Серебренникова А.В. Уголовное право Германии. – М.: Юрайт, 2017.

Минязева Т.Ф., Серебренникова А.В. Уголовная ответственность за террористическую деятельность в России и Германии // Евразийская адвокатура. – 2017. – 2(27). – С.62-68.

Lawrence K. Can technology stop terrorist vehicle ramming attacks? // веб-сайт - <https://readwrite.com/2017/09/01/can-technology-stop-terrorist-vehicle-ramming-attacks-t1/>.09.01.2017;

Брайан Майкл Дженкинс: Navigating the Latest Terrorism Trend // <https://www.rand.org/blog/2017/12/navigating-the-latest-terrorism-trend.html/19.12.2017>.



## **«Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қўйидаги талаблар қўйилади:**

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

- матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



### **На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:**

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

